


83.3
Ж 80

СИЗ ДОИМО ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

2-КИТОБ



Бухоро "Хотира" маркази
Нодавлат нотижорат ташкилоти
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Бухоро вилояти бўлими

Бухоро давлат университети

СИЗ ДОИМО ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

2-китоб

Лойиҳа раҳбари ва зоя муаллифи
Юсуф Қурбонов

"Дурдона" нашриёти 2018



83.3г(5Ў)

Қ

80Қурбонов, Юсуф.

Сиз доимо қалбимиздасиз [Матн] / Ю. Қурбонов. - Бухоро :
Durdona nashriyoti, 2018. - 212 б.

КБК 83.3г(5Ў)

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
27 йиллигига бағишланади.**


“Бухоро хотира маркази” Бухоро давлат университетининг бир гуруҳ ижодкор олимлари билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл урди. Лойиҳа раҳбари ва гоя муаллифи Марказ директори Ю.Қурбонов ташаббуси билан “Сиз доимо қалбимиздасиз” мавзусида китоб чоп этилди.

Ушбу китобда ўзбек адабиёти намоёндалари Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Шариф Нурхон ҳамда ўтган асрнинг 60-йилларида турли соҳаларда фаолият юритган ижодкор ёзувчи, шоирлар хотирасини ёд олиш, улар ижодига назар ташлаш, бугунги ёшларимизни улар қолдирган бой маънавий мерос, миллий урф-одатлар, қадриятлар, юртга содиқлик намуналари руҳида тарбиялашга ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

Таҳрир гуруҳи:

Ю.Қурбонов, Ғ.Муродов, А.Қаландаров, З.Қурбонова

ISBN 978-9943-5183-2-2



*Инсон, миллат ва халқ хотира
туйғуси билан барҳаётдир.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

МУҚАДДАС ХОТИРА

Миллий мустақиллик даврида мамлакатимизда узларининг эзгу ва хайрли ишлари билан мозийда ёрқин из қолдирган тарихий шахсларнинг хотирасини абадийлаштириш, илмий, бадиий меросини нашр этиш ва оммалаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан 9 Май санасининг “Хотира ва Қадрлаш куни” деб белгиланиши, Соҳибқирон Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Баҳоуддин Нақшбанд сингари бир қатор буюк давлат арбоблари, саркарда, ислом олами ҳамда тасаввуф намояндалари юбилейларининг кенг миқёсда нишонланиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ватанимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тараққиётига оид маъруза, нутқ, мулоқот ва асарларида барча устувор соҳа ва йўналишлар қаторида Хотира ва Қадрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилаётир. Жумладан, давлатимиз раҳбари 2018 йилнинг февраль ойида Бухоро вилоятида бўлганида, меъморий обидаларни асраб-авайлаш, таъмирлаш, маҳаллий ва халқаро сайёҳлик йўналишлари дастурларига киритиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар бердилар.

Айни пайтда юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам халқ, миллат хотираси билан

боғлиқ иншларга катта эътибор билан қаралиб, бу борада изчил фаолият олиб борилмоқда. Бухоро "Хотира" Маркази ҳамда Бухоро давлат университети илмий-педагогик жамоаси ҳамкорлигида напсрга тайёрланган "Сиз доимо қалбимиздасиз" хотира китобининг иккинчи жилди мана шу эзу фаолиятнинг амалий натижаси сифатида юзага келди.

Мазкур китобда бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган уч авлод вакиллари ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳикоя қилинади. Бухоро заминида таваллуд топиб, шу муқаддас юртда яшаган, ижод қилган алломаларнинг бадий адабиёт ривожига қўшган ҳиссалари, шахс ва қалам соҳиби сифатидаги ўзига хос характер қирралари ёритилган.

Ушбу хотира китобида биринчи авлод вакиллари сифатида ижодий-бадий фаолиятлари хусусида фикр юритилган Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний миллий сўз санъатимизнинг бухок намояндалари эдилар. Улар ўз замонларида озодлик, миллий тараққиёт учун жонбозлик кўрсатиб, ҳуқуқсизлик ва истибдодга қарши маърифат мангъалани биланд кутарини орқали кескин кураш олиб бордилар.

Иккинчи авлод вакиллари II Жаҳон уруши катташчилари ҳамда фронт орти меҳнат фахрийларидир. Улар орасида жангчи шоир Султон Жура, Шариф Нурхон, Мустансим Мирасев, Санджон Алиев, Тошпўлат Ҳамид каби на сўнган ижодкорлар хусусида сўз боради.

Шунингдек, учинчи авлод вакилларида хотира китобида Фарҳод Қосимов, Неъмат Аминов, Омон Мухтор, Садриддин Салим Бухорий, Тожи Қораев, Самандар Воҳидов, Сафар Барноев, Тилак Жўра, Усмон Қўчқор каби истеъдодли шоир ва ёзувчиларнинг сермазмун ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги эсдалик ва мақолалар ўрин олган.

"Сиз доимо қалбимиздасиз" нашрининг навбатдаги китобини яратилишида БухДУ ўзбек адабиёти

кафедрасининг бир гуруҳ олимлари ва докторантларининг захматли меҳнатини ҳам айтиб ўтиш лозим. Чунки китобхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган мазкур тўпламдаги мақола ва хотираларнинг аксарияти мана шу тадқиқотчиларнинг беғараз меҳнати ва интилишлари туфайли юзага келди. Бу жиҳатдан кафедранинг меҳнатсевар ва иқтидорли профессор ва ўқитувчилардан Дармоной Ўраева, Шоира Аҳмедова, Самад Азимов, Башорат Жамилова, Лайло Шарипова ва бошқаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Университетимиз маъмурияти ушбу тўпламни чоп этиш ғояси билан чиқиб, уни йиғиш ва тартибга келтиришда жонбозлик кўрсатган фидойи инсон – Бухоро “Хотира” Маркази раҳбари Юсуф Қурбонов ҳамда китобни таҳрир қилиш, чоп этиш масъулиятини ўз зиммасига олган Садриддин Салим Бухорий номидаги масъулияти чекланган жамиятга қарашли “Дурдона” нашриёти жамоасига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Мазкур китоб мамлакатимизда кенг миқёсда режали тарзда олиб борилаётган маърифий-ахлоқий тарбия жараёнига муайян даражада ўз ҳиссасини қўшади, ёш авлод вакилларига мозийда юртимиз истиқболи ва истиқлоли учун куч ва меҳнатларини аямаган фидойи ватандошларимиз ҳаёти ҳақида янги ва қеракли маълумотлар бериб, улар тафаккурининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади, деб ўйлаймиз.

Абдуқобил ТўЛАГАНОВ,
Бухоро давлат университети
ректори, техника фанлари
доктори, профессор



СОҲИЛСИЗ УММОН ФАЗЛИ

Бадиий адабиёт оламини биз география фанига асосланиб, шартли равишда қитъа, минтақа, мамлакат ёки ўлка адабиётларига ажратамиз. Аслида у том маъноси билан бу бўлинишлар қолипига сиғмайдиган, кенг қамровли ягона оламдир. Буюк сўз санъаткорлари эса мана шу олам осмонидаги порлоқ юлдузлардир. Улар юлдузмонанд ўз нурлари билан бутун жаҳон адабиёти оламини мунаввар этадилар.

Имом Бухорий, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандларни дунёга берган табаррук замин – Бухорои шариф бундан роппа-роса 135 йил муқаддам XX аср жаҳон адабиётининг ёрқин юлдузларидан бирини дунёга берган эди. У – машҳур зулҳиссонинг адиб, комусий олим, атоқли арбоб Садриддин Саидмуродхўжа Айний эди.

Садриддин Айний Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида ўз замонасининг етук олими, валиюллоҳ, кубравия ва нақшбандия тариқатларининг машҳур шайхларидан бири Ҳазрат Мавлоно Поянда Соктарегини (Садпирегини)нинг ватани – Соктаре қишлоғида таваллуд топади. У “Мир Араб”, “Олимжон”, “Бадалбек”, “Қўқалдош” мадрасаларининг тупроғини ялаб, Бухорода хатми кутуб қилган буюкларнинг энг сўнги буюғидир. Поляк адабиётшуноси Эдмунд Бора таъбири билан айтганда, “бундан минг йил олдин Абу Али Ибн Синонини берган халқ эндиликда Садриддин Айнийни берган эди”.

Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Фазл эгаларининг фазлини фазл эгалари билади” деган маънода ҳадислари бор. Садриддин Айний шахси ва ижод фазли жаҳон фазл эгалари томонидан юксак қадрланган халқимизнинг улуг

адибидир. Садриддин Айний ижодининг фазли камолига унинг икки тилда ижод қилиши фазл қўшди. Адабиётга аввал кириб келган зулхисонайн адиб нафақат ўз ижоди билан, балки шахсий муносабатлари билан ҳам ўзбек адабиётида янги насрнинг шаклланиши ва раvнақ топишида улкан хизматлар қилди. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби истеъдодли ўзбек адиблари Садриддин Айний билан ҳамаср, ҳамкор ва яқин дўст эдилар. Улар Садриддин Айнийга “донишманд оға”, “улуғ устоз”, “муаззам мураббий” дея ҳурмат бажо келтирадилар. Зеро, Айний “Бухоро жаллодлари” (1922) асарини ўзбек тилида ёзиб, янги насрий адабиётнинг баъдий имкониятларини илк бора қалам аҳлига кўрсатиб берган устод адиблардан эди. Адибнинг бу асари ўз даврида кўпчилик ёш адибларга ҳис-туйғу ва фикрнинг янги дунёсини очиб бериб, уларни янги реалистик насрга илҳомлантирган эди. Шундан сўнг ўзбекнинг биринчи улуғ романи – Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”и (1925) чоп этилди. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” (1929) ва Садриддин Айнийнинг “Доҳунда” (1930) асари бирин-кетин дунё юзини кўрди. Бу асарлар ўзбек ва тожик адабиётида роман жанрини янги юксакликка кўтарди. Айний ва Абдулла Қодирий бошлаб берган романнавислик ҳозирга қадар турли-туман шаклларини ўзгартириб давом этмоқда.

Садриддин Айнийни тожик адабиётининг отаси ва устоди дейилишига ҳам тўла асос бор. Чунки тожик адабий тилининг бўлиш ёки бўлмаслиги – мустақиллик тақдири қил устида турган мураккаб бир паллада Садриддин Айнийнинг дониши, ақл-заковати иш беради. Шарқ маданиятининг зўр билимдони, илм-маърифат денгизининг забардаст ғаввоси, сўз заргари – Садриддин Айний тожик адабий тилининг мавжудлиги муқаррар экани ҳамда унинг форс тилидан фарқини аниқ далиллар билан

аёну баён этган эди ўшанда. Бу бир томондан бўлса, иккинчи томондан, янги тожик реалистик адабиёти, романи ўзининг маънавий ва илк тажриба мактабини айнан Айнийда ўтаган. Бу мактабда Мирзо Турсунзода, Жалол Икромий, А.Дехотий, Ф.Ниёзий, Раҳим Ҳошим, М.Миршакар каби кўплаб истеъдод соҳиблари таълим олиб, вояга етдилар. У ўзининг самимий, дўстона қўллари билан ёшларни қўлидан тутиб, адабиёт майдонига олиб кирди. Улар Айнийнинг юрак ҳароратида исиниб, адабиёт оламида нашъу намо топдилар. Яқин шогирдларидан бири Жалол Икромийнинг қуйидаги сўзлари фикримизга далилдир. У устоз адибнинг оталарча ғамхўрлигини шундай эслайди: “Устод Айний мени қўлимдан тутиб, адабиётнинг кураш майдонига олиб кирди ва бу ҳунарни тўлиқ эгаллашни менга қўлидан келгунча, бор имкони қадар ўргатди”.

Садриддин Айнийнинг икки халқ маданияти, адабиёти равнақи йўлидаги улкан хизматларини истеъдодли шоир Тилак Жўра образли мисраларда ҳаққоний ифодалаган.

*Бир оёғини қўйди ўнг соҳилга,
Бир оёғини қўйди сўл соҳилга
Бургут қанотидай қўлларин ёйиб,
Бир кўприк бўлди у иккита элга.*

Садриддин Айний ижодидаги тожикча-ўзбекча икки тиллилик (зуллисонайнлик) алоҳида хусусиятга эга. Аввало, у кўп асрли тарихга эга ўзбек-тожик адабий алоқалари ичида ривожланган Шарқ зуллисонайнлик (икки тиллилик) анъаналари бағрида шаклланди. Айни вақтда у бу анъанани янги давр воқелиги заминиди ривожлантирди. Агар Ҳамза ўз ижодида зуллисонайнликнинг мумтоз усулларидан фойдаланиш билан чекланган бўлса (икки тилда лирик шеърлар ёзиш, татаббу

битиш каби), Айний Ўрта Осиё халклари адабиёти учун янги ҳисобланган роман ва қиссачиликда ҳам буни қўлади, икки халқнинг муштарак образларини яратди.

Садриддин Айний ўз асарларини икки тилда яратиб, бу тилларнинг биридан иккинчисига уларни таржима ҳам қилган. Бу зуллисонанликнинг янги тури бўлиб, янги замонга хизмат қилди. Демак, Садриддин Айний ўз ижоди билан бошқа соҳаларда бўлгани каби бу соҳада ҳам анъанани давом эттирди ва уни янгилади. У икки тилда янги проза ёзиб, буни ўзи таржима қилди.

Агар адиб она тилидан хорижий тилга ва айни вақтда хорижий тилдан она тилига таржима этса, уни зуллисонан таржимон дейиш мумкин. Айний зуллисонан ёзувчигина эмас, зуллисонан таржимон ҳамдир. Бундайлар ўз асарларини ёки бошқа ёзувчиларнинг асарларини таржима қилиши мумкин. Масалан, Садриддин Айний “Бухоро жаллодлари” повести ва “Қуллар” романини дастлаб ўзбек тилида ёзиб, кейин уларни тожиклаштирган бўлса, “Одина”, “Дохунда”, “Эсдаликлар”, “Судхўрнинг ўлими” каби асарларини тожик тилида ёзиб, ўзбекча таржимасини ҳам ўзи амалга оширган. Шарқ зуллисонанлик анъанасида муаллифнинг ўз асари таржимаси билан шуғулланиш янгилик эди. Дарвоқе, нафақат Шарқ адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам икки тилда ижод қилувчи ёзувчилар орасида Садриддин Айнийга ўхшаб икки тилда бирдай олижаноб ва бадиий етук асарлар ёзган муаллиф-таржимонлар жуда кам учрайди. Жумладан, жаҳон адабиётида Самюэл Беккет, Р.Тагор муаллиф-таржимонларнинг номдорлари сифатида тилга олинади. С.Беккет ўз асарларини дастлаб француз тилида ёзиб, уларни инглизча таржимасини ҳам ўзи уддалаган. Машҳур ҳинд ёзувчиси Р.Тагор ҳам ўз асарларини бир тилдан иккинчи тилга ўзи таржима қилган муаллиф-

таржимонларнинг таниқлиси эди. Славян адиблари орасида ҳам (гарчанд машхур бўлмаса-да) ўз асари таржимаси билан шуғулланганлар учрайди. Шўро адабиётида Чингиз Айтматов бу адабий ҳодисани ўз ижодида юқори мақомда намоиш этди.

Икки тилда ёзиш анъанаси собиқ шўролар даври тожик ва ўзбек адабиётида бир мунча давом этган бўлса ҳам, ҳеч ким бу тарихий анъанани Садриддин Айний даражасида адабиётнинг энг авж пардаларида янграган эмас. У фақат икки халқ ёзувчисигина эмас, икки халқ олими ҳам эди. У ўзбек ва тожик мумтоз адабиёти намоёндалари ижодига бағишлаган ажойиб илмий асарлар яратди, ҳар икки халқ тарихи, тили ва адабиётининг зўр билимдони эканини кўрсатди. Машхур шарқшунос олим Е.Бертельснинг сўзларига таяниб, Садриддин Айний га ёндашадиган бўлсак, уни илм бобида ҳам бағоят улкан кашфиётлар қилган устаси фаранг фазл эгаларидан бири эканига имон келтирамиз. Садриддин Айний “Тожик тилининг изоҳли луғати” китобини ёзиб нашриётга торширади. Нашриёт уни таҳрир учун Ленинградга Е.Э.Бертельсга юборади. Е.Бертельс луғат билан танишади ва бундай муҳим, бағоят оғир ишни ундан бўлак ҳеч ким уддалай олмаслигини, унинг китоби дуру гавҳарлардан иборат бир хазина экани хусусида мактуб битиб, Садриддин Айний га юборади. Ундан шундай жумлалар ўрин олган: “Ўртоқ Зингернинг илтимосига кўра мен бу китобни таҳрир қилишим керак эди. Менинг бу таҳририм чоп қилиш пайтида йўл қўйилган хатоларни бартараф қилишдан нарига ўтмаслигига ишончим комил эди. Чунки менинг тожик тили соҳасидаги маълумотим Сизнинг маълумотингиз олдида худди етти яшар боланинг маълумоти билан Ибн Сино маълумоти кабидир. Сиз нима ёзган бўлсангиз, мен тасдиқлашим лозим, бу ерда ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас”. Буюк фазл эгаси Е.Бертельснинг ушбу

жумлаларининг ўзидек Садриддин Айнийнинг олимлик фазлини баҳолаш учун етарли деб ўйламайман.

Атоқли адибнинг зуллистонайлик маҳорати биргина ўз асарлари таржимасида эмас, бошқа ёзувчиларнинг асарлари таржимасида ҳам кўзга ташланади. У француз ёзувчиси Фердинанд Дюшеннинг “Қамар” асарини З.Баширийнинг ўзбекча таржимасидан тожик тилига ўгирди. Айнийнинг бу тилларни мукамал даражада билиши француз адиби асарининг мазмуни ва ғоясини ўз китобхонига осон ва тез етиб боришини таъминлаган. Ўзбекча таржимада мавжуд баъзи русча қолипдаги ғализ жумлаларни Айний тузатиб, оммафаҳм, содда тилда ўгирган. У публицист ёзувчи М.Булленинг “Инқилобий курашларда хотин-қизлар” асарини ҳам таржима қилади. Саидризо Ализода томонидан тожик тилига ўтирилган Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романини таҳрир қилиб нашр эттирди.

XX асрнинг биринчи ярмига келганда Ўрта Осиё адабиётида насрнинг шакл-шамойили борган сари такомиллашиб борди ва санъат асари деб айтишимизга тўла имкон берадиган янги асарлар юзага кела бошлади. Садриддин Айний ана шу давр романнавислигини санъат даражасига кўтарган муаззам ёзувчилардан эди. Айнан ана шу фазли уни замондошларидан ажратиб, адабиётда таъсир қилишда бениҳоя катта ўрин тутишига олиб келди. Айтиш мумкинки, биргина тожик ёки ўзбек адабиётида эмас, бутун бир минтақада – Ўрта Осиёда янги даврнинг янги адабиётини шакллантиришда бадиий сўз устаси Садриддин Айнийнинг таъсири сезилади. Туркман адиби Берди Кербобоев бу ҳақда шундай мулоҳаза юритади: “Ўзининг безавол ижоди билан ёшларимизни замон руҳида тарбиялайди. Мен уни Тожикистон, Ўзбекистон, Туркменистон экинзорларини ўзининг ҳаётбахш суви билан сероб айлаётган Амударёга ўхшатаман...”. “Айний

нафақат тожик адабиётининг отаси ва устоди, балки Ўрта Осиё адабиётининг ҳам отаси ва устодидир”.

Таниқли қозоқ адиби Собит Муқоновга ҳам Садриддин Айний асарларини ўқиш катта руҳ бағишлаган. Унинг янги реалистик адабиёт ҳақидаги тасаввурининг бойишида айнан Айнийнинг роману қиссаларининг таъсири бениҳоя улкан эди. Садриддин Айнийнинг маънавият олаmidан олган таассуротларини у шундай баён қилади: “Садриддин Айний асарларини ўқиш менга унчалик ошно бўлмаган ҳаётни билишимга ёрдам берибгина қолмай, менинг қаршимда янги бир дунёни очиб кўрсатди. Мен уни тожик ва ўзбекнинг Бальзаки тасаввур этдим”. Машҳур қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг сўзларига қараганда, у ҳам Садриддин Айний ижодининг ихлосмандларидан бўлган. У зуллисонайн адибнинг асарларини севиб ўқиган ва бошқаларни ҳам уларни ўқишга даъват этади. “Айнийнинг ажойиб асарлари – катта ва кичик асарлари куп, – деб ёзади Чингиз Айтматов, – Мен китобхонларни унинг ғоят ажойиб сатирик повести – “Судхўрнинг ўлими” билан танишиб чиқишга даъват этмоқчиман. Унда бениҳоя кучли ижтимоий заряд бор. Унда сатирикнинг Бухоро Гобсекини жуда яхши тасаввур этиш имконини берадиган улкан, буюк маҳоратни кўрамыз”.

Садриддин Айнийнинг бадиий мероси XX асрнинг иккинчи ярми ижодкорларига нима бериши мумкин? Бу савол 1962 йилда – Қоҳирада бўлиб ўтган Осиё ва Африка ёзувчиларининг иккинчи конференцияси маърузаларида бот-бот тилга олинади. Реализмнинг яшовчанлиги, унинг ҳаётни, воқеликни бадиий образларда мураккаблиги ва бутунлиги билан ҳаққоний акс этириш имкониятлари ҳақида сўз кетганда нотиқлар намуна тарзида Садриддин Айний ижодига мурожаат этадилар. Конференция баённомасида Осиё ва Африка адабиётининг олий мартабали устозлари – ҳиндистонлик Р.Тагор, хитойлик

Луи Синъ, мисрлик Тоҳо Хусайнлар сафида улуғ санъат яратган адиб сифатида Садриддин Айнийнинг номи ҳам қайд этилган.

Садриддин Айний доврўғи биргина Ўрта Осиё ёки Шарқда эмас, Ғарбда ҳам таралган. Унинг асарлари 40 дан ортиқ жаҳон тилларига 500 мартадан кўпроқ нашр қилинган. Биргина “Эсдаликлар” нинг ўзи 22 тилда 50 мартадан ортиқ босилиб чиққан.

Айнийнинг жаҳоний шуҳрат топишида асарларининг рус тилига таржима қилинишининг алоҳида аҳамияти бор. Унинг асарлари рус тилидан бўлак инглиз, немис, француз, болгар, венгер, чех, румин, поляк, испан, араб, ҳинд, хитой, бирма, бенгал, урду, форс, малайя тилларига таржима қилинган ва бу мамлакатлар китобхонларининг дилидан манзил эгаллаган.

Унинг “Эсдаликлар”, “Судхўрнинг ўлими”, “Одина”, “Дохунда” ва “Қуллар” асарлари хорижий мамлакатларда энг кўп тарқалган. Улар орасида айниқса “Эсдаликлар” ва “Судхўрнинг ўлими” бениҳоя катта шуҳрат топган. Хорижлик танқидчи ва адабиётшунослар Садриддин Айний асарларинининг тарихий, ғоявий, услубий ва тарбиявий аҳамиятига жуда катта баҳо берадилар. Баъзиларининг сўзларига қараганда, улар Айний асарлари орқали Бухоро ва Бухоро амирлиги даври тарихини бошқа ҳар қандай асардан кўра яхшироқ тушиниб олганлар. Бошқа баъзи бирларининг назарида Айний бениҳоя моҳир ва бениҳоя қудратли услуб эгаси. У инсон табиатини, характерини ҳаддан ташқари чуқур ҳис қилади, унинг асарларида халқ турмуш тарзининг яхлит манзараси катта маҳорат билан чизиб берилган. Айний асарлари – ҳаётнинг бадиий қомусидир.

Ўз асрининг чинакам фарзанди бўлмиш Садриддин Айний тасвир санъатини бенуқсон ва бетакрор эгаллаган. У турли-туман қувонч ва қайғуни, катта ва кичик воқеаларни

шу қадар чуқур ва пишиқ, шу қадар баланд ва нозик пардаларда куйлаганки, бу ҳолни кўпчилик адабиёт-шунослар ва танқидчилар эътироф этадилар. Жумладан, рус шарқшунос олими И.С.Брагинский “Эсдаликлар” асарини таҳлил қила туриб, унинг баъзи ҳикоятларини “насрий шеър”, аниқроғи “насрий ғазал” деб атайди. Француз ёзувчиси Андре Вюрмсер “Бухоро” номи билан француз тилида нашр қилинган “Эсдаликлар” асари хусусида ёзади: “Бухоро” – реалистик китоб бўлиб, турли хикоят, латифа ва ранг-баранг тасвирларга жуда бой. У қатлаҳзаларидек даҳшатли ва халқ байрамларидек бежамадор. Бу китоб бошдан-оёқ шеърдир”. Ёзувчи томонидан тасвирланган инсоний эҳтирослар, тарихий ҳодисалар, ижтимоий ҳаёт, маиший турмуш тарзи муқаррар равишда ўқувчини орқасидан эргаштирмай қўймайди. Рус ёзувчиси В.А.Каверин “Эсдаликлар”да муаллиф болалигини катта куч ва самимият билан ифодалаганини таъкидлаб ёзади: “Муаллифнинг болалик йиллари тасвирланган ажойиб асарлар борлиги рус ва жаҳон адабиётидан маълум. Бироқ мен ёзувчи Садриддин Айний ҳикоя қилган болага ўхшаши ҳақида ҳеч қачон, ҳеч нарса ўқимаганман. Мен ўйлайманки, бу ажойиб бола катта тарбиявий аҳамият касб этади, бу китобни ҳар гал ўқиганимда кўз олдимда ҳар жиҳатдан тамомила фавқулодда бўлган олам пайдо бўлади, кўзларим яна ҳам каттароқ очилгандай бўлади”.

Садриддин Айний, шак-шубҳасиз, реализмнинг моҳир насрnavиси ва ўз даври насри тарихидаги ҳақиқий истеъдод тантанасининг энг буюк намунаси эди. У ўзининг баракали ижодида бадиий ҳаёлотнинг кучи ва тасвири орқали китобхонлар хотирасида инсон табиати тўғрисида хилма-хил, ранг-баранг тасвирларни муҳрлаб қолдирган. “Совет Шарқининг ҳеч бир ёзувчиси менга Айнийнинг таржимаи ҳоли акс этган китобларнинг санъати даражасида хурсандчилик бағишлаган эмас”, – деб ёзади рус ёзувчиси

К.Федин. В.Шкловскийнинг образли ифодаси билан айтганда, Садриддин Айний ўтмиш билан ҳозирни боғлаб турувчи шоҳқўприкдир. “Айний сўзи 48га маънога эга” – деб ёзади у, – “бу тахаллусни Айний қайси луғатдан олганини билмайману, аммо менинг назаримда бу сўзнинг яна бир маъноси ҳам бор, бу – ўтмиш за бугунни боғлаб турувчи шоҳқўприк демакдир. Мана шу шоҳқўприк орқали Шарқнинг тамоми қадимий гўзал маданияти бизнинг кунларимизга етиб келди”.

Бир одам шахсиятида ёзувчи, шоир, тарихчи, тилшунос, адабиётшунос, публицист, фольклорчи, таржимон, жамоат арбоби каби хусусиятларнинг бирикиб кетгани таниқли рус айнийшунос олими И.С.Брагинскийни ҳайратга солади ва у Айнийни океанга қиёслаб ёзади: “Ҳар гал Садриддин Айнийнинг ҳаёти, ижоди ва серқирра фаолиятини ўрганиш чоғида, ҳатто уни шунчақи эслаганимда ҳам “Одам – уммон” деган бениҳоя улутвор ва ҳаққоний образ тасаввурингда гавдаланади”.

Садриддин Айний фавкулудда даражада сунъийликдан қочадиган адиб. У ўзининг бутун адабий фаолияти лавомида ҳаёт йўлларида рўпара келган ижтимоий иллатларни узлуксиз фош қилиб келган. Ижтимоий иллатларни фош қилиш, сатира санъати айниқса унинг “Судхўрнинг ўлими” повестида энг юқори чўққига кўтарилган. Қори Ишкамба образини айнийшунослар жаҳон адабиётида яратилган энг тугал ҳасис ва судхўрларнинг образларига тенглаштирадилар. Абдулла Қаҳҳор “Судхўрнинг ўлими” повестидаги Қори Ишкамба образини рус классик адабиёти образлари: Пушкин асаридаги Барон ёки Гоголь асаридаги Плюшкин образларига қиёслаган бўлса, француз ёзувчиси Андре Вюрмсер “Судхўрнинг ўлими” асарини мутолаа қилиб, унинг бош қаҳрамони – Қори Ишкамбани Мольернинг Гарпагон ва Бальзакнинг Гобсек образлари даражасида

юксак маҳорат билан тасвирланганини қайд этади. Садриддин Айний билан бевосита мулоқотда бўлган Луи Арагон “Судхўрнинг улими” асарининг французча таржимасига ёзган сўзбошида Айнийни жаҳон адабиётининг буюк намоёндалари Ж.Лондон, М.Горький, Г.Мапассан, Р.Киплинг, В.Шекспир, Й.В.Гёте, К.Хамсунлар қаторига қўяди.

Чехословакия халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучик Садриддин Айнийга бағишланган анжуманларнинг бирида устод ёзувчи билан ёнма-ён ўтириб, ўзининг дил сўзларини шундай изҳор қилган эди: “Азиз дўстлар, Сизнинг ёзувчингиз, бизнинг ҳам устозимиздир. Айний нафақат Сизнинг ёзувчингиз бўлиб қолмай, бизнинг ҳам ёзувчимиздир. Унинг китоблари биз учун фақат сўз санъатигина бўлиб қолмай, шу билан бирга кўргазмали ўқув қуроли ҳамдир”. Чех шарқшунослари Ян Рипка ва Иржи Бечка Айний тимсолида XX аср Шарқ адабиётини инкишоф қилганларини таъкидлайдилар.

Садриддин Айнийнинг “Эсдаликлар” ва “Судхўрнинг ўлими” асарлари Германияда ҳам катта шухрат топган. Навоий асарларини немис тилига ўтирган таниқли немис адиби Альфред Курелла Садриддин Айний билан учрашган ва у билан мароқли суҳбатлар қурган. У Садриддин Айний ижоди билан даставвал “Қуллар”, “Бухоро”, “Эски мактаб” китобларининг русча таржималари орқали танишади. Бу асарлар унга катта завқ-шавқ бағишлайди. У “Халқлар адабиёти” адабий-сиёсий журналида “Эсдаликлар”нинг иккинчи китобини таржима қилиб чоп эттирди. Унинг таржимаси 1953-йилда “Эсдаликлар”нинг I–II китобларини “Бухоро” номида Ҳанс Брушвитц томонидан рус тилидан немис тилига ўтирилишига тўртки бўлади. Садриддин Айнинг шахсияти, маънавий олами, бадий маҳорати билан яқиндан ошно бўлган А.Курелла унга “Шарқ маданиятининг зўр

билимдони", "айни пайтда Ғарб маданиятини ҳам ўзлаштириб олишга улгурган", "дунё маданияти икки оқимини жонлантириб кўрсатган", "Шарқ-Ғарб воситачиси" деган таърифларни беради ва унинг шаънига немис тилида қуйидаги мазмундаги тўртликни битади:

"Сенинг ҳеч қачон эшитилмаган номинг бизга етиб келди, Айний;

Шундан сўнг биз Сенинг ҳайратомуз сўзларингни билиб олдик, Айний.

Шарқни биз янгидан Сен орқали тасаввур этдик,

Шундан буён Сен биз учун сеvimлисан, эй, Шарқ-Ғарб воситачиси".

1966 йилда Германиянинг "Култур унд Фортшрит" ("Маданият ва тараққиёт") нашриёти "Судхўрнинг ўлими" асарини немис китобхонлари ҳукмига ҳавола этади. Немис мутахассислари – ношир ва таржимонлари бу галги таржимада "янги усул"дан фойдаландилар. Рус тилидан Трауте ва Гюнтер Штайнлар немисчалаштирган маттни тожик тили билимдони, шарқшунос Манфред Лоренц асл нусха билан солиштириб, немисча таржимани қайта ишлайди. Бу усул немисча таржимани русча матн таъсиридан, камчиликларидан халос этиб, аслиятга яқинлаштирган. Китоб охиридан М.Лоренц ва Нота Тунларнинг Айний яшаган давр ва унинг ёзувчи асарларида реалистик тарзда моҳирона тасвирланиши хусусидаги сўнг сўзи ўрин олган. Улар Айнийни улуг шоир, наср устаси, машҳур шарқшунос, этнография соҳасининг чуқур билимдони эканлигини эътироф этиб, унга берилган "Ўрта Осиёнинг тирик қомуси" унвони ҳар жиҳатдан чин ҳақиқатлигини тасдиқлайдилар. Улар жаҳон адабиётининг комедияси ва сатирик асарларида ҳасис ва судхўрларнинг ажойиб образлари яратилгани ҳолда "Судхўрнинг ўлими" асарида Садриддин Айний "эски" мавзунини янги ва



қизиқарли услубда” фош килганини муносиб баҳолайдилар.

Садриддин Айнийнинг шахси, баракали ижоди, маҳорати фазилатига берилган яна сон-саноксиз таърифлар бор. Бу таърифларни яхлит олиб қарасак, буюк ёзувчининг кишини ҳайратга соладиган даражада тилсимли илм-маърифат дарёси экани кўз олдимизда гавдаланади. Маълумки, ҳар қандай дарё охири бориб бир денгиз ёки океанга қуйилади. Айний – илм-маърифат дарёсининг икки улкан ирмоғи бор. Унинг бир ирмоғи – Айний ижоди. У жаҳон адабиёти уммонига бориб қуйилади. Иккинчи ирмоғи эса – санъаткор Айний шахсияти. У инсонлар қалбининг сирли уммонларига қуйилади.

Не бахтки, бизнинг халқимиз ана шундай даҳо санъаткор адибни дунёга берган!

Садриддин Айний 1954 йил 15 июлда вафот этади. Профессор Саид Нафисийнинг таъбири билан айтганда, Садриддин Айний бор ҳам, йўқ ҳам. Тўғри, завқ-шавқдан жўшган, чуқур билимдон бу сиймо, дилга ёқувчи ширин суҳбатдош, дилга ором берувчи мулоим кўзлар бу жаҳонда йўқ. Аммо унинг бутунисича инсониятга хизмат қилувчи, маърифат оламида нур сочувчи асарлари ҳеч қачон сўнмайди; у яшамокда, яшайди ва буюклигича қолади.

Самад АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди



ФИТРАТ ДАҲОСИНИНГ ЎЛМАС НАВОСИ



Қомусий олим, серқирра илмий-ижодий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан ўзбек халқининг, айниқса, биз, бухороликларнинг чинакам фаҳрига айлана олган Абдурауф Фитрат 1886 йилда Бухорода савдогар оиласида туғилди. Отаси – Абдурахимбой, Онаси – Бибижон отин, Укаси – Абдурахмон, Синглиси – Маҳбуба. Бу лажақ адиб хонадонида ўзига хос адабий муҳит ҳукмрон эди. Айниқса, онаси Бибижон отиннинг фарзандлар тарбиясидаги фаоллиги ёш Абдурауф дунёқарашининг камол топишида муҳим ўрин тутди.

Фитрат ўз ижодини форс-тожик тилида бошлади ва мазкур тилда битилган илк шеърларида “Мижмар” тахаллусини қўлади. Унинг “Чуғдон” деган маъноси англатувчи бу сўзни тахаллус сифатида қўллашдан қўзлаган мақсади ўз ижодида ўтли туғёнлар бардавом бўлишини истаганидан эди.

Кейинчалик у ўз асарларини “Фитрат” тахаллуси билан эълон қила бошлади. Бу сўз эса арабча бўлиб, “туғма истеъдод”, “ички дунё”, “мағз-моҳият” деган маъноларни англатади. Фитрат бу серқирра сўзнинг айнан “ички дунё” ва “мағз-моҳият” маъноларига кўпроқ суянгани унинг асарлари мутолааси жараёнида яққол намоён бўлади.

Фитрат ўз даврининг қомусий тафаккур соҳиби сифатида фаннинг бир неча соҳаларида баракали ижод қилди. Гарчи ўтган асрнинг 30-йилларида кўплаб маърифатпарварларимиз сингари Фитрат шахси ва ижоди ҳам ноҳақ қатағон қилинган бўлса-да, фурсат ва имконият

туғилиши билан халқимиз унинг номи ва шаънини тиклаш тараддудига тушди. 1956 йилда бошқа сафдошлари сингари Фитрат номи ҳам оқланди.

Бироқ миллий мустақиллигимиз қўлга киритилмагунча бу оқлов ҳукмининг куч-қудрати ҳеч бир жиҳатдан намоён бўлмади. Фитрат асарлари 90-йилларга қадар деярли ўқилмади, матбуот сәҳифаларида эълон қилинмади, китоблари такрор нашр қилинмади. Фақат истиқдолгина бизга чинакам маънода Фитрат ва унинг сафдошларини қайтариб берди.

Жумладан, унинг “Абулфайзхон” (трагедия), “Ҳинд ихтилолчилари” (драма), “Амир Олимхон тарихи” (рисола), “Ҳинд сайёҳи баёноти” (рисола) каби асарлари мустақилликнинг илк йилларида босилиб чиққан асарлар сифатида бизга Абдурауф Фитрат даҳосини такрор танитди. Уни билмаганлар – билиб олдилар, асарларини ўқимаганлар – ўқишга тугиндилар.

“Сайха” (“Фарёд”, 1909) деб номланган форсий тилда битилган шеърлари жамланган илк шеърый тўплами, “Учкун”, “Менинг туним”, “Шеърлар ва дoston” сингари ўзбек тилидаги шеърларидан тузилган тўпламлари унинг шеърый истеъдоди мўъжизаларини яққол намоён этади.

Фитрат насрда ҳам баракали ижод қилди. Унинг “Қиёмат”, “Зайнабнинг иймони”, “Оқ мазор”, “Қийшиқ эшон”, “Зайд ва Зайнаб”, “Меърож” сингари ҳикоялари бадиий насрнинг гўзал намуналаридир.

“Қиёмат” ҳикоясида ёзувчи шартли равишда у дунё воқеаларини тасвирлаш воситасида салкам жаннатдай деб аюҳаннос солинган, аслида эса разиллигу мунофиқликка йўл очиб бераётган бу дунёдаги янги тузум – шўролар тузumi устидан аччиқ ҳукм чиқарди. Унинг юқорида

саналган қатор ҳикоялари эса диннинг ҳақиқий моҳиятини хурофотдан ажратиш мақсадида ёзилган.

Фитрат салоҳиятли адабиётшунос ҳам эди. Унинг “Фарҳод ва Ширин” достони тўғрисида”, “Аҳмад Яссавий”, “Форс шоири Умар Хайём”, “Фирдавсий замони ва муҳити”, “Навоийнинг форсий шоирлиги ва унинг форсий девони тўғрисида”, “Ўзбек шоири Турди”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Машраб”, “XVI асрнинг сўнгги ўзбек адабиётига бир қараш” деб номланган илмий мақолалари, “Бедил” (1923) рисоласи, “Адабиёт қоидалари” (Адабиёт муаллимлари ва адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма, 1926) дарслиги, “Ўзбек адабиёти намуналари” (1928) мажмуаси замонавий ўзбек адабиётшунослиги пойдеворини қўйган илк асарлардир.

“Адабиёт қоидалари”да Фитрат илк бор ўзбек адабиётшунослиги, замонавий адабиёт назарияси муаммолари, тушунчаларини ёритган бўлса, “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуаси туфайли мумтоз шеърятимизнинг қўлдан-қўл намуналари халқ мулкига айланди ва бизгача етиб келди. Бу жиҳатдан, Фитратнинг “Аруз ҳақида” (1935) рисоласи ҳам юксак илмий аҳамиятга эга.

Фитрат забардаст публицист ҳам эди. Унинг ўша пайтларда “Бухоро ахбори” номи билан юритилган, бутунни кунда “Бухоронома” номи билан муштарийлар қўлига етиб бораётган газета фаолиятини йўлга қўйишдаги жонбозлиги ҳали-ҳануз юксак эҳтиром билан эсланади. У яратган бадиий очерк тарзидаги публицистик асарлар сифатида “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик бир мударриснинг бир неча масалалар ҳам усули жадид хусусида қилган мунозараси” (1909), “Ҳинд сайёҳи баёноти” (1912) каби асарлар алоҳида эътироф этилади. Шунингдек,

унинг “Юрт қайгуси”, “Сиёсий ҳоллар”, “Иттифоқ этайлик”, “Тилимиз” “Ёпишмаган гажаклар” сингари мақолалари илмий ва бадиий публицистиканинг гўзал намуналари сифатида ғоятда машхур.

Адибнинг 1929 йилда ёзилган “Ёпишмаган гажаклар” мақоласи адибнинг ўзига нисбатан исломпараст, туркпараст, ўтмишни қўмсовчи ва унинг меросини тарғиб қилувчи – ҳуллас, комфирқа ва социализмнинг душмани, миллатчи деган тўхматни ёпиштирувчиларга қарши раддия – очиқ хат сифатида эълон қилинган эди.

Фитратнинг исломшунос ва маърифатпарвар сифатида яратган “Мухтасар ислом тарихи”, “Раҳбари нажот” ва “Оила” рисоалари бугун ғоят долзарб бўлиб турган икки масала – тўғри диний билим ва эътиқодга эга бўлиш ҳамда оила муқаддаслиги ҳақида баҳс юритувчи асарлар сифатида улкан маърифий аҳамиятга эга.

Шунингдек, у мусиқашунос сифатида “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарини яратди, Бухорода илк мусиқа мактаби очилишида ташаббускор бўлди, Бухоро Шашмақомининг илк маротаба нотага олинишида бошқош бўлди, тилшунос сифатида ўзбек тили грамматикаси масалаларига бағишланган “Сарф” (Морфология) ва “Наҳв” (Синтаксис) рисоаларини ёзди.

Ҳуллас, Абдурауф Фитрат чинакам қомусий олим сифатида фаннинг қўплаб соҳалари билан шуғулланди ва замонавий ўзбек илмининг пойдеворини яратишда ташаббускор бўлди. Мазкур асарларнинг бугун ҳам кенг истифода этилаётганлиги, уларда баён қилинган фикрларнинг ҳозир ҳам долзарб эканлиги аллома даҳосининг ўлмаслигидан яққол далолатдир. Қолаверса, унинг ўз даврида “Ёш бухороликлар” партияси ва мустақил Бухоро Республикаси ҳукумат вакили сифатидаги

иҷтимоий-сиёсий фаолиятида ҳам ибрат олса арзигулик саҳифалар жуда кўп.

Шунга қарамасдан, Фитратнинг тўлиғича топилмаган ва нашр этилмаган “Беғижон” (1916), “Або Муслим” (1916), “Темур сағанаси” (1918), “Ўғузхон” (1919) каби драмалар яратганлиги ҳақида маълумот мавжуд бўлиб, келгуси тадқиқотлар давомида мазкур асарлар ҳам топилса, ҳозирги ёзувимизга табдил қилиниб, китобхон халқимизга тухфа қилинса, миллий маънавиятимиз дурдоналарига чинакам эҳтиром намунаси сифатида беқиёс ибрат қўрсатилган бўлар эди.

Шодмон СУЛАЙМОНОВ,
филология фанлари номзоди

ФАЙЗЛИ ИЖОД СОҲИБИ



“Ижодда ҳам файз бўлиши мумкинми?” деган ўринли савол туғилади. Ҳа, файзли инсон ижод билан шуғулланса, бу файз ижодида ҳам ўз акси-ифодасини топар экан. Бухорода туғилиб, шу улуғ тупроқда яшаб ижод қилган шоир Шариф Нурхонни халқ самимий, феъли тоза, кўли гул, миришкор боғбон, энг муҳими, қувваи ҳофизаси ўткир, салоҳиятли шоир сифатида хотирлайди. Шу сабабли бўлса керак шоирнинг ижоди кўп бор тадқиқ этилган. Улар орасида шоир ижодини атрофлича тадқиқ қилган ва шоир ҳақида ёзилган барча мақолалар манбаини кўрсатган олим – Охунжон Сафаров. Фольклоршунос, адабиётшунос олимнинг “Боғбон-шоирнинг шеърий чорбоғи” рисоласи аслида кичик адабий портретдир.¹ Ўз-ўзидан, маълумотларни келтиришда устознинг рисоаларига таяндик. Ғазалнавис шоирларнинг баёзи бўлмиш “Чертганда дуторимни” китобидаги, шоирнинг “Яхшидан шарофат”, “Мендан салом айтинг” шеърий тупламларидаги шеърларидан фойдаланиб, шоир шеърияти ҳақида баимкон фикр юритдик.

Шариф Нурхон 1901 йилда Бухоро шахридан унча узоқ бўлмаган Ваҳмкор қишлоғида (ҳозирда Бухоро туманига қарашли ҳудуд) камбағал деҳқон Нурхон Турди оиласида дунёга келди. Онаси Султон Саттор қизининг ўнинчи фарзанди Шариф эди. Профессор С.Алиев мучалига асосланиб, шоирни 1900 йилда туғилган деб

¹ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар (Мақолалар ва рисоалар). – Бухоро: “Дурдона”, 2015. – Б. 239-269.

хисоблайдилар. Профессор О.Сафаров эса Ваҳмкор қишлоғи эмас, Вақфкор қишлоғи деб санайдилар. Негаки, олимнинг фикрича, қишлоқ вақф қилинган ерларни экувчи бўлган. Хуллас, Шарифдан кейин ҳам уч фарзанд дунёга келгач, ун беш жонни 4 таноб ер ҳосили эвазига боқиш ўта қийин бўлиб қолади. Боз устига, бир таноби шўр ер бўлгани вазиятни янада оғирлаштирарди. Нурхон отанинг болаларидан айримлари амир амалдорларидан тарихнавис Мирзо Салимбек ("Кашқули Салимий" асари муаллифи) ерларига чоракорлик қилган бўлса, ўғилларидан Мирхон Самибойга, Шариф Холиқбойга хизматкор қилиб берилади. Бу ҳол оиланинг ночорлигидан далолат эди. Келишувдаги Нурхон ота томоннинг талабига кўра Шарифнинг эски мактабда таҳсил олаётганига монелик қилмай юрган бой, афсуски, 3 йилдан сўнг баҳона топиб Шарифни калтаклайди ва мактабга боришини таъқиқлайди. Бизнингча, Шарифдаги билим, ўз ҳақ-ҳуқуқини англагани бойга ёқмаган. Бу оиладаги маърифатга ҳам бориб тақалгандирки, амалдорлардан Очиқ тулчибоши "Сувимни ўғирлади" деган тухмат билан оила бошлиғи Нурхон отани қаматади. Сувнинг каламуш уяси орқали камбағалнинг ерига оқиб ўтгани ҳеч кимни қизиқтирмайди, оқибат Нурхон ота бир ярим йил ноҳақ тарзда зиндонда ётади. Фақат амирнинг тахтдан йиқилгани оилага Нурхон отани қайтаргани ўша йиллардаги ноҳақликлардан бизни огоҳ қилади. Шариф Нурхон ана шундай азобли йилларда шоир бўлиб егишди. Умрининг сўнгигача, ҳар қандай ҳолатларда ҳам, имонига хиёнат қилмади. Шу сабаб шоир шахси ва ижоди бир бутунлик ҳосил қилган эди дея оламиз.

Шариф Нурхоннинг қийинчиликлари шу билан тутамасди. У 32 ёшидагина оила қуришга имкон топди.

Аёли Ҳамробиби билан уч ўғил, 4 қизни соғ-саломат вояга етказган Шариф ота гоҳ ардоқ топса, гоҳ ҳасадгўйлар сабаб машаққат чекди. Устоз О.Сафаровнинг “Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар” китобидаги “Бўстон булбули” мақоласида шундай жумлалар бор: “Чиндан-да, ўша даврдаги ур-йиқит ва қама-қамалар ваҳшатидан Бухородаги аксар қаламкашлар Самарқанд, Душанбе ва бошқа шаҳарларга тарқалиб жон сақлашни ўйлашганди. Султон Жўра 1933 йили Андижонга, Шариф Нурхон Жиззахга кетиб қолишди”.¹ Устоз Шариф Нурхон ҳақидаги рисоаларида (адабиётшунос олим С.Алиевнинг маълумотлари сифатида келтирилган) шоирнинг 1948 йилдан 1964 йилгача Самарқанднинг биринчи Дамариқ қишлоғида яшаганини айтиб ўтадилар. Шариф Нурхоннинг Жиззахда неча йил бўлгани, қачон Бухорога қайтгани номаълумлигича қолмоқда. Аммо шоирнинг “Жиззах кўзғолони” достони бу фактда жон борлигини, адабиётшунослик бундай масалаларни ўрганиши лозимлигини кўрсатади. негаки, турли мақолаларда турли фактлар борки, улар чоғиштирилиши лозим. Айтайлик, устоз шоир Тошпўлат Аҳмад шундай ёзадилар: “Жўшқин меҳнат қучоғида ҳам жонбозлик кўрсатиб, Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори курилишларида фаол иштирок этадилар. Канал қурувчилар ҳақида шеърлар ёзиб, катта-катта давраларда ўқиб берадилар, жумҳурият раҳбари ва оддий халқ олқишига сазовор бўладилар...”² XX асрнинг 30-йилларида Жиззахда, 1948-1964 йиллар Самарқандда яшаган бўлса, бу йилларнинг қайси қисмида Катта Фарғона канали, Каттақўрғон сув омбори

¹ Сафаров О. Ўша китоб. – Б. 319.

² Тошпўлат Аҳмад. Шариф отанинг ям-яшил боғлари // Китобда: Шариф Нурхон. Мендан салом айтинг. – Бухоро: “Бухоро”, 2006. – Б. 4.

қурилишларида фаол иштирок этган, қайси йили “халқ душмани” дебноҳақ қамалгани, қай тахлит оқланганиноаниқлигича қолмоқда. Шуниси аниқки, аксарият манбалар 1964 йилда шоирнинг ўз она қишлоғига қайтганини таъкидлайди.

Аввало, шоир ижоди ҳақида ёзилган тадқиқотларга тўхталсак. Шоир боши узра турган қора булутлар тарқаб, 1966 йилда Бухоро райони газетаси “Ленин байроғи”нинг 17 сентябрь сониди фольклоршунос олим О.Собировнинг “Шариф Ҳофиз қўшиқлари” мақоласи босилиб чиқди. Бу шоир ҳақидаги ilk мақола эди. Ушбу тадқиқотни филология фанлари доктори С.Алиев давом эттирдилар. Устоз олимнинг “Шариф Нурхоннинг “Жўра ревком” достони ҳақида” (“Бухоро ҳақиқати” газ., 1970 йил 10 январь), “Бўғда туғилган шеърлар” (“Меҳнат ва турмуш” жур., 1975. – №11. – Б. 26-27.), “Достоннавис санъаткор” (“Ленин байроғи” газ., 1976 йил 14 август), “У ҳаётни севар эди” (“Бухоро ҳақиқати” газ., 1991 йил 27 март), “Дехқон овози” (Китобда: Бухорода битилган байтлар. – Тошкент: АСН, 1992. – Б. 77-84.) номли қатор тадқиқотлари шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. 1976 йилда Шариф Нурхон шеърлари грамлаппакка ёзиб олинди. Унда Б.Насриддиновнинг кириш сўзи берилган эди. Ана шу кириш сўз “Ленин байроғи” газетасининг 1976 йил 10 март сониди “Шариф ота шеър ўқийди” номи билан чоп бўлди. Айни шу йилларда адиб Н.Аминовнинг “Томчидан дарё” (“Тулистон” жур., 1975. – №8. – Б. 20-21), шоир Т.Аҳмедовнинг “Дарёдил ғазалхон” (“Шарқ юлдузи” жур., 1977. – № 6.), навоийшунос Иброҳим Ҳаққулнинг “Заёқ ёғдулари” (“Бухоро ҳақиқати” газ., 1980 йил 4 май), шоир ва олим С.Салимовнинг “Шариф Нурхон ниҳоллари” (“Шарқ

юлдузи" жур., 1990. – № 9. – Б. 179-180) номли мақолалари матбуот юзини кўрди. Бундан ташқари, Н.Аминов ва Жамол Камолнинг "Шоир ҳақида" кириш сўзи Шариф Нурхоннинг "Яхшидан шарофат", Тошпўлат Аҳмаднинг "Шариф отанинг ям-яшил боғлари" мақоласи кириш сўз сифатида шоирнинг "Мендан салом айтинг" китобида келтирилган. Улар орасида умумлаштирувчи ва ҳажман йирик тадқиқот филология фанлари доктори О.Сафаров қаламига мансуб бўлиб рисоладир. Айнан нега бу тадқиқотларни бир-бир санадик. Шоир ижоди атрофлича урганилмаган. Чунки шоир асарлари тулиқ нашр этилмаган. Устоз О.Сафаровнинг қўлларида шоирнинг 194 сатрни ташкил этган 15 ғазали, 16 мисрали мураббаси, "Умрим саёҳатномаси" достонидан 76 сатр, "Зарман боғбон" достонидан парчалар мавжудлигини устознинг ўзлари айтиб ўтадилар. Бундан ташқари "Жиззах қўзғолони" дан парча "Тулистон" журнаlining 1975 йил 8-сонида берилган. Турли йилларда турли газеталарда chop қилинган шеърларини ҳам топиб ўрганиш зарур. Бу таъкидларимизнинг сабабини профессор О.Сафаровнинг фикри орқали ифодамоқчимиз: "Қолаверса, 60- ёки 70-йиллар давомида шоирнинг бетакрор бир қўлёзма мажмуасини нашр этишни ўз зиммасига олиб, фольклоршунос олим, филология фанлари номзоди, ЎзР Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими катта илмий ходими Охунжон Собиров олиб кетган, лекин бу тўплам нашр этилмай қолган. Маълумотларга қараганда, бу тўплам олимнинг ҳозир Тошкент шаҳрида яшаётган қизи қўлида сақланмоқда. Бу тўпламда ҳам эл назарига тушмаган асарларининг бўлиши эҳтимолдан узоқмас. Хуллас, шоирнинг бутун поэтик бисоти 6-8 минг сатр атрофида

бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Унинг ана шу меросини эҳтиёткорлик билан жамлаш, пухта ўрганиб сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб элга тақдим этиш галдаги вазифа бўлиб, шоир руҳи поки олддаги қарзимиздир”¹. Буни ўқиган адабиётшунослардан, эҳтимол, ёшлардан кимдир шу вазифа билан шуғулланар дея умид боғлаб бу фактларга алоҳида урғу бермоқдамиз.

Шариф Нурхоннинг илк устози адиб Садриддин Айнийдир. Шоирнинг ўзи адабиёт ҳақидаги суҳбатларда иштирок этар экан, давradoшларини шундай санайди:

*Самад Махсуму Бехат, Турди, Айний,
Киришиб мангу дўсту ҳам оғайни.
Чекиб ўтган замонда кўп машаққат,
Бирор кун кўрмадилар тотли роҳат,
Қилиб она-Ватанга дилни пайванд,
Халойиқ гами бирлан эрдилар банд.
Гоҳи суҳбатларида бор эдим мен,
Ғаму кулфатларига ёр эдим мен.
Уларга сув берувчи жомчи эрдим,
Улар денгиз эдилар, томчи эрдим.*

Бу шеърни Н.Аминов ва Жамол Камол “Шоир ҳақида”, Тошпўлат Аҳмад “Шариф отанинг ям-яшил боғлари” номли кириш сўзларида, О.Сафаров ҳам “Боғбон шоирнинг шеърый чорбоғи” рисоаларида келтирганлар. Шеърда шоирнинг таржимаи ҳолидан лавҳа бор. Айни дамда, бу сатрларда шоирнинг камтарлиги, маҳорати акс этган. Бизнинг эътиборимизни бошқа жиҳат тортди.

¹ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар. (Мақоалалар ва рисоалар). – Бухоро: “Дурдона”, 2015. – Б. 241-242.

Юқоридаги парча О.Сафаров келтирган вариант бўлиб, Н.Аминов ва Жамол Камоллар “Самад махсум билан Садриддин Айний”, Тошпўлат Аҳмад “Самад Махсум билан Садриддин Айний” тарзида берадилар. Назаримизда, устоз О.Сафаров тўғрироқ тарзда келтирганлар. Манбаларга кўра, Самад Махсум шоирнинг шоиртабиат тоғасидир. Турди – отаси. Бехат ҳам тоғасининг суҳбатдошларидан бири бўлиб, Шариф Нурхон камолоти учун таъсир кўрсатган шоирлардан, бизнингча. Бундай ўйлашимизга Садриддин Салим Бухорийдаги “Аҳмади Бехат” шеъри асос бўлди: Аҳмади Бехат (1873-1942) Бухородаги машхур шоир бўлиб, бадеҳатан шеър тўқирди. Хат-саводи йўқлиги боис Бехат тахаллусини танлаган.

*Сенда хату савод йўқ эди,
Сенда кўшкуну раббат йўқ эди,
Шоирлардай дават йўқ эди,
Бухоронинг шоири Бехат.*

*Найза каби сўзинг санчилар,
Рақибларинг дондай янчилар,
Мағлуб бўлди сендан нечалар,
Бухоронинг шоири Бехат.¹*

Кўринадик, бир шоирнинг юзага чиқиши учун ўнлаб устозларнинг меҳрибонлиги керак. Шоир ва боғбон Шариф Нурхон ёруғ кунлар келишига, бошидан қора булутлар аришига ишониб 64 йил яшади. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Фарғона каби вилоятларнинг равнақи учун

¹ Садриддин Салим Бухорий. Ҳикматдир дунё. Сайланма. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – Б. 194.

тертукиб ишлади ва айна дамда, ўзи ҳам шу азиз тупроқлардаги яхши-ёмон инсонлар билан нон-намак бўлди. Инсонлардан фазилат ахтарди, бошидан ўтган қийинчиликларни тангрининг синови деб билди, сабр қилди. Энг қийин кунларда ҳам ёлғон сўзламади, бировнинг ҳақини емади. Ниҳоят шоирга тақдир кулиб боқди. Қамоқ азобини унутмоқ учун ўз ота қишлоғи Ваҳмкор (балким Вақфкор)га қайтиб келган шоир боғбонлик қила бошлади. Боғбонлик ва шоирлик Шариф ота учун икки қанот эди гўё. Минглаб дарахтлар ўстирган, боғ яратган, ўзга оилалар боғи учун ниҳол кўкартириб берган боғбон шоир сифатида Бухоро адабий ҳаракатчилигидангина эмас, ўзбек шеърлятидан ҳам жой ола билди. 1968 йилда ёзувчи-шоирларимиздан Ойбек ва Зулфия Бухорога ташриф буюришди. Яратганнинг сийлаганини қарангки, улўғ ёзувчимиз Ойбекнинг шариф шаҳарга сўнгги ташрифида Шариф Нурхон номи алоҳидалик касб этди. Адибларимизнинг муаллимлар ва талабалар билан учрашуви чоғида ток ўчиб, зал қоронғи бўлиб қолганида кўпчиликнинг талаби билан Шариф Нурхон саҳнага кўтарилади. Бу ҳақда адибнинг рафиқаси Зарифа Носирова шундай ёзиб қолдиради: “Қаранг, халк орасида қандай ижодкорлар, қандай шоирлар бор! У оловдай ёниб, қайнаб ўқиди шеърларини! Залдагилар ҳам ҳузур қилганларидан гур-гур кулардилар. Ойбек ҳиссиётини яширолмай: “Офарин, офарин!” – дея хурсандлигини изҳор қилди. Зал эса “Тағин-тағин”, – дея сўрарди шоирдан. У кетма-кет шеър ўқир экан, чироқлар ёниб кетди...”¹ Яхшидан шарофат деганидай, ўша йили устоз Ойбекнинг тавсияси билан Шариф Нурхон

¹ Носирова З. Ойбегим менинг. – Тошкент: Шарқ, 1994. – Б. 144-145.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилинади. Муҳими, шоир ҳаётида яхши томонга ўзгаришлар бўла бошлайди.

Шариф Нурхондаги самимият, хотирасидаги фавкулотда ўткирлик, халқона феъл-атвор 1975 йилда уни бир неча кун Республиканинг 1-раҳбари, атоқли адиб Ш.Рашидовга ҳамроҳ қилди. Аксарият тадқиқотчиларнинг келтиришича, шоир вилоят туманларини Ш.Рашидов билан айланиб чиқар экан, “Жиззах кўзғолони” достонидан ёд айтиб беради. Бизнингча, шоир Ш.Рашидовнинг таклифисиз, ўз-ўзидан достон айтмаган. Чунки китобини Тошкентда бўлиб ҳам нашриётга тонширишни эплай олмаган шоир бу камтарлиги, андишаси билан достон ўқиб берай, демаслиги кундай равшан. Ш.Рашидов кетиш чоғида вилоят раҳбарига бу хазина шоирни асрашни тайинлайди. Оқибат, ўша йили “Тулистон” журнали “Жиззах кўзғолони” достонидан парча эълон қилади. Бир йил ўтиб шоир “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвонига лойиқ топилади. Шариф Нурхон бутун меҳрини заминга, элга, адабиётга бағишлаб яшай бошлайди.

Шоир дастлаб “Ҳофиз”, “Ҳофизча” тахаллуслари билан шеърлар бита бошлаган. Кейинчалик “Шарифий” тахаллусини қўллашни маъқул топган. Шоир инсон умри моҳиятини чуқур англаган паллаларда ҳам боғбон, ҳам шоир эди. Бу ҳол қуйидаги сатрларида ўз акси-ифодасини топди:

*Агар ўлсам таним хоки нисор бўлсин ниҳолларга,
Юрак-бағримдаги оташ беҳи, олма, анор бўлсин.*

*Ховучимда данак олиб ўлай, кўминг, ниҳол унсин,
Шарифийнинг мозори ҳам беҳишти мевазор бўлсин.*

Инсоннинг тупроқдан бино бўлгани ва тупроққа қайгиши, биз босиб турган тупроқ кимдир эканини Умар Хайём ўзал тарзда сатрларга айлантирганига қанчайин асрлар бўлди. Бу фалсафий фикрни қўлаб шоирларимиз ўзига хос тарзда шеърларида ифодалядилар. Аммо Шариф Нурхоннинг бу сатрлари етук шоир Умар Хайём сатрлари билан беллаша олади десак, муболаға бўлмайди. Фольклорда ифода этиладиган эврилиш ўзбекона, бегакрор тарзда берилган. Шоир ўз хокининг ниҳолларга нисбат бўлишини истади. Унинг тупроғида юрак-бағридаги оташ ҳам бор. Бу оташ айнан беҳи, олма, анорга айлансин. Шоир ўлаётганида ҳам ҳовучида данак билан ўлмоқчи. Дунёдан ўтганида ҳам ниҳол кўкартира олсин. Кимдир қабримда дарахт кўкартирадими, деб термулиб ўтирмасин. Халқимиз азалдан қабристон мармар тошлардан эмас, дарахтзордан иборат бўлишини, руҳи обод жойда ором олишини истаган. Шариф Нурхоннинг бу сатрлари шоирнинг юксак исғёдодидан дарак беради.

Шоир 68 ёшга тўлганида, шеърлари “Мадҳия” номли жамоа тўламига киритилди. Муборак 70 ёшга тўлганида ғазаллари “Чертганда дуторимни” баёзида берилди. Афсуски, аксарият ғазаллар даврбоп, мафкура таъсири бор ғазаллар бўлиб, атайлаб сайлаб олинган эди. Аммо шу шеърлар орасида ҳам шоирнинг етук шеърлари бор эди. Қизиғи шундаки, ғазаллар дейилса-да, 18 та шеърдан ўн биттаси ғазал, учтаси мураббаъ, биттаси мусаддас, биттаси фардлар, икkitаси бармоқ вазнидаги шеър экан. Китобнинг юзида шоир номи Шарифий эмас, Нурхон сифатида келтирилмоқда. Буларнинг бари баёз тайёрлангандаги нуксонлар демакдир. Мақтовли жиҳати шуки, аруз вазнида ижод қилаётганларга эътибор қилинган. Шоирнинг Ҳамид Олимжонга бағишланган

мувашишаҳи ҳам шоирнинг адабиёт назариясидан бохабар, билимдон шоир эканини англатади. Мувашишаҳ ғазал жанрида ёзилган бу шеърнинг охириги байтига диққат қилинг:

Олиб шеъримнинг бош ҳарфин ўқиб

номингни эл билгай,

Нодир дурлар Шарифийга қўйиб кетган

сахий қарвон.¹

Шоир қайси мавзуда, қайси жанрда, қайси вазнда шеър битмасин, кўнглидан кетганларини самимий, халқона тарзда ифода этади. Бу сатрлар юрагингизга кириб боради:

Айрилиг дарди йиқитди ғам тегирмони аро,

Хору зор жисмим эзилиб бўлди гард бирла ғубор.

Э ғуборим, севгилимни юзларига қўнмангиз,

Бўлмасин ойдек жамоли хира нурли, доғдор.

Жойлашиб кавшини қўйган кийгизини остига

Мен учун ўпиб оёғин яйрасин у дилфизор.

Юрса ҳам маҳсию кафшин товўшига жур бўлиб,

Бу Шариф Нурхон сўзи деб кўйлашинг гул ёр-ёр.²

Камтарлиги сабабми, адабий муҳитда ҳар кимнинг ўз ташвиши билан оворалигими, шоирнинг илк шеърый китоби унинг вафотидан сўнг мухлисларига етди. Табаррук 80 ёшни қаршилаган шоир ўлиmidан бир кун олдин ҳам мухлисларига шеърлар ўқиб берган эди. Бу унинг бир

¹ Чертанда дуторимни. Шеърлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 35.

² Шу китоб. – Б. 36-37.

дақиқа ҳам бекор ўтирмаганини, ҳар доим фаолиятда бўлганини кўрсатади. Бу ҳол ҳам биз қаламкашларга муносиб дарсдир. Бутун бир-икки жажжи китобчасини устозлар кўмагида чоп эттирган қаламкаш ҳам ўзини осмон ҳис қилса, изланмаса, ўқимаса, Шариф Нурхонлардаги камтарлик ибрат бўлиши лозим.

Шоирнинг илк шеърӣй тўплами “Яхшидан шарофат” номи билан 5000 нусхада иқтисод қилинган қоғозлар ҳисобидан босилди. Ундаги бир-биридан гўзал, бетакрор шеърлар шоирнинг талантини бизга намойиш қилади. Ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар, маснавийлардан иборат бу китобдаги ҳар бир шеър халқ оғзаки ижоди сарчашмасидан сув ичганини намойиш қилиб турибди. “Тил”, “Қаришга вақт тополмайдир”, “Насихат”, “Мевазор бўлсин”, “Наво чиқди”, “Сув юзида из бўлмайдир”, “Мен ўлсам...” каби шеърлари оддий фолклоризмга бойлиги, афоризмлари билан ёшлар тарбияси йўлида муҳим аҳамият касб этади:

Чумчуқ ўсиб семирса ҳам гоз бўлмайдир,

Сув юзида юз юрсанг ҳам из бўлмайдир.

Минг йил яшаб яйрасанг ҳам олам аро

Ёшлигингдек лаззатга бой кез бўлмайдир.

Яхшиларнинг юрагида ғараз бўлмас,

Қуёшни кўр, қучогида муз бўлмайди.¹

Шоир оддий ҳаёт ҳақиқатларини чиройли бир тартибда кетма-кет келтирадики, улуғ фалсафӣй маъно манзаралари пайдо бўлади. Юракдан булоқдай отилиб

¹ Шариф Нурхон. Яхшидан шарофат. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 63.

чиққан самимий туйғулар вазн шодасида дурларга айланадики, шеърхоннинг кўнглини забт этади.

Шариф Нурхоннинг иккинчи шеърий тўплами устоз шоир Тошпўлат Аҳмад сўзбошиси остида 2006 йилда нашр этилди. Китоб олдинги тўпламдан тўлдирилгани билан тафовутланади. “Бухоро сайри” бутунги Бухоро ҳақида ёзилган мисол таассурот қолдиради. Мухаммаснинг охирги бандини ўқиб кўринг:

*Бу улуг тубсиз хазина, бойлигининг сони йўқ,
Мадҳини эшитса ҳар ким, кўрмаса имкони йўқ,
Бор ажиб оҳанрабоси, меҳрининг поёни йўқ,*

*Шунда тўғилди Шарифий, кўнглининг армони йўқ,
Дўстларим, тезроқ келингиз гул Бухоро сайрига.¹*

Ҳақиқий шеър қанча даврлар ўтса ҳам эскирмайди. Шеърхонга маънавий қувват, руҳий мадад, бетакрор завқ беришда давом этади. Шоир шеърлари шундай кучга эга. Шариф Нурхон шеърлятида кўтаринки руҳ, яхшиликка етакловчи битмас қудрат бор. Бу шоир табиатида мавжуд феъл-атворнинг ифодасидир. У киши гоҳ ёр тавсифини келтириб, муҳаббат ҳақида ёниб-куйиб ёзса, гоҳ ҳажвий шеърлар битади. Ҳажви ҳам халқонаки, шоирнинг топқир, зукко эканига ҳайратланасиз. Қуйидаги сатрлар болалагимдан буён қўшиқ тарзида қўлоғим остида жаранглайди. Аммо унинг муаллифи Шариф Нурхон эканини билмас эканман. Шеър халқ қўшиқлари сингари кенг тарқаб кетган:

¹ Шариф Нурхон. Мендан салом айтинг. – Бухоро: “Бухоро”, 2006. – Б. 55.

Онажоним, сиз биласиз феълимни,
Шу кир ювиш тўсар ўсиш йўлимни,
Букилтирар нозик ниҳол белимни,
Совун дағал, оғритади қўлимни.¹

Шеърлари халқнинг мулкига айланиб кетиши ҳам саодат. Тақдир ранжу озорларини енгиб, халқ эътиборини қозонган шоир, дарҳақиқат, саодатлидир. Шариф Нурхон сабр-тоқат, ирода, имон, меҳнат орқасидан бахтга эришди. Ўзидан заминимизга чорбоғ, шеъриятимизга гузал ва халқона руҳдаги шеъриятни, эл кўнглига муҳрланган меҳрини, самимиятини қолдириб кетди.

Лайло ШАРИПОВА,

БухДУ доценти,
филология фанлари номзоди

¹ Шу китоб. – Б. 125.

БОЛАЛИКНИ КУЙЛАГАН ШОИР



Жаҳон ва ўзбек адабиётида ўзининг қисқа умрида салмоқли асарлари билан ёрқин из қолдира олган шоир ва ёзувчилар талайгина. Шулар сафида бухоролик педагог ва жангчи шоир Султон Жўранинг номи ҳам қайд этилади. Бор-йўғи 33 йил умр кўрган шоирнинг ижодий фаолияти XX асрнинг қатағонликва жанговар йилларига тўғри келди. Болалиги эса ота-онаси эрта вафот этиб, оиласидаги парокандалик туфайли етимлик ва саргашталиқ билан ўтди. Шунга қарамай, ўн йиллик ижодий умрида у педагог шоир бўлиб танилди, жангтоҳларда ёв билан юзлашиб, қўлига қурол ва қалам тутди, истеъдодли мураббий сифатида шогирдлар қалбида из қолдириб (Ўзбекистондаги таниқли профессорлар Мустақим Мирзаев, Ғ.Мусина, Н.Қобиловлар Султон Жўрадан она тили ва адабиёт бўйича сабоқ олган), номи абадиётга муҳрланди.

Султон Жўра шахси ва ижодини ўрганиш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланган эди. Бу ҳақда устоз олим ва профессорлар С.Алиев, О.Сафаров муҳим далиллари келтириб ўтишган. Жумладан, О.Сафаров Султон Жўранинг инсон, шоир ва жангчи қиёфасидаги бадий сиймосини яратиш йўлида Хайриддин Салоҳ “Янғроқ ҳаёт” достонини, Назир Сафаров, Зиннат Фатхулин, Адҳам Раҳмат, Йўлдош Муқимовлар қатор очеркларини, Асқад Мухтор, Омон Мухтор ва Беларус шоирлари Дмитрий Ковалев, Василий Витко ўз шеърларини, таниқли адиб Омон Мухтор эса “Учқур поездлар” ҳужжатли қиссасини ёзганини; шоир ижодий меросини тўплаш ва бадий

махоратини умумлаштириш йўналишида эса филология фанлари докторлари Наби Раҳимовнинг “Султон Жўра” (1954) танқидий-биографик очерки ва Ғаффор Мўминовнинг “Ота...” (1970) адабий портрети дунёга келганини таъкидлайди. Бундан ташқари, Набижон Қобилов унинг ижодий меросини ўрганиб, махсус номзодлик диссертацияси ёқлагани ва шу асосда “Ватанпарвар шоир” (1961), “Кичкинтойларнинг катта шоири” (1973) рисоаларини эълон қилгани эътироф этилган. Филология фанлари доктори, профессор Саиджон Алиев унинг асарларини тўплаб “Ёмғирдан сўнг” номи остида эълон қилгани, шу тўпламга “Жангчи шоир” деган сўзбоши ёзиб, айни чоғда шоир ижодий биографиясини тиклаш ҳамда ижодий мундарижасига хос хусусиятларни умумлаштирувчи “Шоир Султон Жўра ҳақида янгиликлар”, “Меҳнат ва қаҳрамонлик элчиси” сингари салмоқли мақолаларини эълон қилгани¹ таъкидланади. Айтиш мумкинки, бу манбалар Султон Жўра шахсини ва ижодий фаолиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Зотан, С.Алиев ва О.Сафаровнинг бу борада олиб борган бевосита изланишлари диққатга сазовор. О.Сафаров устози С.Алиев ҳақидаги хотираларида шундай мисолни келтиради: “Тўртинчи босқичдаги ўқишларимиз яқунланиб, ёзги таътилга чиқаётганимизда устоз менга яна бир топшириқ берди:

– Сен Шофиркондансан. Шоир Султон Жўра – сенинг ҳамюртинг. Қоғолтом қишлоғида туғилган. Вазифанг шундан иборат: ўша қишлоқда уни, ота-онасини

¹ Қаранг: “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1962, 11 сон, 52 - 58 бет; Саиджон Алиев “Бухорода битилган байтлар. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992, 55-68-бетлар; О.Сафаров. Болаликнинг оидин осмони. Сайланма. Тошкент, 2009, –Б. 252.

биладиганлар борми? Шунини аниқлайсан. Шоир ҳаётига оид нимани эшитсанг, ёзиб ол, ким айтганини, қачон айтганини қайд этиб боришни унутма. Иложи бўлса, бир кундалик тут, унда ҳар бир кунда кимлар билан учрашганинг-у, нималар ҳақида суҳбатлашганингни ёзиб бор.

Ана шу маслаҳатга амал қилиб, ёздароппа-роса йигирма кун Шофиркон қишлоқларини кездим. Шунгача ўзим туғилиб ўсган туманнинг номинигина биларканман. Велосипедда ҳар куни йўлга тушаман. Султон Жўра ва авлодларини билувчилар берган маълумотларга кўра, у қишлоқдан бу қишлоққа ўтаман, ҳуллас, ўтгиздан зиёд қишлоқларга бориб, шоир биографиясига оид бир неча янги маълумотларни аниқладим. Қолаверса, Шофиркон туманида иккита Қоғолтом қишлоғи борлигини, уларнинг иккаласида ҳам Султон Жўра отлиг кишилар ўтганини, иккаласи ҳам урушга бориб қайтмаганини, қолаверса, Дўрман қишлоқ кенгашидаги Қоғолтом қишлоғилик Султон Жўраев қишлоқ шўроси раиси бўлиб, шу лавозимда урушга кетган бўлса, иккинчи Султон Жўра шоир бўлиб, Улуғ хўжа қишлоқ кенгашига қарашли Қоғолтом қишлоғида туғилганини, болалигида опасини излаб Бухорога кетганини, ўша ерда ўқиб, шоир бўлиб танилганини ва бошқа маълумотларни аниқлашга муваффақ бўлдим... (ўша кундалигим ҳамон ўзимда сақланади).¹

Кўринадики, ўтган асрнинг 60-йилларидан эътиборан устоз С.Алиев Султон Жўра шахсига ва ижодига қизиқа бошлаган. Олим шу ният билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг архивида сақланаётган Султон Жўра

¹ О.Сафаров. Устозлар ва сафдошлар. Тошкент, "Мухаррир", 2012. – Б. 88.

хужжатлари орасида шоирнинг ўз қўли билан 1940 йил 16 ноябрда ёзилган “Автобиографиям” сарглавҳали хужжат билан танишиб, уни 1962 йилда матбуотда эълон қилади.¹ Бундан ташқари, у Султон Жўранинг укаси Саид Жўраев (1914-1989), синфдоши Қурбон Бадалийдан шоир ҳақида хотиралар ёзиб беришни сўрайди, улар асосида Султон Жўра ҳақида асосли маълумотларни тўплаб, илмий жамоатчиликка маълум қилади. Шунга кўра, Султон Жўранинг Бухорода яшаб, ижод қилган, фаолият кўрсатган даври деярли тўлиқ ўрганилган, қолаверса, шоир шеърларига у ёки бу даражада муносабат билдириб келинмоқда.

Бинобарин, Султон Жўра 1910 йилда Шофиркон туманига қарашли Қоғолтом қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган. У 3-4 яшарлигидаёқ ота-онаси вафот этади. Султон қариндошлари кўлида тарбияланади. “Ҳамқишлоғи боғбон Абдурауф Душанбоев хонадонида асранди ўғил бўлиб”, унинг хизматини қилади, қишлоқ масжиди ҳузуридаги эски мактабда саводини чиқаради. Бу даврда укаси Саидни олис Қазалидаги қариндошлари олиб кетса, опалари Хадича, Фотима ва Османурлар бирин-кетин турмушга чиқиб, турли манзилларда яшай бошлашади (О.Сафаров). С.Алиев таъкидича эса Саидни Қозоғистоннинг Қазали шаҳридан Шофирконга савдо ишлари билан келган бир бой олиб кетади ва уни чўпонга шогирд қилиб ишлатади.

Султон 14 ёшга тўлгач, Бухоро шаҳрида яшаётган опаси Фотима Жабборовани қора тутиб келади. Опасини толгач, бир муддат уникида яшаб, шаҳардаги етти йиллик мактабда ўқий бошлайди. Шу орада Султон Жўра етим

¹ Қаранг: С. Алиев. Бухорода битилган байтлар. Тошкент, 1992. – Б. 55

болаларга кийим-кечак, овқат ва ётоқ-жой берадиган билим юрти шароитидан хурсанд бўлиб, укаси Саидга хат ёзади. Шоирнинг бу хати мазмунида шоир эътирофича улар раҳмсизларнинг эшикларида кўп эзилган, айниқса укалари Саид учун қайғураётгани, унга кичкина бир шеър ёзгани, шуни ўқиши, аммо ҳўжайинлар кўрмаслигини таъкидлаши аёнлашади. Айниқса бўлажак шоирнинг “Энди бизни тузоққа тутолмас, У золим бойлар қонхўр”, – деб бошланувчи шеърда укасини қариндошлари эмас, бойлар хизматкорлик учун олиб кетгани ойдинлашади.

Шу тариқа, Султон Жўра укаси Саид Жўраевни ҳам билим юртида таҳсил олишига кўмаклашади. Ана шу билим юртидаёқ Султон Жўра ўзининг инсоний фазилатлари, билимга чанқоқлиги, илғор жамоатчи, адабиёт ва санъат иштиёқманди сифатида намоён бўлади. Билим юртининг деворий газетасига расом ва шоир сифатида фаол қатнашса, драма тўғарақда қўйилган пьесаларда бош қаҳрамонлар ролини ижро этади. Бу жойдаги адабий мунозара ва мушоиралар Султон Жўранинг шоир бўлиб етишиши учун ҳаёт мактабини ўтайди. Унинг илк шеърый машқлари ҳам шу масканда дунёга келади. Ҳатто шеърлари “Юлдуз” тахаллуси билан мактаб деворий газеталарида мунтазам чиқиб туради. Бу даврда бўлажак шоир ўзбек адабиёти билан бирга рус шоирларидан Пушкин, Лермонтов, Маяковский ижоди, шунингдек, татар ва озарбайжон адабиёти билан чуқур танишиб боради. Султон Жўра Р. Тагор ва Нозим Ҳикмат асарларини катта қизиқиш билан ўқиган. Таътил пайтларида эса қишлоқларга чиқиб, маориф ва қишлоқ кенгаши идораларида ишлар, рўзномаларга мақолалар юбориб турган. Султон Жўра билим юртини 1927 йилда тугатиб, Бухоро таълим-тарбия (педагогика) билим юрти

(собик халқ маорифи институти – иннарпрос)га ўқишга киради. 1930 йилдан эътиборан Султон Жўра Бухоро шаҳридаги, Ромитан туманидаги мактабларда она тили ва адабиёт фанидан дарс бериш билан бирга, маҳаллий матбуотда шеърлари эълон қилиниб боради. Унинг ўша дарсларидан сабоқ олган ва кейинчалик машҳур тилшунос бўлиб етишган шогирди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев устозининг сабоқ айтиш маҳоратини хотирлаб шундай деган эди: “Педагог-шоир дарсларни юксак маҳорат билан ташкил этар, ўқувчилар адабиёт ва тилни ундан зўр ҳавас билан ўрганар эдилар. Шахсан менда ҳам тилшунослик иштиёқи ўша дарслардан юққан ва ўша дарслар таъсирида уйғонган эди”.¹

1932 йили Ғуфур Ғуломнинг Бухорога келиши Султон Жўра ҳаётида катта роль ўйнайди. Унинг шеърлари кўздан кечирилиб, саралаб “Шеърлар” номи билан Тошкентда китобча ҳолида нашр этирилади (1933 й.). шу йили Султон Жўра мактабдоши Моҳира Убайдуллина (Жўраева)га уйланади. Улар биргаликда Ромитан туманидаги Қалайи Чорбоғ мактабида ишлай бошлашади. Аммо Султон Жўра касал бўлиб, врачлар об-ҳавони ўзгартиришни тавсия этгани учун уларнинг oilаси 1933 йилда Андижон вилоятининг Избоскан туманида яшаётган опаси Фотима ва поччасининг чорлови билан кўчиб кетади. Бунинг яна бир сабабини О.Сафаров, ўша пайтда авж олаётган қатағонлик сиёсати билан боғлайди: “Бир ёқдан – рўзгор гебратиш, уй-жой масаласи, иккинчи ёқдан – кундан-кунга шиддат ола бошлаган қатағон туфайли

¹ О.Сафаров. Болаликнинг ойдин осмони. – Б. 254.

Бухоро зиёлиларининг таъқибга олина борилиши, қолаверса, уларнинг Душанбе, Тошкент, Самарқанд, Ашхободга кета бошлаб, жон сақлашга интилишлари Султон Жўрани ҳам сергаклантира борди.” Ҳар ҳолда Султон Жўра шу тариқа Бухорони бир умрга тарк этади. 1934 йилда Андижон кечки пединститутининг география факультетига кириб, 1940 йил январда уни тутатади. Чунки у пайтда адабиёт факультетлари бўлмаган. Аммо шоир тил-адабиёт соҳасида мустақил ўз устида ишлаб, кечки институтда адабиётдан лекторлик қилади. Айни пайтда жўшқин ижодий фаолиятга шўнғийди. Султон Жўра ҳақидаги хотираларда унинг беш тилда – ўзбек, рус, тожик, татар, қozoқ тилларида китоб ўқиб, эркин гаплаша олиши, гоҳ гармон, рубоб сингари мусиқа асбобларини чалиб билиши, ширали майин товушда беш тилда куйлай олиши, расм солишда ҳам моҳирлиги таъкидлаб ўтилган.¹

Омон Мухторнинг Султон Жўра ҳақидаги “Учқур поездлар” биографик қиссасида шоирнинг Андижонда яшаган даври, оилавий аҳволи, фарзандларининг биринкетин дунёга келиши, матбуотдаги фаол иштироки, ниҳоят, фронтга кетиб, у жойдан жанговар хат ва шеърлар ёзиб туриши, уруш майдонларида ҳам жангчи шоир сифатида машҳур бўлиб, ҳарбийларни ўз шеърлари билан хушнуд қилиши каби реалистик тасвирлар бадиий ифодаланган. Ёзувчи шоирнинг фронтдан хотини, қизларига юборган мактубларидан, шеърларидан намуналар келтириб, унинг сиймосини ёрқин гавдалантиради. Шу маънода, Султон Жўра сиймоси ўзбек адабиётида жангчи ва педагог шоир сифатида ёрқин гавдаланади.

¹ Омон Мухтор. Ушбу китоб ўқувчисига мактуб. Китобда: Султон Жўра. Соғинчли салом. Тошкент, Юлдузча, 1988. – Б. 3.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Султон Жўра энг аввал педагог ва болаликни куйлаган шоир эди. У аввало ўз касби тақозосига кўра мактаб ва ўқувчилар ҳаёти, болаларнинг пухта билим олишига кўмаклашадиган мавзуларда шеърлар битади. Ҳатто фронтдан юборган мактубларини ҳам қизлари Нурия, Румия ва Илҳомияларга бағишлаб ёзаркан: “Эй, гули гунчаларим, Олтин юлдузчаларим, Тиллари чучук-чучук, Бири-биридан кичик, Гиргиттон қизчаларим, Жон-жон чинничаларим...” (“Соғинчли салом”) – дея эркаловчи тилда шеърлар битади.

Шоирнинг “Ҳарфлар паради”, “Тиниш белгиларининг мажлиси”, “Кимнинг хати чиройли”, “Аъло” ва “яхши”нинг мақтови” шеърлари эса маърифий-педагогик жиҳатдан муҳим аҳамиятта эгадир. Султон Жўра шеърларининг услуби, мазмуни ва шаклий ўзига хослиги уларнинг умрбоқийлигини таъминлайди. Шоир ҳар бир образни жонлантира олади. Шеърдаги энг кичик поэтик деталлар ҳам шеърда жонли тус олади. Хусусан, назарий билимга оид тушунчаларни шеърга солиш анъанасини ўзбек болалар адабиёти бошлаб берган шоир ҳам Султон Жўрадир. Айтайлик, ўзбек тилида мавжуд бўлган тиниш белгилари ва уларни ишлатиш қоидалари шеърда ихчам ифодасини топади. “Нуқтавой”, “ўртоқ Сўроқ”, “Ундовновча”, “Вергул” ва “Қўштирноқлар” ҳамда “Тире”нинг мажлисида сўз олиб ўз вазифалари – ролини тушунтириши назарий маълумотларнинг поэтик ифодаси сифатида жаранглайди. Жажжи ўқувчилар ҳали-ҳануз она тили дорсларини мустаҳкамлашда Нуқтанинг: “Ҳар дарақ гап охирида тўхтайдирман. Бошқа фикр бошланажак мендан кейин. Ўзимдан сўнг қўймоқ зарур зўр бош ҳарф” деб таъкидлаган ўтитини осонгина тушуниб етадилар. Ёки,

сўроқ белгиси сўроқ гаплар охирида қўйилиши, ундан кейин ҳам бош ҳарф билан ёзилиши ҳақидаги фикр айтилгач, унинг амалий жиҳатдан қўлланишига мисол ҳам шеърий ритмда акс этади:

Уқдингизми? Етадимми? Борми савол?

Ёки ўзим сўрайинми сиздан савол?

Бундай ифода бошқа тиниш белгиларига ҳам дахлдор бўлиб, уларнинг қўлланишига эътибор қаратилган. Бундай баҳс-мунозара усули шоирнинг “Аъло” ва “яхши”нинг мақтови” шеърида ҳам кўзга ташланади. Ўқув йили якунидаги мажлисда мактаб директори ота-оналарга баҳоларни ўқиб берганда, “Аъло” ва “Яхши”нинг “Ўрга” ларга қараганда қўллари баланд келиб, мамнунлигини билдирган дил изҳорлари, улар мунозарасига қўшилган Султон ҳам баҳоларидан мамнунлиги жонли мулоқот сингари таъсирчан бўёққа эгадир.

Шоирнинг “Кимнинг хати чиройли” шеърида нафақат хуснихатга эътибор, балки, кичкинтойларнинг партада тўғри ўтириш қоидалари, озодалик ҳақида сўз боради. Жажжи лирик қаҳрамон чиройли ёзган ҳарфларига “Қийшайманг ҳар томонга!” деб буйруқ бериш билан бирга, ўзига ҳам талабчан:

Томизмайман сиёҳни.

Ўтиришим тўғри соз,

Қоидага жуда мос,

Кўкрагимни мен сира

Ўтирганим йўқ тираб!

Шу тариқа, шоир муаллимга хос йўл тутиб, ўқувчиларга чиройли хат ёзиш ҳам бир санъат эканини таъкидлаб, Алишер Навоийдек хаттот бўлишга ҳавас уйғотади. Таъбир жоиз бўлса бундай педагогик, маърифий шеърлар ёзиш анъанаси кўпгина болалар шоирлари, хусусан, Қуддус Муҳаммадий, К.Турдиева ижодида оммалашдики, уларни истиқлол даври ўқувчилари ҳам катта қизиқиш билан мутолаа қилмоқдалар.

Бундан ташқари, Султон Жўра шу ёшдаги болалар характерида учраб турадиган камчиликларни юмористик шеърларида ифода этади. Унинг “Чўнтак”, “Мамагининг кечирмишлари”, “Ёлғончи”, “Қарздор” каби шеърларида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг турли қиёфалари намоён бўлади. Буларни сюжетли шеърлар дейиш мумкин. Уларда ҳикоянинг композицион бутунлиги мавжуд бўлиб, воқеа тугуни, кульминацияси, ривож ва ечими кўзга яққол ташланади. Жумладан, “Чўнтак” шеъри қуйидаги тугун билан бошланади:

Дарс – тил эди ҳам қизиқ,

Синф озода, жимжит...

Қўққис тинчликни бузиб,

“Чирқ”лаб қолди чумчуқ?..

Синфдаги олағовур ичида “Дадаш пакана” қўлини чўнтакка солиб, нари-бери боқиб, чумчуғининг тумшугидан қисиб, “жим тур” дея туртиб кўяди, буни сезиб қолган ўртоғига эсаайтмаслик шарти билан бир лафтар сийлов қилишни ҳам ваъда беради. Аммо Дадаш сездирмайман деса ҳам лоларанг ҳусни уни фош қилиб кўяди. Кўнгироқ жаранглаб, катта танаффус бўлгач, ўқитувчи Дадашни тўхтатиб, чўнтагига “экскурсия”

қилади. Шунда унинг чўнтагидан қуйидаги буюмлар бир-
бир парта устига олиб қўйилади:

Энг илгари бир соққа

Ва икки чўтир ёнгоқ,

Камалак ва бир оз дон,

Сири кўчган значок,

Нон ва кир-чир “хўрозқанд”

Ҳам бежон ола чумчуқ...

Қаламтарош уч мири.

Чўнтакнинг ичини ағдариб қарашганда ҳам унинг ичидаги кири ҳаммани ҳайрон қолдиради. Бу қандай омбор, қачондан бери сен бу омборнинг “завхоз”и дея калака қилишади. Чунки, шу чўнтакка неча марта қўл суқилади ва овқат, нон ейилади, кир ва чанг соғлиқка қанчалик зарар экани, ёки чумчуқнинг айби нимадалигини сўрашиб, “Дадашнинг айбдор” лигини бўйнига қўйишади.

Шу тариқа, ўқувчининг чўнтагида фақат битта оппок рўмолча туриши жоизлиги таъкидланиб, Дадаш қаттиқ уялтирилади. Унинг бетлари қизариб, ерга қарайди. Муҳими ана шу танбеҳлар Дадашга таъсир қилади. Шеър қуйидаги ечим билан тугайди:

Мен уни кўрдим тагин

Келганда мактабига.

Энди янги чўнтаги

Оқ рўмолчага эга.

Ўтган асрнинг 40-йилларида ёзилган бу шеърнинг мазмун моҳияти ҳануз долзарб. Замондош ўқувчиларга ҳам экологик тарбия, соғлом турмуш тарзи ҳақида фикр

билдирганда шу каби сюжетли шеърлардан фойдаланиш максадга мувофиқ. Қолаверса, кичик мактаб ёпидаги ўқувчиларга танбеҳлардан кўра шу каби қизиқарли сюжетга эга шеърлар, воқеий ҳикояларни ўқиш завқлироқ ва тушуниш осонроқ кечади.

Мактаб ўқувчилари орасида турли вазиятлар рўй беради. Баъзан паст баҳо олиб, баъзан ёлғон гапириб, изза бўлган болалар руҳияти билан ҳамма ҳам қизиқавермайди. Уларнинг уйда ва кўчада бесаронжомлиги, изтироблар исканжасида қолиши катталар учун арзимаган ҳолдек туюлса-да, бола учун мураккаб ботиний кечинма. Султон Жўра педагог шоир сифатида шундай ўқувчилар сиймосини назардан қочирмайди. Кўп шеърларида уларнинг ички оламини поэтик ифодалашга ҳаракат қилади. Жумладан, “Маматнинг кечирмишлари” шеърида лирик қахрамон ўз-ўзини шундай тафтиш қилади. Барча ором олиб ухлаётган тунда у безовта, у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилади, ўз ғамига ўзи қовурилади. “Нега мен қолоқман дарсларимдан, ёки йўқми менда иқтидор?”, – дея ўкинади. Шу сабабли:

Мамат уйгоҳ, Мамат бесаранжом,

Юлдузларга тиккан кўзини.

Гоҳ тишлар лабин,

Гоҳ шайшабин,

Ўзи тергов қилар ўзини:

– Қани, гапир, Мамат,

Ким айбдор?

Ё мияда борми камии кўст?

Гапир! Ўз-ўзингдан қилмагин ор!

Мамат ана шундай ўзидан ғазабланиб, уйқуси ҳам сочидек тўзиб кетганини ҳис қилади. Билимсизлиги туфайли синовдан ўтолмай кўпчиликка кулгу бўлганидан ўкинади: “Мамат ухламайди, Мамат диққат. Дам юлдуз санайди, дам уфланар”. Насиҳатлар кор қилмай, ишпёқмаслик ҳамдами бўлганидан қаттиқ пушаймон ейди. Хижолатдан дард чекади. Дарсхоналарда камнамолигидан уялиб, Мамат ўз-ўзига ваъда беради: ялқовликни бас қилиб, дўстларидек билим олишга, аъло ўқишга аҳд қилади, зехну қудратига ишонади.

Шоир даставвал Маматнинг тушқун кайфиятидаги кечинмаларини теран акс эттиради. Изтироб чекиб, ўзини тергов қилгандаги ҳолатлар шу сабабли анча ёрқин намоён бўлган. Зеро, фикрнинг кескинлиги шеърини шаклнинг ноанъанавийлигини ҳам таъминлаган. Унинг қофия ва туроқланиши, мисра ва хижолат миқдорининг қатъий эмаслиги эркин вазнда ёзилганини асослайди. Гарчи бундай вазндаги шеър болалар адабиётида кам учраса-да, фикрий, мавзувий долзарблигига кўра аҳамиятлидир. Шеър мазмуни эса ҳар қандай ўқувчининг ўз-ўзига талабчанлигини оширишга ёрдам беради, ички туйғуларини назорат қилишга ўргатади.

Шоирнинг “Қарздор” номли шеърида эса Қодир исмли боланинг руҳий ҳолати жаҳон болалар адабиётининг анъаналарига монанд очиб берилади. Биламизки, рус болалар адабиётининг машҳур шоири ва тадқиқотчи олим К. Чуковскийнинг (1882-1969) машҳур “Мойдодыр” асари қаҳрамони кир-чир юрадиган болакай. У “Умивальник” дан роса кўрқиб, қочиб қолади. Унинг бақувват қўлларидан топ-тоза бўлиб ювинмагунича чиқиб кетолмайди.

Султон Жўра шеърининг қаҳрамонидаги безовталик эса унинг мактабда паст баҳо олиб қарздор бўлганида эди.

Шу сабабли у кечкурун ёстикқа бош қўйса-да, кўзини юмолмай, ўйловга қолади. Шунданми, ярим тунда туш кўради... қаёққадир кетаётиб, қўққисдан унинг йўлини биров тўсганидан кўрқиб кетади. Титроқ босиб, яхшироқ қараса – бу “Арифметика” экан:

– *Хўш, қарздор! – деб гап бошлайди у.*

Қаёқларда чопиб юрибсиз?

Кўп эшитдим бундай ваъдани.

Қулоғимга ёқмас қуруқ сўз!

Уятмасми, кўнчилик аро

Шунақа “дум” судраб юришинг?!

Қани, кетдик мактабга қараб,

Яна бир бор синаб кўр қучинг...

Терлаб, лол қолган Қодир ундан қутулишни ўйлайди. Сездирмай кўлидан қочиб қолганда, “Арифметика” қувади, Қодир қочади. Жонҳолатда қочавериб, тошга қоқилиб, катта чуқурга юмалаб тушганда, кўзини очади ва каравотдан ерга йиқилганини англайди... Шу туши баҳона, у яхши ўқиб, дўстлари ёрдамида қарзидан қутулади.

Султон Журанинг шеърини эртақ ва дostonлари ҳам алоҳида мавқега эга. Айниқса, болалар ва катталар олами муносабати ёрқин акс этган “Ёлғончи” дostonини шу куннинг мавзуси дейиш мумкин. Унда оила ва мактаб ҳамкорлигидагина боланинг тарбияси камол топиши, кичкинтойлар характеридаги салбий хусусиятларни бартараф этилиши бадиий ифодасини топган. Дostonда “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар”, – деган халқ мақоли эпиграф қилиб олинishi бежиз эмас. Синфда аранг “тўртчилар” қаторига илиниб олган Нуъмоннинг уйда нукул ёлғон гапириб аъло ўқийман дейиши,

ўқитувчиси бериб юборган чорлов хатларини ота-онасига кўрсатмай йиртиб юбориши, шунинг оқибатида унинг баҳолари бутунлай пасайиб кетгач, ўқитувчининг уйларига ташрифидан сўнг сир очилиб, Нуъмоннинг ёлғончилиги фош қилиниши реалистик тасвирларда акс эттирилади. Айниқса, Нуъмоннинг онаси Рисолат опа ва ўқитувчи Офтобхон муносабатларидаги холислик асар мазмунини бойитади:

Ўқитувчи қолди ҳайратда:

– Демак, хатни топишмабди-да!

Чақиртириб ҳатто ҳар ҳафта

Ёзганимни йиртган афтидан?

Оғир олманг менинг сўзимни.

Ҳап шундаки, Рисолат опа,

Ҳарча бола “Аъло”ман, деяр,

Аълочи ҳам бўлса барибир,

Хабар олмоқ лозим албатта

Мактабига баъзан бориб бир...

Рисолат опа узр сўраб, маълум қилгани учун ўқитувчига миннатдорчилик билдирганда ҳам Офтобхон яна таъкидлайди:

– Арзимабди, лекин болани,

Уришингу ура кўрмангиз,

Биласизки, мактаб ва уйда

Мушт эмасдир таълим, билсангиз...

Ота-онаси унга қаттиқ танбех беради. Ҳозир уларни алдаган бола, катта бўлгач Ватанни алдаши тайинлиги, ёлғончилик энг ёмон иллатлигини, бундай кишилар ҳеч

кимга, айниқса мамлакатга керак эмаслигини уқдирадилар. Касални яширса, албатта ана шундай иситмаси ошкор қилишини тушунтирадилар. ўқитувчи ҳам дарсдан кейин ортиқча вақт ажратиб, Нуъмон билан ишлайди. Ҳатто аълочи опаси Клара ҳам унга ёрдам беради. Нуъмон аъло ўқишга, ёлғон гапирмасликка ваъда беради. Йил давомидаги астойдил ҳаракат қилиб, “аъло” ололмаса ҳам “яхши” билан якунлайди.

Кўринадики, Султон Жура дoston сюжетини чинаккам педагог хислатига монанд ёритади. Демак, бола табиатидаги салбий қусурларни аввало илғаш жоиз, сўнгра уни бола руҳиятига кескин таъсир қилувчи усуллар билан эмас, танбеҳу ўғитлар билан тўғри йўлга бошлаш англашилади. Зотан, асар мавзусининг долзарблиги, умрбоқийлиги ҳам болаликни куйлаш, уларни меҳр билан ардоқлашда. Таъбир жоиз бўлса, Султон Журанинг бахти ва ҳаёт мазмуни ҳам аслида ана шундай болаликни, маърифатни, Ватанни севиш, ардоқлаш, уни тараннум этиш завқи эди.

Башорат ЖАМИЛОВА,

БўхДУ доценти,

филология фанлари номзоди

ТИЛ ИЛМИ ВА ТАЪЛИМИНИНГ ФИДОЙИСИ



Олимлар ҳам ўзлари мансуб фаннинг умумий қонуниятларини тадқиқ этишда қанчалик бир-бирларига ўхшасалар-да, уларнинг ҳар бири тадқиқотчилик соҳаси, фаолият йўналиши, текшириш объектига муносабати ва таҳлил даражаси жиҳатидан шунчалик ўзларига хос, такрорланмасдирлар. Уларнинг қай бирлари фаннинг умумий масалалари, назарий муаммоларини тадқиқ этишда донг таратган бўлсалар, бошқалари унинг амалиёти жиҳатларини ишлашда шуҳрат қозонганлар. Шу сабабли ҳам у ёки бу давр фани тараққиётида уларнинг ҳар бирининг муносиб ўрни, ўзларига хос ҳиссаси бор. Шу жиҳатдан қараганда, атоқли тилшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Мустақим Мирзаев (1912-1990)нинг илмий ва амалий фаолияти ҳам шундай умумийлик ва ўзига хос жиҳатларга эга.

Мустақим Мирзаев ўз сафдошларидан фарқли равишда кўпроқ тилшуносликнинг амалий масалаларига, тил таълимининг умумий саводхонлик билан боғлиқ жиҳатларига катта эътибор берди. Унинг учун тил илми ва таълимида майда-чуйда нарсанинг (ҳатто ўқувчи иншоиси ёки туман газетасида йўл қўйилган биргина имло хатогача) ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам олим ўз тадқиқотлари ва амалий тавсияларида бир қарашда энг майда кўринган икир-чикирларга эринмай таҳлил доирасига киритар, бошқаларни ҳам бунга ундар, ўзи ва сафдошлари эришганларни – тилшунослик ютуқларини куюнчаклик билан ҳимоя қилар, уларни кундалик фаолиятимизда ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа турмушга сингдириш

зарурлигини доимий равишда уқтириб келарди. У ўзининг ўта куюнчаклиги ва фидойилиги билан барча шогирдларнинг хотирасида тил ва имло масалаларида огоҳликка ундаб турувчи муаллим, унинг қонуниятларини изчил тадқиқ этган олим сифатида абадий қолди.

Бўлғуси олим 1912 йилда қадимий Бухоро шаҳрининг кўҳна марказларидан бири Дўстчеҳракоси кучасида туғилди. Ёшлигиданоқ зийрак, ҳар нарсага қизиқувчан бўлиб ўсаётган Мустақим бир муддат ўз маҳалласидаги эски мактабда таълим олгач, 1925-1930 йилларда Бухоро шаҳридаги бошланғич намуна ва 3-сон ўрта мактабларда ўқиди. Мактабда айниқса тил ва адабиёт фанларига айрича қизиқиш кўрсатди. Бунда шу фан ўқитувчиси, шоир Султон Журанинг алоҳида хизматлари, жуда катта рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчилик ўрни бўлганлигини кейинчалик Мустақим муаллим қайта-қайта таъкидлар эди.

Мустақим Мирзаев 1930 йилнинг июнида ўрта мактабни тамомлагач, бир гуруҳ пешқадам битирувчилар қаторида округ маориф бўлими ҳузурида очилган икки сўйлик таълим-тарбия курсига ўқишга юборилди. Бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курсида ўқиб, уни муваффақият билан битириб чиқди ва бошланғич синфлар ўқитувчиси номини олишга муваффақ бўлди. Ўз меҳнат фаолиятини 1930 йилнинг сентябридан қишлоқ ўқитувчилиги ва саводсизликни тугатиш курсларида муаллимликдан бошлаган Мустақим Мирзаев 1935 йилгача Вобкент, Пешку, Бухоро туманининг Кунжиқалъа, Чорбакр, Лоша қишлоқларида ўқитувчилик қилди.

Тил ва адабиёт фанларига бўлган зўр қизиқиш, ўз маълумотини оширишга бўлган ҳавас ва қатъий қарор 1935 йилда уни икки йиллик Бухоро ўқитувчилар институтига олиб келди. Ўқитувчилар институти 1937 йилда

тамомлагач, у тайёрлов бўлимига мудир ва ўқитувчи қилиб ишга қолдирилди. Бир йилдан кейин у институтнинг асосий курсларида ҳозирги ўзбек тилидан маърузалар ўқий бошлади. Айни вақтда Бухоро давлат педагогика институти кечки бўлими учинчи курсдан бошлаб ўқишни давом эттирди. Бўлажак олимнинг ўта тиришқоқлиги ва фан асосларини пухта эгаллашга уриниши талабалик йилларидаёқ ярқ этиб кўринган эди. Шу туфайли ҳам таҳсил давомида Садриддин Айний номидаги давлат стипендиясини олиб ўқиган ёш Мустақим институтда ишга қолдирилди (1939). Шундан бери унинг 50 йилдан кўпроқ илмий-педагогик фаолияти Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети) айрим факультетларининг ташкил топиши, мустаҳкамланиши, ривожланиши, қисқаси, унинг каттакон илм ва маърифат даргоҳига айланиши билан чамбарчас боғлиқдир. У бу масканда ассистентликдан профессорликкача бўлган шонли йўлни босиб ўтди. Факультет деканининг муовини ва декани бўлиб ишлади, 1944-1977 йилларда узлуксиз равишда ўзбек тили кафедрасини бошқарди. Бухородан етишиб чиққан барча тилшуносларга раҳнамолик қилди, минглаб тил ва адабиёт ўқитувчиларининг вояга етишига улкан ҳисса қўшди. Шундай қилиб, Мустақим Мирзаев Бухоро давлат педагогика институтининг мамлакатимизнинг йирик олий ўқув юртларидан бирига айланишида улкан улушини қўшган, уни яқкифт бўлиб елкасига опичлаб келган устоз ташкилотчи, доно маслахатгўй, чарчамас раҳбарлардан бири бўлиб қолди.

Устоз олимнинг ўқув-маърифий фаолиятини илмий-тадқиқотчилик ишлари ҳар жихатдан тўлдириб келган. У институтда Умумий тилшунослик, Ўзбек тили тарихи, Ҳозирги ўзбек тили, Ўзбек диалектологияси, Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси каби асосий курслардан маърузалар ўқиш билан бир қаторда, шу соҳалар бўйича

тадқиқотлар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Шу сабабли ҳам унинг тадқиқотлар доираси ғоятда кенг ва мазмунан ранг-баранг бўлиб, тилшуносликнинг деярли барча соҳа ва йўналишларини ўз ичига олади.

Устоз олимнинг дастлабки асарларидан бири «Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавити тўғрисида» ги (1940) мақоласидир. Унда олим имло ва талаффуз муаммоларини алифбони мукаммаллаштириш орқалигина ҳал қилиш мумкинлиги масалаларини илгари сурди. Тилшуносликнинг бу соҳаси ҳамisha унинг диққат марказида турди, чунки ёзув маданияти ва саводхонлик учун кураш тилшуносликнинг амалиёт билан боғлиқ қатор узоқ масалаларини атрофлича ҳал қилишга имкон берарди. Шу сабабли ҳам етакчи тилшуносларнинг деярли барчаси (Айюб Ғуломов, Олим Усмон, Собиржон Иброҳимов, Шоназар Шоабдурахмонов, Азим Ҳожиев ва бошқалар) лингвистиканинг бу жабҳасида самарали қалам тебратганлар. Мустақим Мирзаев ҳам шу соҳада “Янги ўзбек орфографияси қоидаларини ўрганиш дарслари” (1941), “Мукаммал орфография ва чинакам саводлилиқ учун” (1952), “Ўзбек орфографияси бўйича машқлар ва диктантлар” (1956), “Ўқувчиларнинг диалектал хатоларини бартараф қилиш тадбирлари” (1963), “Она тилини ўқитиш савиясини кўтарайлик”, “Дефис ва унинг қўлланиши”, “Шеърда тиниш белгилари”, “Бенуқсон ва тугал қоидалар керак” каби рисола ва мақолалар эълон қилди. Унинг тил ва услуб масалаларига бағишланган асарларини ҳам шу сирага киритиш мумкин. Бу ўринда унинг “Тапда сўзлар тартиби” (1955) рисоласи ва “Бир район газетасининг тили ва стили тўғрисида” (1945), “Трамматика ва стилистика” (1963) каби мақолаларини кўрсатиб ўтиш kifоядир.

Мустақим Мирзаев ўз сафдошлари қатори ўзбек тилининг лексикаси, терминологияси, фразеологияси масалалари билан жиддий шуғулланган олимлардан

биридир. У шу йўналишда “Ўзбек тилида совет-интернационал сўзлар ва терминлар” (1951), “Совет-интернационал сўзлар – ўзбек тилининг илмий терминологиясини бойитиш манбаи” (1952), “Фразеология масаласига доир” (1961) каби оригинал тадқиқотлар яратди. Унинг бу соҳадаги ишлари илмий жамоатчилик томонидан муносиб равишда баҳоланди. Профессор В.В.Решетов раҳбарлигида “Ўзбек вақтли матбуоти тилида совет-интернационал сўзлар” мавзусида олиб борган илмий тадқиқоти учун 1952 йилда унга филология фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Бир йилдан кейин эса доцент унвонига сазовор бўлди.

Бутун, орадан 60-65 йил ўтгандан кейин Мустақим Мирзаев ва унинг сафдошлари ўтган асрнинг 50-йилларида ўзбек тилининг лексикологияси ва терминологияси буйича амалга оширган тадқиқотларга турлича муносабатда бўлиш мумкин. Бироқ шуни айтиш керакки, улар қанчалик сиёсатлаштирилган бўлмасин, уша давр тил жараёнларини асосан тўғри акс эттирган, Олимнинг рус тилини ўрганиш ва тарғиб қилишга бағишланган “Рус тилини мустақил ўрганувчилар учун дарслар” (1949), “М.Горький номидаги ўрта мактабда рус тилини ўқитиш тажрибасидан” (1957), “Рус тилини ўрганиш масаласига доир” (1958), “Улуғ рус тилини ўрганамиз” рубрикаси остида ўттиз бешта дарс” (1959-1961) каби илмий-оммабоп мақолалари ва услубий тавсиялари ҳам шу хилдаги асарлар жумласига киради. Уларда сунъий равишда бир тилга устунлик бериш, муайян маънода декларативлик ҳоллари яққол кўриниб турганлигига қарамай, олим келган хулосалар ва тавсиялардан умуман хорижий тилларни ўрганиш учун бугун ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Муҳими ҳам шу нарсадир, бир вақтлар яратилган тадқиқотларнинг янги даврда янгича маъно бера билишидадир.

Ҳар бир йирик олим умри давомида ўзи мансуб фаннинг турли жабхаларида қалам тебратган бўлишига қарамай, унинг илмий фаолиятида бир соҳа, муайян фаннинг у ёки бу йўналиши устунлик қилиши табиийдир. Ўзбек халқ шеваларини ўрганиш Мустақим Мирзаев учун шундай етакчи соҳа ҳисобланади. Маълумки, ўтган аср 50-йилларининг охири ва 60-70 йиллар ўзбек халқ шеваларини ўрганишда ниҳоятда кўтарилиш даври бўлди. Бу йилларда бир вақтлар Ғози Олим Юнусов, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов каби олимлар бошлаган ва асос солган ўзбек диалектологияси жиддий ва ғоятда катта ютуқларни қўлга киритди. Фаттоҳ Абдуллаев, Собиржон Иброҳимов, Шоназар Шоабдурахмонов, Худойберди Дониёров, Аҳмад Ишаев каби олимларнинг фундаментал тадқиқотлари яратилди ва нашр этилди. Қирқдан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Мустақим Мирзаев ҳам ана шу жараённинг фаол иштирокчиси ва забардаст тадқиқотчисидир. Бухоро вилоятида ўзбек шеваларини фундаментал ўрганиш ҳақли равишда унинг номи билан абадий боғлиқ бўлиб қолди.

Профессор Мустақим Мирзаев шеваларни ўрганиш ишини “Бухоро областидаги ўзбек шеваларини ўрганиш учун анкета” тузиш ва уни нашр этиш (1955)дан бошлади. Бу нарсa бошданок бўлажак тадқиқотлар учун фундаментал асос бўлиб қолди. У бу мавзуда икки жилдлик докторлик диссертациясини ёзди (1965 йилда ҳимоя қилинган). “Ўзбек тили Бухоро шеваларининг ўзаро муносабати тўғрисида” (1961), “Бухоро шеваларида “о”лашиш масаласи” (1962), “Шаҳар типидagi шеваларнинг фонетик хусусиятлари” (1963), “Бухоро диалекгининг морфологик хусусиятлари” (1964), “Диалектал сўзлар” (1966) каби мақолалар эълон қилди, “Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари” (1969) монографиясини нашр этди. Бу тадқиқотларнинг аҳамияти

Бухоро шевалари биринчи марта ўрганилганлиги билангина чегараланмайди, балки уларда шева материаллари асосида икки тиллилик (ўзбек-тожик) масаласи жиддий равишда қўйилди, бу хил шеваларнинг ўзбек адабий тилига муносабати чуқур ва атрофлича текширилди. Бугина эмас. Диалектология фанида М.Мирзаевгача Бухоро вилояти аҳолиси асосан икки тилли шева вакилларидан иборат, деган янглиш ва хато фикр ҳукмрон эди. М.Мирзаев эса вилоятнинг деярли барча қишлоқларини поёу пиёда кезиб чиқди, ўз сафарлари давомида бой диалектологик материал тўплади ва булар асосида минтақанинг барча туманлари аҳолисининг асосий кўпчилиги бир тилли (ўзбек тили) шева вакиллари эканлигини исбот килди. Бундай хулоса тил тарихи, тарихий диалектология ва аҳолининг этник таркибини ўрганиш учун жиддий аҳамиятга эга бўлди.

Мустақим Мирзаев олий ўқув юртлари ва мактаблар учун ўқув дастурлари тузиш, дарслик ва қўлланмалар яратиш ишига ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келган олимларимиздан бири эди. У О.Азизов, А.Сафоев, А.Бўрибековлар билан ҳамкорликда “Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси” (1965), С.Усмонов, И.Расуловлар билан биргаликда “Ўзбек тили” (1962, 1966, 1970) дарсликларини яратди. Унинг “Ҳозирги ўзбек тили. Машқлар тўплами” қўлланмасининг (1958, 1963, 1968) қайта-қайта нашр этилганлиги ҳам олим илмий-услубий ишларининг аҳамияти ва долзарблигига яққол мисолдир.

Ўзбек тилшунослиги тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган Мустақим Мирзаев ниҳоятда ҳалол, шогирдларига меҳрибон, ўта фидойи инсон эди. Юқорида айтилганларга устоз олимнинг қирқдан ортиқ эълон қилинган публицистик мақолаларини, ўнга яқин фан номзодлари етиштирганлигини, йигирмадан кўпроқ номзодлик ва докторлик диссертацияларини расмий

опционент сифатида баҳолаганлигини, Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Боку, Душанбе, Ашхобод, Бишкек, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги илмий кенгашлардан келган 115 та номзодлик ва 25 та докторлик диссертацияларининг авторефератларига ёзма тақризлар юборганлигини қўшсак, бизнинг кўз ўнгимизда ғоятда меҳнатсевар, сермахсул ва ҳозиржавоб аллома намоён бўладики, уни доимо эслаш олим хотираси абадийлигидан, унинг тадқиқотлари мангуликка дахлдорлигидан нишонадир.

Ўзбек тилининг фидойиси бўлган “Шавкатли меҳнати учун” медали, турли фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган устозга Бухорода биринчи бўлиб “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби” фахрий унвони берилганлиги унинг меҳнатлари самарасиз кетмаганлигини кўрсатиб туради. Шундай юксак унвонлар соҳибидан қўшқават қошоналар, қўша-қўша машиналар қолмади. Олимнинг ҳаёти отасидан қолган, ўзи туғилиб ўсган Дўстчехракоси маҳалласининг тор кўчасидаги эски ҳовлида ўтди. Шу ҳовлида фан номзодлиги, фан докторлиги диссертацияларини, кўплаб китобларни ёздилар, тўрт қиз ва бир ўғилни аҳли солиҳ, халқ ишига қамарбаста фарзандлар қилиб тарбияладилар. Истат, Роҳила, Зулфия – ўқитувчи, Олима – радиожурналист, Шавкатжон – физика-техника фанлари доктори, профессор, республикамизнинг барча шаҳару қишлоқларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар, олимлар, шоиру ёзувчилар, турли соҳаларда раҳбарлик қилаётган шогирдлар қолди Устоздан. Яхши ном, порлок хотиралар қолди домладан. Ҳавас қилса арзийдиган ҳаёт ибрати қолди бу муҳтарам ИНСОНдан. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Юртимиз мустақилликка эришишига бир йил қолганда бу оламдан кўз юмган таниқли олим ўзлари жону

дилдан севган, мавқеининг юксалиши учун кучу қобилиятини аямаган ОНА ТИЛИ – ЎЗБЕК ТИЛИ яна ўз кадр қиммати чўққисига чиққанини, ўз миллатининг фахру ифтихорига айланганини кўришга улғура олмадилар. Лекин у кишини улғайтирган, шу тил ривожини учун чеккан заҳматлари эвазига эришган зафарлари самарасидан баҳраманд бўлган кадрдон халқи ўзининг асл фарзандини унутмайди, бугунги шукуҳли, файзли лаҳзаларда уни ўз ёнида, деб ҳис этади. Истиқлол йилларида Бухоро шаҳридаги кўчалардан бирига Профессор Мустақим Мирзаев номи берилганлиги шу эҳтирому эътирофнинг изоҳсиз исботидир.

Олима МИРЗАЕВА,
фахрий журналист

ҲАЛОЛЛИККА ТОПИНГАН УСТОЗ ...

XX аср ўзбек адабиётшунослиги фанига муносиб ҳисса қўшган етук олим, фидойи мураббий Саиджон Алиев – илму маърифат маскани, тарихий обидалар макони Бухорои шариф фарзанди бўлганлигидан бир умр уни севиб яшади, ўз ҳаётини Бухоросиз тасаввур эта олмас, узини Бухородан айри кўра билмасди. Шу сабабли умрининг сўнгги йилларида ёзилган асарларининг номларида ҳам она юрти Бухорога меҳри бўлакчалиги бўртиб кўринади: “Бухорода битилган байтлар”, “Бухоро нидоси”, Бухоро фарзанди Абу Али ибн Сино ҳақидаги роман, тарихда ўтган бухоролик олимлар, ижодкорлар ҳақидаги тадқиқотлар, пьесалар шу фикримизнинг яққол далиллари бўла олади.



Саиджон Алиев 1920 йилнинг 8 ноябрида Бухоро шаҳрида руҳоний оилада дунёга келди. Отаси ва онаси ҳақида устознинг ўзи шундай ҳикоя қилади: “Отам Ҳожи Мирали муштаҳид – шайх, яъни Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифни чуқур билгувчи эди. Волидам Заҳро Султон ҳожи Жаҳонгирбекнинг набиралари бўлганлар...”

Отамни яхши билган кишиларнинг сўзларига қараганда, у киши руҳоний бўлса-да, очик фикрли, янгиликлардан хабардор, маърифатпарвар инсон бўлганлар” (С.Алиев. Ҳожи Мир Алининг жафоли қисмати. “Бухоро янгиликлари”. 2001 йил 11 август. 33-сон). Қатағон қурбони бўлган отасидан беш ёшлигида жудо бўлган Саиджонга онаси – ўқимишли, маърифатли Зухра ая алоҳида эътибор билан қаради. Саиджон бошланғич

таълимни Бухоро шаҳридаги мактабда, кейин эса Бухоро туманидаги мактаб-интернатда олди. 1936- 1938 йилларда Бухоро педагогика билим юртида таҳсил олади. Шу йиллардаёқ унинг қаламига мансуб кичик хабарлар ва мақолалар матбуот юзини кўра бошлади. Тиришқоқ, изланувчан, илмсевар бўлгани туфайли у Бухоро давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетининг кечки бўлимига кириб ўқишини давом эттирди, шу билан бирга ўзи таҳсил олган мактабда ўқитувчилигини давом эттирди. Институтни тугатиб, имтиёзли диплом билан тугатди.

Шу йиллардан эътиборан Саиджоннинг илмий, публицистик мақолалари матбуот саҳифаларида тез-тез кўрина бошлади. У ўз устида тинмай ишлади, изланди, адабиётшунослиқда долзарб ҳисобланган масалаларни тадқиқ этишга ҳаракат қилди. 2-жаҳон урушининг қизгин ҳаёт-мамонт жанглари кетаётганига қарамай, унда аспирантурада ўқиш иштиёқи туғилди. Шунда у САГУ (ҳозирги ЎЗМУ) аспирантурасига топширмоқчи бўлиб борганида ўша давр таомилига кўра машҳур шарқшунос олим собиқ Иттифоқ ФАсининг мухбир аъзоси Е.Э.Бертельс суҳбатидан ўтиши ва ундан тавсиянома олиши зарур эди. Суҳбат қизгин ўтди. Е.Э.Бертельснинг 1944 йилнинг 23 сентябрида ўз қўли билан ёзган тавсияномасида шундай фикрлар бор: “У ўзбек тилидан ташқари тожик тилини ҳам яхши билади, бу эса унга классик форс адабий тилини осонлик билан эгаллашига имконият беради, тадқиқот иши учун ўзбек адабиёти тарихини биринчи манбалардан ўрганишнинг барча имкониятларини очади. У бунинг устига рус тилини ҳам яхши билади. САГУнинг аспирантурасига топшириш учун унда барча керакли фазилатлар мавжуд”. С.Алиевда билимга чанқоқлик ва

тиришқоқликни пайкаган профессор Бертельс унга ҳатто сиртқи аспирантурадан кундузгисига ўтиб ўқишни тавсия этди.

Устоз 1944-47 йиллар орасида Бухорода муаллимлик билан бирга сиртқи аспирантурада ўқиб, номзодлик диссертацияси устида Ўрта Осиё давлат университети профессори Абдурахмон Саъдий раҳбарлигида тадқиқот иши олиб борди. Абдурахмон Саъдий Туркияда ўқиган, турк, татар, бошқирд, рус ва ўзбек адабиётларини яхши билар, шу билан бирга шогирдларига нисбатан талабчан ва айни замонда ғамхўр устоз эди. Буни унинг "Сиртқи бўлим аспиранти ўртоқ С.Алиевнинг иши ҳақида характеристика"си яққол тасдиқлайди. Унда шундай мулоҳазалар учрайди: "Шуни алоҳида таъкидлашни зарур деб ҳисоблайманки, сиртқи бўлим аспиранти ўрт. С.Алиев ўзининг аспирантлик мажбуриятларини бажариш жараёнида ўз раҳбари томонидан берилган аспирантлик вазифаларини бажарадиганларнинг энг жиддий ва виждонлиларидан биридир. Шу билан бирга у ёш илмий ходим сифатида ўзида ажойиб қобилият борлигини кўрсата олди". Шогирдининг фаолиятига, илмга бўлган интилишига юқори баҳо берган Абдурахмон Саъдий унинг номзодлик диссертациясини ўз вақтида ҳимоя қилишига ишонч билдиради. Ҳақиқатан ҳам устоз ишончини оқлай олган Саиджон Алиев 1948 йилда "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг поэтик ижоди" мавзуидаги номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. Бу ишга академик Ойбек ва фан номзоди, драматург Иззат Султон расмий ҳакамлик қилишади. Улар ёш олимнинг илмий салоҳиятига ҳолисона ва муносиб баҳо беришди. Жумладан, Ойбек ўз тақризида ёзади: "Ҳозирга қадар тарихчи-шарқшунослар асосий эътиборларини "Бобур-

нома"ни ўрганишга қаратиб келмоқдалар ва ўз ишларида унгагина суяниш билан чекланмоқдалар, Бобурнинг гўзал поэтик ижоди эса назардан четда қолиб келаётир. Айтиш мумкинки, Бобурнинг машхур ёзишмалари унинг поэзиясини йўққа чиқараётгандай эди.

Ёш адабиётшунос С.Алиев ана шу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилган. Ўзининг "Бобурнинг поэтик ижоди" ишида Бобур яшаган даврни тавсифлаб туриб, унинг ҳаёти ва ижодига оид биографик маълумотларни изоҳлайди. С.Алиев Бобур поэтик меросини ҳар тарафлама таҳлил қила туриб, унинг ғазаллари, рубоийлари, хатлари, туюқлари ва ҳоказоларига тўхталади.

Муаллиф Бобур поэзиясининг ғоявий мундарижасига катта эътибор беради, унинг асарларидаги автобиографик нуқталарни очишга, асарлари мавзуларини шоир яшаган замонага боғлашга интилади, тадқиқот марказида Бобур поэтик маҳорати масалаларини қўяди. С.Алиев аниқ мисолларда Бобур поэзияси шакллари ва бадииятининг ўзига хослигини тадқиқ этади". (Қаранг: Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. XX том. Тошкент. "Фан", 1985, 187-бет). Аслида бу С.Алиев тадқиқотига берилган баҳогина эмас, балки Бобурнинг шеърӣй мероси баркамоллигининг ҳам эътирофи эди. Зеро, С.Алиев Бобурнинг шеърӣятдаги маҳоратини ўзбек адабиётшунослигида илк бор тадқиқ этиш асносида унинг поэтик меросини ўрганишни бошлаб берган эдики, бу аслида шу йўналишдаги кейинги тадқиқотлар учун очилган йўл ҳам бўлганди.

Устоз С.Алиев ана шундай кўтаринкилик билан урушдан кейинги йилларда мамлакат халқ ҳўжалигини қайта изга солиш ишларига шўнғиди. Ўрта мактабларда таълимни такомиллаштириш мақсадида янги дастурлар ва дарсликлар яратишдан иборат давр эҳтиёжини теран

англаб етди. Натижада ўша вақт Ўзбекистон Педагогика фаълари илмий-тадқиқот институти директори вазифасида ишлаётган таниқли адабиётшунос олим Ғ.Каримов бошчилигида М.Юнусов, С.Долимовлар билан ҳамкорликда 8-5-синфлар учун “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини яратишга киришди. Дарслик 1950 йилда босилиб чиқди. Бу ўрта мактаблар учун адабиётимиз тарихидан яхлит ва изчил сабоқ берувчи илк дарслик эди. Афсуски, сталинча иккинчи қатагон долғалари бу дарслик ва унинг муаллифларини ҳам ўз гирдобига тортди. Ўзкомпартиянинг 1952 йил 21-22 феввалида бўлиб ўтган машғум пленуми “Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида”ги масалани кўраркан, бу дарслик ва унинг муаллифлари ҳам “миллатчилик”да, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатганликда, шоҳ Бобурни идеаллаштирганликда, шунингдек, Шайбонийхонни идеаллаштирган Муҳаммад Солиҳ ижоди ҳамда феодал ўтмиш ва урушларни тарғиб қилган “Алпомиш” достони ҳақида ошириб-тошириб сохга маълумотлар берилганликда айбланди. Бу ҳусусда устознинг ўзи ёзган эди: “Ўрта мактаблар учун урушдан кейин чиқарилган биринчи дарсликда (“Ўзбек адабиёти тарихи”) Мирзо Бобурнинг ҳам насрий, ҳам назмий ижоди, шунингдек, Муҳаммад Солиҳнинг (ХУ1) “Шайбонийнома” асарига бағишланган илмий ишларим, шу жумладан халқ достони “Алпомиш” ҳақидаги материаллар бор эди. Ўз Компартия МК феодализм даври, хону беклар ҳаёти идеаллаштириб кўрсатилгани учун ушбу дарсликни вақтли матбуотда қаттиқ қоралаб, уларнинг муаллифлари шаънига, шу жумладан каминага ҳам роса маломат тошларини отди. Тўғриси, юракни ҳовучлаб яшадик. Чунки ўша даврдаги ёзувчи, журналистлар қатори қамалиб кетиш

ҳеч гап эмас эди. Бутунги кунда Амир Темур, Мирзо Бобур ижоди, севимли халқ эпоси “Алпомиш” достонининг қайта тикланиб, миллатимизнинг фахри ва гурурига айлантирилганлиги, уларнинг муборақ саналарини нишонлаш бутун мамлакат байрамига айланганини кўриш кекса қалбимга нур ва шуур бағишлайди. Қанчалик азият чеккан бўлсак-да, меҳнатларимиз бесамар кетмади. Ана шундай фараҳли кунларга етказганидан Аллоҳга беадад шукроналар айтаман” (Саиджон Алиев “Бухоронома”га тенгдош мухбирман. “Бухоро янгиликлари”. 2000 йил 24 июнь). Устоз ана шу таъкибу тазйиқлар дастидан саккиз йил бадалида ёшларга сабоқ бериш ва илмий тадқиқот ишларидан четда юришга мажбур этилганди. Ўша машъум сиёсат, ғайри илмий тазйиқлар бўлмаганида эди, С.Алиев мумтоз адабиёт вакиллари ижодиётини чуқур тадқиқ этган, улар ҳақида мазмунли, йирик тадқиқотлар яратган бўларди. Аммо шуниси аниқки, у 1957-1958 ўқув йилида яна асл касбига қайтиб, Бухоро пединститутини ўзбек адабиёти кафедрасида ишлай бошлади.

Истеъдодли олим шогирдларига Адабиётдан сабоқ бериш билан бирга адабиётшуносликдаги катта бир муаммо устида жиддий иш бошлади. Бошда буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино бадиий меросини докторлик диссертацияси даражасида ўрганишга киришди. Бироқ Бобур ва Муҳаммад Солиҳ ижодларига муносабат сабоқлари уни бу ниятидан қайтарди. Энди у ўзбек драматургиясининг муҳим назарий муаммоларини тадқиқ этишга киришди. Аслида олимнинг драматургия, театр масалаларига бағишланган биринчи жиддий, айтиш мумкинки, жасорат билан ёзилган иши А.Қаҳҳорнинг “Тобутдан товуш” драмаси ҳақидаги “Виждонлилар кулгиси” мақоласи эди. Драманинг саҳнага қўйилиши

муносабати билан матбуотда бир-бирига қарама- қарши тақризлар босилиб чиқиши муносабати билан ёзилган бу мақолада С.Алиев Абдулла Қаҳҳор комедиясини драматургия мезонлари, маҳорат нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқади, тўғриси айтганда, асарни ҳар хил ҷуружлардан ҳимоя қилади. Бу эса 60-йиллардаёқ унинг ўз нуқтаи назари, услуби, ўз сўзига эга олим эканлигини яққол кўрсатиб беради.

Абдулла Қаҳҳор асарини асоссиз равишда танқид қилган олимларга қарши С.Алиев ўзининг илмий-назарий жиҳатдан асосланган тубандаги хулосаларини баён этади: “Бу кулги адолат ва ҳаққоният, ҳалоллик ва самимият тарафдорлари бўлганларнинг, виждондиларнинг кулигиси, ғолиблар кулигиси, одамга маънавий қониқиш ва эстетик завқ бағишлайдиган кулги”. Абдулла Қаҳҳорнинг “Тобугдан товуш” комедиясини кучли ғоявий-бадиий асар сифатида баҳолаган олимнинг, драматургия муаммоларини яхши билган ўтқир адабиётшуноснинг бу теран мулоҳазалари ҳозир ҳам замонавийлигини йўқотмаган.

Адабиётшуносликда ўзбек драматургиясининг бир қанча муҳим масалалари тадқиқ этилган ва бу соҳада анчагина қимматли хулосаларга келинган бўлса-да, XX асрнинг 70-йилларида ўзбек драматургиясининг туғилиши ва ривожланишида адабий алоқаларнинг роли масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида чуқур ўрганилмаган эди. С.Алиев ўзининг докторлик диссертациясини ана шу масалани тадқиқ этишга бағишлади. “Фан” нашриёти томонидан нашр этилган “Адабий алоқалар ва ўзбек драматургияси” (рус тилида) монографияси шу изланишлар самараси бўлди. Монографияда ўзбек драматургияси ҳамда театр санъатининг юзага келиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнаган адабий омиллар – рус,

озарбайжон, татар, театр санъати ва драматургияси билан ўзаро алоқалари ҳамда ўзаро таъсир масалалари муаллифнинг диққат марказида бўлди. Бу асар олимнинг салоҳиятини, илмий қиёфасини ёрқин намоён эта олган: унда архив материалларидан, Москва, Санкт-Петербург кутубхоналарида синчилаб ўрганилган манбалардаги тарихий далиллар, афишалар, эсдаликлардан, танқидий мақола ва тақризлардан ўринли фойдаланилган. Шу боис монография ўзбек драматургиясининг туғилиши ва шаклланиш жараёни ҳақида ўқувчида мукаммал тасаввур уйғота олади.

Олимнинг “Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва ривожига ўзаро адабий алоқаларнинг роли” деб номланган докторлик диссертацияси ўзбек драматургиясининг тараққиёт йўллариini белгилаб берди. Тадқиқотнинг илмий қиммати яна шундаки, то шу тадқиқотгача ўзбек адабиётшунослигидаги аксар ишларда ўзбек драматургиясининг пайдо бўлиши омили фақат рус драматургияси таъсири доирасида белгиланиб келинган бўлса, С.Алиев бу омил доирасида озарбайжон ва татар драматургиялари таъсири ҳам беқиёслигини дайну далиллар билан асослаб, муҳим умумлашма хулосаларни ўртага ташлади. Шундан бўлса керакки, ишнинг расмий ҳакамлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, драматург Иззат Султон, академик В.Абдуллаев, профессорлар Мирали Сайидов, Ж.Шарипов ва М.Юнусовлар юқори баҳоладилар.

Устоз драматургия масалаларини тадқиқ этиш жараёнида ўзи ҳам бир неча пьеса ва сахна асарлари ёздики, баъзилари Садриддин Айний номидаги Бухоро мусиқали драма ва комедия театри сахнасида намоиш этилди. Бухоролик шоир Саҳбо ҳақидаги драмаси фикримизга мисол бўла олади. Бутина эмас, у театр

фаолиятдан ҳамиша хабардор бўлиб, ундан маслаҳатларини аямас, унинг ташвиқотчиси ва тақризчиларидан эди. Театрда бирор асар сахнага қўйилар экан, албатта, биринчи навбатда устоз С.Алиевнинг синчков нигоҳи остидан ўтар эди. Фигратнинг “Абулфайзхон” фожиасининг сахнага қўйилишида, унинг муваффақиятли чиқишида театршунос олимнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган эди.

Устоз Саиджон Алиев илмий тадқиқотларининг яна бир муҳим қиррасини XX асрдаги ўзбек адабиёти ва адабиёт назарияси масалалари ташкил этади. Айниқса, унинг диққатини Ҳамза, Садриддин Айний, Ойбек, Султон Жўра, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Шухрат, Жамол Камол, Тошпўлат Ҳамид каби ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти кўпроқ ўзига тортади. Улар ҳақидаги мақолаларида устоз ўзини изчил ва толмас тадқиқотчи, тажрибали олим сифатида кўрсата олган. Шу сабабли бу мақолалар эслатилган ижодкорлар ҳаёти, ижодини ўрганишдаги етишмовчиликларни бартараф этишда маълум даражада кўмаклаша олади. Устознинг адабиёт назарияси соҳасидаги уринишлари даврий матбуотда эълон қилинган мақолаларида ва “Ёзувчи новаторлиги” (1983), “Жамият ва адабиёт” (1988), “Адабиёт назарияси бўйича амалий машғулотлар” (1994), устозлари – профессор Абдурахмон Саъдий хотирасига бағишланган “Мумтоз адабиётда бадиий санъатлар” (1994), академик Воҳид Абдуллаев хотирасига бағишланган “Аруз илми” (1995), “Ўзбек комедиялари” (1-қисм. 1997), “Ўзбек комедиялари” (2-қисм. 2004, вафотидан кейин) каби тадқиқотлари ва рисоаларида ўз ифодасини топган. Унинг илмий фаолиятида илмий-усулий йўсиндаги ишларга ҳам эътибор қаратилганлигини кўрамиз. Улар назарий ва

амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларда (масалан, “Олий мактабда адабиётдан лекция ўқиш масалаларига доир” мақоласи) Ўзбекистонда биринчи марта олий мактабларда адабиётдан маъруза ўқиш усуллари тўғрисида фикр юритилиб, фойдали таклифлар илгари сурилади.

Устознинг ўзбек адабиёти соҳасида олиб борган тадқиқотларига тўхталинганда, “Унутилмас саҳифалар” (1986), “Бухорода битилган байтлар” (1992) деб номланган китобларини эсламасликнинг иложи йўқ. Бу китоблар жанрини устознинг ўзлари “Адабий мақолалар, хотиралар, қайдлар” деб белгилаганлар. Муҳими, улар қайси жанрда бўлмасин, ҳаммасида устоз бешигини тебратган Бухорои шариф билан боғлиқ ёруғ нуқталарнинг қўплиги уларни бир тизимга бирлаштиради. Уларда Фитрат, Ҳамза, Айний, Ойбек, Мирбобо Муҳсинзода, Шариф Нурхон, Султон Жўра сингари адиблар ҳаёти ва асарларининг Бухоро билан боғлиқ нуқталари, ўзбек-тожик адабий алоқларининг нисбатан кам ўрганилган қирралари ўзига хос йўсинда қаламга олинган.

Саиджон Алиев юзлаб шогирдлар етиштирган ажойиб устоздир. 1943 йилнинг 13 апрелидан бошлаб устознинг тақдири Бухоро давлат университети (аввалги педагогика институти)нинг ўзбек адабиёти кафедраси билан боғлиқдир. Ярим асрдан ортиқ давр ичида устоз бу кафедрада дастлаб ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва ниҳоят, 1976 йилдан бошлаб профессор лавозимида ишлади.

Адабиётшунослигимизда долзарб саналган масалаларни тадқиқ этишга интилган истеъдодли олим бутун ҳаётини илму фан равнақига бағишлади, талабчан мураббий сифатида юзлаб шогирдлар етиштирди. Унинг тинимсиз изланишлари маҳсули бўлган илмий-назарий

тадқиқотлари, публицистик, шеърӣй, насрий ижод намуналари, матбуот юзини кўрган икки юз элликка яқин асарлари ҳамон зиё тарқатиб келмоқда.

Устоз публицистикада ҳам, бадий ижод оламида ҳам баракали ижод қилди. Уни ҳамиша жонажон она шахри Бухоро тарихи, унинг буюклари ҳаёти қизиқтириб келган. Саҳбо ҳақидаги тарихий драма, Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий роман (афсуски, шу романни нашр этиш домланинг сўнгги армони бўлиб қолди. Бу ҳақда шу сатрлар муаллифига устоз ҳатто нафақа пулларини банк ҳисобига қўйиб, уни нашр этиш ниятида тўплаётганлигини айтиб, васият ҳам қилган эдилар). “Ўзбек комедиялари” китобининг иккинчи қисмини ҳам нашр эттириш учун домла кўп югурдилар. Шогирдларининг сайъ-ҳаракати билан бу китоб ҳам чоп этирилди. Ватай, фарзандлар, шогирдларга битилган байтлар (“Бухоро нидоси”. Бухоро, 1996) устоз қаламининг сўнгги тухфаси бўлди. Устоз ҳеч қачон узини шоир деб ҳисобламаса-да, Она Бухорога нисбатан сўнмас муҳаббати уни қўлига қалам олишга ундаб турар эди. Шунинг учун бадий жихатдан юксак бўлмаса-да, шеърларида муаллифнинг шу қадим ва навқирон юрт фарзанди бўлганлигидан ғурурланиш туйғуси устун эканлигини кузатиш мумкин:

*Узоқлашсам – кўзимга богдайин кўринасан,
Тушларимга кирасан, тоғдайин кўринасан,
Мўътабар нонч тузу ёғдайин кўринасан,
Сенга тоабат татъим, ўстирган она тупроқ!*

Устоз сермахсул, машаққатли илм йўлини босиб ўтган олим, йирик манбашунос, араб ёзувидаги қўлёзмаларнинг тубига етиш имкониятига эга заршунос эди. Шу боис

умрининг охирги йилларида форс-тожик тилидаги “Шоҳнома” асари устида жиддий иш бошлаб, унинг мазмунини ўзбек тилига қайта баён қилишга киришдилар. Фирдавсий руҳини шод этиб, китобсевар ёшларга енгиллик яратиш устознинг холис нияти эди.

Устоз ҳамиша “Ҳаёт ҳамма нарсани бермайди. Изланиш, ўрганиш керак”, – дея такрор-такрор айтардилар. Бу сўзларни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган етук инсон, ўз касбининг заҳматкаши бўлган Саиджон Алиев саховатпеша, ҳиммати баланд, эътиборли, синчков, табиатан болажон ва туғма муаллим эди. У ўзи учун муаллимликни улуғ эътиқодга айлантирган эди. Биргина мисол: 40-йилларда адабиётдан дарсликлар йўқ, ёзувчиларнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар кам эди. Садриддин Айний ижоди ҳақида ҳам етарли маълумотлар йўқлиги боис “кўп нарсани билишни истайдиган студентларнинг айрим саволларига аниқ жавоб беролмас эдим, чунки менга маълум китобларда у саволларга тўла жавоб йўқ эди”, – деб ёзади устоз “Бухорода битилган байтлар” китобида. Шундай зарурият, касбга эътиқод ва масъулият устозни илк бора Садриддин Айний билан учрашишга олиб келди. Бу устознинг кўзлаган мақсадига етишмагунча тиниб-тинчимайдиган инсон эканлигини кўрсатади. Худди шу фазилати уни билимнинг тирик хазинасига айлантирганди, дейишга асос бор.

Устод баракали илмий, ижодий, мураббийлик ва жамоатчилик фаолияти учун ҳукуратимиз томонидан қатор медаллар ва 1981 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими” унвони билан уни тақдирланган эди.

Халолликка топинган азиз устознинг ҳаёт йўли мазмундор ўтди. Зеро, инсон ҳаёти мазмундорлиги билан ўзг. Ҳаётни мазмундор қилиш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бундай бахтга тилаклари йўлида эринмай, курашлардан чекинмай, собитқадамлик билан олға юрган кишиларгина эришадилар. Шундай фазилатга эга инсонларгина ҳаётимизнинг безагига, миллатнинг фахрига, келажакнинг йўриғига айланадилар. Филология фанлари доктори, профессор, устоз Саиджон Алиев босиб ўтган йўл ана шундай саодатга бурканган эди.

**Шоира АХМЕДОВА,
БухДУ профессори,
филология фанлари доктори**

ШОИР, ОЛИМ, ЖУРНАЛИСТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ



Таниқли шоир ва журналист, олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳамид Олимжон номидаги мукофот совриндори, кўплаб ижодкорларнинг устози бўлиш Тошпўлат Ҳамид 1927 йилнинг 12 декабрида Бухоро вилояти Қизилтепа тумани (ҳозирда Навоий вилоятига қарашли)даги Бўстон қишлоғида меҳнаткаш оиласида дунёга келди. Отаси Абдулҳамид Ҳаким ўғли дунёдан ўтганида бўлажак шоир уч ёшда эди. Онаси Ҳамробуви Ширин қизи ўғлини ўқситиб қўймасликка интиларди. Аммо давроннинг қийинчиликлари кўп эди. Шоирнинг болалиги, устоз, фольклоршунос олим О.Сафаров айтганларидек, “30-йиллардаги сталинча қатағонлар ва иккинчи жаҳон уруши даврида серғалва ва ташвишли бўлиб кечди. Ўзи айтганидай, меҳнатда чиниқди, ғура бўлмасдан тез пишар олмадай етилди, шароит катталар хизматини елкасига юклагани боис “бўйи милтиқдан паст” бўлса-да, ҳар қалай, катталардай мулоҳазакор, катталардай мушоҳадакор бўлиб улғайди”.¹ Филология фанлари доктори, профессор О.Сафаровнинг “Бўстон булбули” мақолаларидан иқтибос келтира туриб, устознинг бир дунё фазилатларини, ютуқларини билган ҳолда ижодларидаги яна бир ўзига хосликка иқрор бўлмоқдаман: устоз ўзлари униб-ўсган

¹ Сафаров О. Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар (Мақолалар ва рисоалар). – Бухоро: “Дурдона”, 2015. – Б. 318.

тупроқнинг ҳар бир улуғлигини айрича ардоқлар, Шофирконда, қолаверса, Бухорои шарифда туғилган ҳар бир олиму уламо, фозилу фузало, шоиру шуаро фаолиятига, ижодига эҳтиром кўрсатар эдилар. Уларнинг ҳар бири ҳақида, албатта, китобларида, мақолаларида ёзар эдилар ва бизни ҳам шунга ундар эдилар. Ёзганда ҳам ҳар бир маълумот, ҳар бир жиҳатни фаромуш қилмасликка интилиб, жиддий изланиб, тадқиқот олиб борардилар. Ҳа, адабиётшунос О.Сафаров чинакам ватанпарвар эдилар. Биз шоир ва олим Тошпўлат Ҳамид ҳақида ёзишга чоғланар эканмиз, фактларни устознинг мақолаларидан олдик ва янги маълумотлар қўшишга интилдик, шеърларини таҳлилга тортдик.

Тошпўлат Ҳамид Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатидаги фаолиятини Шофиркон туманидаги Шота Руставели номли мактабда ёшларга таълим бериш билан бошлади. Шу йилларда шофирконликлар билан яқин бўлиб кетди. Айтайлик, шоирнинг академик Иброҳим Мўминов номидаги жамоа хўжалигининг фаолларидан бири Усмон Қурбонов билан борди-келдиси борлигини кексалар эслашди. Усмон Қурбоновнинг яхшигина қалами, адабиётга муҳаббати борлиги бунга сабаб бўлган, наздимизда. Бўлажак шоир Шофиркондаги фаолиятини ўзи туғилиб-ўсган Қизилтепада давом эттирар экан, энди туман халқ маорифи бўлимини бошқара бошлади. 1955 йилнинг октябрида Бухорода Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида қалам тебратаётган ижодкорларни бирлаштирувчи вилоятлараро бўлими ташкил қилинди ва унга Тошпўлат Ҳамид бошлиқ қилиб тайинланди. Қатағоннинг кўркуви

халқ дилидан кетмаган йиллар бу вазифани бажариш учун тоғдай юрак, ўткир ақл керак эди. Тошпўлат Ҳамидда шу фазилатларнинг борлиги бу уч вилоят ижодкорларининг саодати бўлди. Жамол Камол, Н.Аминов, М.Каримов, Омон Мухтор, С.Барноев, Ғулом Шомурод, Аҳад Ҳасан, Мурод Халил, Т.Қораев, О.Сафаров, С.Салимов, С.Воҳидов, Тошпўлат Аҳмад каби атоқли шоир, носир, драматург, олимлар айнан Тошпўлат Ҳамид сардорлигидаги адабий суҳбатларда, машғулотларда шаклланган эдилар. Тошпўлат Ҳамид қайсидир маънода уларнинг ҳар бирига устозлик қилган эди.

Тошпўлат Ҳамид бошчилигида 1957 йилда Бухорода “Бухоро куйлайди” ва “Октябрга гулдаста”, 1967 йилда Тошкентда “Бухоро куйлайди” номли жамоа тўпламлари чоп эттирилди. Бу Бухорода катағондан сўнг янги адабий муҳит пайдо бўлганини кўрсатарди. Адабий муҳит устоз шоирнинг ташкилотчилиги, бағри кенглиги, билимдонлиги эвазига юзага келган эди, десак муболаға бўлмас. Негаки, бундай фикр шоир ҳақидаги тадқиқотларда мавжуд. Кўплаб етук шоирларни, моҳир носирларни, фидойи олимларни айнан ана шу адабий муҳит илк бор элга таништирди. Адабий муҳитнинг етакчиси шу билан чегараланиб қолмади. Тошпўлат Ҳамид 1960-1962 йилларда Москвада икки йиллик Олий адабиёт курсида ўқиди. Сўнг ўзи илк олий таълимни олган даргоҳда ўзбек адабиёти кафедраси мудири бўлиб ишлади. Шоир ва олимнинг ташкилотчилик қобилияти унинг аксарият йилларда турли раҳбарлик лавозимларида ишлашига сабаб бўлди. 1970-1979 йилларда вилоятнинг “Бухоро ҳақиқати” газетасида бўлим бошлиғи, бош муҳаррир уринбосари, бош муҳаррир, 1980-83-йилларда Ўзбекистон КП Бухоро вилоят комитети котиби бўлиб ишлади. 1983 йилдан умрининг

охиригача – 1984 йилнинг 9 февралигача “Бухоро ҳақиқати” газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган Тошпўлат Ҳамид 57 ёшида, айти камолот ёшида дунёдан ўтди. У раҳбар бўлиб туриб ҳам ижодни, адабиётни биринчи ўринга қўйди. Ҳеч қачон адабий муҳитдан узоқлашмади, нафақат узоқлашмади, балки Бухоро адабий муҳитининг бойиши учун бор салоҳиятини, бор меҳрини сарфлади.

Шоирнинг асарлари қozoқ, рус, туркман, тожик, булғор каби тилларга таржима қилинган. Ўзи эса рус ва тожик тилларидан таржималар қилган. Ўзбекистон қаҳрамони А.Орипов шоирнинг ўн бешта китоби чоп бўлди деб эътироф этганида Тошпўлат Ҳамид 52 ёшда эди. А.Орипов шундай ёзади: “Устоз шоир Уйғун, Тошпўлат Ҳамид ҳақида ёза туриб, уни Зарафшон булбули деб атаган эди. Бунингдек ажойиб ҳамда тўғри таърифдан ўтказиб, бир нима демоқ мушкул, албатта. Тошпўлат аканинг туғилган қишлоғи Бўстон деб аталади. Бўстон булбулсиз бўлмайди. Тошпўлат Ҳамид нафақат Бўстон қишлоғининг, на фақат Бухоро чаманзорининг ёхуд Зарафшон воҳасининг, балки дилбар Ўзбекистон, қолаверса, бутун Иттифок гулшанининг хушовоз булбулларида биридир”.¹ Абдулла Ориповдай етук шоирсабабсиз бундай ёзмайди. Тошпўлат Ҳамиддаги билим, закийлик, аввало, ташкилотчилик қобилияти уни адабий жамоатчилик, қолаверса, раҳбарият назарига тушириб билган эди. Шоир рус тилини чуқур билар, ўша даврда давлат тили рус тили бўлгани сабаб бу жуда муҳим жиҳат эди. Кўзга ташланиб қолган шоирни таниқли давлат арбоби, ўша даврда республикаимизнинг биринчи раҳбари, адиб Ш.Рашидов ҳам “Новый мир” журнали мухбири билан қилган суҳбатида вилоятлардаги

¹ Орипов А. Булбул навоси // Китобда: Тошпўлат Ҳамид, Бўстон наволари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – Б. 61.

адабий ҳаракатлар ҳақида тўхталганда алоҳида эътироф этади. Шоир эътироф ва эътиборларни тўғри идрок этиб, изланишдан тўхтамайди. Олий таълимдан сўнг Олий адабиёт курсини ўтаган шоир илм билан ҳам шуғулланди. Бу Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида мудир бўлиб ишлаган йилларида туғилган ният эди. Тошпўлат Ҳамид 1978 йилда филология фанлари доктори, профессор Н.Шукуров раҳбарлигида “Асқад Мухторнинг поэтик маҳорати” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотнинг ўзаги сифатидаги китоб 1975 йилдаёқ “Қўшиқ қанотида” номи билан эълон бўлган эди. Тадқиқот ўз даври мафкураси, адабиётшунослиги таъсирида ёзилгани табиий. Аммо ундаги поэтик таҳлиллар, талқинлар ҳозир ҳам ўрганишга лойиқ. Тадқиқотда олимнинг шоирлиги бу таҳлилларнинг табиий ва ўзига хос чиқиши учун замин яратганини кўрсатиб турибди. Миниатюра жанрининг нафақат мусаввирликда, балки адабиётда мавжудлиги, унинг ҳам насрий, ҳам шеърый шакли борлиги, Асқад Мухтор ҳам 99 та миниатюра яратиб, ўзбек адабиётида ушбу жанрни ривожлантиргани олим томонидан етарлича асослаб берилган. Тошпўлат Ҳамиднинг илмий тадқиқот яратишида шоирлиги қўл келганини унинг биргина таҳлили билан далилласак: “Асқад Мухтор бармоқ вазнининг имкониятларидан самарали фойдаланади. Бармоқ вазни шоирга эркин ижод этиши учун катта имкониятлар яратиб беради. Асқад Мухтор бу вазнда ҳар гал янги поэтик интонация, туроқларнинг хилма-хиллигига эришади. Шеърларида туроқ, паузасига катта эътибор беради, поэзиянинг темир қонунини бузмайди. Асқад Мухтор феъдан ясаладиган, шунингдек бир неча ундош товушнинг қатор келишидан ҳосил бўладиган пуч

қофиялардан ҳам қочинга ҳаракат қилади. Чунки қофия ритмга, мисраларнинг жарангдорлигига хизмат қилишини яхши билади. Гоҳ мисраларнинг туроқ ва бўгинлари бошқа-бошқа бўлиб келса-да, муайян тартиб бутун бандларда шеърнинг охиригача бузилмай сақланади”.¹ Қўринадики, олимнинг бу тадқиқоти бутун ҳам аҳамиятта молик.

Тошпўлат Ҳамиднинг “Қуёш шаънига” (1960), “Менинг асрим” (1965), “Асроркулнинг қўчқори” (1969), “Бинафша уфқлар” (1973), “Тумбазлар садоси” (1974), “Достонлар” (1976), “Бўстон наволари”(1979), “Қувғин”(1981), “Тоғларга боқ, тоғларга”(1982), “Юртим гуллари” (1988), “Манзил” (1989) сингари шеърӣ тўпламлари ва рус тилидаги “Ласточка”(1969), “Волшебный барабек” (1974), “Золотые ворота” (1975) шеърӣ тўпламлари Тошкентда; “Родина аистов” (1982) китоблари Москвада нашр қилинди. У йилларда ўзбек шоирларининг шеърларини рус тилига таржима қилиш ва уларнинг Москвада китоб ҳолида чоп этилиши осон кечмасди. Тошпўлат Ҳамид ҳам бу бахтга ўз-ўзидан мушарраф бўлган эмасди. Тинимсиз меҳнати, иқтидори билан эришган эди, албатта.

1972 йилда “Эл омон” номи шеърӣ баёзда ўзбек шоирларининг шеърлари чоп этилади. Китобда Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, А.Орипов сингари таниқли шоирлар қаторида Тошпўлат Ҳамиднинг ҳам шеъри берилган:

*Инсон ақли Галактика йўлида чироқ,
Мен фазога йўл очганда титради ганим.
Балки, Ойга чиқиб бир кун кўкатарман боғ*

¹ Тошпўлат Ҳамид. Қўшиқ қанотида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. – Б. 66.

*Балки, Космос мозорида кўмилар таним?!
Игналарга қатим бўлиб кирган офтобдан,
Балиқларга емиш бўлган чувалчанггача;
Мунофиқлар юзларига тортган ниқобдан,
Вьетнамда бўлаётган қонли жанггача,
Барисини кўриб, Асрим! Ўйласам бир зум –
Чидаяёлмай хонасидан чиқади юрак!¹*

Шоир дунё дардларини ўз дарди деб англаган, ўзини инсоният тақдирига тақдирдош деб билаётган ижодкор сифатида шеър ёзган, бу унинг камолотидан дарак эди. Шоирнинг “Ҳаёт ғузури”, “Лоқайдлик”, “Йўллар”, “Икки оддий сўз” каби шеърлари бутуннинг шеърлари бўлиб жаранглайди:

*Замонага ҳукмрон шиддат,
Учиб юрар космосда инсон.
Тезлайшмоқда кундан-кун суръат,
Ўйнатар гоҳ дилни ҳаяжон!
Суръатларда яшин тезлиги,
Юракларда инсоний шуур.
Ҳаёт завқи – меҳнат севгиси,
Иш ғузури, Сизга ташаккур!!!²*

Шоир, шеърларида айтганидек, лоқайдликни ҳуш кўрмас, ўта ишчан, тиниб-тинчимас инсон, юраги эса

¹ Тошпулат Ҳамид. Шеър: Менинг асрим // Китобда: Эл омон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 59.

² Тошпулат Ҳамид. Бустон наволари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979. – Б. 16 (шу китобдан олинган кейинги мисоллар ёнига саҳифасини келтирамыз).

чинакам шоирга хос эди. У “Ёнаман ноҳақни Кўрганда кўзим”, “Бу ишга эмассан Дахлдор!” – Десалар, тўғриси, Етишмас ҳаво” деб ёзади. “Лоқайдлик” шеърининг хулосасига диққат қилинг:

Лоқайдлик келмайди

Қўлимдан.

Тилимни дил билан

Мослайман сўзга,

Бу йўлда қайтмайман ўлимдан! (18-бет)

Ўзи ҳам устозлик мақомига етган шоир алифбони ўргатган устозининг исми шарифини саҳифаларга муҳрлар экан, шундай сатрлар билан бағишловига нуқта қўяди. Бу сатрлар шоирнинг чиройли қалами, истеъдоди бўлганлигини шеърхонга таъкидлайди:

Мактаб...

Ўқитувчи...

Икки оддий сўз,

Қалбларнинг тубида турар ёнма-ён.

Шу оддий икки сўз – дунёнинг ўзи,

Шу оддий икки сўз – жумлаи жаҳон! (22-бет)

Тошпўлат Ҳамид нафақат бармоқ вазнида, балки аруз вазнида ҳам баракали ижод қилди. Унинг “Олтин ғазал”, “Дедим”, “Бўстон наволари”, “Орастадур”, “Қизгина”, “Савту садо”, “Сизники” каби ғазаллари “Тошпўлат” таҳаллуси остида яратилган:

Лаҳза-лаҳза ёр йўлимга кўз тикиб дилбастадур,

Ой куюбдур кўкда бу оқшом, куюб барвастадур.

*Ой куюбдур – бир чети қонхўр қилич янглиз қаро,
Ул қаро гўё нигорим қошидек пайвастадур. (44-бет).*

Тошпўлат Ҳамид фақат шеърлар ёзиш билан чекланмади. Лиро-эпик турда ҳам баракали ижод қилди. Унинг “Тилла дарвоза”, “Қора кийик”, “Табаррук тупроқ”, “Сирли қўчқор” каби достонлари, “Сув қулоғида”, “Ҳамза фронтда” балладалари фикримизга мисолдир. Шоир, таржимон, журналист, педагог, жамоат арбоби Тошпўлат Ҳамид 57 йиллик умри давомида бор салоҳиятини, умрини эл-юрт хизматига камарбасталиқда ўтказди. Шу сабаб ҳам халқ кўнглидан жой олди. У ўзининг ижодини, умумун шоирликни шундай баҳолади:

Шоир кам ёзди деб қилманг хавотир,

Патирнон парчаси оламга татир.

Илтимос, секинроқ босинг оёқни, –

Шоир юрагида шеър ўхлаётир! (28-бет)

Бу дунёда инсон ўткинчи, аммо сўз боқийдир. Демак, Сўз айта олганлар ҳам узоқ вақт эл хотирасида қоладилар. Тошпўлат Ҳамид ҳам сўз айта олганлардан биридир.

Лайло ШАРИПОВА,

БухДУ доценти,

филология фанлари номзоди

АҲАД ҲАСАН САБОҚЛАРИ

Шофирконни Республикамизнинг турли сарҳадларида олиму шоирлар юрти сифатида эътироф этишади. Хожагон тариқати силсиласидаги иккинчи сарҳалқа – Хожа Ориф ар-Ревгарийдек буюк зотга, Қози Қурбонхон Фитрати Вардонзеҳий, Иброҳим Мўминов, Султон Жўра, Раззоқ Ҳамроев, Тўра Мирзаев, Жамол Камол, Аҳад Ҳасан, Охунжон Сафаров, Самандар Воҳидов, Усмон Кўчкор, Илҳом Ҳасан сингари ўнлаб илм, адабиётга санъат дарғаларига бешик бўлган бу табаррук замин ҳақида сўз кетганда, унинг айна шу фазилятларига урғу берилиши фойт табиий.



Бироқ Шофиркон фарзандлари орасида шу заминнинг ўзида яшаб, илму ижод машаққатини тортганлар жуда кам. Шу маънода, таниқли адиб, публицист ва журналист Аҳад Ҳасаннинг бутун умр ўзи туғилиб - ўсган юртда яшаб, баракали ижод қилганлигини ўзига хос жасорат сифатида баҳолаш адолатдандир. Зеро салқин саҳарларда булбул хонишидан, узун оқшомларда шаҳар чироқларидан завқланиб, мавзу излаб қоғоз “тирнаши” лозим бўлган аҳли қаламнинг саҳрога меҳр қўйиши ҳар кун учрайдиган ҳодиса эмас.

Кўҳна Пойкент ва Вобкент тарихи каби Шофиркон тарихи ҳам нафақат “қуббатул ислом” – Бухоройи шариф, балки қадим Турон тарихининг нурли ва дардли саҳифаларидан сўзлайди. Шофирконнинг қадим Вардонхудотларга маскан бўлган Вардонзе кўрғонида, жазирамаю бўронларига саҳро одамларигина дош бера оладиган барханлари бағрида, келиб чиқиши араб, форс, туркий, мўғул халқлари тарихига боғланган бир-биридан

кўхна кентларида олис ва яқин мозийнинг мунгли нафаси кезади.

Устоз Аҳад Ҳасанни Шофиркон тупроғига, қадим Вардонзе, Жилвон ва Денов заминига мустаҳкам боғлаган ва унга бир умр илҳом бағишлаган омил ҳам, шубҳасиз, ана шу кўхна ва залворли тарих нафасидир. Бунӣ ёзувчининг “Қайноқ қум” китобига устоз адиб Саид Аҳмад томонидан ёзилган сўзбошида берилган таъриф ҳам яққол тасдиқлайди: “Аҳаджон учун мавзу танлаш муаммо эмас. У шундоққина эшигини очиб чиқса, кўчасидан тарих оқиб туради...”

Аҳад Ҳасан 1935 йил 2 декабрда кўхна Шофирконнинг Денов қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топди. Ўрта мактаб таҳсили давридаёқ унда бадиий ва публицистик ижодга ҳавас уйғониб, илк машқлари туман газетаси саҳифаларида ёритилган эди. Ана шу ҳавас ва ишғиёқ уни Самарқанд давлат университети филология факультети сари етаклади. 1957 йилда олий таҳсилни якунига етказган бўлажак адиб бир неча йил давомида ўрта мактабда ўқитувчи ва кейинчалик мактаб директори лавозимларида фаолият кўрсатди.

1963 йилда ижодга бўлган ҳавас уни туман газетаси булмиш “Шофиркон ҳақиқати” таҳририятига етаклади. Бу даргоҳда у дастлаб 1963-1968 йиллар давомида бош муҳаррир ўринбосари, 1968-2007 йиллар мобайнида эса бош муҳаррир лавозимларида ишлади. Ана шу қайноқ ижодий муҳитда унинг бадиий ва публицистик ижоди камолга етди, устоз ва замондош ижодкорлар назарига тушиб, обрў-эътибор қозонди.

1973 йилда унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. Адиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Бунга қадар унинг “Чироқлар” (1962) ҳамда “Муҳаббатнинг сомон йўли” (1970) каби китоблари нашрдан чиқиб улгурган, кўпчилик Аҳад Ҳасан тимсолида янги ўзбек насрининг забардаст яна бир вакили шаклланиб келаётганига ишонч билдирган эди.

Шундан сўнг адибнинг “Қизилқум қизи” (1974), “Олдинда нур бор” (1978), “Чин ҳақиқат” (1981), “Муқаддас тупроқ” (1981), “Юзма-юз” (1986), “Қаддирғочлар қайтган кун” (1987), “Қайноқ қум” (1988), “Халоскорлик” (1994), “Ўн иккинчи дарвоза” (1995), “Аждодлар нидеси” (1995), “Олтин бешик” (1996), “Дунё яхшиликдан яралган” (1998), “Яхшилик уруғи” (1998), “Бухоройи шариф дерлар” (1998), “Оқар дарё оқаверади” (2000), “Дунёни болаларга берайлик” (2001), “Қайтар дунё” (2003) каби ҳикоя, эссе, қисса ва романлардан иборат китоблари дунё юзини кўрди. Нафақат Бухорода, балки юртимизнинг ҳар бир гўшасида унинг асарлари ўқиладиган, муҳокама қилинадиган бўлди. Ниҳоят, ана шундай ижодий мулоқот ва фикр алмашувлар ўз самарасини берди. Адиб 1985 йилда бадиий ижод соҳасидаги кўп йиллик хизматлари инобатга олиниб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланди.

Баъзан айрим асарларнинг маърифий аҳамияти ҳақида соатлаб гапиришга уринамиз-у, аслида ўша маърифий аҳамият нимадан иборат эканлигини барибир топа олмаймиз. Аҳад Ҳасан ҳикоя ва қиссалари тарихнинг тирик суратлари, уларни ўқиган китобхон бобокалонлари даврита бориб келгандай бўлади, ўтмишнинг тирик тасвирларини тасаввурда жонлантиришга муваффақ бўлади. Адиб асарлари туфайли ўзинг яшаб турган заминга боғлиқ ришталарингни излай бошлайсан, унга муносиблик даражанг ҳақида бош қотиришга киришиб кетасан. Юртдошларингга бошқача кўз билан, аллақандай меҳр билан қарай бошлайсан. Тилингда бугунги кун шукронаси муқаддас оят каби тақдорлана бошлайди.

Дунё халқлари тарихида бир тузумдан бошқа бир тузумга, бир турмуш тарзидан ўзга бир турмуш тарзига ўтиш жараёнида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида турли адашишларга йўл қўйилиши, йўқотишларга рўбарў бўлиниши кўп кузатилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бизда ҳам шунга яқин манзара кўзга

ташланганлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Ижтимоий, маънавий соҳадаги ҳурликни, фикр айтиш, хулоса чиқариш эркинлигини ҳаётбахш маънода қабул қилишга, шунга муносиб ҳаёт йўлини қуришга қийналганлар озмунча бўлмади. Бунинг натижасида тарихни сохталаштириш, ҳаётий ҳақиқатларни давр руҳига мослаб бирёқлама талқин қилишга майл кучайган эди. Собик совет даврига алоқадор ҳар қандай шахс, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тадбир, маънавий-маърифий маҳсулга нисбатан “душман” тамғасини ёпиштириш кундалик урфга айланган эди. Айни шу йилларда ҳеч тап тортмай Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа кўплаб қаламкашлар ижодини урганиш ёки урганмаслик, тарғиб қилиш ёки қилмаслик масаласи устида бош қотира бошладик. Бу ҳолат Биринчи Президентимиз томонидан “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётбахш ғоя ўртага қўйилгунга қадар давом этди.

Илмий-ижодий фаолияти ва ҳаёти совет даврида кечган кўплаб адабиёт, санъат, илм дарғаларининг, ҳаётликлари ёки орамизда йўқликларидан қатъий назар, олий давлат мукофотлари билан тақдирланиши Биринчи Президенти-мизнинг бу соҳадаги яна бир дадил қадами бўлди. Зеро, инсонга у яшаган давр ёхуд тузумга қараб эмас, балки қилган хизматига яраша баҳо берилиши лозимлигини тарихнинг ўзи такрор-такрор исботлаган.

Бу фикрни ҳаёти ва ижодининг асосий қисми собик тузум даврида кечган Аҳад Ҳасаннинг қатор асарларига нисбатан бемалол айтиш мумкин. Адибнинг мустақил-ликка қадар яратилган ўнлаб ҳикоя ва қиссаларига хос муштарак жиҳатлар ёзувчи ижодининг бош мавзуси ва ғоясини яққол кўрсатиб туради. Она-Ватанга садоқат, киндик қони тўкилган тупроқ соғинчи, ундан фахр этиш туйғуси, эрк ва покиза муҳаббат учун кураш, одамийлик ва инсоний гурур йўлидаги чексиз машаққатлар адиб асарларида энг кўп мурожаат этилган муаммолардир. Бу

муаммоларнинг барчаси Бухоро ва бухороликлар қисмати мисолида кўрсатиб берилганлиги адиб ижодида Ватан қиёфасининг Бухоро тимсолида, унинг ажралмас бўлаги бўлган Шофиркон тимсолида намоён бўлишига замин яратган. Шу маънода, адиб асарлари Бухоро ва Шофиркон тарихининг бадиий солномаси ўлароқ, бу заминда яшаган халқ кечмишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчининг “Дунё гўдак эмас”, “Муқаддас тупроқ”, “Сунган юлдуз”, “Етти ёт бегона”, “Зарафшон тўлқинлари”, “Қорахат”, “Даврон бобо”, “Қайноқ қум” хикоялари, “Сочи оқарган бола”, “Тулин ой” қиссалари айни шу фазилати билан ёдда қолади.

Ижод моҳиятини теран англаган адиб 2003 йилда бир чеккага ташлаб қўйилган романи қўлёзмасини тагин қўлга олди ва таҳрир ишларини якунига етказиб, шу йили асарни “Қайтар дунё” номи билан нашр эттирди. 2007 йилда Тошкентдаги “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан chop этилган “Қўҳна Бухоро қиссалари” ҳамда 2012 йилда “Ўзбекистон” нашриётида нашрдан чиққан “Очиқ дарвоза” китоблари эса адибнинг иккинчи ижодий умри бошланганидан чинакам далолат бўлди.

2011 йилда 76 ёшида сафимизни тарк этган адиб асарлари, туман ва вилоят вақтли матбуотини ривожлантириш йўлида чеккан заҳматлари унинг тимсолидаги фидойи замондошимиз сиймосини такрор-такрор кўз ўнгимизда гавдалантириб туради. Ва бу сиймо барчамиз учун қадрли бўлиб қолаверади.

Шодмон **СУЛАЙМОНОВ**,
филология фанлари номзоди



МАВЛОНО ХИРОМИЙНИ КАШФ ЭТГАН ОЛИМ

Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти лауреати Тожи Қораев Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғининг Нонвоён гузариди 1936 йилнинг 9 феввалида нонвой Қоравой Мақсудов оиласида дунёга келди.

Тожи Қораев 1960 йилда Бухоро Давлат педагогика институтини муваффақиятли тугатгач, она қишлоғи – Ванғозидаги Абу Али ибн Сино номли урта мактабда она тили ва адабиёти фанларини ўқитиш билан педагогик фаолиятини бошлайди.

1965 йилда у СамДУ аспирантурасини тугатиб, Бухоро давлат университети (собиқ пединститут)нинг ўзбек адабиёти кафедрасига ишга келди. Шу кафедранинг ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доценти, профессори, бир муддат мудири лавозимларида ишлаб, узоғи билан 45 йилдан ортиқ муддат давомида ўрта мактаб ва дорилфунунда шогирдларига бадиий адабиётдан сабоқ берди. Табиийки, худди шу жараёнда адабиёт фанини ўқитиш самарадорлиги муаммолари билан қизиқди. Уни ҳамиша қандай қилса, адабиёт ўқитишни такомиллаштириш мумкин, навқирон авлодни бу фанга қандай қилиб қизиқтириш керак? Адабиётни қандай ўқитса, ёшларда ижодкорлик ва ташаббускорлик туйғулари жўшга келади, уларнинг дидларини ўстиради, нафосат туйғуларини шакллантиради, меҳнатга, халққа ва Ватанга муҳаббатларини кучайтиради, ўзликларини таниш ва

англашга, миллий гурур туйғуларини тиклашда, инсонпарвар ва байналминалчи бўлиб камол топишларига асқогади?! Бундай жумбоқлар уни муттасил ўйлатарди. Ўқувчилар орасида шеър ёдлаш малакасининг заифлашаётганлигини кўриб, республика матбуотида "Шеър билмаган бола" (собиқ "Ёш ленинчи", 1989 йил 27 июль) ва "Бадий эстетик қобилиятни шакллантиришда шеър ёдлашнинг аҳамияти" ("Совет мактаби", 1990, 12-сон, 17-19-б.б.) сингари долзарб мақолалари билан чиқиш қилди. Айниқса, "Ёш ленинчи" газетасида босилган "Муқимий қаерда яшайди?" мақоласи республика педагогик аҳлида кучли акс-садо берди. Ўзбек адабиётини ўқитишда йўл қўйилаётган камчиликлар шафқатсизлик билан очиб ташланган бу мақола жамоатчиликда қизгин баҳс уйғотди. Бу баҳс салкам тўрт ой давом этди. Баҳс эса албатта, беиз кетмади.

Т.Қораев 1966 йилнинг 29 апрелида СамДУ ҳузуридаги Ихтисослашган илмий кенгашда "Шоир Хиромий ва унинг адабий мероси" мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У кейинги фаолиятида ҳам шоир Хиромий меросини ўрганишни давом эттириб, "Навоий ва Хиромий", "Мавлоно Хиромий", "Хиромий" мақолалари, "Мавлоно Хиромий" рисоласи ҳамда "Хиромий" монографиясини яратди. Шу билан бирга, олимнинг XX аср ўзбек адабиётшунослиги йўналишида бир неча монографиялари, 100 дан зиёд илмий мақолалари чоп этилган.

Унинг камтарона хизматлари 1993 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бадий адабиётни тарғиб ва ташвиқ қилиш маркази томонидан Халқаро Аҳмад Яссавий мукофотига лойиқ қўрилди.

Самимий инсон, меҳнаткаш муаллим, сермаҳсул олим, моҳир ва меҳрибон раҳбар Тожи Қораевнинг умр риштаси 2000 йилда узилди.

Бухоро давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасининг профессори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори Тожи Қораев педагог, адабиётшунос ва жамоатчи эди.

Тожи Қораев XVIII аср охири ва XIX аср иккинчи ярмида яшаб-ижод этган Бухоро адабий муҳитининг туркийзабон ёрқин намояндаси Мулла Қурбон Хиромий адабий меросини тўплаб, тадқиқ этиб, ўзбек адабиётшунослигида мумтоз адабиёт тадқиқотчиси сифатида XX асрнинг 60-йилларида танилди. Бироқ у нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, балки форс-тожик, туркман, рус ва бошқа халқлар мумтоз адабиётларига оид илмий тадқиқотларни, архив ва қўлёзма манбаларни ҳам ўрганишга катта қизиқиш билан қараган. У туркийзабон шоир Хиромий ижодий меросини тадқиқ қилиш орқали XVI-XIX асрларда Бухоро амирлигида ўзбек тилида бадий адабиёт яратилмаган, унда, асосан, форс-тожик тилидаги бадий адабиёт мавжуд деган бирёқлама қарашларнинг асоссизлигини исбот қилиб, адабиётшунослик илмида ўзига хос янгилик кашф этган.

Т.Қораев устоз адабиётшунос, академик В.Абдуллаевдан илм олиб, етук олим даражасига кўтарилган. У Мулла Қурбон Хиромий илмий ижоди, биографиясига оид олиб борган тадқиқотлари асосида "Мавлоно Хиромий" рисоласи (1975) ва "Хиромий" монографиясини эълон қилди. Уларда масалага анъана ва новаторлик нуқтаи назаридан ёндашилган бўлиб, шоир лирикаси, шунингдек, "Чор дарвеш", "Тутинома", "Раъно ва Зебо" дostonларининг ғоявий-бадий хусусиятларини кенг таҳлил қилинган. Бу тадқиқотнинг аҳамияти шундаки, у кейинчалик Бухоро адабий муҳитида туркий тилда ва зуллизонайн сифатида ижод қилган Содиқ Мунший Жондорий, Мулла Қурбон Жоний, Мужрим Обид, Жонмуҳаммад Жоний, Толиб Толибий, Мирзо Азим Сомий

Бўстоний, Саҳбо, Мирзо Сирож сингари намояндалари адабий меросларини ўрганишга тurtки бўлди.

Т.Қораев Бухоро адабий ўтмишига алоқадор ҳар бир дайнун далил ҳамда ҳодисани синчиклаб ўрганган. Бунинг исботи сифатида олимнинг улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг Бухорога, бухоролик ижодкорларга, нақшбандияликка муносабатини ойдинлаштирувчи “Навоий ва бухоролик шоирлар” (1967), “Шоирнинг табаррук излари” (1968), “Навоий улуғлаган шоир” (1968), “Алишер Навоий Бухорода бўлганми?” (1969), “А.Навои и Бухара” (1969), “Ҳожа Исмат Бухорий”, “О жизни и творчества Ходжа Исматулло Бухарий” (1970) каби мақолалари ва “Хўжа Исматулло Бухорий” (1990) рисоласини ёдга олиш мумкин.

Т.Қораев адабиётшунос, шоир, авлиё даражасида халқ меҳрини қозонган Хўжа Исмат Бухорий, шунингдек, Бухоро адабий муҳитининг турли авлодига мансуб бўлиб, ижоди назарга тушмаган ёки кам ўрганилган Абду Али ибн Сино, Абдурахим Ғиждувоний, Мирзо Сомий Бўстоний, Ғойибназар Ғойибий, Бехат ёки Аҳмад Бербанд, Мирзошоҳ-Файз Бухорий сингари намояндалари ҳақида мухтасар мақолалар ёзиб, уларнинг адабий меросини тўплаш ва ўрганишга илм аҳлини даъват этган. Т.Қораев, айниқса, устод Айний ижодининг оламшумул аҳамияти, унинг Бухоро ижод аҳлига муносабати, адабий-танқидий қарашлари, ўзбек ва тожик халқлари адабий қардошлигида тутан ўрни ҳамда адабиётда унинг бадиий образи талқини масалаларини ёрилувчи қатор мақолалар эълон қилган. Шу тариқа олим ўзбек-тожик халқлари адабий алоқаларининг қадимий илдизларига назар солишни ҳам кўзлаган. Натижада унинг буюк мутафаккир Абдурахмон Жомий ижодиётини тавсифловчи мақолалари яратилган. Кейинчалик олим ўзбек-рус халқлари орасидаги адабий қардошликни эъзозловчи мақолалари билан ҳам эътиборга тушган.

Профессор Т.Қораевнинг илмий қизиқишлари ҳамда тадқиқотчилик фаолиятида илмий муаммолар кўлами йилдан-йилга кенгая борган. Унинг яқин сафдошларидан яна бири, таниқли адабиётшунос Р.Воҳидов билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишлари қиммати, айниқса, уларнинг жаҳон таҳаллушунослиги тажрибаларини ўрганишга киришиб, адабий таҳаллусларни ўрганиш ва хилма-хил луғатларини тузиш соҳасида эришган ютуқлари бекиёсдир.

Профессор Т.Қораев Бухоро адабий ҳаракатчилигида XX асрнинг 2-ярмида бўй кўрсата бошлаган Шариф Нурхон, Тошпўлат Ҳамид, Аҳаджон Ҳасан, Самандар Воҳидов, Садриддин Салим Бухорий, Ойдин Ҳожиева ва бошқа намояндалари ижодини муттассил кузатиб бориб, ҳар бирининг янги китобига, қолаверса, бухоролик ёш қаламкашлар ижодий ва адабий жараёнига хос хусусиятларни умумлаштиришга бағишлаб “Санобар” (1966), “Туташ томирлар ҳикояти” (1969), “Эркин севги мадҳи” (1971), “Ҳаётбахш чашма” (1975), “Тиниқ туйғулар” (1980), “Кекса жазман хандалари” (“Бухоро ҳақиқати”, 1981, 5 май), “Бухоролик қаламкашлар ижодига бир назар” (1982), “Халқ талаби ва ижод масъулияти” (1983), “Замон – адабиёт кўзгусида” (1987), “Шеър ишқида ёниб” (1992), “Шифокор шоир тухфаси” (1994) сингари ўнлаб тақризу мақолалар ҳам эълон қилган.

Т.Қораев XX асрдаги ўзбек адабиётининг икки забардаст вакили Ҳамид Олимжон ва Уйғун ижодини алоҳида муҳаббат билан ўрганган. Улар ҳақида олимнинг қатор илмий мақолаларидан ташқари Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан “Оташнафас шоир” (1990) рисоласи, улкан шоир ва драматург, Ўзбекистон халқ шоири Уйғун бадиий меросини тадқиқ қилишга бағишланган “Шоир қалби доимо навқирон” (1983), “Уйғун маҳорати”

(1984), "Ўйғун поэзиясида ғоявийлик ва маҳорат" (1985) каби қатор рисола, монографиялари босилиб чиққан.

Т.Қораев заҳматкаш ва моҳир мураббий эди. У адабиёт фанини ўқитиш самарадорлиги муаммолари билан доимий қизиқиб келган. Вақти-вақти билан бу ҳақдаги қарашларини матбуотда эълон қилиб борган. Жумладан, "Бадиий эстетик қобилиятларни шакллантиришда шеър ёллашнинг аҳамияти" ("Совет мактаби", 1990, 12-сон, 14-19-бет), адабиёт ўқитиш ва ўқувчилар саводхонлигини, мустақил фикрлаш қобилиятини оширишга оид "Талаб даражасида бўлсин" (1973), "Ўрта мактабларда адабиёт ўтиш масалалари хусусида айрим мулоҳазалар" (1974) сингари долзарб мавзулардаги методик мақолалари ҳамда "Замон ва адабиёт ўқитиш масалалари" (1991) монографияси шу куйинчакликнинг самараси сифатида юзага келган.

Истиқлол туфайли тасаввуф таълимотини ўрганишга йўл очилганлигидан фойдаланиб, Т.Қораев яссавия тариқатининг асосчиси, буюк мугасаввуф шоир Аҳмад Яссавийнинг янги, ҳали тадқиқотчилар назарига тушмаган "Ҳикматлар қуллиёти" бўйича кекса журналист Абул Бозоров билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб бориб, самарали натижаларга эришди. Улар Аҳмад Яссавийнинг 250 та ҳикматини аниқлаб, дефюннинг янги нашрини тайёрлаб бердилар ҳамда шу жараёнда республика матбуотида Аҳмад Яссавий меросига оид кузатишлари натижаларини ифодаловчи "Аҳмад Яссавий", "Қамиш қаламдаги бигиклар", "Яссавий қуллиёти", "Ҳожа Аҳмад Яссавий ва Ҳожа Баҳроуддин ёди" (1993), "Бухорода яссавийхонлик ва Яссавий издошлари", "Яссавий издошлари" (1994), "Ҳикмат сўзи маънолари ва Яссавий ҳикматларининг жанрий табиати" (1995) сингари мақолаларини эълон қилдилар. Бу мақолаларда яссавийхонлик ва яссавия тариқати моҳиятидан, шоир ҳикматлари поэтикасидан баҳс юритилган. Шу хизматлари эвазига олим 1993 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмасининг бадиий адабиётни тарғиб ва ташвиқ қилиш маркази томонидан Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти билан тақдирланган.

Тожи Қораевнинг шеърый машқлари жамламаси бўлган “Илҳомли онлар юлдузи” (1996) тўплами ҳам мавжуд.

Хуллас, профессор Т.Қораев кўп қиррали адабиётшунос сифатида ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий алоқалар, ҳозирги замон ўзбек адабиёти ва адабиёт ўқитиш муаммолари билан мунтазам шуғулланиб, кўзга кўринарли натижаларга эриша олган, жамоатчилик ва мураббийлик фаолияти, инсоний фазилатлари, оилапарварлиги билан эътибор ва ҳурмат қозонган зот эди.

1991 йилда Т.Қораевга профессорлик илмий унвони берилди.

*Дармоной УРАЕВА,
БухДУ профессори,
филология фанлари доктори*

ҲАЖВНАВИС УСТОЗ

Неъмат Аминов Бухоронинг олис Ромитан туманида туғилиб, темирчи отаси билан навбатманавбат сандонга болға урган бу болада истеъдод қайдан пайдо бўлди? Шу пайтгача китобларимизга кирмаган турли-туман қиёфаларни у қайда кўрган? Улар тилидан айтиладиган, ҳалигача биз билмаган ибораларни у кимлардан эшитган?



Уста Аминнинг дукони олди жуда гавжум буларди. Узоқ қишлоқлардан отига, эшагига тақа қоқтиргани, урок кетмон, капгир, теша харид қилгани келадиганларнинг кети узилмасди.

Илондек вишиллаб ёнаётган кўм-кўк аланга тепасига осиб қўйилган, эртаю кеч вақирлаб қайнаб турадиган кумғон чойига мазахурак бўлганлар дукон олдида давра куриб, гурунг қилардилар. Тақа қоқтириш ва ёки урок харид қилиш баҳонаю, асли ниятлари доно Уста бобо болганинг бирини шогирдига, бирини ўғли Неъматга бериб ўзи келиб даврага қўшиларди.

“Тарақа-гурух, жаранг-журунг” товушлари остида бир гурунг буларди денг. Уста бобо хат танимаган, китоб кўрмаган бўлса ҳам шундай ривоятларни айтардики, мадраса кўрганлар ҳам бу билагон чолга ҳайрат билан қарардилар. Унинг ҳикоялари афсона эмас, эртак ҳам эмас. Узоқ умр кўрган кишининг ўзи кўрган, бошидан ўтказган воқеалар эди. Унинг ҳар бир ҳикоялари афсона эмас, эртак ҳам эмас. Узоқ умр кўрган кишининг ўзи кўрган, бошидан ўтказган воқеалар эди. Унинг ҳар бир ҳикояси қисса ёки

романга тенг эди. Бу гаплар муболаға эмас, айна ҳақиқатдир.

Генетика деган фан бор. У наслдан-наслга ўтувчи хусусиятларни текширади. Неъмат Аминовга ҳам ижодкорлик хусусиятлари отасидан ўтгани шубҳасиздир. (Саид Аҳмаднинг “3001-суварак” номли мақоласидан).

Ҳажвий адабиётимизнинг йирик за истеъдодли вакили Неъмат Аминов 1937 йил 17 июлда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида темирчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг (1954-1959 йилларда) Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро педагогика олий билимгоҳининг тарих-филология факультетида таҳсил кўрди.

Неъмат Аминов аввал Бухоро вилояти радио-эшиттириш комитетида мухбир, сўнг Шўро Армия сафларида хизматда бўлди. 1973 йилда у Тошкентга-“Муштум” ойномасига ишга таклиф этилади. Ойномада 1985 йилгача масъул котиб бўлиб ишлайди. 1989 йида “Шарқ юлдузи” ойномасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарди. 1989 йилдан “Муштум” ойномасининг бош муҳарриридир.

Унинг дастлабки ҳажвияси 1965 йилда “Устоз аълам” номи билан “Муштум” ойномасида босилиб чиққан. Адибнинг биринчи ҳикоялар тўплами – “Икки пуллик обрў” (1966) унга обрў келтирди. Шундан кейин ҳажвчининг “Қирқ учинчи почча” (1970), “Лаби ҳовуз ҳаңдалари” (1973), “Жигари тўкилди” (1974), “Тилла табассумлар” (1977), “Чинорлар кўшиғи” (1984), “Елкасиз полвон” (1986), “Ўғри мушукча” (1987), “Қаҳқаҳа” (1987), “Яллама ёрим” (1988), “Чол боланинг эртаклари” (1990) китоблари босилиб чиқди.

Неъмат Аминов (Шакар Дехқон) устозлари Ғафур Ғулом ва Саид Аҳмадлар сингари ўз ҳажвий ҳикояларини оғзаки ҳикоялаш санъати устаси ҳамдир.

Неъмат Аминовнинг адабиётта ҳиссаси ҳақида гапирганда унинг “Ёлғончи фаришталар” (1976-1984) деб номланган йирик сатирик асари биринчи бўлиб тилга олинади. Асар яхлит бир мақсадга қаратилган “Елвизак” ва “Суварак” қиссаларидан иборат.

Неъмат Аминов ўзининг “Ёлғончи фаришталар” китоби учун 1987 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек номидаги мукофотига сазовсёр бўлган.

Неъмат Аминовнинг ҳикоялари рус, украин, белорус, тожик, туркман, озарбайжон, грузин, қолмиқ тилларига таржима қилинган. Бундан ташқари, поляк, болгар, румин, чех, мугул, афғон, уйғур, урду тилларида ҳам унинг асарлари босилган.

Ҳажвчи адиб Саид Аҳмад, Саъдулла Сиёев, Анвар Муқимов, Анвар Обиджонлар қаторидаги ноёб истеъдод соҳиби сифатида ўзбек адабиёти сатира ва юмориини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ана шу улкан хизматлари учун унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони (1992) берилди.

Шоира АХМЕДОВА,
БухДУ профессори,
филология фанлари доктори

САФАР БАРНОЕВ МАКТАБИ



Истеъдодли болалар ёзувчиси, Сафар Барноев Бухоро юртининг фарзанди. Унинг болалиги шу қадим шаҳар кўчаларида ўтган. Лабиҳовуз, Регистон, movий гumbазлар, Минораи калон, ҳатто унда ин қўйган оқ лайлаклар... Буларнинг барчаси адиб ижодига умр бўйи илҳом бахш этиб келди. Яна шариф шаҳар жинкўча-лари, мухташам ёдгорликлару заавораи топидеворлар ижодкор армонларининг тилсиз гувоҳи... Қолаверса, кичкинтой Сафарнинг уйинқароқ болалигини жуда эрта ўғирлаган ўша машъум уруш айрилиқлари, симёғочга осилган радиокарнайлардан янграган информaцион ахборотларда бир умрга қайтмас бўлиб кетган дадажонларининг қайтишини интиқлик билан кутиб ўтган серташвиш кунлари унинг тенгдош авлод кўз қорачиғида абадий сингиб қолган. Шу маънода, Сафар Барноев Бухоронинг нафақат ўзи истиқомат қилган азиз гўшалари- Ромитан, Боғитуркон, Арк атрофи, “Ҳаммоми кунжак” ёнидаги эскигина ҳовлилари, балки болалигида бобо ва бувисидан эшитган ҳаётий воқеалар, она шахрининг чинакам тарихини кўнгил қатида мангу сақлади. Аммо адиб болалик хотираларини ўзи билан мангута олиб кетгани йўқ. У қалб изтиробларини бадий талқин этиш, ўтмиш ҳақиқатларни реалистик ифода этиш, энг муҳими, она шахри тарихини ёш авлодга бадий қайта жонлантириш бахтига муяссар бўла олди.

Қайси кун,

Қайси йилда туғилганимни

Тахминан

Битиб берган шўро котиби.
Неча бор дарахтдан йиқилганимни
Ҳамон ийтиб юрар қўшимизнинг хотини.
Тут пишигида туғилган деб,
Онам айтганлар
Пишиқчиликда...

Ҳа, Сафар Барноев 1938 йил 6 майда Бухоро яқинидаги Дилкушо деган жойда туғилган. Унинг болалик даври, дунёни айтиб беғубор, покиза кўриш маҳали, уруш пайтига тўғри келган. Профессор О.Сафаров эътироф этганидек, чақалоқлик вақтиданоқ ота меҳридан бенасиб бўлган Сафар Барноев онаси бағрида – Рузигул аясининг келинчақлик кучоғида қолган. Онаси Сафар Барнони ўзининг муҳаббати, вофодорлиги билан фарзандига ота меҳрини сингдиришга ҳаракат қилган. Ҳарбий хизматни утаб қайтаётган Акрам бува Когон вокзалидан уйига ҳам кириб ўтолмади. Умр йўлдоши – Рузигул, нури-дийдаси Сафар Барнони бағрига ҳам босиб, хайрлаша олмай Ватан ҳимоясига отланди. Улуғ Ватан уруши жуда кўп хонадонлар бошига мусибат келтирди... Сафар Барнонинг дарди – болаликдан ота дийдорига зорлиги, унинг ҳатто расмини ҳам кўролмай ўтганлиги. Бу армонлар унинг ижодий фаолиятида абадий мавзу бўлиб қолди. Сафар Барноев ўзининг бир китобида бу ҳақда шундай ёзган: “Болаликда кўрган, дилга яқин чехралар қорачиғинг тубига абадий сингиб кетади. Уларнинг дарду ҳасратлари эса беғубор юрагингга беихтиёр ўрнашади. Улғайганинг сари кўрганинг-билганингни бирор ҳамдard топиб, дилингни бўшатгинг келади”... Шу сабабли Сафар Барноев уруш даври болалари ҳаётини кўпроқ ёзган.

1959 йилда ўзининг синфни тугатган адибнинг дастлабки шеърлари болалар ва ёшлар матбуотида эълон этила бошланди. У 1959-1960 йилларда ҳарбийхизматда бўлиб қайтди. 1961-1966 йилларда Тошкент давлат университети-

нинг журналистика бўлимида ўқиди. Ўқишини тугатар-тугатмас унинг биринчи илк ижод намуналарини чоп этган "Ленин учқуни" (ҳозирги "Тонг юлдузи") газетасига ишга таклиф қилишди. У ўзининг таржимаи ҳолида: "Болалар шоири, ёзувчиси бўлишимни худди шу газетадан кўраман", – дейди. Шу йилдан эътиборан болалар газетасида, ёшлар нашриётида, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасида масъул вазифаларда ишлади. 1995 йилдан бошлаб умрининг охиригача "Тулхан" журналида бош муҳаррир лавозимида ишлаб келган.

Сафар Барноев республикада ўқитувчи, ўқувчи, шоир-ёзувчиларни бирлаштирди, радиода "Ёзувчи дарс беради", "Менинг биринчи китобим", сўнгра, қўшиқчи шоирлар асарларини бирлаштириб "Ўзбекистон – ватаним маним" деб номланган уч томлик китобини яратди.

С.Барноев ўз ижодининг илк давриданок болалар адабиётини танлаб янглишмаган. Унга кичкинтойлар ёзувчисига хос бўлган хусусият, истеод, билимдонлик, педагоглик билан бирга одамохунлик мужассам эди. "Нилуфарнинг олмалари" китоби Сафар Барноевга чексиз қувонч олиб келди. Бу "Болаларга аталган энг яхши асарлар" кўрик танловида ғолиб чиқди.

Болалар ижодкорлигидаги бундай улуғ масъулият С.Барноевда ўтган асрнинг 60-йиллариданок, яъни, ана шу оламга кириб келган илк қадамларидаёқ кузга ташлангани кўп бор таъкидланган. С.Барноев "Тоғлардаман" (1970), "Дадамнинг қўллари" (1971), "Ёшлик сурури" (1972), "Биринчи табассум" (1972), "Соғинч" (1975), "Юлдузхон ва баҳоржон" (1977), "Оқ лайлақлар" (1982), "Чехралар" (1984), "Эгизаклар" (1985), "Тинчликни улуғлаймиз" (1986), "Мукофот" (1985), "Каримжон-Карслон" (1988), "Дадам ҳайида қўшиқ" (1989), "Кичкина Хужа Насриддин" (1998), "Нилуфарнинг олмалари", "Сайроқи беданалар" (2007) сингари йигирмага яқин шеърӣй ва насрий китобларини

битиби, ўзбек болалар шеърляти ва насрини гоҳо ҳазин, гоҳо қувнок руҳиятга суғорилган шеърлару ҳаяжонбахш адабий эртақлар, хилма-хил мавзуларидаги ҳикоялару қиссалар билан бойитган. Ушбу асарлар Сафар Барноев номини болаларнинг устоз адиблари қаторига қўшди. Сафар Барноев XX асрнинг 90-йиллари ва XXI аср бошларида алоҳида ғайрат ва шижоатга тўлиб ижод қилиш билан бирга, қизғин ижтимоий фаолият билан ҳам шуғулланди. Дастлаб, Республика Халқ таълими вазирлигида матбуот маслаҳатчиси бўлиб ишлади. Мамлакат миқёсида ижодкор ўқитувчилар танловларининг анъанага айланишига ташаббускор бўлди. Шу даврда қаламқаш устозлари ва сафдошлари ҳақида ёзган мақолалари ва хотиралари асосида “Ҳамкалам, ҳамқадамларим” китобини тартиб берди. Афсуски, бу китоб нашр этилмай қолди. Сўнгра, умрининг охиригача болаларимизнинг сеvimли нашри – “Тулхан” журнали бош муҳаррири лавозимида ишлаб, унда болалик оламини бутун мураккаблиги билан кўрсатишга айрича эътибор берди. Натижада журналнинг мазмуни ҳам, бадиий безалиши ҳам тубдан янгилиниб, гоят ўқимишли ва бетакрор нашрга айланди. Шу давр мобайнида унинг шеърляти алоҳида бўй кўрсатди. С.Барноев қайси жанрда ижод қилмасин, уруш болалари тақдири мавзуси унинг асарларидаги ўқ чизиқ эди. Жумладан, шоир шеърларида бу тамоман теран туйғу, ташбеҳу тасвирларда ўз ифодасини топдики, бундай шеърларни ўқиган китобхонлар шубҳасиз, уруш ва унинг фожеий оқибатларига нисбатан чексиз нафрат пайдо бўлади.

Ўзбек болалар адабиётининг тадрижий, жанрий тамойили ҳақида сўз борганда, Сафар Барноев номи соҳанинг етук намояндаси сифатида алоҳида тилга олинади. Адиб қолдирган адабий мерос ҳам шундай салмоққа эга. У болалар шеърляти, насри ва

публицистикасига қандай садоқат, оташин меҳр ва ўзига хос сўз сеҳри билан кириб келган бўлса, ҳаётининг сўнгги нафасигача, шундай туйғу билан яшади.

2001 йилнинг 14 майида сўз санъатимиз XX асрнинг 60-70 йилларда Турсунбой Адашбоев, Миразиз Аъзам, Ҳожиакбар Шайхов ва Анвар Обиджонлар сафдоши сифатида ўзбек болалар адабиётини янги юксакликка кўтараётган истеъдодли адиб Сафар Барноевдан жуда эрта жудо бўлди. У салкам ярим аср давомида болажонларни севиб, улар учун ижод этишдан саодат топган кичкинтойларнинг болажон адаби ва публицисти даражасида танила олганди... Ҳусусан, Сафар Барноевсиз ўзбек болалар адабиёти “хувиллаб” қолганини ҳис этмоқнинг ўзи, бу икромни ойдинлаштиради. Аммо, адиб иккинчи умрини қадрдон инсонлари, дўсту биродарлари, шогирду фарзандлари хотирасида яшаётганлиги киши кўнглига тасалли беради.

Адибнинг ижоди, асарлари ўз вақтида эътироф этилди, муносиб баҳоланди. У Ғафур Ғулом номидаги мукофот соҳиби бўлди, “Офарин” мукофотини қўлга киритди. Шеърлари, ҳикоялари ўндан ортиқ тилларга таржима қилинди. Ҳусусан, уруш ҳақида ёзиб, айниқса, унинг дахшатлари ўз бошидан ўтказган рус, украин, белорус, чех, поляк китобхонлари қалбига ўл топиши алоҳида эътирофга сазовор. Сафар Барноевнинг уруш мавзусидаги шеър, ҳикоялари ана шу халқлар ўқувчилари тилларига таржима қилиниб, чоп этилишиёқ ўзбек адаби маҳоратининг ёрқин намунасидир.

Профессор Н.Раҳимжонов тўғри таъкидлаганидек, Сафар Барноев асарларида фикрий тарбия тасвир ва талқин, тушунтириш ва тушунтириш, ҳиссий идрок ва бадий ифода воситасида амалга оширилади. Шунинг учун ҳатто аксарият шеърлари сюжетли-воқеабанд.

Ҳаётдаги ва табиатдаги воқеа-ҳодисаларни ҳар ким ўзи яхши кўра олган ва англаган, ҳаётий тажрибасига яқин

томонларини кўпроқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Сафар Барноев эса хоҳ насрдаги, хоҳ назмдаги асарларида бўлсин уруш даври авлодининг кўнглига тошдек зил чўккан соғинч ҳисси туйғуларини ифодалайди. Зеро, шоирнинг лирикқаҳрамони ҳам буни ҳақли равишда таъкидлайди:

*Бугун эса юрагим –
Созинчдан яраланган.
Яраланган қалблардан
Бугунги кун яралган.*

Аланганинг, оловнинг уруғи – чўғ бўлса керак. У одамлар юрагига кучиб ўтгандан, одамлар кўнглида маскан қургандан кейингина боқийликка айланади. Бу- шаҳид фарзандларнинг ёруғ хотираси ва ушалмаган армонли ниятларининг алангаси, тинчликни кўзига хас ҳам туширмасдан асраш-авайлаш тилагидир. Бу нарса ижодкорнинг “Уруш болалари” ва бошқа бир қанча шеърларининг бош маъно-мундарижасини ташкил қилади. Сафар Барноев ўзи таъкидлаганидек, онасининг пинжига тиқилиб ўсган, “уруш деган сўз билан тили чикқан” авлодга мансуб, у гарчи уруш қозонида қайнамаган эса-да, урушнинг даҳшатли оқибатлари ва ташвишларини ўз бошидан кечирган, ҳали ҳам порохнинг аччиқ дудидан томоғи ачишиб келади. Ижодкорнинг “Уруш болалари”, “Тунда осойишталик чўкканида борлиққа”, “Жаббор отанинг айтганлари”, “Уха, мен сенга айтсам”, “Ўттиз ёшлилар”, “Менинг ўз бурчим бор”, “Бобомнинг қўллари”, “Отамнинг ўртоқлари” сингари қатор шеърлари ва инсон тақдири масаласини поэтик тадқиқ этишда ўзига хос йўналишга эга. Уларда, аввало, қалбнинг изтиробли тажрибалари – дардлари муҳрланган; у айнан шу авлоднинг қалбидан силқиб оққан, кўз қорачиғига тугилиб қолган дард. Шу боисдан ҳам ижодкор

ўз авлодининг ушбу мавзуни поэтик идрок ва ифода қилишдаги ўзига хослиги билан аҳамиятли:

*Асрим шошириб қўйди
Бугун инсон ақлини.
Бизлар унутдик таниш
Учбурчак хат шаклини.
Аммо унутмадик, йўқ
Соғинчнинг дардларини
Ер эмас, калбга кўмдик
Юртимиз мардларини.*

Ана шу уруш оқибатлари туфайли вужудга келган чексиз қайғу ва изтироблар хотираси бирма-бир суратлана боради. Бунда аччиқ кечинмалар заъфарон ранги ва маъноси билан хотиралар шаклидаги ҳаётни тиклай бошлайди. Шеърдаги тахир кўз ёшларига чайилган сузлар зилдек залвори билан қалбимизга оғир чукади; уларнинг ишонтирувчи таъсири янаям кучаяди. Лирик қаҳрамоннинг “елка қисик, бош эгик” ҳолатини юзага келтирган, ҳатто саратонда ҳам қуёшнинг ювош боқишига сабаб бўлган “уруш... талатуп йўллар” оҳиста жонланади.

*Майсаларнинг лабидан
Кўкариб чиқди кулгу.
Кулгуларга ўралиб
Юракда қолди қайғу.
Қуёш бир қалқиб кетди,
Оғир хўрсинди тунроқ.
Бағримга бош қўйди, деб
Йигирма миллион чақмоқ.*

Шоирнинг аксарият шеърларида уруш ва инсон тақдири масаласини турли хил қирралардан ўзига хос

йўсинда ёритишга майл кучли. "Жаббор отанинг айтганлари" шеърида уришда бедарак йўқолган ўғлини ҳамон интиқ кутаётган, ўз меҳрига ўзи исиниб яшаётган етим муйсафиднинг ("Мен дейман: – Жуда ёмон, оталар етим қолса") армонли ҳасратини эшитамиз. "Ука, мен сенга айтсам" асарида эса урушда кўплаб жароҳат ортирган, ҳозирги кунда ҳам баъзи олчоқ ва "қочоқлар"дан юрагидаги жароҳати кучайган жангчи ўз кўнглини бўшатади. "Қушни кампир илтижолари" шеърида эса уч ўғлини урушга жўнатиб, учовидан ҳам қора хат олган, йўлга қарайвериб кўзлари тўрт бўлган муштипар кампирнинг дил нолалари юракларни зирқиратади.

Омон ўғлим!

Даврон ўғлим!

Султон ўғлим!

Жон ўғлим!

Ой-юлдузим, бошимдаги осмонларим эдингиз,

Алпомишдай, Алпомишдай посбонларим эдингиз,

Элу юртга кўз-кўз қилган посбонларим эдингиз...

Мен чиройда ой эдим,

Бағрим бутун, бой эдим.

Уч ўғлим бор, уч шунқорим, –

Дея хотамтой эдим.

Кампир уч ўғил туққанида севинчларга сиғмагани, ҳар бир ўғлининг номи ўз мазмунига эга экани, уларни умумлаштириб, "Жон ўғлим" дея аташи бежиз эмаслигини айтиб бўзлайди. Афсус-надоматлар бўлсинки, бир куни она қалби букилади, кўздан ёши тўкилади. Шу сабабли унинг изтироблари янада аянчли тус олади:

Авайлаган, асраган юракдан дармон кетди,

Қора бўлди кундузим, бошимдан осмон кетди.

*Сизни кетма-кет тугдим,
Дейишганди катта бахт,
Кетма-кет учингиздан,
Келиб қолди қора хат.
...Қонга тўлган юрагим мазорларга айланди,
Ҳасратларим тугамас бозорларга айланди.*

Шу тариқа, лирик қаҳрамон қўшни кампирнинг фарёд тўла дардини, ўз ўғилларини сўрай-сўрайқуёшдаин уфқ сари ботиб боришини, демакки умри поёнига етаётганини афсус билан тилга олади.

Эътиқод туйғулари, яхши хулқ ёки яхши одат малакалари инсон билан бирга туғилмайди. Уларни жамият ва одамлар шахс табиатида тарбиялаб камолга етказадилар, яъни ушбу фазилатларни биз ҳаётимиз давомида ўқиш, ўрганиш, турли хил тарбия кўринишлари орқали ўз шахсимизда шакллантириб борамиз. Сафар Барноев шеърларининг ёшлар тарбиясида салмоқли ўрни, бурчи-вазифаси бор. Бу ўзига хослик – ота-боболарнинг эзгу ишларига садоқатда кўринади. Шоирнинг “Менинг ўз бурчим бор” шеъри шу жиҳатдан ибратлидир. Унда лирик қаҳрамон эллар-элатларга эзгулик уруғини эймоқликни, ёмонларнинг бошларини эгмоқликни, гўдаклар кулгусини, Ватаннинг соф ҳавосини асрамоқликни ўз бурчи, деб билади. Шу боисдан ҳам “Агар яхшилик деб курашмасам, ҳеч кимман”, – дея қатъий айта олади.

Агар, тонг саҳарда булбул куйига диққат билан қулоқ тутадиган бўлсак, унинг қўшиғида оҳанглар зарби ҳам, куй тўлқини ҳам асло такрорланмайди. Шоир кечинма-туйғулар маъносини қисқа-қисқа воқеалар орқали ифодалашга мойил. Бу нарсa аксарият шеърларнинг

сюжетли бўлишини таъминлайди ва улар кўпроқ шеърӣй новеллаларни эста солади.

“Сафар Барноевни кўпчилик болалар шоири сифатида билади”, – деб ёзади Маъруф Жалил. – Тўғри, у болаларга агаб кўп шеърӣй китоблар ёзди. “Алдагани бола яхши” деган мақол Сафарга тўғри келмайди. Чунки у болаларни алдаш учун ҳавойи гап тўқимайди. Ҳақиқатни айтади. Яланғоч фикрни қофияга солиб, ҳақиқат деб тавсия қилиш шоирнинг вазифасини эмас. Буни яхши билган шоир ибратли фикрни бадий шаклда табассум билан ифодалайди. Китобхон ҳам бундай шеърни ўқиганда енгил тортади. Кулади. “Соғинч”, “Чехралар”, “Дадам ҳақида кўшиқ”, “Тинчликни улутлаймиз” тўпларидаги кўпчилик шеърлар шундай. Умр – оқар дарё. Ҳаёт – синов майдони. Инсон бу дунёга синов учун келаркан...¹

Ҳа, Сафар Барноев ўзи тенги авлод тақдирига ёзган ёзуқларнинг барчасини туйиб яшади. Унинг бошқа қисматдошларидан фарқи шунда эдики, ўша кунлар тарихини кейинги авлодларга етказа олди. Етказишда ҳам бўяб-бежамай, айниқса, болалигини эрта ўғирлаган авлоднинг урушга бўлган нафратини чинакамига ҳам насрода, ҳам шеърятда, ҳам публицистикада ифода этди. Хусусан, истиқлол йилларида бу мавзуда ёзган шеър ҳикоялари, бадиаларида шуқуҳли кунларга эришиш осон кечмагани, бахтиёр авлодлар ўтмиш аждодлари қисматидан хабардор бўлиб, бу кунларнинг қадрига етишига даъват этиш мазмуни, руҳи уфуриб туради.

Ёзувчи уруш ҳақидаги асарларда ўтмишга айланган урушни кўрсатиш орқали бугунги ҳаётимизнинг нақадар машаққат ва йўқотишлар эвазига, ота-боболаримизнинг

¹ Маъруф Жалил. Янги дунё олами. “Миллий тикланиш” газетаси, 1998 йил 14 апрель.

мислсиз қаҳрамонликлари ва мардликлари ҳисобига яратилаётганлиги алоҳида таъкидланади. Бундан мақсад болаларни ватанни севишга, уни асрашга ундашдир, ўтмишни билмасдан туриб, бугунги ва эртанги куннинг қадрига етиб бўлмайди. Шу боис уруш ҳақида ёзиш, унга қарши китобхонларда нафрат туйғуси уйғониш орқали болаларни курашчанлик ва Ватанни севиш руҳида тарбиялаш мавзусида ёзилган асарлар ҳеч қачон эскирмайди, замонавийлигини йўқотмайди.

“Энг нозик, энг қийин нуқталардан бири, – деб ёзган эди Сирожий, – болаларнинг тушунишларига, кўринишларига, ёшларига қараб мавзу топмоқ, бу мавзунини болаларча сезмак ва болалар тили билан аниқлаш олоқдир. Бунинг учун болаларга асар ёзадиганлар, – таъкидлайди у, – аввало, ҳақиқий болалик даврини ўтказиб, у даврдан қолган жонли сезгиларини тингламакка мажбурдирлар”. Таъбир жоиз бўлса, С.Барноевни ана шундай “жонли сезги”ларни тинглай олган ва уни болалар тилида маромига етказиб қўйлаган ижодкор эди. Қадим Бухоро ва унинг тарихи мавзуси эса адиб ижодий оламидаги ўқ чизик ҳисобланади. Ўтмиш ҳикояси ҳамиша ёш авлодни қизиқтириб келган. С.Барноевнинг тарихий мавзудаги публицистик ҳикоялари шу маънода эътирофга сазовор. Уларнинг ўзи алоҳида туркумларни (“Уруш болалари”, “Ўтмиш ҳақида ҳикоялар”, “Умрлар жанги” туркуми каби) ташкил этади.

Шоир Маъруф Жалилнинг эътирофи фикримизни бу жиҳатдан тўла асослайди: “Сафар Улуғ минор, Лабиҳовуз яқинида қанча кўркам бинолар шу тариқа йўққилинганлигини кўп эшитган, қанча мадраса ва мачитлар омборхонага айланганини, баъзиларига қаерлардандир кўчиб келган одамлар ўрнашиб олганини, оёқ ости қилинганини ҳар куни кўрарди. Сафарнинг ёзувчи

бўлишига бобосидан отасига, ундан ўзига қадар ўтиб келган оччиқ фожиалар сабоғи сабаб бўлган назаримда.

Бинобарин, С.Барноевнинг “Регистонда ёнган олов” ҳикояси ўтмиш тарихига бағишланган бўлиб, ўқувчини жиддий мушоҳадага етаклайди. Унда ёзувчи асарларида кўп бора тасвирланган тарихий-бадиий қаҳрамонлар – Нарзи бобо, Сами боболар образи кўзга ташланади. Муаллиф эътирофича, улар Бухоронинг жонли тарихи. Зеро, боболар ниманики кўрган бўлсалар, ўшани ҳикоя қилиб берадилар. Бухоронинг 20-йиллар ҳаёти ҳақидаги “ҳикоя” шу жиҳатдан эътиборли.

“Бухоройи шарифга шўролар қадам қўйгач, шаҳар кўчаларини зулмат қоплади,– деб эслайди ҳикоя қаҳрамони Сами бобо. – Кечалари ёниб турган чироқлар эрта ўчди. Отлиқ аскарларнинг қийқириғи, ўқтин-ўқтин отилган ўқ товушлари тинмас. Шаҳар аҳолиси жон ҳовучлаб, ҳовличалардан чиқмас. Эркак зотигина кўчага чиқар, улар ҳам писиб, елка қисиб уйга қайтар. Ана шунда шўролар янги ҳийла ишлатади: нима қилиб бўлса ҳам уйида биқиниб ётган аёлларни ташқарига олиб чиқиш керак...”

С.Барноев ўз болалигида Сами бобосидан эшитган Ягудо ҳақидаги “чақ-чақ”ларни шу тариқа ҳикояда гавдалантира боради... Хотирлашгича, Ягудо бир куни Регистон ўртасида туриб чилдирмани “бака-бум” қилиб чалади. Унга ёлланган яна иккита доирадаст шерик бўлади. Улар шу юришда чилдирма чалиб Лабиҳовуз сари юради. Нодирдевонбеги мадрасасидан ўтиб, яна ўша мақомда Регистонга қайтишади... Кўп ўтмай, чилдирмачилар олдида аёл кийимидаги раққослар пайдо бўлади. Бир ҳафта, ўн кун бу томоша давом этади. Ўйинга тушиб, чилдирма чалганлар энди ҳар бир эшик рўпарасида тўхтаб,

овози борича бақиришади: – Эшитмадим деманглар, кимда-ким уйидан чиқиб, Регистон майдонига борса, шўро одамлари бепул совун, чит беради... Қўни-қўшнилари орасида жонланиш бошланади. Хоназот аёллар биринкетин уйдан чиқиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушаётганлар сафига қўшилади. Баъзилар бунга ихтиёрий қўшилса, аксари мажбурликдан кўчага чиқади. Шўро тарафдорлари Бухорои шарифни эгаллагач, ҳар бир хонадонга бостириб кириб, уйдаги бор нарсаларни олиб чиқиб кетишади...

Кўринаётирки, Сафар Барноев ўз ҳикояси ичида боболар ҳикоясини келтириш орқали тарихий ҳақиқатни реалистик тасвирлайди. Негаки, 1927 йил 8 март куни Регистонда “ҳужум” шиори остида паранжи ташлаш митинги бўлиб ўтганлиги энди-энди тарихдан маълум бўлаяпти. Ниҳоят, бу воқеанинг камчилиги ва хатолари ҳам эътироф этилаётир. Жумладан, бу ҳаракатда омма ўртасида тушунтириш, ишонтириш олиб бориш ўрнига режаларни маъмурий йўл билан, буйруқ ва зўравонлик билан амалга ошириш ҳоллари юз берганлиги таъкидланаётир. Ҳатто хотин-қизлар бошидан паранжиларни тортиб олиш учун милиционерлар юборилган. Баъзи жойларда қизларнинг мактаб ва клубга паранжида келиши ман этилган.

Сами бобо ҳикояси яна диққатни тортади: янги келинчак қўшни хотинлар гапига кириб, Регистонга боради. Журавой телпақдўз изма-из юриб, Регистон яқинида хотинининг йўлини тўсади. Сен нега уйдан чиқдинг. Уйга қайт.

Озодликка чиққан аёллар шу заҳоти телпақдўзни ўраб олишади. “Чур-чур”, “хушт-хушт” бошланади. Найзали милтиқ кўтариб олган йигит Журавойнинг қўлларини орқасига қайиради.

Кани буюёққа юринг амаки.
Телпақдўз ялт этиб уларга қарайди.

– Ука, мусулмонмисанлар?

– Биз Шўро, – дейди ўнг томонга бўйни қийшайгани.

– Шўро бўлсанг ҳам мусулмонмисан? Оҳи, бу нима қилиқ. Ҳамма ёқни хотун бозор қилдиларинг-ку. Уёт боми ўзи. Оҳи, буларнинг ҳар бирини ўз эгаси бор. Ё оллоҳ, бу не кўргулик.

– Кўп вақиллама, – Жўравойнинг кетига тепади кўзлари ола-буласи.

Кани юр.

Эътибор берилса, ёзувчи бу воқеалар фожеасини болалар учун жонли манзараларда акс эгтиради. Истиқлол туфайли қайта ёзилган тарих дарсликлари ёхуд қатағонлик йилларига холис муносабат билдиришда худди шу “хужум” компаниясида кўпгина хотин-қизларнинг фожиали равишда қурбон бўлишига олиб келганлиги энди ошкора таъкидланаётир. “Хужум” даврида содир бўлган нохуш воқеалар ва фожеалар собиқ тузумнинг ўлка хотин-қизларига нисбатан муносабатини яққол кўрсатади.

С.Барноевнинг 90-йиллардаги публицистик мақоаларида эса ўзга бир хусусият кўзга ташланади. Бу адиб болалиги хотиралари, ривоятлари билан омухталашган, “эртақчи бобо” тимсолида ёзилган мақоалалар туркумидир. Жумладан, публицистнинг “Болаликнинг ўчмас дамлари” (“Тонг юлдузи”, 1994 йил 26 июль) сарлавҳали мақоласида тарихий ҳодисалар бадиий-тасвирий воситалар билан уйғунлашиб, Бухоронинг ўтмишини жонлантирган.

“Мен тенгилар, – деб бошлайди “ҳикоя” сени муаллиф, – Бухорои Шариф ўртасидан оқиб ўтадиган тош ариқни биламиз. Аслида эса шаҳарнинг ўртасидан, остидан ўтадиган худди ана шундай 32 та катта-ю кичик, устивори

тош ариқ ўтган. Буларнинг бариси шаҳарнинг об-ҳавосини мўътадил асрашга хизмат қилган. Гап шундаки, қизил аскарлар шаҳарга сув олиб кирадиган ариқлар бошини кўмади. Натижада шаҳар ҳавоси бузилади". Келтирилган тафсилотлар айтиб берилади. Бироқ мақола фактлар баёнидангина иборат бўлиб, воқеанинг қуруқ шарҳига айланса, болалар эътиборини қозонолмайди, уларни тушуниш, таҳлил қилиб, мушоҳада юритишга болалар тасаввури камбағаллик қилади. Негаки, ўсмирлардаги тафаккур учун тасаввур, тасаввур учун эса аниқ манба, асосли далил зарур. Шу маънода, публицистик ҳикоянинг ўзгачароқ руҳ ва услубда давом эттирилиши адиб ғоявий мақсадини очиб беради. Урушдан қўл-оёқсиз қайтган "амаки"ни Мансурнинг онаси (ўз хотини) "бу мундини нима қиламан, қўл-оёғи борлигида ҳукуматингга керак эди, энди боқиб олишсин", – деб уйга киритмайди. Ноилож "амаки" ўғли Мансурни ҳам кўролмай, замбил билан машинага юкланиб, қайтариб олиб кетилади... Машина ортидан "дада"лаб юрган Мансур, Арк дарвозасига етганда, тошга қоқилиб кетади. Тирноғи кўчиб, бош бармоғи жароҳатланган болакай оғриқ зарбидан беҳуш йиқилади. Шу ўринда ёш Сафарнинг аламли хотиралари қалқиб чиқади: "Биз болалар деярли яланг оёқ юрардик, ким билади, тошлар шу қадар кўпмиди, уйга ҳар куни, албатта, бир бармоғимиз қонаб келар эди", – дея ўз болалигини эслайди адиб.

Мақолада келтирилган тасвир ифодалари, аввало, болаларга таниш манзара, ўйинқароқлик, йиқилиб оёқ қонашларнинг илиқ хотиралари тарзида танланиши билан диққатга сазовор. Ушбу ҳолатнинг рамзий маъноси эса публицистик долзарбликни белгилайди. Муаллиф Мансурнинг Арк дарвозаси олдидаги йиқилишини

таъкидлаши ҳам бежиз эмас. Бу тасвир билан болалик шўхликлари оромини анчайин эрта бузган, ёшлар жисмига кўп жароҳатлар етказган тарихдаги мудҳиш воқеалар ифодаланмоқчи. Адиб публицистга ҳос журъат билан ҳаётдаги депсинишларнинг асл сабабини кўрсатиш, улар ҳақида мушохада юритишга ҳаракат қилади: “Ҳеч ким Бухоройи Шариф кўчаларига тош бўлақларини экиб кетмагандир, булар аслида тўпларга тутилган масжиду мадрасалардан учиб тушган тош парчалари эди. Улар йиллар давомида тупроққа қумилиб, қайси бир қирраси тупроқдан чиқиб ётарди”. Бу – “ҳикоя”даги ҳақиқат. Демак, ўқувчилар шу пайтгача тарихларда битилмаган ёки ҳаммага ҳам маълум бўлавермаган аждодлар қисматини хотиралар ва образли воситалар ёрдамида илғаб оладилар ва аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Зеро, С.Барноевнинг шунга ўхшаш “Имкониёт имтиҳони”, “Мен таниган одамлар”, “Болаликнинг ўчмас дамлари” каби мақолалари борки, улар матбуотда “публицистик ҳикоя”, деб эълон қилинган. Гарчи, улар одатдаги мақолалардан воқеликнинг бадиий тасвирга яқинлашуви ҳамда ҳикоянамо баёни билан ажралиб турса-да, ammo бу далиллар унинг ҳикоя бўлиши учун озлик қилади. Уларни ҳатто публицистик руҳ билан суғорилган ҳикоя дейиш ҳам, бизнингча, у қадар тўғри эмас. Ушбу мақолаларда публицистнинг ўринли изоҳ, таъкидлари билан бирга бугунги ижтимоий ҳаёт, мавжуд тузум ҳодисаларини акс эттиришда ўтмиш ҳаёт сабоқларини хотирлаш мавжуд, холос. Фикримизча, адиб ўз армонларини болаларга тушунтириш, бугунги муҳим ўзгаришларни асослаш учун шундай услубда ёзган.

Қолаверса, улар бирор воқеанинг изчил баёни эмас, балки истиқдол даври воқелиги ҳамда ижтимоий долзарб

муаммони илгари суриш, таҳлил қилиш учун ўтмиш хотираларидан фойдаланилган, холос. Умуман, бундай мақолалар хилини ижодкорлар услубининг ранг-баранглиги билан изоҳлаш ўринли. Бинобарин, долзарб мавзудаги мақолаларнинг ёшларга тавсия қилинишида ижодкор маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Чунки турмуш чорраҳаларидаги мураккаб қисматлар, жамиятдаги иқтисодий-сиёсий муаммоларнинг туб моҳиятини ёшларга етказиш анча мушкул. Зеро, муаллиф ҳодисанинг ижтимоий моҳиятини, жиддий масала ва ҳақиқатларни ёритиш учун зарур восита ҳам топа олмоғи лозим.

“Сафар Барноевга бутун ижодкорлик истеъдодини болаликка боғишлаш бир қадар осон кечди”, – деб ёзади Охунжон Сафаров. Дарҳақиқат, шундай. Ёзувчи ўзининг журналистлик фаолиятида ҳам, публицистик ижодида, шеърӣй тўпламлари, қисса ва ҳикояларида ҳам биргина туйғуни ифода этади: бу болалик, болажонлик туйғуси. У ўз болалигидан бошлаб, токи ана шундай болаларга бобо бўлгунча қадар ҳам, яъни умрининг энг сўнгги дақиқасигача фақат болалик олами билан ҳамнафас бўлди. Бутун ижодининг кичкинтойлар, болалар ва ўсмирларга боғишланган асарлар ташқил этади. Бинобарин, “Сафар Барноев замондошлар хотираларида” (2011) номли рисолада Сафар Барноев билан ҳамкасбу ҳамқалам, замондош адиблар, олиму шоирларнинг эътирофнома, хотира ва ёдномалари берилгани ҳам ижодкор бадиий оламидан далолат. Жумладан, ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг етук салафлари – Ҳаким Назир, Омон Мухтор, Эркин Малик, Т.Адашбоев, Маъруф Жалил, Жўра Фозил, Ғулом Шомурод Тошпўлат Аҳмад, С.Воҳидов, Икром Отамурод, Дилмурод Жаббор, Садриддин Салим каби ёзувчи ва шоирларнинг; О.Сафаров, Б.Назаров,

Н.Абдуазизова, Н.Раҳимжонов каби профессорлар ва бошқа кўплаб ёш олимлару журналист-ларнинг хогиралари Сафар Барноев ҳақидаги ёрқин саҳифаларни ташкил қилади.

Зотан, С.Барноев ўзбек болалар адабиётида ранг-баранг жанрларда унумли ижод эта олди. Лирикада – шеър, кўшиқ, шеърый топишмоқ ва ғазаллар; лиро-эпик турда – масал, шеърый ривоят, шеърый эртак ва достонлар; насрда ҳикоя ва қиссалар, бадиа ва эсселар; публицистикада мақола, бадиҳа, даъватнома; адабиётшуносликда – тақриз, сўзбоши, адабий-танқидий мақола ва ҳоказолар. Шу маънода С.Барноев, ўзбек болалар адабиётини юзга яқин ҳикоялари, ўнлаб қисса ва шеърый тўпламлари билан бойитиб, ўз китобхонларига эга ижод соҳибидир.

Башорат ЖАМИЛОВА,
БухДУ доценти
Ҳамида НУСРАТОВА,
БухДУ катта ўқитувчиси

ФОЛЬКЛОРШУНОС ОЛИМ ИБРАТИ



Ўзбек фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги заҳматкашларидан бири, бутун умрини фанимиз тараққиётига ва баркамол авлод тарбиясига бағишлаб яшаган устоз мураббий, филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаровнинг серқирра фаолияти бутунги ёшларга ҳар томонлама ўрнак бўла олади.

Олим ўзбек фольклоршунослигида Бухоро маросимлари фольклорини, латифаларнинг локал типларини тўплаб ўрганишда ҳамда Бухоро мусиқий фольклорининг филологик таҳлилини амалга оширишда самарали хизмат кўрсата олди.

Антик дунё тарихи Халқаро Илмий Академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар ҳамда Журналистлар уюшмалари аъзоси сифатида Охунжон Сафаров халқимиз қадриятларини алоҳида эъзозлаб келди. Заҳматкаш олимнинг Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихини яратишдаги хизматлари ҳам эътирофлидир. Айниқса, олимнинг Бухоро фольклоршунослик мактабини яратишдаги заҳматларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Серқирра фаолият соҳиби О.Сафаровнинг турли жанрларда ва ранг-баранг йўналишларда яратилган асарлари: шеърлари, публицистик мақолалари, хотиралари, библиографиялари, илмий рисола ва монографиялари кўпчиликка таниш.

О.Сафаров 1940 йилнинг 18 феввалида Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Додбоғни қишлоғида мактаб ўқитувчилари Сафар ака Тўраев (1910-1974) ва

Муаззама ая Ҳамробой қизи (1920-2005) хонадониди туғилиб, камол топди. У 1946-1956 йилларда дастлаб ўз қишлоғидаги бошланғич мактабда, сўнгра қўшни Чандир қишлоғидаги Абу Али ибн Сино номидаги ўрта мактабда ўқиди.

О.Сафаровнинг таниқли фольклоршунос ва адабиётшунос бўлиб етишишида у тарбияланиб ўсган оила муҳитининг таъсири ҳолатда катта бўлди, чунки оила аъзолари ўртасида халқ оғзаки ижоди дурдоналарига, шеърятга қизиқиш, ҳазил-мutoйиба ва қочиримга, musiқага иштиёқ баланд эди.

О.Сафаровнинг волидаи муҳтарамаси Муаззама Ҳамробой қизи узоқ йиллар бошланғич синф ўқувчиларига муаллималик қилиб, шу машаққатли ва шарафли меҳнати эвазига Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси фахрли унвонига эга бўлган маърифатли онахон ўғлига ҳам илк бор харфни танитган биринчи устоз эди.

О.Сафаров 1956-1961 йилларда Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида таҳсил олиб, ўқишни имтиёзли диплом билан якунига етказди ва 1961-1962 ўқув йилида Жондор туманининг Далмун қишлоғидаги ўрта мактаблардан бирида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1962 йилда Бухоро давлат пединститутининг педагогика ва психология кафедрасига ишга таклиф қилиниб, мазкур илм ўчоғида 1966 йилгача ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатди. 1963-1965 йилларда эса Самарқанд ва Туркменистоннинг Йўлатон, Чоржўй шаҳарларида ҳарбий хизматни ўтади. 1967 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади.

Охунжон Сафаров 1968-1971 йилларда Самарқанд давлат университети сиртқи аспирантурасида таҳсил кўриб, шу университет профессори Ж.М.Ҳожиматов раҳбарлигида "Шукур Саъдулла – болалар адиби"

мавзусидаги номзодлик тадқиқотини олиб борди. У ўз номзодлик диссертациясини СамДУ илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилиб, 31 ёшида филология фанлари номзоди даражасига эришда ҳамда тез орада болалар адабиётшуноси сифатида танилди. Сўнгра 1972 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи, 1975 йилдан 1989 йилгача доцент лавозимларида ишлади.

1980-1982 йилларда у Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузурида докторантурани ўтаб, 1986 йилнинг 31 июнида шу даргоҳдаги ихтисослашган илмий кенгашда “Ўзбек болалар поэтик фольклорининг жанрий таркиби ва бадиияти” мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлаб, филология фанлари доктори илмий даражасига эришди ва олимлик шохсупасида яна бир карра юқорилади.

Илмий тадқиқотчилик фаолиятини болалар адабиётшуноси сифатида бошлаган О.Сафаровга адабиётшунослик жабҳасида йиққан билим ва тажрибалари кейинчалик фольклор асарлари поэтикаси бўйича етук тадқиқотчи бўлиб етишувида катта замин вазифасини ўтади. Қолаверса, унинг тадқиқотларида болалар адабиёти ва болалар фольклорини ўрганиш ўзаро омукта жараён сифатида кечди. 1989 йилдан у профессор лавозимида ишлади. Умуман айтганда, О.Сафаров бу соҳада ассистентликдан профессорликкача бўлган илмий-педагогик йўлни босиб ўтди. У ҳамиша илмий ишни педагогик фаолият билан қўшиб олиб борди.

Олим бахтини илмдан топди. Шунинг учун илмий қизиқишлари доираси кенгдир. Жумладан, унинг ўзбек болалар адабиёти ва фольклори, ҳозирги ўзбек адабиёти ва адабий танқидчилиги тарихи, болалар ўйин фольклори, шашмақом ва халқ мусиқаси, Бухоро фольклорини регионал асосда тўплаш ва уни умумўзбек фольклори

контекстида ўрганиш соҳаларида қатор монография, рисола, илмий, илмий-тадрисий, илмий-публицистик мақолалари жамоатчиликка тақдим қилинган. Унинг 50 дан ортиқ китоби, 550 га яқин илмий, илмий-усулий, илмий-публицистик мақолалари чоп этилган.

О.Сафаров фаол жамоатчи сифатида, аввало, ўзи ишлаб турган Бухоро давлат университетидида, қолаверса, ўзи яшаб турган Бухоро шаҳрида анча таниқли эди. У 1971-1976 йилларда институтнинг кўп тиражли “Илғор фан учун” газетаси муҳаррири, 1977-1979 йилларда мусиқа-педагогика факультети декани, 1988-2005 йилларда ўзбек адабиёти (пединститут университетга айлантирилгач, янги ташкил топган Фольклор ва XX аср ўзбек адабиёти), кейин Педагогика ва жисмоний маданият факультети ҳузуридаги Тил ва адабиёт кафедрасининг мудири лавозимларида хизмат қилди.

1973 йил ноябрида у Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси, 1984 йил 25 апрелда эса Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

О.Сафаров қатор йиллар Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси аъзоси бўлиб фаолият кўрсатди. Ишда ва ижодаги фидойилиги, меҳнаткашлиги, ташкилотчилиги, ўзбек адабиётшунослиги фанини ривожлантириш, ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишидаги жонбозлиги учун ҳукуматимиз томонидан “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси”, “Мустақилликнинг бир йиллиги”, “Мустақилликнинг ўн йиллиги”, “Мустақилликнинг ўн беш йиллиги” нишонлари ва бир неча медаллар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

О.Сафаров ўз илмий-ижодий фаолияти давомида болалар адабиёти мазмун-мундарижасини белгилаш ва уни ўқитиш муаммоларига ҳам жиддий эътибор қаратиб

келди. Айниқса, унинг “Олий ўқув юртларида “Болалар адабиёти” фанини ўқитиш муаммолари” (“Тил ва адабиёт таълими”, 1994), “Ўзбек болалар адабиёти тарихи мундарижасини белгилашга доир” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1998), “Болалар адабиёти танқидчилиги” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1994), “Ўзбек болалар адабиёти тарихини ўрганиш муаммолари” (1995), “Болалар китобатчилигига бир назар” (“Соғлом авлод учун” журнали, 1997), “Болалар адабиётининг эртаси” (“Туркистон-пресс” мухбири билан суҳбат. – “Маърифат” газетаси, 1998), “Фольклор ва болалар адабиёти” (“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2003), “Оилада китобхонлик анъаналари” (1999) мавзуларидаги мақолалари долзарблиги, назарий ва амалий аҳамиятга эгаллиги билан эътиборни тортади. Уларда, асосан, “Болалар адабиёти” фанини ўқитиш билан боғлиқ муаммоларга ечим изланган. Аникроғи, уларда мустақилликка эришилгач, ўзбек болалар адабиёти намуналарини қайтадан нашр қилиш эҳтиёжи туғилганлиги, илгари “Болалар адабиёти” дарсликлари, қўлланмалари ва мажмуаларининг давр нуқтаи назаридан эскирганлиги ҳақида фикр юритилган. Шулар асосида олим “Ўзбек болалар адабиёти тарихи” фани мундарижасини миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда қайта белгилаш, бу борада ўтмишдаги болалар китобхонлиги анъаналаридан фойдаланиш, болалар адабиётининг фан сифатидаги ролини кучайтириш вазифасини кўтариб чиққан.

Унинг “Болалик куйчиси” ижодий портретида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир, ёзувчи ва драматург Шукур Саъдулланинг кўп қиррали ижодий фаолияти ёритилган.¹

¹ Сафаров О. Болалик куйчиси. – Т.: Фан, 1978. – 168 бет.

О.Сафаровнинг “Замонлар тонгининг чароқларисиз” рисоласи атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги санасига тўғна сифатида эълон қилинди. Унда улуг шоирнинг болаларга атаб ёзилган асарлари истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан қайта таҳлилдан ўтказилган.

Олимнинг яна шу йўналишда ёзилган китоби таниқли болалар шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори Қуддус Муҳаммадий сиймосига чизгилардан иборат “Шеърим – очил дастурхон” (Тошкент: “Муסיқа”, 2011) монографиясидир.

О.Сафаров ўзбек адабиётшунослигида болалар адабиёти соҳасини дарслик ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш ишига ҳам етарли улуш қўша олди. Бинобарин, унинг республика педагогика институтлари бошланғич таълим усулиёти факультети талабалари учун яратган “Ўзбек болалар адабиёти” дарслик-хрестоматияси (П.Шермуҳаммедов, Ж.Турсунов, Х.Этамовлар билан ҳамкорликда, 1976), “O'zbek bolalar adabiyoti va folklori” (1-китоб) ўқув қўлланмаси соҳанинг етук малакали мутахассисларини тайёрлаб етиштиришда муҳим дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Бу ўқув адабиётлари ўз вақтида тузилган қимматли ва муҳим қўлланмалар эди.

О.Сафаров ЎЗР ФАси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтидаги касбдошлари билан ҳамкорлик қилишга айрича аҳамият беради. Унда яратилаётган монументал тадқиқотларга иштирак этади, диссертациялар муҳокамасида қатнашади, расмий ҳакам сифатида чиқишлар қилади. “Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён” ва уч томлик “Ўзбек фольклори очерклари”нинг I жилди (1988) каби монографик тадқиқотлар, қолаверса, кўп томлик “Ўзбек халқ ижоди” рукнида нашр этилган ва болалар поэтик фольклори

намуналаридан тартиб берилган “Бойчечак” (1984) мажмуаси шундай ҳамкорлик самараси ҳисобланади.

О.Сафаров болалар публицистикасининг назарий муаммоларига ҳам катта эътибор билан қаради. У бу борадаги фикрларини журналист шогирди Б.Жамилова билан ҳамкорликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, болалар публицисти ва адиби Эркин Малик ижодига чизгилардан иборат “Болалик – боқийлик тимсоли ёхуд мухбирликнинг олис йўллари” рисоласида (Тошкент: “Шарқ”, 2011) умумлаштирилганлиги кузатилади.

Устоз О.Сафаров 2010 йилда шу кунгача болалар адабиётшунослиги масалаларига бағишлаб ёзган ва эълон қилинган, яна бир қисми қўлёзмалигича қолиб келаётган энг сара рисоалари ва мақолаларини жамлаб, “Болаликнинг ойдин осмони” номли сайланмасини эълон қилди.

О.Сафаров бутун фаолияти давомида Бухорода минг йилликлар билан бўй ўлчовчи адабий ҳаракатчилик тарихи билан ҳам қизиқиб келади. Шу қизиқишлари натижаларини тўплаб, дастлаб “Адабий Бухоро: ўтмиши ва бутунига оид қайдлар” номли сайланмасини тартиб берди. Бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Бухоро адабий муҳитининг ўтмиши, иккинчи қисмида эса XX асрдаги тарихий-тадрижий жараён мавзусидаги мақола ва рисоалар жамланган.

2015 йилда олимнинг “Бухоро адабий ҳаракатчилиги тарихидан лавҳалар” номли мақола ва рисоаларидан таркиб топган 582 саҳифалик салмоқли сайланмаси эълон қилинди. Унда Бухорода X асрдан XX асрнинг 40-йилларигача яшаб ижод қилган шоир ва олимлар ҳаёти ва меросига оид илмий кузатишлар баён қилинган. Асарда бухоролик ижодкорларнинг шакллана боришида ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган адабий тўғарақлар ва нашрлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Бухоро тарихи жуда қадимийдир. Шу узоқ тарихий тараққиётни кечирган ҳудудда жуда бой фольклор жамланган. Бухоро фольклори локал белгиларига кўра алоҳида ўзига хосликларга эга. Унга хос ана шу локал хусусиятларни ўрганиш эса ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бухоро ҳудудининг фольклорини регионал асосда тўплаб, умумўзбек фольклори контекстида нашр қилиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш йўлида Охунжон Сафаров алоҳида ғайрат кўрсатиб келди. У ўз эли ва она юртини жон дилидан севадиган, унинг келажаги учун қайғурадиган инсон сифатида кўп йиллардан буён жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган Бухоро заминидagi халқ оғзаки маънавий меросини ўрганишни илмий асосда йўлга қўйиб, Бухоро фольклоршунослик мактабини яратди дейишга тўла асос бор. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, таниқли фольклоршунос олим, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Тура Мирзаев ҳам бунини тўла тасдиқлаб: “Охунжон Сафаров ... Бухоро фольклорини ўрганишни бошлаб берган, бутунги кунда эса, бу йўналишдаги тадқиқотчилик ишларининг бошида турган олимдир”, – дея эътироф этади.¹

О.Сафаров кўп йиллар давомида вилоят доирасида талабалар орқали фольклор экспедицияларини уюштирди. Шулар эвазига О.Сафаров бу борада арзирли ютуқларга эриша олди. Бевосита унинг ташаббуси билан Бухоро давлат университетининг Ўзбек адабиёти кафедраси ҳузурида фольклор архиви ва болалар ўйинчоқлар музейи ташкил этилишига эришилди. Ҳозиргача шу архивда

¹ Мирзаев Т. Зукко тадқиқотчи. // Заковат зиёси. Филология фанлари доктори, профессор, адабиётшунос, фольклоршунос, шоир ва мураббий Охунжон Сафаровнинг 65 йиллигига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 2005, 3-бет.

йиғилган фольклор материаллари асосида О.Сафаров томонидан “Бойчечак”, “Ширинқишлоқ латифалари”, “Қорақўллик куйчилар”, “Алла-ё алла”, “Тўй муборак, ёр-ёр”, “Бўзлардан учган ғазал-ай”, “Эл суярим, алла”, “Тез айтишлар”, “Читтигул”, “Ўзбек болалар ўйин фольклори” каби бир неча йирик фольклор тўпламлари нашр қилинди. Бу тўпламларда доно аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилиб, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган турли жанрдаги фольклор намуналари дарч қилиниб, оммага тўхфа қилинди. Улар заҳматкаш олимнинг шахсан ўзи ва талабаларга бевосита раҳбарлиги асосида тўпланган ноёб материаллардир. Бу материаллар олимнинг бир неча шоғирдлари илмий тадқиқотларига ашёвий далил вазифасида хизмат этганлиги эътиборга лойиқдир.

Охунжон Сафаровнинг фольклоршунос сифатидаги фаолияти беш асосий йўналишни қамраб олади: биринчиси – ранг-баранг жанрдаги халқ оғзаки поэтик ижоди намуналарини тўплаб архивлаштириш, иккинчиси – тўпланган фольклор асарларининг оммавий ва илмий нашрларини тайёрлаб, чоп эттириш, учинчиси – халқ оғзаки ижодининг дорларб муаммолари юзасидан фундаментал илмий тадқиқотлар яратиш, тўртинчиси – ўзбек фольклоршунослиги учун юқори малакали кадрларни тайёрлаб бериш, бешинчиси – республика олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларини фольклоршунослик бўйича зарур дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш.

Унинг ўзбек фольклори, Шашмақом ва халқ мусиқаси, Бухоро фольклорини регионал асосда тўплаш ва уни умумўзбек фольклоршунослиги контекстида ўрганиш соҳаларида йигирмадан зиёд монография, рисола ва фольклор асарларидан тартиб берилган ҳар хил тўпламлар, қатор-қатор илмий, илмий-тадрисий, илмий-публицистик мақолалари эълон қилинган.

О.Сафаров республика олий ва ўрта махсус таълим даргоҳларини фольклоршунослик бўйича зарур дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш соҳасида ҳам жонбозлик кўрсатиб келаётган устозлардан биридир. Шу кунгача унинг таниқли фольклоршунослар билан ҳаммуаллифликда яратилган “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди” (Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсоқовлар билан, 1990) дарслиги, фольклор амалиёти жараёнида тўплаган тажрибалари асосида ёзилган “Фольклор практикаси” (М.Жўраев ва А.Турсуновлар билан, 1992) ўқув-усулий қўлланмаси, икки қисмдан иборат “O‘zbek xalq og‘zaki badiiy ijodi” (Д.Ўраева билан, 2005), “O‘zbek xalq og‘zaki ijodi xrestomatiyasi” (Т.Мирзаев ва Д.Ўраева билан, 2008) ўқув қўлланмалари республика олий ўқув юр்தларида, “O‘zbekiston xalqlari etnografiyasi va folklori” (Д.Ўраева ва М.Қурбонова билан, 2007) дарслиги касб-хунар коллежларида ўқитилмоқда. Унинг бу соҳадаги самарали фаолияти таниқли рус фольклоршунос олими, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор В.М.Гацак томонидан юксак баҳоланиб, шундай таърифланган эди: “Шуниси қувончлики, О.Сафаров ўзига ўзбек фольклорининг йиғувчиси, ношири ва тадқиқотчиси, шунингдек, турли даражадаги мактаблар учун педагог кадрлар тайёрлашда тажрибали ўқитувчи, юксак талабларга жавоб берувчи илмий маърузалар ўқий оладиган олим ва қатор дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларнинг муаллифи сиймоларини бирлаштира олган истеъдод соҳибидир”.

О.Сафаров республикамиз фольклоршунослари қаторига бир фан доктори (Д.Ўраева) ва олти нафар фан номзоди (Д.Ўраева, Г.Эшчонова, С.Авезов, Л.Шарипова, Й.Раҳматов, Ҳ.Юсупова)ни етказиб берди.

О.Сафаров ўз шогирдлари билан адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабати муаммосини ўрганишга

ҳам қизиқиш билан ёндашди. Бу борада олимнинг шогирдлари томонидан ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари (Д.Қувватова), ўзбек детектив насрида фольклор анъаналари роли (Ш.Сулаймонов), 70-80-йиллар ўзбек шеъриятида ритм ва фольклоризмлар ҳодисаси (Д.Ражабов, Л.Шарипова) тадқиқ қилинди.

Олим тамал тошини ўрнатган Бухоро фольклоршунослик мактабининг фаолияти ҳақида ҳозирги кунга келиб, нафақат республикамизда, балки хорижда, жумладан, Ўрта Осиё республикаларида, Россия, Туркия, Олмония, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ва Доғистонда ҳам билишади ва эътироф этишади.

О.Сафаров томонидан болалар фольклорини тасниф қилишнинг илмий мезонлари ишлаб чиқилганлиги – шу соҳанинг назарий уфқларини кенгайтиришга хизмат қилди. У бевосита ўзи йиққан салмоқли материалга таяниб, ўзбек болалар фольклорининг жанрлар таркибини аниқлаб, илк бор яхлит тизимдан иборат илмий таснифини амалга оширди. Беҳад қимматли бу илмий тадқиқотда ўзбек фольклоршунослиги учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган болалар оғзаки поэзиясининг жанрий таркиби, ҳар бир жанр табиатига хос дифференциал хусусиятлар яхлит бир тизим асосида назарий ишлаб чиқилди ва бу соҳадаги фольклоршунослик терминологияси илк бор асослаб берилди.

О.Сафаров Шарқ ва Ғарб тарбия мактабларининг таълимоти, ютуқлари, дурдоналари билан мунтазам танишиб бориб, уларга эргашгани; Тошкент, Санкт-Петербург, Олма-Ота, Боку, Москва ва бошқа жойлардаги илмий муассасалар, кутубхоналарда ойлаб ўтириб ишлагани, ёзаётган иши учун шахсан жуда катта манба, материал тўплай олгани эвазига шундай улкан муваффақиятга эришди. Шу тариқа олим ўзбек болалар

фольклорининг 24 жанрини аниқлаб, улар ҳақида ўзининг “Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари” (1983), “Ўзбек болалар поэтик фольклори” (1985) тадқиқотлари ва шу материаллар асосида тартиб берилган “Бойчечак” (1984), “Алла-ё алла” (1999), “Эл суярим, алла” (2009), “Тез айтишлар”, “Читтигул” (2010) сингари мажмуаларини эълон қилди. Уч томлик “Ўзбек фольклори очерклари” фундаментал тадқиқотининг I жилди учун (1988) “Болалар фольклори” бўлимини ёзиб берди. Ўзбек болалар фольклорининг алла, айтим-олқиш, болалар тақвими ва маросими қўшиқлари ҳамда болалар ўйинларидан танлаб олинган бир қатор сара намуналарини рус ва инглиз тилларига ўлтиририб, “Две половины луны” (“Ойнинг икки палласи”, Тошкент, 1984), “Узбекская народная поэзия” (“Ўзбек халқ қўшиқлари”, Ленинград, 1990) ва “A treasury of uzbek legends and lore” (“Ўзбек халқ ижодиёти жавоҳирлари”, 2000) тўпламларида чоп этилишига эришди.

О.Сафаровнинг “Болаларни эркаловчи ўзбек халқ қўшиқлари” асари унинг болалар фольклоршунослиги соҳасида яратган илк илмий рисоласидир. Олимнинг “Ўзбек болалар поэтик ижоди” монографияси эса бевосита докторлик тадқиқоти мазмунини ўзида тўла акс эттирганлиги сабабли айрича илмий мукамалликка эга.

Охунжон Сафаров ҳамиша замон билан ҳамнафасликда одим ташлаб яшади. Бунга унинг ўзи йиғиб, нашрга тайёрлаган аксарият тўпламлари ёки баъзи асарлари бевосита ҳукумат қарорларига жавобан чоп этирилганлиги, ёзилганлиги мисолида яққол ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки элу юрт тақдири билан боғлиқ ҳар бир воқеликка жиддий ва ҳушёр муносабатда яшаш олимнинг ҳаёт шиорига айланган эди. О.Сафаров кўп йиллик педагог сифатида халқимиз маросим ва анъаналарини жуда пухта биларди. Шу билим ва ҳаётий

тажрибаларини омма билан ўртоқлашиш мақсадида эзгу ишга қўл уриб, “Оила маънавияти” монографиясини яратди. Бу китоб чиққанидан қўлма-қўл бўлиб кетди. Шу эҳтиёж туфайли 1999 йилда – “Оила” йили муносабати билан чоп этилган бу китоб 2009 йилда янада тўлдирилган ҳолда иккинчи марта катта тиражда қайта нашр қилинди. Китобда халқимиз орасидан ёзиб олинган бешик, суннат ва никоҳ тўйларига алоқадор маросим қўшиқлари намуналари келтирилиб, уларнинг жанрий табиати ва ижро хусусиятлари, бадиияти масалалари бўйича қимматли мулоҳазалар илгари сурилган. Унда чақалоқни биринчи марта бешикка белаётганда, бешикдан олаётганда, илк бор чўмилтирганда, чақалоқ беш, етти, тўққиз, қирқ кунлик бўлганда, болага исириқ тутатаётганда айтиладиган маросим қўшиқлари ҳамда никоҳ тўйига алоқадор жар қўшиқлари, “Келин ўтирсин” ва “Куёв ўтирсин” қўшиқлари, умуман айтганда, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатларига ҳамоҳанг тарзда куйланадиган ранг-баранг маросим қўшиқлари, ёр-ёрлар, келин саломлар, лапар ва ўланлар, айтим-олқишлар тўғрисида қизиқарли фикрлар билдирилган. Айтиш керакки, О.Сафаров никоҳ маросимига алоқадор “Келин ўтирсин”, “Куёв ўтирсин”, “Келин элтиш” ва “Куёв элтиш”, “Саломномахонлик” удумлари билан боғлиқ айтимларни ҳамда “Жар” қўшиқларини ўзбек маросим фольклоршунослиги тарихида биринчи марта ёзиб олиб, уларга хос хусусиятларни очиб берди ва шу хизмати билан наинки ўзбек фольклоршунослигини, айни замонда ўзбек халқ маросимшунослигини ҳам бойитди.

Олим тартиб бериб нашр эттирган “Тўй муборак, ёр-ёр” тўпламида халқимизнинг энг қадимий ва муқаддас анъанавий маросими – никоҳ тўйи ва унга алоқадор турли расм-русумлар, урф-одатлар билан боғлиқ поэтик

айтмилар берилган.¹ Тўпловчи таъкидлаганидек: “Уларни ижро этмай, тўй маросимлари ва русумлари адо этилмайди”. Шогирди Д.Ўраева билан ҳамкорликда тўплаб, нашр қилдирган “Бўзлардан учган ғазал-ай” мажмуаси инсон хотирасини эъзозловчи халқ қўшиқлари асосида тузилган. Унда ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта халқ йиғилари ва йўқловлари махсус китоб тарзида тартиб берилди. Хуллас, бу тўплам маросимларимизга алоқадор миллий қадриятларимизни кенг оммалаштириш борасида илк қадам бўлди.

Бухоро номини жаҳонга танигишда шу заминда яратилган Шашмақом навосининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бундан фахрланиш ҳисси О.Сафаровнинг бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О.Атоев ва муסיқашунос, педагогика фанлари номзоди, доцент Ф.Тўраев билан ҳамкорликда яратган “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари” (2005) ҳамда “Шашмақом ватани оҳанглари” (2009) китобларида ёрқин кўзга ташланади.²

Бухорогагина хос “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари жуда қадимий бўлиб, улар ҳозиргача қуйланиб келаётир. О.Сафаров кўп йиллик самарали изланишлари натижасида бу эгизак туркум қўшиқларининг ижро хусусиятлари, тарихий асослари, ижрочилар репертуарининг ўзига хос хусусиятларига оид бой маълумотлар тўплашга эришди. Унинг саъй-ҳаракати билан фольклоршунослигимизда илк бор бу икки туркумга кирувчи қўшиқларнинг матнлари нисбатан тўла ёзиб олинди.

¹ Тўй муборак, ёр-ёр. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи О.Сафаров. – Т.: Маънавият, 2000.

² Сафаров О. Шашмақом ватани оҳанглари. Рисолалар, мақолалар, шеърлар. – Т.: Фан, 2009; Сафаров О., Атоев О., Тўраев Ф. “Бухорча” ва “Мавриги” тароналари. Халқ ашула ва рақс туркумларининг пайдо бўлиш тарихи, таркибий тузилиши, бадиий-эстетик хусусиятлари, нота ва матн. – Т.: Фан, 2005. – 277 бет.

Маълумки, “Бухорча”, асосан, бухороликлар орасида вужудга келиб, узоқ асрлар давомида ижро этилиб келинган қўшиқлар туркуми саналса, “Мавриги” миграцион қўшиқ ва рақслардан гаркиб топган гўзал силсила бўлиб, бухороликларнинг ижрочилик маҳорати ва поэтик санъаткорлиги туфайли сайқал топган фольклор асарларидир. Бу туркумларнинг ҳар бирининг ўзига хос тарихи, бадиий тадрижи ва ижро хусусиятлари мавжуд. Муаллифлар узоқ вақт мобайнида “Бухорча” ва “Мавриги” туркумлари ижро жараёнини кузатиб фақат Бухорогагина хос ашула ва рақс туркумлари намуналарининг бир неча нусхаларини моҳир мавригихонлар ва “Бухорча”нинг кекса билимдонларидан ёзиб олиб, улардаги ашулаларни бир-бирига муқояса этиш эвазига туркумларнинг пайдо бўлиш тарихи, таркибий тузилиши, бадиий-эстетик моҳияти, шунингдек, нота ва сўз матнларини чуқур таҳлил этиб, яхлит бир тадқиқот ҳолига келтирганлар.

“Шашмақом ватани оҳанглари” китоби “Бухоро шашмақомининг ёзиб олинishi тарихидан тўрт лавҳа”, “Севги ризолари тараннуми, “Базм” газали ёхуд устод Айнийнинг мусиқа ва санъат аҳлиги муносабати” сингари рисоалар, айрим мақолалар ва шеърлардан таркиб топган. Унда “Бухоро шашмақоми” ўзбек мақомининг энг бой ва ғоят қадимий мустақил ўзани эканлиги аниқланган. “Бухоро шашмақоми”нинг генезиси, нотага қўчирилиш тадрижий йўли, унинг нотага олиниб, Ўзбекистон ва Тожикистонда нашр қилинган нусхаларининг ҳар бирига хос фазилатлар ва камчиликлар хусусида қизгин баҳс юритилган.

Китобда Абдурауф Фитрат – Бухоро Шашмақомини нотага ёзиб олинishiининг илк ташаббускори ва ташкилотчиси бўлганлиги, бунга унинг мусиқий таълимни ва бу соҳадаги тадқиқотларни йўлга қўйишни кўзлаб, Бухоро шаҳрида ташкил этган ихтисослашган мусиқа

мактаби марказ вазифасини ўтаганлиги билдириб ўтилган. Чунки бу мактаб "Шарқ мусиқа мактаби" аталиб, европача усулдаги мусиқа мактабидан фарқ қилган ва унда таълим жараёни шарқона устозу шогирд сабоқлари асосида қурилган. Мактабда мусиқа таълимини амалга ошириш учун ўша замоннинг машҳур мақомхонлари ва мақомдонлари Ота Жалол Носир ўғли, Ота Ғиёс Абдуғани ўғли, Левича (Леви Бобохонов), Домла Ҳалим Ибодов каби устоз санъаткорлар жалб этилган. Кейинчалик шу устозлардан сабоқ олган шарқ мусиқа мактаби талабалари сафидан моҳир мақомхонлар Шохназар Соҳибов, Фазлиддин Шаҳобов, Боруҳ Зиркиев ва таниқли забардаст бастакорлар Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳоновлар етишиб чиқишган.

Абдурауф Фитрат ўзи ташкил қилган шарқ мусиқа мактабига жалб этилган устозлардан асрлар давомида халқ даҳоси билан яратилган Бухоро Шашмақомини ёзиб олиш ташаббусини ўртага ташлаган. Буни шогирди, БХШЖ ҳукумати раиси Файзулла Ҳўжаев қўллаб-қувватлаган. Улар бу ишга ўз даврининг етук мусиқашуноси, таниқли этнограф В.А.Успенскийни жалб этганлар.

Хуллас, Абдурауф Фитрат ва Файзулла Ҳўжаев ташаббусию даъвати билан В.А.Успенский ғайрат кўрсатиб "Ўзрук", "Рост", "Наво", "Дугоҳ", "Сегоҳ" ва "Ироқ" каби қадимий мақомларни Ота Жалол, Ота Ғиёс каби машҳур мақомхонлар ижросидан нотага ёзиб олишга эришган. Бу эса Бухоро Шашмақомини нотага кўчиришдаги дастлабки қадам эди.

Ўзбек мумтоз ва халқ мусиқасининг улкан арбоби Юнус Ражабий Бухоро Шашмақомини нотага ёзиб олишда алоҳида жасорат кўрсатган. Шунингдек, бу борада моҳир бастакор Ариэл Бобохоновнинг хизматлари ҳам алоҳида қимматга эга.

Умуман айтганда, Охунжон Сафаров “Бухорча” ва “Мавриги” гароналари” ҳамда “Шашмақом ватани оҳанглари” сингари монографик тадқиқотлари билан ўзбек қўшиқшунослигида янги зарварқ очишга муваффақ бўлди. Улар орқали ўзбек фольклоршунослигида халқ қўшиқларини жонли ижро хусусияти билан ёзиб олиш сари илк қадам ташланди. Бу эса ўзбек халқ қўшиқшунослигида янгича йўналишдир.

О.Сафаров локал ижрочиликдаги латифаларнинг асл табиатини сақлаган ҳолда Ширинқишлоқ латифаларини тўплаб нашр этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу орқали фольклоршунос жой ва уруғ номи билан боғлиқ ўзбек латифаларининг юзага келиш асослари, ўзига хос поэтик хусусиятлари ҳақида ўз илмий-назарий қарашларини илгари сурди. У ўзбек латифачилигида Насриддин афанди номига боғлиқ лагифалардан ташқари локал ижрочиликда бир неча латифагўйлик марказлари борлигини илк бор асослаб берди.

Олимнинг “Қорақўллик куйчилар” тўплами бу музофот фольклорига оид маълумотларни, унда яшаб ижод қилган халқ ижрочилари ва ижодкорлари номини билиб олишда муҳим манба вазифасини ўтай олади. Аниқланишича, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср давомида Қорақўлда Умур шоир Вали ўғли (1846-1916), Жумакул шоир Жуманиёз ўғли (1892-1962), Мурод Бахши (1880-1992), Усто Амин Бахши (1892-1962), Очил бобо Шомурод ўғли (1886-1961), Фармон шоир (1905-1978), Ҳожиёқуб Бахши (1850-1916), Шониёз Бахши (1870-1926), Маҳмуд Гадой Бахши, Бобокул шоир (1911-1992), Бобокул ота Эргашев (1912-1992), Шомурод Бахши (1853-1912), Шойимардонкул Бахши, Суяр шоир каби ижодкорлар яшаб ижод қилган. Уларнинг ҳаёти ва ижоди, репертуари ҳақида “Қорақўллик куйчилар” тўпламида илк бор илмий

фикр-мулоҳазалар билдирилган.¹ Бу ҳудудда халқ ижрочилари томонидан “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Сайёд ва Ҳамро”, “Юсуф ва Аҳмад”, “Зайнулараб”, “Тоҳир ва Зухро”, “Ҳурлиқо ва Ҳамро”, “Кийикнома”, “Турғли” туркумига мансуб айрим дostonлар куйланиб келган.

О.Сафаров устозларига, дўстларига, туғилиб ўсган заминига муҳаббати улкан инсон эди. Бунини у яратган асарлари орқали ҳам кўрсата бера олди. Жумладан, олим устози Тура Мирзаев ҳақида алоҳида ижодий портрет яратган бўлса, “Шофирконнома” маърифий-тарихий рисоласида киндик қони томган юрт, бу заминда туғилиб, вояга етган ва элу юрт корига яраган муътабар инсонлар, илм аҳли ҳақида ҳикоя қилади. Сабоқ олган илм маскани Бухоро давлат педагогика институтининг тарихи ҳақида эса М.Маҳмудов, С.Давлатовлар билан ҳамкорликда яратган “Бухоро давлат университети” тарихий альбом-рисоласида сўзлайди. Бу рисола ўзбек, инглиз, рус, араб тилларида расмий альбом кўринишида чоп этилган.²

Баъзи инсонлар ҳақидаги хотиралар сабоқ даражасига кўтарилган бўлади. Шу сабабли улар ҳаётлигида эришган ахлоқий-тарбиявий тажрибаларни умумлаштириб, ёшларга етказиш жуда хайрлидир. Айниқса, эзгу ишлари билан жамиятга, элу юртга фойдаси теккан инсонларни хотирдаш инсон қалбида чексиз ҳавас, ишонч-этиқод туйғуларини мустаҳкамлайди. Бунини дил-дилидан англаб етган О.Сафаров эзгу ишлари билан эсда қолган бир неча устозлари ҳақидаги ширин хотираларини қоғозга тизиб, “Дилда қолганлар ёди”, “Устозлар ва сафдошлар” каби китобларини ёзди. Сирасини айтганда, бу китоб ҳам унинг ўзи ўқиган ва камолга егишувида ҳаётини пиллапоёга

¹ Сафаров О. Қорақўллик куйчилар. – Т.: Наврўз, 1994. – 80 бет.

² Safarov O., Mahmudov M., Davlatov S. Buxoro davlat universiteti. – Т.: A.Qodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 2002.

айланган жонажон Бухоро университетига оид қарашлари давомидир. Унда муаллиф ўзини ўқитган устозлари, мактабдаги ўқитувчилари, касбдош-сафдошларини ёдга оларкан, улар амалга оширган эзгу ишлари туфайли хотираларининг боқий бўлишини, абадият касб этишини хоҳлади.

Рисолада Бухоро давлат университети (собиқ педагогика институти)да ишлаб ва ўқиб турган лаҳзасида фашистларга қарши жангларга отланганлар ҳақида ҳикоя қилинади. Маълумки, улардан қай бирлари эсон-омон қайтиб, узоқ йиллар шу муқаддас даргоҳда педагоглар тайёрлаш ишига ва фан ривожига ҳисса қўшиш орқали элу юрт ҳурматига сазовор бўлган эса, қай бирлари ўша оғир жангтоҳлардан қайтмай, бедарак кетган.

Китобда мажбуран шўро мафкурасига хизмат қилса-да, истиқлол армонига айланган, шу қутлуғ даврларга эришолмай ёруғ дунёни тарк этганлар айрича ачиниш билан ёдга олинган.

Рисолада университетнинг собиқ ректори, таниқли физик олим Вафо Арабович Мўминов ("Устоз ёди"), файласуф ва тарихчилар Ражаббой Холмуродов ("Юзларидан нур ёғиларди..."), Кенжа Носиров ("Латифанамо ривоятларда жилоланган сиймо"), Раҳим Ашуров ("Қироат қилгандай сўзларди..."), Рустам Бешимов ("Мақтасанг бўлди – эриб кетаверарди..."), ихтиолог олим Мақсуд Эргашев ("Ҳамиша кулимсираб юрарди..."), муаллифнинг отаси Сафар Тўраев ("Қиблағоҳимни қўмсаб..."), амакиси Ҳожимурод Назаров ("Бедарак йўқолган"), мактабдаги устози Карим Қозоқов ("Қаҳқаҳа боқийлик шукуҳи")лар ҳаёти ва фаолияти ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинган. Улар тўғрисида келтирилган лавҳаларда бу инсонларнинг ҳар бири ўз дарду дунёси билан яшаб ўтганлиги, бетакрор қиёфаси ва одамийлик фазилати билан ёдда қолганлиги эътироф этилади.

О.Сафаровнинг яна бир ёднома мақоласи бевақт зафот этган таниқли ёш олим, самимий инсон, фаол жамоатчи, тиришқоқ мураббий, педагогика фанлари доктори, профессор Анвар Ҳайитов хотирасига бағишланган “Сўнмас юлдуз” тўпламида босилган.¹ Камтарликнинг инсоний фазилатлиги таърифидан бошланган ушбу мақолада О.Сафаров истеъдодли олим Анвар Ҳайитовнинг инсоний фазилатлари ҳақида бевосита ўз кўрган-билганларини ҳикоя қилган.

Олимнинг “Ўлпон Бухорода” рисоласи ҳам тарихий-адабий руҳда ёзилгани билан эътиборни тортади. Унда миллий истиқлол фидойиси, оташин шоир, публицист, адиб ва жамоат арбоби Абдулҳамид Сулаймон ўғли Ўлпоннинг Бухорода кечган адабий-ижтимоий фаолияти мавжуд илмий-адабий манбалар ҳамда янги далиллар ва мулоҳазалар асосида умумлаштирилган.

Ёру дўстлар ва касбдошларнинг ёш тўйларига бағишлаб яратилган асарлар, мақолалар ҳам О.Сафаровнинг илмий жабҳадаги қалами нечоғли чарҳлана борганини кўрсата олади. Унинг устози ва ҳамкасби, профессор Саиджон Алиев таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб ёзилган “Қалби маърифатга тўлиқ зот...” мақоласи шогирднинг устоз олдидаги бурчи ва эҳтиромини ўзида намоён бўлса, “Тожи Қораев – педагог, адабиётшунос ва жамоатчи”, “Профессор Тожи Қораев замондошлари хотирасида” китобига ёзилган “Ҳамкору ҳамдамликнинг унутилмас саҳифалари” мақолаларида илм заҳматларини бирга татиб келган ҳамкасб биродарига меҳри ёрқин кўзга ташланади.²

¹ Сафаров О. Камтар ва хокисор инсон // Сўнмас юлдуз. Анвар Ҳайитов замондошлари хотирасида. – Бухоро, 2009, 49-55-бетлар.

² Китобда: Профессор Тожи Қораев. Био-библиографик курсаткич. Тузувчи ва мақола муаллифи О.Сафаров. – Бухоро, 1996, 6-10-бетлар.

Охунжон Сафаров қизи, филология фанлари номзоди Хилола Сафарова билан ҳамкорликда 2002 йилда таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Раҳим Жураевич Воҳидовнинг 60 йиллиги муносабати билан унинг илмий-педагогик фаолиятини сарҳисоб қилувчи “Навоийга талпинган юрак” рисоласини эълон қилди. Унда ўзбек мумтоз адабиётининг етук билимдони ва заҳматкаш тадқиқотчиси, сермаҳсул олим ва меҳрибон мураббий Р.Ж.Воҳидов ижодий сиймосига оид чизгилар берилиб, унинг ҳаёт ва ижод йўли ёритилган ҳамда адабиётшунос сифатидаги фаолияти умумлаштирилган.

2004 йилда О.Сафаров М.Маҳмудов билан ҳамкорликда яна бир эл суйган олим, таниқли файласуф, жамоат арбоби Равшан Раҳмонов сиймосига чизгилардан иборат “Саодатли тақдир соҳиби” деб номланган рисоласини жамоатчиликка тақдим қилди.¹ Рисолада фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Навоий давлат педагогика институтининг ташкил этилишида беқиёс жонбозлик кўрсатиб, уни узоқ йиллар бошқарган маҳоратли жамоат арбоби Равшан Раҳмоновнинг баркамол авлодни тарбиялашда ўрнатилган бўларли ҳаёт йўлига мухтасар назар солинган.

Олимнинг бухоролик катта ижодкорлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва журналист Тошпўлат Аҳмад ижодий фаолиятига чизгилардан иборат “Туйғуларда тарих жилоси” (Тошкент: Наврўз, 2013) ҳамда тарихчи адиб ва публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Ҳасан ҳақидаги “Адабий сулола

Профессор Тожи Қораев замондошлари хотирасида. – Т.: Фан, 2006, 69-78-бетлар.

¹ Сафаров О., Маҳмудов М. Саодатли тақдир соҳиби. – Т.: Шарқ, 2004.

сардори" рисоласи ҳам дўстликка садоқатнинг беқиёс рамзи сифатида эътиборни тортади.

О.Сафаровнинг "Ўзликдаги ўзим ёхуд насабнома" китоби унинг оила аъзолари ва яқинларига садоқатини намоён этади.

Охунжон Сафаров шоир ҳам эди. Унинг илк шеъри ўрта мактабнинг 6-синфида ўқиб юрган кезлари туман газетасида босилиб чиққан эди. У шоирлик даъвоси билан эмас, балки кўнгил майли билан шеър ёзарди. Шеърлари аҳён-аҳён бўлса-да, республика, вилоят ва туман миқёсидаги газета ва журналларда босилиб турарди. Ҳатто айрим шеърлари Ўзбекистоннинг донг қозонган ҳофизу ҳофизалари Ўлмас Расулов, Мавлуда Асалхўжаева, Ориф Атоевлар репертуарларидан жой олган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланиб, 2001 йилнинг 31 августида Тошкентдаги Мустақиллик майдонида ўтказилган байрамда Бухоро вилояти вакиллари унинг "Тасанно" кўшиғи билан чиқишган. Худди ўша йили ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, маънавият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон фан ва таълим ходимлари қасаба уюшмаси марказий кўмитаси, Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ ҳамкорлигида ташкил этилган "Республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган ўзбек фольклор санъати ва урф-одатлари "Ҳазина - 2001" фестивалида О.Сафаров шогирди Ш.Сулаймонов билан ҳамкорликда ёзган "Тириклик суви" адабий-мусиқий композицияси билан қатнашиб, "Унутилган аъёналарни тиклашдаги хизматлари учун" номинацияси бўйича ғолиб чиқди ва лауреатлик дипломи билан тақдирланди. Шу тариқа бадиий ижод соҳасида ҳам ўз ихлосмандларига эга бу қўшқанотли қалам соҳибининг ҳозиргача "Бухорийлар

ёхуд ўн икки юлдуз ҳақида кўшиқ" (1999), "Ширинтойлар баҳори" (2003) сингари шеърӣй тўпламлари, "Болаликнинг ойдин осмони" (2010) сайланмаси эълон қилинган. Уларда шоирнинг шеърлари, туркум тўртликлари, баллада, эртақ ва дoston сингари хилма-хил жанрдаги асарлари мавжуд. Улар хилма-хил ижтимоӣй-ҳаётӣй, тарихӣй мавзуларда яратилган.

О.Сафаров бадиӣй ижод сирларидан ҳам шоир, ҳам олим сифатида чуқур хабардор бўлганлигидан жуда кўп ёш қаламкашларга устозлик қила олди. У ёш ижодкорлардан ҳеч қачон ёрдами ва маслаҳатини аямаган. Натижада бевосита у тилаган "Оқ йўл" билан ижод оламига Дилмурод Жаббор, Бахшullo Ражаб, Вали Бобомурод, Лайло Шарипова, Шодмон Сулаймон, Омон Абдулла, Салим Мухтор, Моҳидил Пулатова, Муҳаббат Зойир, Моҳичеҳра Рузиева каби йигирмадан ортиқ ёш ижодкорлар кириб келди. Уларнинг аксарияти ҳозиргача бадиӣй ижод билан машғул бўлиб, қатор-қатор бадиӣй тўпламларнинг муаллифига айланишган. Улардан Дилмурод Жаббор, Бахшилло Ражаб, Вали Бобомурод, Сулаймон Шодиев, Шодмон Сулаймонлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган.

Хуллас, кўп қиррали фаолият соҳиби бўлган забардаст олим, меҳрибон ва самимӣй инсон, шогирдлар таянчи Охунжон Сафаров истиқлолимизга жон-дилидан хизмат қилган заковатли инсон эди.

Дармонӣй УРАЕВА,

БухДУ профессори,

филология фанлари доктори

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ВА ФИДОЙИ ИНСОН



Фарҳод Ҳабибович Қосимов 1941 йил 10 октябрда Бухоро шаҳрининг Бозоригул кўчасида туғилган. 1958 йилда ўрта мактабни тугатгандан кейин Бухоро Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга киради. 1963 йил институтни аъло баҳолар билан битириб, Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги 2-мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлайди.

1964-1967 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети тарих факультети хузуридаги аспирантуранинг кундузги бўлимида таҳсил олган, ёш, келажаги порлоқ олим меҳнат фаолиятини республикамизнинг ўша отахон дорилфунунида бошлади. 1969 йил сентябрь ойидан бошлаб Бухоро Давлат педагогика институтида илмий-педагогик фаолиятини давом эттирди. Ўша йилдан то сўнгги нафасига қадар Ф.Ҳ.Қосимовнинг сермазмун ҳаёт йўли, илмий ва педагогик фаолияти Бухоро Давлат университети билан чамбарчас боғлиқ эди.

Университет тақдири олим тақдирига, университет ҳаёти олим ҳаётига, олийгоҳ келажаги олим истиқболига айланди. Ф.Ҳ.Қосимов ижтимоий ташкилотчилик фаолиятининг асосий қисмини БухДУда ва шу олийгоҳнинг Тарих факультетида раҳбарлик ташкил қилди. У 1971-1976 йилларда Умумий тарих кафедрасида мудирлик лавозимида ишлади. 1977-1980 йилларда Москвада докторантура таҳсилини ўтаган Ф.Ҳ.Қосимов Ўрта Осиё республикалари тарихшунослиги муаммоларига оид

докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, тарих фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлди.

Олимнинг 1968 йилда ЎзРФА Тарих институти Илмий Кенгашида “Бухоро халқ шўролар жумҳурияти тарих-шунослиги” йўналишидаги номзодлик диссертациясини ҳам ёқлаган эди.

1980 йиллардан сўнг у Бухорода яратган тарихшунослик мактабининг шаклланишига тамал тошини қўйди. Зукко олим XX аср дастлабки ўн йилликларида Бухорода ва кейинчалик Ўзбекистонда кечган мураккаб, зиддиятли тарих жараёнларини таҳлил қилишда, халқимизга тарих ҳақиқатини етказишда умр бўйи тинмай ишлади. Кейинчалик олимнинг бевосита илмий раҳбарлиги остида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган олти нафар тадқиқотчилар ҳам XX аср Ўзбекистон тарихининг дастлабки давлари бўйича иш олиб борган эдилар.

Ф.Қосимов 1983-1986 йилларда тарих факультетининг декани, 1986-1992 йилларда эса институт ректори ва бир пайтнинг ўзида кафедра мудири каби лавозимларда виждонан, юксак масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият юритди. 1991 йилнинг май ойидан бошлаб, Ф.Қосимов Умумий тарих 1999 йилдан эса Тарихшунослик ва манбашунослик 2005 йилдан бошлаб Жаҳон тарихи ва тарихшунослик кафедрасини бошқарди.

Тажрибали раҳбар, истиқболни кўра оладиган Ф.Қосимов университет ва тарих факультети моддий-техник базасини мустаҳкамлашда, олийгоҳга иқтидорли, илмий ишга қобилиятли, истеъдодли, ғайратчан, айти пайтда ташаббускор ёшларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратди. У ректорлик лавозимида ишлаган даврда турли мутахассисликлар бўйича ўнлаб кафедраларда

ўқитувчилик, ассистентликка қабул қилинган ёшларнинг кўпчиликлари бугунги кунда фан номзодлари, фан докторлари, доцент ва профессорлик мартабасига эришдилар. Ф.Қосимов раҳбар бўлиб ишлаган йилларда тарих факультети олийгоҳимиздаги энг илғор жамоа, институтимиз эса Республика олий мактаблари орасидаги пешқадамлардан бири бўлган. Тадқиқотчи олим, тарих илмининг билимдони сифатида ҳам ушбу инсон таърифга лойиқ. Ф.Қосимов илмий фаолиятини икки даврга бўлиш мумкин. У мустабид совет тузуми йилларида асосан Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги йўналишида илмий изланишлар олиб борди. Олимнинг 1980 йилда “Минуя капитализм. Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму” (Москва: “Наука”, 1980) номли йирик монографияси чоп этилди. 1980 йилларда педогок-муаллимнинг минглаб илмий мақолалари ва ўқув усулий қўлланмалари чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси истиқлоли Ф.Қосимовнинг илмий фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Ватанимиз тарихини ҳолисона ва собитқадамлик билан тадқиқ қилиш имкониятидан фойдаланиб Ф.Қосимов долзарб муаммоларга бағишлаб бир қатор жиддий тадқиқотларга йўналтирилган китоблар ва юзга яқин илмий мақолалар яратди.

Мустақиллик йилларида ёзилган “Темурийлар даврида Бухоро” (Бухоро, 1996) “Бухоро Республикаси тарихшунослиги” (Бухоро, 1996) “В плену иллюзий (Религиозный фундаментализм – угроза миру и стабильности)” (Тошкент, “Фан”, 2004), “Истиқлол ва тарихий хотира” (Бухоро, 2006) сингари йирик илмий асарлар – монография, рисоалар Ўзбекистон тарих-

шунослиги маънавий хазинасини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ф.Қосимов истиқлол даврида юртимиздан чиққан буюк алломалар, қадимги шаҳарларимизнинг юбилейлари муносабати билан ўтказилган республика ва халқаро илмий анжуманларида асосий маърузачилардан бири ҳисобланади. Она шаҳримиз Бухоронинг 2500 йилик юбилейи (1997 йилда)га тўхфа сифатида у узоқ илмий изланишлар самараси ўлароқ ўзининг “Бухоро-Париж: асрлар садоси” (Бухоро, 1997 йил, ўзбек ва француз тилларида) номли китобини яратди.

“Темурийлар даврида Бухоро” китоби эса соҳибқироннинг жаҳон миқёсида 660 йиллик юбилейига тўғна сифатида ёзилганди. Донишманд олим давр руҳини тезда идрок эта олар ва ҳозиржавоблик билан тарихий жараёнларга ўз муносабатини билдириш қобилиятига эга эди.

Ф.Қосимов илоҳий истеъдодга эга бўлган нотик, чуқур мушоҳада юритадиган педагог-муаллим эди. У талаба ёшларга “Тарихшунослик”, “Ватан тарихи” (СССР тарихи, кейинчалик Қардош халқлар тарихи) фанларидан, “Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихшунослиги”, “Ўрта Осиё ва Россия муносабатлари тарихи”, “Тарих фалсафаси” каби махсус курслардан рақам ва далилларга бой, мунозарага ва теран тафаккурга чорлайдиган, мазмунли, қизиқарли маърузалар ўқиди.

Унинг бевосита ташаббуси билан Жаҳон тарихи кафедраси ҳузурида “Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар олиб бориш усулиёти” йўналишида магистратура очилганди. Олим магистрантларга Археография, сфрагистика, дипломатика, Махсус тарих фанларини ўқитиш усулиёти, Тарихшунослик муаммо-

лари каби фанлардан маърузалар ўтди, ёшларга илмий тадқиқотлари юзасидан фойдали маслаҳатлар бериб борди.

Ф.Қосимов ҳар йили вилоят миқёсида ўтказиладиган маънавий ўқувларида, Бухоро шаҳри ва туманларида тарих ва ҳозирги замон муаммоларига бағишлаб ўнлаб мароқли маърузалари билан чиқишлар қилди. Ўзи, касбдошу шогирдларига нисбатан талабчан олимнинг ижтимоий фаолият доираси жуда кенг эди.

Ф.Қосимов 20 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти ҳузуридаги номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган Илмий Кенгаш аъзоси бўлиб келди. Мазкур Кенгашда ҳимоя қилинган ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий ҳамда норасмий ҳакамлик қилди. Республиканинг қайсиқим илм даргоҳида ёки олийгоҳида Ўзбекистон тарихшунослигига оид жиддий бирор-бир илмий тадқиқот яратилса, соҳанинг етук мутахассиси сифатида профессор Ф.Қосимов республика ва вилоят миқёсида жуда кўп нуфузли ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари, кўкрак нишонлари соҳиби эди. Жумладан, олимга Республикамиз Мустақиллигига 15 йил тўлиши тантаналари кунларида, Президентимизнинг Фармони билан таъсис этилган "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил" кўкрак нишони берилди.

Ф.Қосимов Ўзбекистон тарихи бўйича саккиз жилдлик академик нашр тайёрлаётган республика етакчи олимларидан иборат муаллифлар жамоаси таркибига киритилганди.

Фарҳод Қосимов инсон ва шахс сифатида ҳам ибрат олса арзигулик нодир фазилатларга эга эди. Унда чуқур ички маданият, маънавий баркамоллик, юксак ахлоқий

хислатлар ҳисобланган одамийлик, олижаноблик, бағрикенглик, ўта мулозаматлилиқ, зиёлиларга хос ҳушёрлик, ва эътиборлилиқ каби фазилатлар мужассам эди. Унинг юксак дид ва ўзига ярашиқли кийиниши, расмий ва норасмий давраларда ўтириб туриши, атрофидагиларга назокатли муомала муносабати ажойиб таассурот қолдирарди. Ёруғ ва нурли чехраси, фикрлаши, ўзбек ва рус тилларида (бирдай) равон мазмунли нутқи барчани ўзига мафтун этарди.

Олим иштирок этган давраларда ўзаро мулоқот ва суҳбатлар йўналиши беихтиёр бой, маданий тарихимизга, жаҳонда, Ўзбекистонда кечаётган турфа жараёнлар таҳлилига бағишланиб кетарди. Юқори мартабали олим бўлишига қарамай, Ф.Қосимов ёш касбдошлари ва шогирдлари даврасида ўзини тенгдошлардек тутар, камтаринлик одобини сақлаган ҳолда эътироз, таклиф мулоҳазаларни билдирарди. Шунинг учун илм чорраҳаларидан эндигина кириб келаётган ёш тадқиқотчилар ўзлари ёзган мақола ёки китобларини Ф.Қосимовга кўрсатиб тегишли тавсия ва маслаҳатлар олишга ошиқардилар. Маърака ва тўйларда давранинг тўри у кишидек етук маънавиятли инсонники бўлиб, шарқона одоб тамойиллари меъзонида муносабатда бўлганидан ҳам у ушбу ҳурматга лойиқ эди.

Ф.Қосимов нафақат муаррих олим, жамоатчи раҳбаргина эмас, балки аҳил, бир-бирига меҳр-оқибатли, иззат-ҳурматли оиланинг сардори, ибрат олса арзигулик ота ва бобо бўлиб ҳаётда яшаб ўтганлигини алоҳида қайд этиш лозимдир.

У турмуш ўртоғи билан бирга бир ўғил, икки қиз, яъни уч фарзандни тарбиялаб, уларни олий маълумотли, маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етишишини

таъминлади. Унинг фарзандлари худди оталари каби маданиятли, одобли, юксак ахлоқли, илм-хунарли бўлиб эл орасида танилдилар.

Ф.Қосимов қавм-қариндошларига, ёру биродарларига, дўстлари ҳамда шогирдларига шу қадар меҳрибон ва эътиборли эдики, уларни нг муваффақиятидан ўзи зафар кучтандек қувонарди, азиятига эса ҳамиша ҳамдард бўларди. Йирик олим ва табаррук инсон Ф.Қосимов умрининг сўнги нафасигача илмий-ижодий ва жамоатчилик фаолиятидан тўхтамади. Унинг сермазмун ва самарали ҳаёт йўли ортда қолган ёшларга ибрат намунасидир. Юксак маънавиятли ва фидойи инсон, забардаст олим, камтарин педагог-мураббий Фарҳод Ҳабибовичнинг нурли сиймоси қалбимизда абадиётга муҳрланиб қолди.

*Дармоной УРАЕВА,
БухДУ профессори,
филология фанлари доктори*



ТАРИХ ВА ТАҚДИРНИ ТАЛҚИН ЭТГАН АДИБ

Янги адабиёт янги даврда туғилади. Яратилиш, яшаш – тилсим. Дунёга келишнинг ўзи дард. Уни англаш истёждод. Истиқлол тафаккури инсониятнинг ибтидо ва интиҳоси, улар ўртасидаги ҳаётнинг туб моҳиятини англаш билан бирга, унинг бадиий талқинларига эҳтиёж сезади. Адабиётда олам ва одам муносабати турли даврларда ҳар хил усулларда тасвир этиб келинди. Диний-тасаввуфий, панднома ва дидактик, романтик ва реалистик асарлар замирида ҳам аслида инсоншунослик ётади. Инсон яратилган тилсимлар ичида энг олий хилқат; уни билишга, тасвир ва талқин этишга қаратилган асарлар эса ўқувчи маънавияти, маърифатини юксалтиришга хизмат қилади. Инсон қалбининг турли пўртаналари, руҳий қисматлар ижодкор бадиий оламининг бекатлари янглиғ адабиётда зухур топади.

Омон Мухтор (1941–2013) ижоди бунинг ёрқин далили. Унинг асарларида икки нарсаяққол кўринади: биринчиси ижодкорнинг Бухоро – тарихий обидалар заминидатаваллуд топиб, умр бўйи ана шу шариф шаҳар васфини ранг-баранг жиллоларда бадиий талқин эта олгани; иккинчиси унда шоир ва носирлик истёждодининг ҳамиша уйғун келиши. Ана шу бахт ва қисмат Омон Мухтор номини камолот сари етаклади. Ижодкорнинг илк шеърий тўплами 1966 йилда “Чорлар қуёшли йўллар” номи билан чоп этилган. Шундан сўнг унинг “Нигоҳ”, (1968), “Қушлар ва тушлар” (1971), “Шаҳарлик келинчак” (1973), “Ҳаёт дарвозаси” (1978), “Бухоролик донишманд” (1973), “Болаликка саёҳат” (1984) сингари ҳикоялар тўпламлари,

“Эгилган бош” (1989), “Минг бир қиёфа” (1994), “Афлотун”, “Хотин подшоҳ” (2006), “Майдон” романлари бирин-кетин эълон қилинган. Унинг болаларга бағишланган асарлари ҳам мавжуд. Айниқса, “Бувим эртақ айтади” (1971), “Кунлардан бир кун” (1985), “Минг йилдан сунг” (1991) каби шеър ва эртақ, ҳикоялари, “Учқур поездлар” (1981) биографик қиссаси адабиётда ўз эътирофига эга. Омон Мухторнинг адабий фаолияти юксак баҳоланиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвони (1991), “Дўстлик” ордени соҳиби (1997) ва Ўзбекистон республикаси Давлат мукофоти (2009)га сазовор бўлган. Шу маънода Омон Мухтор бадий олами йўналиши, услубий жиҳлари, ўзига хос оҳорли оҳанглари билан алоҳидалик касб этади. Ижодкор асарларини яхлит бир дарахтта қиёслаш мумкин бўлса, унинг ўқ илдизи тарих гилдираги ва инсон қисмати. Яна шундай дарахтки, унда бир вақтнинг ўзида турт фасл намоён бўлганидек, шохларида якрангликдан холи япроқлари ўтмиш, бугун ва келажак ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилади. Чунки олимлар тўғри эътироф этишганидек, у бадий ижодга хос ҳамма нарсани— детективга хослик, ҳаёлий фантастик, рамзийлик ва маърифийликни бирлаштириб, ноанъанавий ижод усулига кенг йўл очди. Айтайликки, насрда назм, шеърда ҳикоя унсурлари ёки, тарихда келажак, ўтмишда бугун, бадий ижодда илмий тадқиқотга хослик ёрқин гавдаланади. Муҳими, буларнинг бари ўқувчини тафаккурлашга ўргатади, уларда улў аجدодларнинг руҳи, маънавияти устувор бўлиб, ҳаёт ҳақидаги фалсафамизни бойитишга, ўз ва ўзлигимиз ҳақида идрок қилишга ундайди. Айниқса, адиб шоирнинг “Минг бир қиёфа”, “Одамлар қулишлари керак”, “Хотин подшоҳ”, “Майдон” сингари романларида истиқлол даври адабиётининг анъаналари яққол намоён бўлади. Бу романларда реалистик ва фантастик, диний-тасаввуфий ва модернистик

адабиётга хос, айна пайтда наср ва назм уйғунлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “Минг бир қиёфа” ўз номига монанд бўлиб, унда ИНСОН тилсими ҳақида сўз боради. Бурҳон Шариф, Абдулла Ҳаким, Садиржон – романдаги асосий қаҳрамонлар. Аммо уларнинг ботиний ва зоҳирий ўхшашлиги фикрни тўзғитиб юборади. Айтайлик, Абдулла Ҳаким Бурҳон Шарифга икки томчи сувдай ўхшайди. Бир идорада ишлагани учун иккаласини деярли ажратишолмайди. Фарқи шундаки, Абдулла Ҳаким оддий лавозимда, хизматчи, шеърлар ёзиб турадиган мажнунсифат йигит. Бурҳон Шариф эса юқори лавозимда бўлишидан ташқари, махфий юмушлар билан шуғулланади, эзгулик йўлида жиноятчиликка барҳам бериш учун умрини сарфлайди. Шу сабабли унинг душманлари қиёфадан дўстини отиб ташлашгача боради, дўстига ўз номи билан аза очилади ва дафн этилади... Айна пайтда Абдулла Ҳаким яна Садиржон исми шифокор йигит билан ботинан жуда ўхшаш. Ҳатто қисматдош ҳам. Аммо ҳар уччала қаҳрамон ҳикояси алоҳида ҳикоят, манзаралардан ташкил топган бўлиб, мустақил сюжетга эга. Масалан, биринчи ҳикоятнинг ўзи тўрт манзарадан иборат. Биринчи манзара “Тутқун” деб номланади. Бу манзарада Абдулла Ҳаким ўласи ичган, оёққа зўрға турадиган ҳолатда ярим тунда бекатда автобусми, бирор машинами кутиб ўтирганда қандайдир япаски автобус пайдо бўлиб, бекатга яқинлашади. Унинг ёнгинасига келиб тўхтагач, олд-орқа қопқалар ланг очилади. Худди эртаклардагидек, уни ҳеч ким бошқармаса ҳам “йўловчи”ни тўппа-тўғри “белгиланган манзилга” олиб боради. Абдулла Ҳаким умрида кўрмаган кўчалар, саҳролардан ўтиб, тақа шаклида қурилган уч қаватли бинога келиб тўхтайди. У шу бинода бир неча кун азобланиб, ўзидан икки ёш катта, акадек азиз бўлиб қолган, бир идорада ишлайдиган Бурҳон Шариф учун жон беради. Ҳар қандай келувшувга, уларни тинч

қўйиш ҳақидаги ваъдаларга рози бўлмагани учун жазолашади. Чўнгагидан чиққан тўй таклифномасида ҳам шу ном зикр этилгани учун ўзини бошқа одамлигини исбот қила олмайди...

Ҳикоятнинг иккинчи манзараси “Парвоз” деб номланиб, унда Абдулла Ҳакимнинг руҳи-арвоҳи кузатган воқеалар тасвирланади. Ҳатто 30 ёшга кириб ҳали ҳам ўйланмаган, биргина кекса онаси вафот этгач, бошқа ҳеч кими қолмаган, ижара уйда яшовчи Абдулла Ҳакимнинг руҳи ўз жасади кетидан учиб келиб, қачонлардир сезган қизи Ҳалимани кўради. Онаси шаҳарлик қизни келин қилмайман дегач, Ҳалима тақдир тақозоси билан Бурҳон Шарифга турмушга чиққанди. У жасадни устига ўзини ташлаб, бегим деб оху-нола қилганида бечора руҳ тақдир ўйинидан ҳангу манг эди. Абдулла Ҳаким таниқли шоир бўлмаса-да, Ҳалимага бағишлаб муҳаббат ҳақида ёзганлари бир дафтар эди...

Ҳикоятдаги гўзал шеърӣ мисралар, самимий пок муҳаббатни куйловчи оҳорли ташбеҳлар, ҳам насрда, ҳам назмдаги руҳӣ кечинмалар Омон Мухтор ижодий услубининг ўзига хос ифодаси, албатта.

Учинчи манзара эса “Тур азоби” деб номланган ва бунда ҳам одамзотнинг фоний дунёдан боқӣ дунёга рихлатидан сўнги ҳаёти исломӣ нуқтаи назардан тасвирланади. Туртинчи манзарада “Сўнги кун”, яъни Қиёмат акс этган. Бу икки манзара жаҳон адабиётидаги “Илоҳӣ комедия”, ўзбек адабиётидаги “Қиёмат”, “Жаннатга йўл” сингари асарларга монанд талқин этилган ва унда осӣ бандаларнинг гуноҳи ва савобига яраша жазо ёки мукофотлар Абдулла Ҳаким тимсолида талқин этилган.

Иккинчи ҳикоятда Садиржон ва Гулҳумор муносабати орқали яқин тарихимиздаги инсонлар қисмати очиб берилади. Пештоқига “Маданият ва тарих” деб ёзилган тўққиз қаватли бино – Гулҳумор ишлайдиган кошонанинг

кучли шамол туфайли бир кечада йўқолиб қолгани воқеа туғуни ҳисобланади. Бу бинода ишлайдиган одамлар вазифаси тарихий обидалар, масжид ва қудуқлар, ҳовузларга барҳам бериб, ўрнига “маданий” иншоотлар қурмоқчи, ишчи-деҳқонларга керакли пахта ерига айлантириш билан шуғулланади. Яна баҳорни байрам қилишни ман этишади ва ҳоказо. Гулҳуморга бўлган самимий муҳаббати туфайли Садиржон Бурҳон Шариф ёрдами билан шаҳардан, одамлардан буткул узилиб, саҳрода қаққайиб қолган бинони излаб топади, парпарак ёрдамида бино томига қўниб, бу кераксиз ташкилотдан қизни олиб кетмоқчи бўлганида, қиз аллақачон Гулҳумор Ҳамроевнага айланиб, ташкилотнинг 1-ўринбосари қолаверса аввал “опа”, сўнгра “она”га айланган жувон, ҳамон юртнинг хуснини бузиб турган битта-яримта масжидлар борлиги ва улар билан шуғулланишини рўкач қилиб, ўз ташкилотини ташлаб Садиржон билан кетолмаслигини айтади...

Гулҳумор бемор сифатида Садиржон билан танишган эди, унинг берган китобларини ўқиб, айтганларига риоя қилгач, батамом соғайгач, бир дафтар совға қилади: “Биласизми, бир йигит холамнинг уйида, ижарада турарди. Бошқа шаҳарда. Уч-тўрт йил бурун нобуд бўлиб кетган. Шоир экан, дафтари уйдан топилди. Мен ҳам сизга шуни эсдаликка берсам...” Дафтардаги шеърлар Садиржонга ҳам ёд бўлиб кетади. Бир вақтлар Ҳалима учун ёзилган сатрлар бора-бора Садиржон қалбига қуйилиб, унинг ҳолатини акс эттиради: “Сиздан гўзали йўқ, Сиздан яхшиси йўқ – сиз битта яралган менинг бахтимга. Сиз ёрқин бир қўшиқ, сиз ойдин бир қўшиқ– сингиб бормоқдасиз менинг бағримга...”

Учинчи ҳикоят эса “Афандининг болалиги” деб номланиб, Абдулла Ҳакимнинг Насриддин афанди ҳақидаги туркумлари, Шариф Бурҳон қўлида қолиб кетган

бу битиклардан истеъдодли инсоннинг ҳаёт фалсафаси намоён бўлган: “Қаерда юрибсан, Насриддин шу он, Бирон шаҳардами, Бирон қишлоқда? Бу оқшом ёзганча яна дастурхон, Сени кутмоқдаман. Овқат пишмоқда. ... Биз учун Бу дунё латифа, ўйин, Бизга керак эмас ҳеч бир тожу тахт. Ҳаётда Ҳар кимга эгмасдан бўйин, Кулиб юрганимиз Ўзи катта бахт.” Бундай шеърларда яна афанди ҳақидаги ривоятлар, бировлар уни дунёда бўлмаган, гоҳо ўлган дейишлари, ҳолбуки уни кўпинча шоир ўз кулбасида оқшом пайтлари кўришини таъкидлаб: “Наҳот, Билмас одамлар бари Сиз – дунёда юрган Тирик Кулгисиз. Буюк обидалар, шу ер сингари Қийналиб асранган халқнинг мулкисиз...” деб ёзади...

Ҳар уч ҳикоятни бирлаштириб турувчи образлар тимсолида инсоннинг олижаноб туйғулари ҳамда ҳаёт мазмуни ўз ифодасини топган. Қолаверса уларни бир пахснинг турли аъмоли, ботини ва ҳаётий фалсафаси дейиш мумкин. Чунки роман сўнггида аёнлашадики, Шариф Бурҳон ўзи учун жонини қурбон қилган дўсти Абдулла Ҳаким номини тиклашга қабри бошига келиб ваъда берган, унга ёдгорлик ўрнатган холос. Номини, шеърларини эълон қилдирилмаганидан ўкинади. Чунки бу шеър дафтар тарихини хотини Ҳалимадан эшиттач, мархум биродаридан ҳам рашк қилиб, унинг номини тиклашга, китобларини чоп эттиришга қўли бормади. Ҳатто Ҳалиманинг вафотидан кейин ҳам гўё нуқул ўз хотинига бағишланган китобни чоп эттиришини ор деб билади. Кексайиб, охир хасталикка чалинган Бурҳон Шариф оппоқ тушакда оқариб ётиб,

Абдулла Ҳаким садоқати, боладек соддалиги, у учун ҳаттоки жонини берган қадрдони Абдулла Ҳакимни ўттиз йил ҳаммадан яшириб юрибман, деб армонларини Садиржонга изҳор қилади. Гарчи у қанчадан қанча жинойатчиларни қамашди, ёвузликка барҳам бериб, эзгулик

учун умрини бағишлаган бўлса ҳам ўзини дўстига муносабатини ҳақиқий жиноят деб билади. “Одамлар баъзан менга ўхшаб иш тутишганидан, қанча ғаройиб китоблар йиртилиб-йўқолиб кетади. Қанча обидалар ерга тўкилади. Қанча ёдгорликлардан инсоният маҳрум бўлади”, – дейди у. Садиржон ўзи ҳаким бўлганидан ажалнинг давоси йўқлигини билиб, ҳаётида жуда кўп эзгу ишлар қилган, табиатан олижаноб бу одамга нима дейишини билмайди. Сўнгра дафтарларни қўлтиқлаб, бўйни елкаларини букканича, ўйчан, ғамгин бир ҳолатда хонадан чиқиб кетади...

Шу тариқа, романда узоқ ва яқин тарих, инсоннинг яратилишидаги ибтидо ва интиҳо, турли муносабат ва тақдирлар, туйғулар қамраб олинган. Шу сабабли асарнинг барча сюжет чизиқларида инсоннинг минг бир қлёфаси том маънода намоён бўлган. Уларнинг барчаси– чўтир ёки ғилайми, Кабилов ёки Оппоқовми, Саид Бурхон ёки Садиржонми – барчаси инсон хилқатидир, ёки бир инсоннинг қалби, руҳи ва жисмига хос саргашталиқдан иборат.

Омон Мухтор ижодий тамойилида ранг-баранглик бисёр. Адиб асарларининг жанри, бадиий тамсиллари-да хилма-хил. Масалан, ёзувчи уларни “роман ҳангома” (“Майдон”), “хаёлий манзара” (“Минг йилдан сўнг”), “бўш пайтларда ўқиш учун ёзилган роман” (“Одамлар кулишлари керак”), “шу кунларда ғирт тўқиб чиқарилган” тарзида номлайди. Насрдаги назм ҳам ёзувчи ижодига хос асосий тамойиллардан. Шунингдек, унинг кўпгина битиклари аниқ шаклга, шеърлари эса вазнга сиймайди. Яъни фикр кенглиги, ноанъанавий тасвир, эркин услуб кўпроқ кузатилади. Энг муҳими эса тарих ва тақдирлар уни кўпроқ эътиборини тортади. Жумладан, адиб Бухоро ва бухороликлар мавзусини алоҳида меҳр-муҳаббат, маҳорат билан талқин этади. Бу ҳақда профессор О.Сафаровнинг

этирофи диққатга сазовор: “Омон Мухтор қалбида ҳам, лафзида, – деб ёзади олим, – қолаверса, бутун жисму жонида ҳам Бухоро шундай оташин оҳанга айланган, унинг шахси учун ҳам, ижоди учун ҳам Ватан Бухородан бошланган, у наинки ўзлигини, балки ҳам оламдаги, ҳам озод Ватанимиздаги барча жараёнларга хос ўзгаришларни Бухоро ва бухороликлар тимсолида кўради, севади, таърифлайди, тавсифлайди ва ифода этади.” Дарҳақиқат, ёзувчининг ўнлаб қисса ва ҳикоялари, Насриддин афанди туркумидаги битиклари, “Хотин подшоҳ”,

“Афлотун” романларида бу хусусият яққол кўзга ташланади. Жумладан, “Хотин подшоҳ” романи адабиётда қаламга олинмаган мавзулардан. Муаллиф уни ёзишда ўзи таъкидлаганидек, узоқ тарихга тегишли ёзувлар, эски халқ ривоятлари ва қўшиқлари, Наршахий, Вамбери китоблари, устод Садриддин Айнийнинг тарихий мақолалари, академик Иброҳим Мўминовнинг айрим кузатишларидан фойдалангани, шунингдек, Алишер Навоий, Машраб, Муқимий, Ҳамид Олимжоннинг шеърий сатрларига мурожаат қилгани англашилади. Шунга кўра романни чин маънодаги маърифий-тарихий асар дейиш мумкин. Унда Бухоронинг минг йил илгариги тарихи китобхон кўз олдида гавдаланиб, халқ меҳридан ривоятларгача, чет мамлакат босқинчиларидан тортиб, қўшни подшоҳликларгача доврўқ таратган оқила аёл – Ойнур – хотин подшоҳ – Тағшоданинг онаси ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувчи фақат тарихий воқеалар атрофида фикр юритиб қолмай, қаҳрамонлар руҳияти, аёл қалбининг нозик туйғулари, ботинидаги зиддиятларни тасвирлашга эътибор беради. Асар давомида Хотин подшоҳ аввало она, аёл, салтанат ҳукмдори, юртини босқинчилар қўлидан қутқариб турган тадбирли, оқила, доно хотин, халқпарвар, саховатпеша подшоҳ сифатида намоён бўлади. Айни пайғда адиб тарихий ҳақиқатдан кўз юммай, Бухоро

тахтига ўтирган подшоҳлар қисмати, турли сулолалар
фожеасини реалистик акс эттиради. Айниқса, Тағшода
хукмронлиги даврида шариф шаҳарнинг босқинчилар,
сотқинлар қўлига ўтиб, талон-тарож қилиниши, турли
фитналар бадий ва тарихий ҳақиқат уйғунлигида талқин
этилган. Роман мустақиллик шарофати туфайли дунёга
келгани учун ўтмиш тарихимизга ҳолис баҳо берилгани
билан аҳамиятли.

Омон Мухторнинг “Учқур поездлар” биографик
қиссаси эса Сулгон Жўра ҳаёт йўлини чинакам ёритиб
берган, ўзбек болалар адабиётида бу жанр ривожига ҳисса
қўшгани жиҳатдан диққатга сазовор. Яна адибнинг
“Болаликка саёҳат” туркумидаги шеър ва асарлари,
эртаклари О.Сафаров томонидан махсус тадқиқ этилганки,
улар ҳақида тўхталиб ўтирмадик.

Умуман, Омон Мухтор ўзбек ва жаҳон адабиёти
анъаналарини маҳорат билан ўзлаштириб, ўз овози, созига
эга ёзувчи, шоир, драматург сифатида тадқиқотга лойиқ.
Унинг истиқлол даври адабиётга қўшган ҳиссаси беназир.
Адибнинг сержило ҳангомалари, насрдаги назми ва
умуман, шеъриятига хос анъаналар, ён дафтаридаги
битиклар, замондошлар ҳақидаги хотиралари, роман ва
қиссалари зукко тадқиқотчиларини кутиб турибди.
Асарларининг композицион тузилиши, ноанъанавий
образлар тилсимива тизими ҳам алоҳида таҳлилга лойиқ.
Бинобарин, Омон Мухтор ижодига оид кузатишлар ҳали
ибтидо босқичида.

Башорат ЖАМИЛОВА,

**БухДУ доценти,
филология фанлари номзоди**

НАВОИЙ ҚАЛБИ-ДА ЯШАГАН ИНСОН



Таниқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Раҳим Жўраевич Воҳидов ўзбек мумтоз адабиётининг етук билимдони ва заҳматкаш тадқиқотчиси, сермаҳсул олим ва меҳрибон мураббийлардан бири эди. У 1942 йил 5 август (аслида жавзо, 15 май)да Бухоро вилоят Ромитан (ҳозирги Жондор) тумани Лоло фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ўба қишлоғида туғилди.

1949-1959 йилларда Ромитан туманидаги Муқимий номли мактабда таҳсил олди ва 1959-1960 йилларда шу мактабда ёшлар етакчиси бўлиб ишлади.

1960-1965 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ўзбек-тожик филологияси (ўзбек филологияси бўлими) факультетида билим олди.

1965-1966 йилларда Украинанинг Богдан Хмельницкий шаҳрида ҳарбий хизматни ўтади (12 ой).

1967 йилда Жондор туманидаги Т.Шевченко номидаги мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси вазифасида ишлади.

1967 йилнинг 2 сентябридан Бухоро давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси сифатида меҳнат қилди.

1969-1970 йилларда Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси тадқиқотчиси бўлди ва 1970 йилнинг 30 июнида шу қутлуғ ўқув даргоҳи ҳузуридаги Ихтисослашган Илмий кенгашда “Шайхим Сухайлининг ҳаёти ва ижодиёти” мавзuida профессор Б.Валихужаев

рахбарлигида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

1970-1975 йилларда Бухоро давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи, доцент (1975), 1972-1977 йилларда мудир лавозимларида фаолият юритди.

1977-1979 йилларда Самарқанд давлат университети ўзбек адабиёти тарихи кафедраси докторанти бўлди. 1979-1990 йилларда БухДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти бўлиб ишлади.

Р.Воҳидов 1972-1977 йилларда БухДУ Ўзбек адабиёти кафедрасига, 1992 йилда унинг негизида ташкил этилган, яъни Тасаввуф ва мумтоз ўзбек адабиёти кафедрасига мудирлик қилди.

1989 йил 22 августда “Меҳнат фахрийси” нишони билан тақдирланди. 1998 йилнинг 26 августиди “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” нишонини олишга эришди.

1990 йилда Р.Воҳидовга профессорлик илмий унвони берилди.

1988 йилнинг 19 майида ЎзР ФА Тил ва адабиёт Институти ҳузуридаги докторлик диссертациялари ҳимояси учун Ихтисослаштирилган Илмий кенгашда “XV асрнинг II ярми, XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик адабий алоқалари (қийсий-типологик йўналиш)” (илмий маслаҳатчи профессор Б.Н.Валихўжаев) мавзуида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди.

Р.Ж.Воҳидовнинг навоийшуносликда ўзига хос ўрни бор. У кўп йиллик ижодий изланишлари давомида ўзбек мумтоз адабиётининг нозик масалаларига кенг қамровли тадқиқотчи сифатида муносабат кўрсатиб келди. Айниқса, шундай тадқиқотларнинг зарварағи бўлмиш –

навоийшуносликни янада бойитишга самарали улуш қўшди. Бинобарин, унинг устози, таниқли адабиётшунос, академик Б.Валихўжаев билан ҳамкорликда устод Садриддин Айнийнинг навоийшунос сифатидаги фаолияти умумлаштирилиб берилган “Навоий ижоди – илҳом манбаи” (1981), (ҳам тожик, ҳам ўзбек тилларида), “Мажолисун-нафоис” таржималари” (1984), “Алишер Навоий “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг тожикча таржималари” (М.Қосимова билан ҳамкорликда, 1990), “Навоий барҳаёт” (1991), “Навоийнинг икки дурдонаси” (1992), “Алишер Навоий ва илоҳиёт” (1994), “Алишер Навоийнинг ижод мактаби” (1994) каби рисола ва монографиялари навоийшунослигимизни янада бойитди.

Садриддин Айний, Абдурахмон Саъдий, Воҳид Абдуллаевларнинг мумтоз адабиётни ўрганиш ва ёритиш соҳасидаги бой тажрибаларининг давомчиларидан бири бўлиб майдонга тушган Раҳим Воҳидов ўзбек мумтоз адабиётини, айниқса, улуғ шоир Алишер Навоий ижодини нафақат тадқиқ қилди, балки уни олий ўқув юртларида истиқлол ғоялари руҳида ўқитиш ишнинг янги асосий методик йўналишларини белгилаб беришда фаол иштирок этди.

Олим олий ўқув юртларини мумтоз адабиёт йўналишида дарсликлар, ўқув ва усулий қўлланмалар, луғатлар, етук малакали мутахассислар билан таъминлашда ҳам жонбозлик ва фидойилик кўрсата олди. Бевосита унинг илмий раҳбарлигида етишиб чиққан Юнус Азимов, Шавкат Ҳайитов, Дилором Каримова, Қаҳрамон Тўқсонов, Ҳусниддин Эшонқулов, Ҳилола Сафарова, Назора Бекова, Гулчеҳра Болтаева, Маърифат Ражабова, Сўҳроб Бобокалонов сингари фан номзодлари айни кунларда озод Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлашга

қаратилган илмий-ижодий ва педагогик-жамоатчилик фаолияти билан шуғулланиб, устозлари анъаналарини давом эттираётганликлари мамнуният билан эътироф этилади.

Р.Воҳидов – ватанпарвар олимлардан бири. У бунӣ ўз фаолиятида Бухоро адабий муҳити тарихига оид кузатишлари ҳамда бу соҳани ўрганишга сафарбар этилган қатор шогирдларга сарбонлик қилиб, уларни Бухоро адабий муҳитининг намояндалари меросини ўрганишда эришган натижалари орқали намоён эта олди. Натижада Бухоро адабий муҳитининг йирик вакиллари Шавкат Бухорий ва Содик Жондорийлар меросига оид жиддий тадқиқотлар юзага келди.

Р.Воҳидов адабиётшунослигимизда дастлаб улут мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг замондоши, амир ва зуллисонайн шоир Шайхимбек Суҳайлий ижодий меросини, кейин XV асрнинг бошларидаги ўзбек-тожик адабий алоқаларини монографик тадқиқ қилди. Унинг “Суҳайлий” (1976), “XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърятини (адабий алоқалар ва ўзаро таъсир масалалари)” (1993) асарлари бевосита шу тадқиқотларнинг мевасидир.

Аниқроғи, Р.Воҳидов академик Б.Валихўжаев раҳбарлигида “Шайхим Суҳайлийнинг ҳаёти ва ижоди” (1970) мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлаб, фан номзоди даражасига эришди.

Р.Воҳидов XX аср ўзбек адабиёти муаммоларини ўрганишга ҳам катта қизиқиш билан ёндашди. Бунинг исботи сифатида олимнинг 1987 йилда қўқонлик олима М.Ҳошимова билан ҳамкорликда Э.Воҳидов, А.Орипов ва Ҳ.Шариповлар поэзиясига хос кузатишлари битилган “Шеърят – шоир юраги”, “Илҳом чашмалари” (1989)

рисолаларини ҳамда Ҳамза Ҳакимзода Ниезийнинг тожик тилидаги ижодий мероси тадқиқига бағишланган “Адабий қардошлик сарҳад билмайди” (1991) монографиясини ёдга олиш мумкин. Р.Воҳидовнинг аксарият рисолалари устозларига, ҳамкасбларига эҳтиромини ўзида ифода этади. Жумладан, унинг 1992 йилда Б.Валихўжаев билан биргаликда ёзган “Эзгулик – умр мазмуни” рисоласи таниқли адабиётшунос олим, мумтоз адабиётнинг чуқур билимдони академик Воҳид Абдуллаев ҳаёти ва илмий-ижодий меросини ўрганишга бағишланган. “Илоҳий ишқ жозибаси” (1997) ҳамда унинг қайта ишлаб, бирмунча тўлдирилган нусхаси “Ишқ – маърифат қаноти” рисоласида таниқли таржимашунос ва мутаржим, ўзбек ва форс-тожик адабий алоқалари тарихининг зукко тадқиқотчиси, етук тасаввуфшунос Нажмиддин Комилов илмий-ижодий ва педагогик-жамоатчилик фаолияти умумлаштирилган. Унинг “Навоий қалби-ла сирлашган инсон” рисоласи эса таниқли навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметов илмий-ижодий фаолияти ҳақидаги мухтасар маълумотларни ўзида ифода этади. Яна олимнинг “Болалик куйласа – яшнайдиган олам” (1990), “Болалик дунёсидан мунаввар қалб” (М.Маҳмудов билан ҳамкорликда, 2000), “Яхпиликка бахшида умр” (З.Қосимова билан ҳамкорликда, 2001), “Шарқнинг буюк алломаси” (1989), “Маънавият – комиллик саодати” (М.Маҳмудов билан ҳамкорликда, 1997), “Биз билган ва билмаган Бобур” (1999), “Ишқ – маърифат қаноти” (2001), “Сўз бағридаги маърифат” (Ҳ.Неъматов ва М.Маҳмудов билан ҳамкорликда, 2001) сингари маърифат ва адабиёт дарғалари, тилшунослик, фалсафа, тасаввуф ғояларига дахлдор масалалар ечимига қаратилган тадқиқотлари ҳам

борки, улар бугунги давр ўқувчиларининг маънавий талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиб келаётир.

Шуни таъкидлаш ўринлики, ўзбек-тожик адабий алоқалари ва ўзаро таъсир муаммоларини ўрганиш Р.Воҳидов илмий қизиқишлари доирасида дастлабки тадқиқотини амалга ошириш жараёнидаёқ бошланган эди. Ана шу ишларнинг якуний умумлашмаси 1987 йилнинг 19 майида “XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида ўзбек ва форс-тожик адабиётларининг ўзаро алоқадорлиги (тарихий-типологик йўналишда)” мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёкланган диссертациясида ифодасини топди. Бу кафедрада ёкланган учинчи докторлик тадқиқоти бўлди.

Р.Воҳидов докторлик иши ҳимоясида норасмий ҳакам сифатида чиқиш қилган озарбайжонлик таниқли адабиётшунос Р.Алиевнинг “Биз, афсуслар бўлсинки, буюк бир мафкура бўлган исломни ўз хотирамиздан буткул ўчириб ташладик, уни лоақал бирор тадқиқотимизда эсламай қўйдик”, – деган мулоҳазасини сира унута олмади. Бу унинг “Алишер Навоий ва илоҳиёт” (1994) номли жиддий тадқиқотининг юзага келишига сабаб бўлди. Натижада олим Алишер Навоийни шакллантирган ижод мактаби хусусида баҳс юритувчи “Алишер Навоийнинг ижод мактаби” (1994) монографиясини яратди. Айни замонда буюк мутафаккирнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ва “Мажолис ун-нафоис” асарларига бағишланган илгариги рисоаларидаги фикрларини қайта назардан ўтказиб, таҳрир қилиб, кирмай қолган фикрлари билан тўлдириб “Навоийнинг икки дурдонаси” (1992), шунингдек Навоий ижодида комил инсон талқини муаммосига бағишланган “Маънавият – комиллик саодати” (1997) монографияларини

эълон қилди. Шу тариқа Навоий ижоди тадқиқи унинг изланишларида марказий ўрин эгаллай борди.

У ўзбек навоийшунослиги сарчашмасида турган улуг ватандошлари Абдурауф Фитрат, устод Айний ва Порсохон Шамсиевлардан кейин улар анъаналарини давом эттирди, қолаверса, Алишер Навоий ижодий меросининг Бухородаги етук билимдони ва тадқиқотчиси сифатида танилди.

Р.Воҳидов адабий таҳаллус қўллашнинг эстетик моҳияти, бадиий адабиётда тарихий далил ва бадиий тўқима, тарихий шахс ва прототип образлар моҳияти (Т.Қораев билан), 1950-80 йиллардаги адабий ҳаракат тарихини яратиш (О.Сафаров), шунингдек, ўзбек навоийшунослиги муаммоларини ўрганишда академиклар Садриддин Айний ва В.Абдуллаевларнинг (Б.Валихўжаев билан) тадқиқотлари муҳим илмий далил ва хулосаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Дармоноӣ ҲРАЕВА,

*БухДУ профессори
филология фанлари доктори*

ОТАШНАФАС ШОИР



Таниқли шоир, истеъдодли таржимон, оташабон публицист Самандар Воҳидов 1942 йил 12 сентябрда Бухоро вилояти Шофиркон туманида туғилган. 1965-1969 йилларда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган.

Меҳнат фаолиятини 1969 йилда Бухоро вилояти телерадиокомпаниясида бошлаб, муҳаррир, катта муҳаррир, бош муҳаррир вазифаларида ишлаган.

Илк тўплами “Қорбобонинг истаги” 1976 йилда чоп этилган. Шоирнинг “Кафтимда гул”, “Қатраларда нур ёнар”, “Оламдан ранг излаб”, “Асал бобо”, “Кенгликларни қўмсаб”, “Хаёлинг мен билан”, “Бухором бор, Бухором”, “Сумбула”, “Умр чорбоғи”, “Ҳаловатни ҳалолликдан изладим”, “Ҳаж дафтари”, “Гуллаётган кунлар”, “Бу боғда баҳра боқийдир” (А.Навоийнинг 50 ғазалига боғланган мухаммаслар), “Истиқлол манзумаси”, “Дунё дарсхонадир” китоблари нашр этилган.

Самандар Воҳидов кейинги йилларда ғоятда маҳсулдор ижод қилди. Унинг турт томлик “Сайланма”си нашр қилинди. Шоирнинг “Сайланма”лари билан танишар эканмиз, у кечаги ютуғи, шон-шухрати билан яшовчи шоир эмаслигига гувоҳ бўламиз. У ҳар бир асари билан олдинга қадам ташлайди, унинг шеърляти янги бир кучга тўлишиб, очилмаган уфқлари очилиб боради.

*“Сайланма” дегани сайламоқ демак,
Хос гулдан гулдаста бойламоқ демак.
Наинки, бир гулга ўн хорни қўшиб,
Гулдонга хордаста жойламоқ демак, –*

деб ёзади шоир.

Дарҳақиқат, ҳар бир шоир боғбон, унинг ижоди у яратган боғ. Ҳаётининг ҳар бир куни умр чорбоғининг бир ниҳоли. Бироқ у яратган боғ оддий, кўникилган боғлардан эмас, албатта. Бу боғни шоир ўз табиати, диди асосида яратган. Ундаги бирор бир кўчатни бошқа жойга кўчириб бўлмайди, шоир табиати буни кўтармайди. Зеро, одам табиатини ўзгартириш имконсиздир. Бу боққа кирган китобхон шоирнинг дастлабки пайтлардаги шакл изланишларидан тортиб, маҳорат, камолот даврининг ранг-баранг гуллари билан ошно бўлади. Шоир “хос гуллардан гулдаста” ясаб унга пешкаш қилади. Аслида шоирнинг ҳар бир асари умр чорбоғидан бир гулдаста, демакки ҳисобот. Ўтган умрининг ҳар лаҳзаси, ҳар кунининг ҳисоботи. Самандар Воҳидов бу туйғуни бадий тарзда шундай тушунтиради:

*Ҳар кимнинг ҳаётида бор ўз китоби,
Ўзининг дастхати ҳар битта боби
Шунда англайди, ҳар бир одамнинг
Кўкдами, кўксиде ёнар офтоби.*

Таниқли шоир Самандар Воҳидов ижоди серовоздир. Унинг ҳар бир асари ўз овозида жаранглайди. Дўстлик, меҳр-мурувват, ҳалол-поқлик, имон-этиқод, эзгулик каби инсоний туйғулар шоирнинг табиати ва шахсига кўра унинг шеърларида шаклланган. У қайси мавзунини қаламга олмасин, уни Ватан, халқ, миллат, истиқлол туйғуси билан ҳамоҳанг боғлиқликда акс эттиради. Бу шоирнинг Ватанига, жонажон халқига сўнмас ва битмас-туганмас муҳаббатидан дарак беради. Мана шу улўғвор ватанпарварлик туйғуси ўқувчи қалбига ҳам оқиб ўтади.

Самандар Воҳидовнинг лирик қаҳрамонлари ўз меҳнати, шижоати ва орзу-армонлари билан ҳам асл, ҳам

гузалдир. Бу дунё нажот диёри, абадийг саодатига эришиш имконияти, ҳаёт эса виждонан охирига етказиш, тақдир косасини унинг сўқмоқларидан тукмасдан олиб ўтиш масъулияти деган катта фалсафий маъно шоир шеърларида, айниқса, бўртиб кўринади. Ҳар бир ижодкор қалбида бу ҳаётӣй муаммо ҳар хил рангда жилоланади. Шеърятда бу мавзу жуда кенг ишланган. Бу ўлмас мавзу Самандар Воҳидовнинг шеър, ғазал, достонлари ҳамда ҳозиржавоблик билан ёзилган публицистик мақолалари учун туб фазилат саналади. Бироқ Самандар Воҳидовнинг бу мавзуга хос ўз қарашлари бор. У ўз иқрорлари ва асосли эътирофлари орқали бу рангларни ўз шеърларида муҳрлаган.

Шодликни ҳам, кулғуни ҳам, ғам-қайғуни ҳам асоси ҳаётда. Кунларнинг ўтиши ҳам енгил, ҳам оғир. Самандар Воҳидов ҳаётнинг шодиёнасинигина, улўғликка илҳомлантирувчи меҳнат ва курашининг фараҳбахш тараннуминигина, инсон қалбининг қувончларинигина, порлоқ эртанги кунга ишонч садосинигина эмас, айни чоғда, ҳаёт драмалари, дунё мураккабликлари, инсон фожиаси билан алоқадор туйғу ва кечинмаларни ҳам ғоятда теранлик билан ифодалайди. Шоир “Айланадир бу дунё” шеърда олам ва одам ҳақида ўй суради. Оламга инсон имкониятлари мавқеидан, инсоннинг қайғулари, ташвишлари ойнасидан боқади. Ҳаёт чорбоғи гулга бурканган, аммо у гулининг тикани ҳам бор. Ҳаёт таъми – ширин ва тахир.

*Туну кунни алмаштириб айланар,
Хору гулни чирмаштириб айланар.
Чўғу кулни қориштириб айланар,
Сўнг ажримга шайланади бу дунё.*

*Қилмишингга холис ҳакам вақт эрур,
Баҳоси ҳам насиямас, наҳд эрур.*

*Ҳамма унинг раҳмига илҳақ эрур,
Интиҳода англанади бу дунё.*

Шоир сўзлари ўлмас мавзуга муносиб жаранглайди. Дунёи дуннинг қиёфаси “Синовлар салтанати бу дунё”, “Бир тиниб, бир лойланади бу дунё”, “Офтобланиб айланади бу дунё” каби мисраларда очиб берилади. Дунё деб ағалмиш ана шу меҳмонхонада яшаш учун одамга бир марта чипта берилади. Интиҳода амаллар сарҳисоб қилиниб ажрим қилинади. Афсуски, одам кўп ҳолларда турмуш ташвишлари билан ўраллашиб бу ҳақиқатни унугади. Бадий сўз устаси Самандар Воҳидов ушбу шеърда ўйлаб топган тўқима образлар ҳаётдан олинган ҳикматлар воситасида бу ҳаётини ҳақиқатдан китобхонни огоҳ этади.

Ўзини асрай билган, ҳар ишининг оқибатини ўйлаган, кечаги кундан хулоса чиқарган киши саодатлидир. Куйидаги тўртликнинг ҳар бир мисраси ҳаёт тажрибасидан чиқарилган ҳикмат, чуқур умумлашма фикрга эга. Улар ўзаро бирлашиб олам ҳақидаги тасаввурни гавдалантиради. Одам ўз меҳнати билан тақдирини созлайди, деган ғоянинг самимий ифодаси унда жо бўлган:

*Бизлар бозбонмизу дунё бир чорбоғ,
Кимлар гўл ўстирар, кимлардир янтоқ.
Бир бозда унса-да, сўнгги манзил,
Гўл учун гўлдону, янтоққа – ўчоқ.*

Самандар Воҳидов шеърларида дунё ҳақида сўзлаб, ўзи сирли бир дунё бўлган инсон ва унинг тақдири тўғрисида далил мулоҳазалар билдиради.

Сўнгги манзил – абадиёт диёри, у – қувончли, фожиали. Инсон нимаики қилмасин, унинг ҳамма ҳатти-ҳаракати шу муаммони қандай ҳал қилиши билан белгиланади. Барча

орзу-ҳаваслар – шу муаммони ҳал қилиш йўлида қўйилган қадамлардир. Бу муаммо нақадар оғир! Нажот топиш йўли – сабр, қаноат. Иродали, сабрли, қаноатли бўлиш – олижаноб фазилат. Сабр, қаноат сўнги манзил муаммосини ҳал қилишдаги муҳим босқич. Ҳалоллик, поклик қувончли манзилга етиб боришга уринишдир. Сабр, қаноат хорни азиз қилади. Сабр қилувчилар ҳалоллик, поклик зийнати ила ҳам ҳаётини, ҳам охиратини нурафшон қилади. Ижодкор ана бу тўртлиги орқали дилида етилиб турган нажотбахш бу туйғуни ифодалаган:

*Ақлим таниб орзу уфқин кўзладим
Минг қоқилиб йўлда, минг бир бўзладим.
Қалқоним – қаноат, совутим – сабр,
Ҳаловатни ҳалолликдан изладим.*

Самандар Воҳидов дунё “матолари”ни ўз рост номи билан айтади. Йўқ ердан бўёқ топиб, бўёқ керак бўлмаган ерга чаплаб ташлайвермайди. Шоир шеърларидаги гуйғу ва кечинмалар ҳаётий. Фикр ва ғоялар салмоқли, хулосалар қимматли. Улар яланғоч ерда туғилмаган. Улар учун сербўйоқлик эмас, бўйоқдорлик хос.

Шоир оламга оддий инсоннинг имкониятлари мавқеидан, унинг қайғулари, ташвишлари ойнасидан қараб, ҳаётнинг манзарасини чизади. Умр инсонга шунчаки яшаш учун берилмаган, яшашнинг маъноси – фазилатлар касб қилиш. Фазилатлар касб қилиш эса ҳаёт машаққатларини енгиш, ўз табиатидаги қусурларга қарши курашиш, табиатидаги қайсарликларни риёзат билан синдириш баробарида ортиб боради. Ҳалол-поклик, яхшилик каби гўзал хислатлар одамни дилларга яқин қилади, бунинг пировардида у одамлар бошига гултож бўлади. Мана бу тўртликда ҳаёт машаққатларининг кучли

таъсири остида қўзғалган ана шундай ҳис-туйғу, ички кечинма шоирнинг табиати ва шахсига кўра шаклланган:

*Дунёда яшайман десанг ҳол, пок
Уртанма юрагинг тилинса чок-чок.
Кетмоннинг тизига кўксин тутмаса,
Гулзормас, тиканзор бўларди тупроқ.*

Бу фикр бошқа бир тўртликда янада давом этади, мазмуни кўркем ва теран тус олади.

*Гарчандки бу дунё адоқсиз пайкал,
Таъбга мос самарани топмассан тугал.
Болари бўлосанг фақат гулданмас,
Аччиқ янтоқдан ҳам топарсан асал.*

Тўртликда инсоннинг ўз юки, масъулияти, азалий мажбурияти, жамият ва ён-атрофдаги кишилар олдидаги бурчлари ҳаётий ҳақиқат тарзида бадий гавдалантирилган.

Дунё ва ҳаёт ҳақидаги бу фикрлар зинҳор Самандар Воҳидов руҳий тушқунликка тушган, ҳаётга, келажакка умидсизлик билан қарайдиган шоир экан, деган фикрга олиб келмаслиги керак. Оптимистик кайфият Самандар Воҳидов шеъриятига хос фазилатлардан биридир. Шоир ижодининг бошидаёқ беғуборликни, ҳаётдан завқланиш, қувонишни, Ватани ва халқига бўлган меҳр ва ишончини баланд пардаларда қуйлайди. Шоирнинг она халқи билан маънавий алоқаси, мулоқоти ранг-баранг шаклларда кўзга ташланади. Ватан мавзуси унинг публицистик мақолаларида ҳам, гузал лирик шеърларида ҳам етакчи ўрин эгаллайди. У ўз шеърларида Ватан ва миллат ҳақидаги ўй-фикрларини яқин дўсти, сирдоши ва суҳбатдоши бўлган китобхон билан баҳам кўради, дил розларини унга изҳор

қилади. Шунинг учун ҳам Ватан унинг ижодида бор
ғўзаллигини кўз-кўз қилади, камалак рангида жилоланади,
ажиб манзаралари нурли Ўзбекистон қуёшида тобланади.
“Ватан шудир” шеърида Ватан соғинчидан, унинг
ғўзаллиги, шаъни, шон-шухратидан ҳайратланиш, лол
қолиш ҳолатлари бадиий ифодасини топган:

*Соғинганингда сизунгидек соғинтирса тўпроғи,
Адоғсиздек оғир кечса бир лаҳзалик фироғи.
Бағринг очсанг – бошин қўйса парқудай юмшаб тоғи,
Боғи-беҳишт нусхасию, ҳавзи Кавсар – бўлоғи,
Ватан – шудир...
Саодатга сарбон бўлган Ватан – шу!*

Самандар Воҳидов форс-тожик тилидан ўзбек тилига
ағдарган асарлари билан ҳам адабиётимизга шарафли
хизмат қилди. У “Бухорийлар бўстони” китоби орқали
Бухорода яшаб ижод этган ўттиз нафар форс-тожик забон
шоирларнинг ўлмас ва буюк обидалари билан халқимизни
таништирди. Шунинг таъкидлаш керакки, Самандар
Воҳидовнинг мутаржимлик фаолияти форс-тожик
шоирлари асарларини ўзбек тилига ағдарган бошқа
таржимонларнинг иш услубидан аслиятга ҳамоҳанглиги,
арабий, форсий калималардан меъёрида фойдаланганлиги
билан бирмунча афзалликларга эга. Ўзбек китобхони унинг
таржималарини “бегона” сўзларга қоқинмасдан раван
ўқийди. Моҳир таржимон турли даврларда яшаб, ўзига хос
услубда қалам тебратган Бухорийларнинг ҳар бирининг
ижодига хос калитни топа олган, уларни ўзбек тилида ўз
сози ва ўз овозида қуйлата олган. Бу унинг бундай мураккаб
ишга қанчалик жиддий, қанчалик тирак муносабатда
бўлганидан далолат беради. (Бу мавзу алоҳида тадқиқотни
талаб этади)

Самандар Воҳидов ўз асарларида ҳаёғни ўз шахсияти призмаси орқали курсатган. Шеърларида шоирнинг бутун эстетик олами, шахсий фазилати намоён бўлади. Шеърларидаги самимият, меҳрибонлик, вазминлик, сабрлик, оқиллик, маънавий поклик Самандар аканинг табиатига хос фазилатларнинг инъикосидир. “Қалбим тинган лаҳза” шеърда Самандар Воҳидов шахсияти бутун борлиғи билан намоён бўлади. Шеър мана бу мисралар билан бошланади:

Айтолмайман – умрим неча йил,

Қачон фано очар дарвоза?.

Аммо айтиб бераман дадил:

Қалбим тинар лаҳза – қай лаҳза...

Шеър давомида шоир қалби тинишига сабаб бўлувчи қатор лаҳзаларни бир-бир қаламга олади. Улар: қувонч ва ғамга лоқайдлик, ишонч чашмасини ғубор босиши, мағрур эътиқоддан воз кечиб, хушомадга тизза букиш, дунёнинг беҳуда арзимас ҳою-ҳаваслари этагига ёпишиб, ота-она, ёру диёр меҳридан мосуво бўлиш, халқ, Ватан мадҳини унутиш. Бу каби иллатли “лаҳзалар”ни тўғри йулдан адашиш, гуноҳга юкуниб қалбнинг тиниши деб айтади шоир. Ҳаёт – умр дафтарини яхшилик билан безаш учун берилган баҳосиз фурсат деган ғоя шеърда образли қилиб берилган.

Шеърда Самандар ака ўз шахсига хос фазилатларни, ҳаёт ҳақидаги фалсафасини акс эттирган. Шеърда тасвирланган ҳаёт шоир дилидай нурли, сеҳрли.

Қилмишларим касридан бир бор –

Дустлар ногоҳ чекканда изза,

Ёнса ишонч чашмасин ғубор,

Қалбим тинган лаҳза шу лаҳза,

деб ёзган шоир умр бўйи мана шу ақидага қаттиқ амал қилиб яшади. Ишонч чашмасига гард юқтирмади. Шундан бўлса керак, у ҳамиша дўсту-қадрдонларнинг бошига гултож бўлиб умр гузаронлик қилди.

“Қалбим тинган лаҳза” шеърисида қалбидан қоғозга тўкилган маънавий-руҳий, ахлоқий аҳд шоирнинг айна ҳаётини дастури эди. Самандар ака ҳеч кимни камситмасди, ёмонламасди ҳам. Оқ кўнгилли, беозор, ижобий маънодаги содда, самимий инсонларни ўзига яқин тутиб, дўст тутинарди. Уларнинг яхши фазилатларини бир қадар бўртириб, ошириб сўзларди. Гоҳо уларнинг беғуборлиги, соддалиги, самимияти туфайли юз берган баъзи қизиқ ҳангомаларга бежирим либос кийдириб, яқинлар даврасида ширин ҳазиллар қиларди. Унинг гурунги фойзидан лоақал бирбор баҳраманд бўлган одам унга чин дўст бўлиб, ашъори мутолааси пайида бўларди. Унинг ашъоридан баҳра олган одам унга дил боғлаб, у билан мулоқот қилиш, дийдор кўришиш орзусида бўларди. Ижодининг илк даврига мансуб ушбу шеърисида тилга олинган нафсининг қабих “лаҳзалари”ни у ҳаётнинг ортиқча юки қилиб олиб юрмади. Уларни улоқтириб ташлаб, дўстлар шодлигини ўз шодлигидай қабул қилди, уларнинг бошига иш тушганда ёнма-ён турди. Хушомадга тизза букмасдан ота-она, ёр-диёр меҳрини ўз бахтининг андозаси билди. Ўз шеърларида халқ, ватан мадҳини куйлади. Бундай эътиқод, ёру диёрга бўлган бу садоқат, меҳр-муҳаббат шоир қалбига, вужудига сингган фазилат, хусусият эди. Оллоҳ у кишини ўз ҳузурига олгунга қадар танлаган ана шу эътиқодига собит қолди, шу руҳда ижод қилди. “Қалбим тинган лаҳза” шеърисида амал қилишга аҳд қилган қатъий ҳаёт қоидаси, маънавий, руҳий, ахлоқий тамойиллар унинг кейинги йиллар шеърисига ёрқин аланга олиб кирган.

Нафснинг тубан ниятларини руҳнинг олий ниятларига қурбон қилган ҳолда у 72 йил яшади. 2014 йил 19 октябрда унинг “қалби тинди”.

Самандар Воҳидовнинг бир-икки шеъри тўғрисида сўз юритиб унинг хотирасини ёдга олдим. Ҳар қачон Самандар аканинг фарзандлари, набира ва эвараларининг ҳандон чехрасини кўрганимда унинг:

*Гириллаб айланар фалакнинг чархи,
Уни тўхтатолмас на давр, на даврон.
Унинг қўлидадир умр шодаси
Кимдан юлиб,
Кимга қўшади маржон.
Юлганин юқтириб набираларга
Мени кўчирибди шуларга тақдир.
Ўзимни кўраман шу чехраларда,
Ҳаёт сўнгсиз ҳалқа дегани ҳақдир...*

деб ёзган мисралари ёдимга тушади ва уларнинг чехрасида у кишининг сиймосини кўриб, шоир акамиз барҳаёт, бизнинг сафимизда, биз билан бирга яшаяпти деган умидбахш туйғу қалбимда туғён уради.

Самандар Воҳидов шеърларида қолган ҳаяжон, илҳом, эҳгирос унинг китобхонлари, дўсту ёрлари қалбида абдий яшашига ишонаман.

Самад АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди



СОДИҚЛИКНИНГ ЎЧМАС НАВОЛАРИ

Инсонга берилган умр бағоят қисқа. У инсон қўлига бир лаҳзага берилган шамга ўхшайди. Ҳаётни фақат нафас олиш, еб-ичиш, ўз роҳат-фароғати деб билган тор манфаатпараст одамлар қўлига тутқазилган шам билан ўз уйини ёритади холос. Одамлар борки, манглайида муҳрланган умр – моҳият эътибори билан зўр саодат эканлигини билади ва ҳаёт шамини келажак авлод қўлига тутқазишдан олдин уни ёлқинланиб, аланга олиб ёнишга мажбур этади. Унинг қўлидаги шам машғалага айланиб, келажак авлод йўлини ёритади.

Садриддин Салим Бухорий қўлига тутқазилган шамни машғалага айлантириб, келажак авлод қўлига тутқазишга улгурган беназир шоир, моҳир таржимон, истеъдодли тарихчи, таниқли тасаввуфшунос олимлардан эди. У қисқа умрида самарали ижодий меҳнат қилиб, келажак авлодга ўзидан салмоқли адабий, илмий-маърифий мерос қолдирди.

1977 йилда “Ёш гвардия” нашриётида шоирнинг “Оқ қалдирғоч” эртаги чоп этилди. Унинг “Оқ қушим” (Ғафур Ғулом нашриёти, 1979), “Эрка қушим” (“Ёш гвардия” нашриёти, 1979), “Ёруғлик одами” (Ғафур Ғулом нашриёти, 1983), “Румолча” (Ғафур Ғулом нашриёти, 1988), “Бухорога Бухоро келди” (“Маънавият”, 1999), “Дурдоналар” (“Бухоро” нашриёти, 2005 йил) каби шеърӣ тўпламлари нашр қилинган.

Шоир вафотидан кейин 2011 йилда унинг “Ҳикматдир дунё” сайланма асари китобхонлар ҳукмига ҳавола этилди. Ушбу сайланма шоирнинг турли йилларда чоп этилган

китобларидан саралаб олинган. Шунингдек унда шоирнинг китобларига кирмай қолган шеър хикматлари, таржималари жой олган.

Садриддин Салим Бухорий ижодда ўз миқёси, ўз йўли, ўз овозига эга шоирлардан. У бутунги куннинг долзарб масалаларини ёритишда, ҳаёт ҳақиқатларини очишда ҳар бир сўзни, гапни ўз миқёси, ўз тушунчаси билан ўлчаб, унга янгича оҳанг, янгича маъно ва зеб беради. Унинг шеърлари ўзининг чуқур ва кенг маънодорлиги, юксак бадияти, фикр теранлиги, равон ифода тарзи билан ҳам алоҳида хусусият касб этади. Бу хусусиятда шоирнинг ўзига хос услуби намоён бўлади. Чунончи, у ўзининг “Шоирнинг нони” деб аталмиш шеърида шоирлик масъулиятини шундай баён этади.

Кўп қаттиқдир шоирлик нони,

Йиғиштир бу ишингни!

Синдиради бу нон, тишлайман десанг,

Ўттиз икки тишингни.

Бир қараганда, шеърдаги талаб оддий мисраларда айтиб ўтилганга ўхшайди. Аммо чуқурроқ қаралса, унда шоирлик – ҳавас эмас, машаққатли меҳнат, деган гап янгича жаранглайди.

Садриддин Салим Бухорий бир-бири билан олисдан боғланган мустақил шеърларида бу мавзунини чайналмаган, оҳори тўкилмаган ифодаларда очиб беради. Шоирнинг қуйидаги сатрларига диққат қилайлик:

Шоир – улвий

Ҳодиса,

Йўқдан бўлдириб бўлмас.

Шоир – миллат,

Шоир – юрт,

Борин ўлдириб бўлмас.

Бу шеър юқорида келтирилган шеър билан мантиқий боғланишга эга. Биринчисида шеъриятга енгил-елпи муносабат қораланиб, шоир учун матонат, ироданинг зарурлиги уқтирилган бўлса, кейингисида шоир шахси руҳий олам ва ижтимоий воқелик билан чамбарчас алоқада тасвирланади. Унда “шоир – улвий ҳодиса”, яъни ундаги истеъдод туғма, Тангрининг инояти экани, шоир хизматининг моҳияти, шеъриятининг мангулиги бежирим мисраларда, шоир шаънига лойиқ сўзларда ифодаланади.

Дарҳақиқат, ўзбек шеърияти бустонига бугун оро бериб турган, мангуликка даҳлдор турфа гулларнинг ниҳолларини ўша “улвий ҳодиса”, яъни – Аллоҳ берган юксак истеъдодлар ўтказган. Бу гулларнинг ҳар бирининг ўз хусуси таровати, ўз ҳиди бор. Улар юрт ва миллатнинг бахти, дарди, гурури ва сурурининг бўйларини сочиб турибди.

“Шоир – миллат, шоир – юрт” – бу сўзлар Садриддин Салим Бухорийнинг шунчаки панд-насиҳатлари эмас, уларда Ватан учун куйган, халқига топинган, халқига таянган, халқидан илҳом олган ижодкорнинг ўзини кундирган эътиқод, шоир ўз истеъдоди учун бутун миллат, юрт олдида жавобгардир, деган эътимоди ўз мужассамини топган.

Садриддин Салим Бухорийнинг қуйидаги шеърида шоирнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва вазифалари ўқтам сатрларда янада ойдинлаштирилган. Унинг: “Шоирнинг қалбида иймон дарахти, дарахтнинг меваси ва гули бордир”, “Шоири бор юртда меҳроб хор бўлмас, Одамлар меҳрга ташна – зор бўлмас”, “Шоири бор юртнинг авлиёси бор, Авлиёларнинг нур-зиёси бор” каби мисралари шоир ва унинг шеъриятига жиддий муносабат билан суғорилган. Бу шеър шундай якун топади:

*Шоир бор юртда булбул сайрайди,
Бу юртга хиролмас босқинчи – дайди!
Шоир бор юртнинг шаъни юксакдир,
Шоир бор юртни Аллоҳ асрайди.*

Садриддин Салим Бухорий ўз шеърларида шоирнинг улвий қудрати шоирлик истеъдодининг масъулияти, моҳияти ҳақида чуқур мушоҳада юритибгина қолмай, бу эътиқодни ўз ижоди орқали амалда кўрсатиб берди. Бу эътиқод уни шоир сифатида шакллантирди, унинг ўсишида, катта адабиёт майдонида ўз ўрнини топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Мана бу тўғлиқда унинг амал қилишга аҳд қилган шоирлик талаби аниқ ифодаланган.

*Онамдан меҳр ҳиди таралган каби,
Шоирдан шеър ҳиди таралган каби.
Анқисин шеъримдан ўзимнинг ҳидим
Дехқондан ер ҳиди таралган каби”.*

Ана шу талаб ва аҳд билан у ижод қилди. Шеърят моҳиятини бундай тушуниш Садриддин Салим Бухорий лирикасининг уфқларини кенгайтирган. У ҳаёт мактабидан бошқалар ҳаёлига келмаган маъноларни топиб, уларни ўз сўзи, ўз овози ва ўз созида қуйлайди. Чуқур маърифатга, олижаноб инсонпарварлик туйғусига эга санъаткор шоирнинг авлодларига қолдирган поэтик меросида унинг зоҳирий ва ботиний қиёфаси равшан ҳувайдо. Шеърларида китобхон унинг сиймосини кўради, унинг сўзларида ўз сўзи ва ўз фикрини кўради. Ўзбек шеърляти бўстонида ўтқазган гул ниҳолларидан шоирнинг ўз “ҳиди” анқиб туради.

Садриддин Салим Бухорий юрт мадҳида жўшиб қўлига қалам олган шоирлардан. У Ўзбекистонни – Она Ватанини, унинг халқини севади. Шоирнинг Ватан ҳақидаги

шеърлари иймон билан ёзилган. Ватанга садоқатли шоир ўз шеърларида китобхонни ҳам иймонга – Ватанни севишга даъват этади. Унинг учун “Ўзбекистон – сеvimли дилбар”. Унинг маккор, тамагир, ёлғончи хушторлари бор. Бепарво яшаб бўлмайди, огоҳлик зарур. Қуйидаги шеърнинг илтижо, чақириқ билан тўлиқ сатрларида мана шу маъно ёрқин акс этган.

*Кимлар сени севаман, деб алдамоқ бўлди,
Дилбарим, сен эҳтиёт бўл, ёлғончи бисёр.*

*Тамагирдан баъзан сенинг атрофинг тўлди,
Дилбарим, сен эҳтиёт бўл – тамагир маккор.*

*Кимлар сенинг бўйинигдаги дурларга шайдо,
Уғирламоқ бўлиб пойлар ҳар шому саҳар.*

*Мен севаман сени, қандай яшай бепарво,
Эҳтиёт бўл, Ўзбекистон – сеvimли дилбар! (80-бет)*

“Сезимли дилбар”га кўз тегишидан шоирнинг ошуфта дили ҳадик қилади. Уни турли хавф-хатардан, ёмон кўзлардан асрамоқ учун бўйнига тумор тақиб, исирик тутатади. Мана бу шеърда шоирнинг юртга меҳр-муҳаббат туйғуси ғоятда халқона, ғоятда ярашиқли ифодаланган:

*Ўзбекистон ёйиб қулочин
Яна гулга киргани аниқ.
Ёмон кўздан асрамоқ учун
Тутатмоқда онам исирик.
Тилсимлар бордир деву парида
Неки хушрўй берарлар озор.
Ўзбекистон елкаларига
Онам битиб қўйганди тумор.*

Истиқдолнинг хур қадамлари олиб келган нехбахш кунлар ҳақида покиза виждон билан ўй сурган шоир кеча ва бугунни қиёслайди. Иттифоқсиз иттифоқда – шўролар даврида ўтган умридан, кадрсизлигидан афсусланиб ёзади:

Иттифоқсиз иттифоқда,

Ўтди умрим, во дариг!

Мен нифоқсиз, оҳ, нифоқда

Ўтди умрим во дариг.

Шоир қалбини боққа айлантирган, ўзини юксак тоққа айлантирган истиқдолни у мамнуният билан мадҳ этади:

Сабр довонин ўтдим,

Гўё бўлди дил,

Кўз ёшларимни ютдим,

Дарё бўлди дил.

Номингни тилга олганда,

Боққа айландим,

Мендай бир ожиз банда

Тоққа айландим...

Шоир Ватанга, халққа, миллатга муҳаббат руҳи билан суғорилган шеърларида ватандошларини фидоийликка, муқаддас она ерни турли хуружлардан асрашга чақирар экан, у, аввало, истиқдол истиқболи учун ёт бўлган иллатларга ўз нафратини шеърга тизадики, оқибатда ватан учун фидоий бўлиш – инсонга шараф деган хулоса ўз-ўзидан келиб чиқади:

Замон яхши, уни ёмон айлама,

Ҳаёт гўзал, уни вайрон айлама.

Инсонларнинг қалби меҳр булоғи,

Оҳ, тунпуриб, уни ҳаром айлама.

Садриддин Салим Бухорий ижодида Бухоро – Ватан ичра Ватан етакчи мавзулардан. Бухоро шоирнинг жисму жони. У шу заминнинг хуш исини ҳидлаб, ундан нур-зиё эмиб улғайган. Юрт истиқлолга эришди. Унинг кўнгил армонлари ушалди. Замон ўзгарди, жаҳолат ўрнини маърифат эгаллади. Кеча ғазабга тўлган шоир қалби истиқлолнинг ҳарир қанотида бугун парвозда. Шоир қалб водийсидан таралган маърифатнинг муаттар ҳиди Бухоройи шарифнинг оташин муҳаббати билан йўғрилиб шеърга айланди. Бу шеърларни ўқиган китобхон Садриддин Салим Бухорийнинг кўзи билан Бухоронинг ўтмиши ва бугунига назар солади, буюк Бухорийлар билан сузлашади, қадимий обидалар билан дардлашади, косибу ҳунармандлар билан, дарахту майсалар билан тиллашади. Шоир Бухоро – “Оқсоч она” оғушида яйраб ижод қилди. Бу эрк, озодлик завқини у шундай тараннум этади:

*Бухорога нур-зиё келди,
Имон келди, шарм-ҳаё келди.
Бухорони зулмат этди тарх
Бухорога Бухоро келди.*

Шоир наздида “Ватан – Баҳоуддин, Ватан – Бухорий, Ватан – Ҳўжаи Жаҳон қўлидаги туғ”, “Ҳар кўкарган дарахт, ҳар япроқ – Ватан!”. “Онамга айланган шу тулпар – Ватан!”, – деб ёзади шоир. Шу боис Бухоро – муқаддас. “Неки муқаддас, унинг қалқони бўлмоқ керак ҳар нафас”. “Ватанни ҳимоя этаман демоқ Бухорийга қалқон бўлмоқ”. Бухоронинг шарифлиги ўзининг фалсафий ҳулосасини топган бу мисраларда шоирнинг иймон-этиқоди, Бухоро ва Бухорийларга бўлган зўр садоқати тасвирланган.

Бухоро ҳаётидаги қора кунларни, маҳкумлик, муҳожирлик азобини тортган Бухорийларнинг аламли дамларини шоир хотирлайди: Бухородан Бухоро “ҳиди”

кетган. Бухоро “бетож, бесалла”, “Меҳробларда ўргимтаклар, Масжидда ит ҳуради”. Буларни эслаганда шоир қалби дард учун “пойтахт”га айланади. Унинг дардини кўрган “тоғлар тўкилади”, “тилсиз кесак додлаб бўкиради”, “фалак ҳолига кўз ёш тўкади”. Садриддин Салим Бухорий бу қисматни шеър деб ёзади:

*Бу не тугён, бу не қисмат
Сочилиб кетди алҳол,
Ер остию ер устига
Бухорийлар дон мисол.*

*Дон-ку унар ерга тушса,
Илдиз отмай нетади?
Бухорийлар Бухоросиз
Қандай илдиз отади?*

Аслида “Бу шеър эмас, бу қисматнинг битиги, ки Садриддин ани шеър, деб ўқирди”.

Ҳаётда ишқ ва ҳижрон, соғинч ва висол, қайғу ва шодлик бир-бирига боғланиб яшайди. Қалби ёнганида, дили оғриганида шоир Яратганга суянади, Ҳақ таолодан мадад кутади.

*Сендан бошқа менга қуёшу ой йўқ,
Ўзингдан ўзгага қалбимда жой йўқ.
Барча бойлик кетсин, сен ёр бўлсанг, бас,
Мен каби дунёда бадавлат – бой йўқ.*

Садриддин Салим Бухорий шеърларининг яна бир дилтортар томони шундаки, у лирик қаҳрамон руҳиятидаги кечинмаларни ифодалашда, турли кайфият ва ҳолатларни беришда табиат ҳодисалари ҳамда манзараларидан ўзига хос усулда фойдаланади. Лирик

қахрамон руҳиятидаги кечинмалар дарахт, илдиш, майса, шамол, қуёш, булут каби воситаларда очиб берилади. Инсон ва табиат муносабатларидан ранг-баранг қиёслар орқали шоирона фалсафий хулосалар чиқаради. Унинг шеърларида шундай байтлар борки, зоҳиран табиат манзараси чизилгандай туюлса ҳам, сўз-ташбеҳлар, рамз-мижозлар замирида табиатни “инсонийлаштириш” – дард ва қувончларга шеърый, манзаравий нисбат бериш тамойили аён сезилиб туради. Мана бу қисқагина “Манзара” шеърида табиат ҳодисаси шоир нигоҳида жуда назик, жозибали сувратланган.

*Чўмилмоқда она ер тўйиб
Кўкдан тушар тизилиб маржон.
Бежавотир чўмилсин, деб
Парда билан тўсилган осмон.*

Садриддин Салим Бухорийнинг илк тўпламларидан бири – “Эрка қушим”да нашр этилган мана бу шеър ҳам табиат манзарасини шоирона тасвирлашнинг гўзал намунасидир:

*Майсалар оқади қирлар тўшида,
Хур-хур шамол уларни шилдиратар.
Майсалар оқади қирлар тўшида,
Чанқоқ пода бош кўтармай шимира...*

Таниқли адабиётшунос олим И.Ғафуров мазкур шеърнинг тотли жиҳатларига ўз вақтида шундай таъриф берган эди: “Есенин ўзининг гўзал шеърларидан бирида: “Гуллар чопар далалар оша”деб беҳад бир нафис манзара яратган эди. Садриддин Салимовнинг шеъри ҳам шундай манзара яратади ва кишининг кўз ўнгида оқиб бораётган майсазорлар, бошини кўтармай майсаларни шимираётган

подалар гавдаланади. Майсалар тўлқинида куйлаб бораётган чўпон кўз ўнгимиздан нари кетмайди. Ёш шоирнинг шеъри табиат билан қовушиб кетган, у инсон қалбига ҳам табиат билан бирга киради”.

Садриддин Салим Бухорийнинг юқорида келтирилган шеърида тасвирга олинган табиат манзараси забардаст шоир, беназир олим Мирзо Кенжабекнинг кўз ўнгида Шўрчи қирларида кўрган “Оқаётган майсалар”ни жонлантиради: “Камина Сурхон воҳасида – Шўрчи қирларида ҳақиқатан майсаларнинг оқаётганини кўрганман. Уларни шамоллар оқизиб борар эди. Қирлар оша оқаётган яшил сув – майсалар... Беихтиёр, Садриддин оғамнинг бу сатрларини эслаганман. Шоир оғам эса буни ўттиз йиллар олдин кўрган ва ёзган. Қоғоз узра оқаётган шеър – қирлар тўшида оқаётган майсалар...”. Бу таърифлар Садриддин Салим Бухорийнинг табиат тасвирини сўз воситасида чизишнинг моҳир рассоми эканидан далолат беради.

Шоир шеърларининг мавзу кўлами кенг. У ўз шеърларида инсон қалби оламларининг янги қатламларига кириб боради, ҳаёт ва тирикчиликнинг мазмун ва муаммоларни фавқулотда бир жозиба, ўзига хос бир туйғуларда акс эттиради. Бунга доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммасини бир мақолада баён қилиш иложсиз, албатта. Шоир қалби оламининг бағча тўлқинлари ва осойишталиги, ранглари ва жилоларининг ажиб фазилатлари билан яқинроқ танишиш учун унинг “Ҳикматдир дунё” сайланма асарини ўқиб чиқишни тавсия қилардим. Ундаги шеърлар китобхонлар эътибори ва муҳаббатини қозонишига ишонаман.

Садриддин Салим Бухорий ижодига хос серқирралик, миллийлик, иймон-этиқод унинг минг йиллик тарихга эга ўзбек-тожик зулласонаинлик адабий

анъанасини давом эттиришида ҳам намоён бўлади. Зуллисонинг шоирнинг “Ҳикмат аст дунё” (“Бухоро” нашриёти, 2002) китоби тожикча шеърларидан таркиб топган. Шоирнинг шеърлари олмон, болгар, рус, украин, инглиз ва бошқа жаҳон тилларига таржима қилинган.

Садриддин Салим Бухорий Бухоро обидалари ва табаррук зиёратгоҳлари тарихи, хожагон нақшбандия тариқати пиру муридлари, Бухоронинг буюк шоирлари, олиму фузалолари ҳаёти ва маънавий меросига бағишланган китоб, рисола ва мақолалари орқали эл назарига тушган таниқли тарихшунос, етук тасаввуфшунос олим ва оташин публицист ҳамдир. Унинг “Дилда ёр” (Ғафур Ғулом нашриёти, 1993), “Уч авлиё” (“Бухоро” нашриёти, 2000), “Чор Бакр ёки Жўйбор авлиёлари” (“Бухоро” нашриёти, 2001), “Эшони Имло. Халфа Худойдо” (“Бухоро” нашриёти, 2005), “Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир” (“Янги аср авлоди” нашриёти, 2003), “Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир” (“Бухоро” нашриёти, 2006), “Бухоройи шариф авлиёлари” (“Бухоро” нашриёти, 2006), “Буюк Ғиждувонийлар” (“Бухоро” нашриёти, 2006), “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” (“Ўқитувчи” нашриёти, 2007), “Даҳмаи Беҳиштиён” (“Бухоро” нашриёти, 2007), “Хожа Ориф ар-Ревгарий” (“Бухоро” нашриёти, 2008), “Мавлоно Ориф Дегтароний” (“Бухоро” нашриёти, 2008), “Авлиё Шоҳ Ахсавий Файзободий ал-Бухорий” (“Бухоро” нашриёти, 2009), “Ҳазрат Хожа Исматуллоҳ Валий” (“Бухоро” нашриёти, 2010) ва бошқа тарихий-маърифий китобларида хожагон-нақшбандия тариқатининг пиру муридлари, уларнинг табаррук зиёратгоҳлари, авлиёу алломалар, зоҳиду обидлар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. У берган маълумотлар шарофатидан бу зиёратгоҳлар обод бўлди, улуғ аждодларимизнинг маънавий мероси халқимиз мулкига айланди.

Қомусий билим соҳиби, беназир олимнинг “Икки юз етмиш етти пир” (“Бухоро” нашриёти, 2006) китобида шу муқаддас заминда яшаб, юртимизни дунёга машҳур этган беш юзга яқин илм, маърифат ва маънавият дарғаларининг буюк хизматлари тадқиқ этилган. Тасаввуфшунос олимнинг бу китоби тўлдириш ва тузатишлар билан “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари” номланиб, 2015 йилда (Тошкент, “Наврўз” нашриёти) қайта нашр қилинди.

“Ҳазрат Боязид Бастомий ёки Навоий, вилояти зиёратгоҳлари”, “Шофирконнинг табаррук зиёратгоҳлари” китоблари 2010 йилда шоир вафотидан кейин “Бухоро” нашриётида чоп этилди.

Садриддин Салим Бухорийнинг хожাগон-нақшбандия тариқатиға оид қатор мақолалари чет элларда ҳам чоп этилган. Унинг “Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир” рисоласи 2014 йилда Германияда немис тилида чоп этилди. (Таржимон С.Азимов).

Истеъдодли шоир маҳоратли таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилди. Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф ар-Ревгарий, Хожа Али Ромитаний, Баҳоуддин Нақшбандларнинг форс-тожик тилидаги битиклари зуллисонайн шоирнинг таржимонлик қалами жозибасидан ўзбек китобхонлари қалбидан жой олди. Унинг таржимонлик маҳорати айниқса буюк немис шоири Й.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” таржимасида янада яққолроқ ўз ифодасини топган. Шарқ ва Ғарб адабий анъаналари, маданияти бир-бири билан ўзаро уйғунлашган бу фалсафий асарни шоир Садриддин Салим Бухорий юксак маҳорат билан бевосита олмон тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Садриддин Салим Бухорий таржимасида Гётенинг ўтли нафаси уфуриб туради, айти пайтда, китобхон таржимада садриддинона овознинг шиддатини ҳам ҳис қилиб туради.

Садриддин Салим Бухорийнинг сценарийси асосида беш қисмдан иборат “Имом ал-Бухорий” телевидеофильми (1998), “Абу Ҳафс Кабир” (2001), “Абдуллоҳиқ Ғиждувоний” (2003) телефильмлари яратилган.

Садриддин Салим Бухорий 1999 йилда “Меҳнат шуҳрати”, 2005 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланган.

Таниқли шоир, истеъдодли таржимон, етук тасаввуфшунос олим 2010 йил 10 март куни 64 ёшида вафот этади. Қабри Ҳазрати Имом қабристонидадир.

Самад АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди

ОҲАНГЛАР ОҒУШИДА ҚОЛГАН УМР

Шеър – шоирнинг замонга, воқеликка, нарс-ҳодисаларга фаол муносабати тарзида дунёга келади. Самимияти боис ардоқланади, эъзозланади. Самимиятнинг даражаси унинг бадийлик билан омухталанишига боғлиқ. Бунинг учун ижодкорда Худо берган иқтидор бўлиши ло



Шоир, олим ва таржимон Тилак Жўра шеъриятига баҳо берганда ана шу мезонлардан келиб чиқиб фикр юритиш керак бўлади. Зеро сўзга масъулият билан ёндашиш, унга дарё бўлиб, саҳрони кечиб ўтган туядек ташналик билан талпиниш, “қоя”дай кўриниб, қўл узатганда “қўлларинг егишмаслиги”дан “танада садосиз сўз зардобини” хис этиш, бесамар ўтган кунлар гирдобида қийналиш, қийналган қалбдан ўчган ҳайкириқ, шеър бўлиб туғилган дард ўқувчи учун муҳим. Дарвоқе шоир Тилак Жўра мустабид даврда туғилган, вояга етган – болалиги ва ёшлиги ўша машғум давр коронғулигига чўлганган. Ўша коронғуликларга қарши шоир ёзарди:

Шамол каби ҳансираб, титраб,

Юрак мендан нима истайсан.

Биласан-ку, менга ҳам оғир,

Соқов бўлиб сен билан юрмоқ.

Ҳар қандай даврда шоир назм тили билан ўз сўзини айтади. Севадиганини севади, нафратланадиганидан нафратланади. Кишиларни эзгулик ва яхшиликка, адолатга, эрксиз элни эса, озодликка чорлайди.

Бошқа бир шеърида шоир аввал сандувоч айланиб, кейин булбул номини олган қушчани келтириб қўйиб, унга ачиниб, уни қизганиб, шундай дейди:

*Боши кесик таналар тиздай,
Йўқ жасадга бўлдилар посбон.
Мен бор эдим, қолдим-ку йўқдай,
Йиқилмадинг не учун осмон.*

*Тиқилмадинг бўғзимга нафас,
Қўтарганга дилда тўфонни
Мен кўксимда армонни эмас,
Қўтармоғим керак исённи.*

Бошқа бир шеърида шоир қашимизга аввал сандувоч, андалиб, кейин булбул номини олган қушчани келтириб қўйиб, унга ачиниб, уни қизганиб, тутқунликда азоб чекаётганидан қийнала бошлайди: Номинг ўзгарди-ю, ўзгармади ноланг, Тутқунликда толиққан қушчам. Зорланиб-зорланиб, зорикқан қушчам.

Қушча тақдирининг бизга қандай алоқаси борлигини билмаймиз. Кейинги сатрда эса худди шоир фикрингизни ўқиётгандай, парданинг бир қаватини кўтаради, яъни қушчани гапиртира бошлайди: “Туркий титроғингда бунчалар ситам...”

Энди қушча тарихий-руҳий бир қаҳрамон сифатида танила бошлайди. Туркий халқлар тақдири кўз ўнгимизда чарх уради. Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби аждодлар бошидан кечирган кунлар ҳақида ўйлаймиз. Улардан кейин, улардай қадрдонлар дунёга келмаганидан афсусланиб, эзиламиз.

Шеърнинг кейинги сатрларида қушча тимсоли янгидан-янги қирралар билан бойийди. Унинг “Сайраб учмоққа осмони, яйраб қучмоқа ошёни, ташлаб кетмоққа

макони йўқлиги” тўғрисида қайғуради. Негаки, унинг “осмони оғули”, “макони доғули”. Бунинг устига, у “имконсиз иймонли, суронсиз армонли, куйманиб-куйманиб қўйган, на оч қолган, на тўйган, ўзинимас, ўзгани суйган”.

Шеър охирида у қушга эмас, балки руҳи осмонларда, ўзи шоирнинг бағридаги “ботин сас, туркий титроқ, туркий нафас” бўлиб чиқади. Шеър яхлит манзара касб этади. Ундаги қушча ўқувчи қалбида ин қуради. Болқача айтганда, шеър инсоннинг қалб мулкига айланади.

Келинг, азиз китобхон, шоир Тилак Жўранинг ҳаёт йўлига бир назар ташлайлик. Тилакни болалигидан яхши билардим. Қорақўлнинг Қуйи Жанафар қишлоғида у туғилган йилларда бор-йўғи 35-40 оила яшарди. Томлари бир-бирига туташ оилаларнинг ҳар бирида беш-олти фарзанд, оила бошлиқлари – эр ва хотин эса эрта тонгдан кечгача пахтазор деб аталмиш майдонда – қўлида кетмон, ўроқ, тугунчасида битта қотган нон, бир сиқим майиз. Тилакнинг оиласида – отаси Рўзи бобо, онаси Ашур момо ва опалари яшарди. Рўзи бобо одми одам эди. Суҳбати ширин, ҳазилкаш, кўнглида кири йўқ инсон. Бобо кенг бедапоя, беданаларнинг сайрашини хуш кўрарди. Тилакка отасининг ушбу фазилатлари сингиб, шеърларида бедазорни, беданани кўп тасвирлаган бўлса, ажаб эмас.

Тилаквой тўрт қиздан кейин туғилган ўғил бўлгани боис, жуда шўх, ўйинқароқ, кўча боласи эди. Баҳор келди дегунча, оёқ яланг, кўча чангитиб, тенгқурлари билан Зарафшон соҳиллари бўйига борар, балиқ овлар, кунига беш-олти марталаб чўмилиб, қош қорайгач, уйига қайтарди. Сўнг мўжазгина дарсхона, увадаси чиқиб кетган кигизга чўзилиб, дарсликларни титкилаган бўлар, унисини олиб, бунисини кўрар, китобларни қайта-қайта варақлаб, ҳаёлга чўмарди. Шу пайт ўзи сезмаган ҳолда, ҳаёлан шеър ўқирди. Ана, у ўрнидан турди, қўлларни баланд кўтариб,

бор овози билан шеър ўқияпти. Бирданига жимиб қолди. Бошларини сарак-сарак қилиб, яна шеър ўқишга тушди.

– Ким билан гаплашяпсан болам? Қачон келдинг? Кун бўйи қаерларда санғиб юрибсан, – дерди ўчоққа олов ёқаётган Ашур момо. – Қорнинг ҳам оч қогандир, отанг ҳозир келиб қоладилар, бирга овқатланамиз.

– Онажон, қорним тўқ. Ўзларинг еяверинглар, мен дарс қиляпман, – дерди у ва яна шеърият оғушига синғиб кетарди.

Ашур момонинг кўнгли ғаш бўлиб қоларди. Кечагина кўшни хотиннинг “Ўғлингизни бир муллога ўқитинг, қачон қараманг кўчаларда санғиб, ўзидан-ўзи қўлларини ҳар томонга чўзиб, алламбалоларни гапириб юради. Кинна кирган бўлмасин тагин, эҳтиёт бўлинг”, деган гаплари онага сира тинчлик бермади.

Эҳ, онаизор! Ўғлингиз ёшлигидан шеърият дардига чалинганини, шу боис ўзи билан ўзи бўлиб қолганини Сиз қаердан ҳам билардингиз.

1960-йилларнинг бошлари эди. Мен Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг филология факультети, журналистика бўлимида ўқирдим. Ёзги таътил пайтида, албатта, қишлоққа келардим. Эсимда, поезддан тушган куним эди. Тушдан кейин бир бола сўроқлаётганини айтишди. Ҳовлига чиқсам, бўйлари чўзилган, бўйни гавдасига нисбатан узунроқ, кўлида аллақандай китобча ушлаган Тилак турарди.

Салом-алиқдан сўнг муддаога ўтиб, “Беҳбуд ака, менга университетда ўқиган дарсликларингизни, ёзган конспектларингизни беринг, шеъриятга қизиқаман” деди.

– Нечанчи синфни битирдинг, шеърлар ҳам ёзасанми? – сўрадим ундан.

– Бешинчини, шеър-пер ёзмайман, шунчаки тўқийман, ўзи келаверади. Ахир, шоир ёзувчи эмас-ку, ёзаверса. Шоир шеър тўқийди-да, – деди у дабдурустан.

– Йўқ, Тилаквой, шеър, аввало, ёзилади, қайта-қайта ёзилади, тузатилади. Оғзаки туқиган билан шеър пайдо бўлавермайди, унинг заҳматлари хўп. Шеъриятга қизиққанинг жуда яхши! Шеърый китоблар ўқийсанми? Қайси шоирларнинг китобларни ўқидинг? – сўрадим ундан.

– Дарсликлардаги ҳамма шеърларни ёддан биламан. Мана, кеча Қорақўлдан Миртемир деган шоирнинг мана бу китобчасини сотиб олдим. Жуда зўр ёзар экан. Нега бизларнинг дарсликка киритилмаган, – деди ажабланиб Тилак ва қўлидаги китобчани менга узатди.

– Миртемир домла файласуф шоир. Жуда кўп китоблари чиққан. Лекин шеъриятга чин дилдан ошно бўлиш учун классик шоирлар, ёзувчилар асарларини ҳам ўқиш керак. Навоий, Ғузулий, Рудакий, Бедил, Бобур каби шеърят даҳоларининг китобларини кўнг билан мутолаа қилиш керак. Ғафур Ғулوم, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Чўлпон шеъриятидан ҳам хабардор бўлмоқ, албатта зарур, – дедим унга.

– Сизнинг қишлоққа келишингизни доим кутаман. Мен шоир бўламан. Лекин сиз айтган бу шоир ва ёзувчиларнинг бирорта ҳам китобини ўқиганим йўқ, – деди Тилак ўзига хос бир ҳаяжон билан.

Шеъриятга ошуфта кўнгилнинг бу исёнини ҳис қилиш унчалик қийин эмасди. Чунки дарсликдаги шоир, ёзувчилар ҳаёти ва ижодидан ташқари бошқа бир адабиёт олами ҳам борлигини мактаб ўқувчиси қаердан билсин. Дарсликларда эса замон зайлига монанд асарларгина чоп этиларди ўша пайтларда. Халқ, миллат, унинг тарихи, урф-одатлари, анъаналари, қадриятларини ифода этувчи, кўплаб адибларнинг асарлари дарсликларга киритилмаган эди. Шўро тузуми мафкураси бунга муглақо йўл қўймас, миллий қадриятлар топталган, ҳатто унутила бошланган замонлар эди.

Тилак Жўра шоирлик ҳақиқий қисмат эканини ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетига ўқишга киргач, чуқур тушуна бошлади. Курсдош дўстларимиз Абдулла Шер, Эргаш Муҳаммад, Муҳаммадали Қўшмоқов, Отаёр, Рауф Парфи, Абдужалил Халиловлар билан домло янги ёзган шеърларини ўқир, улардан маслаҳатлар олар, ўз устида тинмай ишларди. Аста-секинлик билан унинг Ватан, инсон туйғулари, ҳаёт ҳақидаги шеърлари тимсолларга, янги-янги ўхшатиш ва метафораларга бойиб борди.

Тилак Жўра 1977 йилда биринчи китоби “Райҳон”ни шеърят ихлосмандлари ҳукмига ҳавола қилди. У тақдирнинг чехрасидаги истеҳзоли табассумни пайқайдиган шоир эди. “Мен не-не бахтли болалар каби Бешикда тебраниб, кўзmunчоқ санаганим йўқ. Мен туғилганда бешиксоз уста Урушдан қайтганди, қўлини қолдириб”, деб ёзарди бир шеърда.

Унинг шеърятида самимият яққол сезилиб туради. Тилак Жўра фавқулудда сунъийликдан қочадиган шоир ва шунинг учун ҳам ҳамиша қалбидан вулқондек отилиб чиққан ҳис-туйғулар жilовини бутунлай бўшатиб қўярди. У инсон табиати ҳамда характерини, қишлоқ ҳаёти, бедазорнинг кўнгилларга ором берувчи хушбўй ҳидини ҳаддан ташқари, яхши ҳис қиларди. У оддий турмуш воқеаларидан умуммиллий ва умуминсоний хулосалар чиқаришга қодир эди.

“Ўзимнинг овозимга” шеърда шоир мустабид тузум исканжасида ҳақиқатни айтолмаётган ўз овозидан нолиб, шундай ёзади: “Майли сени кўтариб юрай, Имон бўлгин бўғзимда бўлгин! Нафрат бўлгин, кўзимда бўлгин, Фақат мени ўзимда бўлгин, Кўп беркинма менинг бағримга!”

Тилак Жўра орзу қилган ўз овози истиқлолимиз шарофати билан кўзлари очилган булоқдек мавжланди.

Бугун шоирлар назмида биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган Буюк Турон фарзандлари эканлигимиз бутун дунёга баралла қуйланмоқда. Катта истеъдод эгаси Тилак Жўра ўзи туғилиб ўсган Пойкент шамоллари каби эркин эпкиниликда адабиётга кириб келди. Унинг “Олам остонаси” (1980), “Юлдузлар табассуми” (1981), “Чорраҳадаги уй” (1983), “Сандувоч” (1988), “Руҳият” (1990) номли шеърӣй китоблари, озор, турк, арман, рус, туркман, француз ва тожик шеърӣятидан қилган таржималари, “Нозим Ҳикмат ва Ўзбекистон”, “Ҳозирги турк шеърӣяти” каби илмӣй асарлари халқимиз меросига айланди.

Тилак Жўрани шахсан билганлар тасдиқлашлари мумкин: Унинг шеърӣятида Инсон шоирдан қўра устунроқ. У ўз даврининг ҳайрон қоладиган даражадаги камтарин одами эди. Ҳар қанча маърифатли ва маънавиятли бўлмасин, унда болаларга хос қандайдир тоза жиҳатлар бор эди. Муҳими, бадиӣй тасвир устаси эди.

Ўйлайманки, бу унсур шеърӣятда ҳамиша устувор бўлиб келган. Демак, гап фақат истеъдод ёки техник маҳоратда эмас, гап фикрий боғлиқликни сақлаб қолишда.

Тилак Жўра ижоди тўғрисида унинг устози забардаст олим, файласуф шоир Ғайбулла ас-Салом шундай ёзиб қолдирган: “Қиёфада куёш акс этганини кўрганмисиз? Шоир Тилак Жўра шеърларида халқ қиёфаси акс этарди.

“Узоқ йиллар, қўп узоқ йиллар алдаб келдим ўзимни ўзим – меники деб қизил гуллар, Меники деб ҳар айтган сўзим. Тўғри, гуллар меники эрур, меникидир ҳар айтган сўзим. Нима қилай, ахир, уларни, Ўзимники бўлмасам ўзим?” – деб ёзади шоир.

“Агар бир ғайри миллат кишиси Сиздан: “Ўзбеклар қандай миллат? Тушунгира оласизми?” деб сўраб қолса, узоқ чайналиб тушунтиргандан қўра, (тушунтириб бўлмайдиган нарсани қандай қилиб тушунтирамиз?),

Тилак Жўра шеърларини ўқиш керак уларга, Тилак Жўра шеърларини ўқиш керак уларга, Тилак Жўра ҳаётини сўзлаб бериш керак. Унинг юриш-туришида, фикрлашида, гапириш оҳангида, қарашида, қулишида, йиғлашида, ҳурак ейишида, бировни суйишида қандайдир соф, бетакрор ўзбеконалик бор эди”, – деб давом эттиради фикрини адиб Ғайбулла ас-Салом.

Шу ўринда зукко олим, файласуф шоир, Тилак Жўранинг илмий раҳбари Ғайбулла Саломовнинг шоир ҳақида битган “Бешта Тилак Жўрани биламан” эссесидан қуйидаги мисраларни келтириш ўринли деб ҳисоблайман.

“... Сиз Тилакжоннинг раҳматлик онасини тириклик чоғида кўрмабсиз, шоирни шоир қилган нарса нима эканлигини билмабсиз. Мен Ашур момони неча марта кўрган бўлсам, ўзимни шунчалик бахтли – омадли деб биламан. Бул зоти пок Миллат тимсоли, Оналик рамзи бўлиб гавдаланарди кўз ўнгимда. Унга суқланиб қарарканман, қалбим завқ-шавққа тўлар, айни чоғда, ажабки, хомуш тортиб қолардим; Шу кетишда юз йилдан кейин Ўзбегимнинг миллий қиёфаси қандай бўларкин, а?

... Кўйингки, ҳамма ёқда дув-дув гап: “Тилак тушмагур Тошкентдан қочиб кетибди, домласи ахтариб юрганмиш...”, “Сайётда яшириниб ётганмиш...”, “Тошканидан тўйдим, қайтиб бормайман, дебди ва ҳоказо. Ёзувчи Неъмат Амин аралашди ҳам бўлмади. Бухоролик шогирдларим Садриддин Салим, Самад Азим, Музаффар Бозор, Беҳбуд Жума, қорақўллик қаламкашлар ҳарчанд далолат қилмасин, муз эримади ...

Ахийри, кўрдимки, аҳвол таҳликали, ўзим поездга тушиб, Қорақўл туманининг Сайёт қишлоғига етиб бордим. Тилак анча юмшади. Қайтиб келишга рози бўлди. Аммо бир кўрпа касал бўлиб ётган онаси Ашур кампир санг-сахт. Сира-сира муросага келмайди.

– Онажон, мен Тилагийизни Тошкентга олиб кетгани келувдим.

Кампир бу гапдан мамнун деб уйласам, авзойи бузилди. Гапимни эшиттиси ҳам келмади.

– А?

Мен кўрқа-писа муддаони яна такрорладим, овозимни баланд кутариб.

– Тилакни бермагийман. Ўзима керак. Қариганимда мана қарийди деб туғиб олганман.

Биз кампир билан гўё бошқа-бошқа тилда сўзлашаётган эдик. Шунча йил инсон қалбини, таржима илмини ўрганибман-у, мана шу муштипаргина кампирга қолганда ғўлдираб, сира тил тополмайман. У десам, бу дейди, бу десам, у дейди... Ялиниб ҳам кўрдим, ора-сира ҳазиллашган ҳам бўлдим, ўзимча унга хушомадлар ҳам қилиб кўрдим. Бари бекор. Наф қилмади. Ўсал бўлдим. Сира бўлавермади, боягидай ўзини гарантсирегандай, овсар қилиб кўрсатади.

– А?...

Тагин (нечанчи маротаба) тушунтирган бўламан. Шеърят, аруз, бармоқ, сарбаст, таржима санъати сирларидан, кафедрамиз ютуқларидан, Тилак бизга жуда кераклигидан баҳс юритамиз.

– Ўзимаям керак... Тошканда нима қилади. Уйи йўқ. Ёниб кеттигий. Қийналди бола. Қишлоқ яхши. Ҳовва.

Э, кошкийди нима яхши-ю, нима ёмонлигини билмасам. Фан тараққиёти, миллий маданиятимиз тараққиёти ҳақида гап боряпти-ку, она тушунтиси келмайди. Мен нукул Тилак Жўранинг зўр шоиру зукко олимлигидан, уни Радий Фиш деган катта арбоб, Абдулла Ориф, Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Йўлдош Эшбеклар, шаҳри Москвадан Вил Рани, Георгий Ашкинадзе, Бокуда бутун дунёга таниқли олимлар Рустам Али, Байрам Хорун ўғли Тоҳирбоевлар астойдил ҳурмат қилишини айтмоқчи

буламан. Ҳатто пошшоликда ҳам уни яхши биладилар дейман. Мана яқинда Московдан илмий ёрлиқ келади, сўнгра ундоқ бўлади, бундоқ бўлади деб лоф ураман. Менинг жаврашларимдан гўё англашиладики, бизнинг тулпор Тилакбойга яқинда Ўзбекистоннинг энг зур шоири деган фахрий унвон беришади. Ниҳоят, жумҳурият мустақиллиги мадҳиясини ёзишда унинг пешрав шоир бўлганлиги, ажабмас, бу хизмати учун бугун-эрта унга... нима десам экан... Ленин ордени тегиб қолса ҳам, ажабмас. Шу ерга келганда, оғзим қизишиб кетиб кераксиз гапларни айтиб юборганлигимни англайман-у, тилимни тишлаб қоламан. Не ажабким, “Ленин ордени” деганимда, кампир бир чўчиб тушди.

– А?! Йўт-эй, айтинг, Тилагима Ленин нишони бермасин. Ҳе, Ленинлари қуриб кетсин отинг ўчқурларни. Ўзимизи Сулаймон Қурбона аввал ўша Ленин нишони бердию, кетидан... турмага солди.!

– Ўша гап. Мулла Тилакни ўзим билан олиб кетаман, – дедим.

– Тилак ўзима керак. Ўлсам кўмади... – дейди онаизор истар-истамас.

Ўх! Гапга тушов топилгандай бўлди.

– Э, онахон, ўзингизни ҳам олиб кетамиз-да у ёққа. Соғбон кўчасидаги Тилаклар турган захкаш, қоронғу, тутдай тўкилган, илалоқибат ёниб кетган бефайз ҳовлича кўз ўнгида гавдаланади шекилли, инграб жавоб қилади.

– Бормагийман Тошканина. Бачагинама шиппаксиз юрадигий. Уйида такча уни йўқ. Ойлиги кам. Энди бир камим ўликларим ўша ёқларда қолиб кетсинми мусофир бўлиб. Ўзивузда яхши қабристон бор. Қишлоқники. Ҳовва.

Бўғиламан. У шоирнинг онаси! Қисқаси баҳс-жанг бизнинг кампиршоҳнинг фойдасига “накаут” билан тугади.

Шоирнинг Бўлдиой деган бир холаси бор. Ниҳоятда оқила, тамизли, мунису меҳрибон аёл. У киши менга

бахузур Тошкентга қайтишим мумкинлигини маслаҳат бердилар.

“Кампирнинг тилини ўзимиз тушунамиз. Хавогир олманг. Кўндирамиз, дедилар. Катта бошингизни кичик қилиб келибсиз, Раҳмат сизга. Бир ҳафтага қолмай укам ёнингизда бўлади...”

Мана, азиз китобхон таниқли адиб Ғайбулла ас-Саломнинг Тилак Жўрага бағишлаб ёзган эссесидан парчани ҳам ўқидингиз. Худди шундай бўлди ҳам. Тилаквой Тошкентга қайтди. “Нозим Ҳикмат ва ўзбек шеърляти” мавзусида номзодлик диссертациясини гумбурлятиб ёқлади.

Диссертация ёқлаш жараёнида қатнашганларнинг эътироф этишлярича, ўзининг тадқиқоти, илмий излянишлярини бадий ижод билан, ижодни мураббийлик билан қўшиб олиб бораётган Тилак Жўранинг инжиқ илмий тадқиқотини ҳам куйлаб ёқлаганини ҳали-ҳануз қувонч билан эслашади. ТошДУ филология факультетининг кўпни кўрган илмий жамоаси биринчи марта шундай ҳимоянинг шоҳиди бўлган. Катта зал шоиру шуарога тўлиб кетган. Ғайбулла ас-Салом юқорида айтиб ўтган мавлоно Радий Фиш ўзляри Масковдан келиб мутасадийлик (оппонектлик) қилганлар. Ҳимоя бемуболоға катта шеърлят байрамига, ўзига ҳос мушоирага айланиб кетган. Ўша кезлар шоир халқи чўнонам яйраганки, бунақаси ҳали бўлмаган.

1994 йилнинг апрель ойи. Тилак Жўра Қорақўл туман касалхонасидан соғайиб чиққан куни она қишлоғида ўзига мучал тўйи қилиб берди. У роппа-роса тўрт мучал умр кўрди. Дўст-ёрлар тўпланишди, кураш мусобақалари бўлди. Вилоят шоирляри, радио-телевидение ходимляри келишди. Шоир ўзи барпо этган боғ рўпарасида шеър ўқиётди, ҳаяжонданми, кўпчиликнинг салобати босдимми,

ёд ўқийётган шеърини унутиб қўйди. Сал каловланиб турдию, қўл силтаб:

– Қолганини нарёқда ўқиймиз, – дея осмонни кўрсатди. Орадан олти кун ўтиб, оламдан кўз юмди.

Шоирнинг бу шеърини тингланг:

Соғиниб яшадим, соғиниб ўларман:

Юрагимни қўлга олмоқни,

Ойдин кечалардан минг бора равшан,

Нурли бир иморат солмоқни.

Ток нартидай сенга тирмашиб,

Қучмоқни соғиниб ўларман.

Муридаги тутундек шошиб,

Тўзмоқни соғиниб ўларман.

Соғиниб ўларман, соғиниб.... бироқ –

Улим мендан жуда ҳам йироқ.

Ҳа, шоир ўлмайди, унинг умри шеърда давом этади, унинг умри “Оҳанглар оғушида қолади” ва бизни ток кафтидай Ватан танасига чирмашиб яшашга, “Олам остонаси – Ўзбекистонни” бутун гўзаллиги билан севишга даъват этади.

Зеро, Тилак Жура ёзганидек: “Оҳанглар оғушида қолажак менинг умрим, Гўзаллик товушида қолажак менинг умрим, Умиримни куйга ўраб, нурга ўраб яратдим, Шу қуёш шуъласида келажак менинг умрим”. Ҳа, Тилак Жура биз билан доимо бирга.

Беҳбуд ЖУМАЕВ,

Ўзбекистон Журналистлари

ижодий уюшмаси аъзоси

ИБРАТЛИ УМР, АРДОҚЛИ ИЖОД СОҲИБИ...

Заҳматкаш шоир, моҳир таржимон Усмон Қўчқор 1953 йилнинг 15 июлида Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилди. Болалиги, ўсмиру ўспиринлиги оғир кечди. Яхшилар меҳридан далда туйган бўлажак шоир билим олишга, ўзлигини англашга интилади. Ўрта мактабни тамомлагач, 1970-1975 йилларда Тошкент Давлат университетида таҳсил олди. Илк иш фаолиятини бошлар экан, 1975-1977 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлади. 1977-1979 йилларда эса ўзи туғилиб-ўстан Шофиркондаги ўрта мактабда ёш авлодга она тили ва адабиётдан сабоқ берди. 1979 йилда яна пойтахтга қайтди. Ўша йили “Ўзбекистон” нашриётида муҳаррир сифатида иш бошлади. 1986-1988 йилларда “Чўлпон” нашриётида, 1988-1991 йилларда “Ёшлик” журналича самарали меҳнат қилди. Қаерда ишламасин камтарлиги, меҳрибонлиги, одабийлиги, жонкуярлиги билан барчанинг ёдида қолди.

Усмон Қўчқорнинг илк шеърый тўплами “Ҳаяжонга қўмилган дунё” номи билан 1982 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилди. Тўплам мустабид тузум даврида нашр қилинган бўлса-да эркни қўмсаб ёзилган шеърлардан ташкил топгани шоирнинг ҳам, нашриётнинг ҳам ютуғи эди. Илк китобдаги “Икром” шеърида озар ва ўзбек туркий халқ экани, озарлар эрка интилаётган экан, ўзбек ҳам ғафлат уйқусидан уйғониши лозимлигини шоир сатрлар ёрдамида уқтиради:



*“Тил” не дедим, “дил” дедим,
“Дил” не дедим, “дил” дедим.
“Маним тилу дилим бир,
Ухлама, гофил”, дедим.¹*

Шеърда мустабид тузумга ошкора қаршилиқ, эътироз ифода этилар экан, шоир Насимий ва Машраб образларини тилга олиб, талмехни юзага келтиради, инсон эркини қатағон қилганлар йўқолиши тайин, аммо эрк деганлар боқийдир деган хулосани илгари суради. Гўруғли, Аваз, айни дамда “Чамбилни енгтанлар бор” деб дағдага қилган девлар образлари ёрдамида образ стилизациясини юзага келтирар экан, Бозиргон Гўруғли саломини Дада Кўркутга элтганини, девларнинг дағдағалари Гўруғлини Дада Кўркутга боғлаганини акс эттириш орқали ўз исёнини ифодалайди:

*Минг йиллик орзулар тирик бу юртда,
Юрак чидаб берар, кўзлар кўнади –
Ҳақиқат эртакка эврилур эрта,
Эртага афсона ҳаққа дўнади.*

“Шоир” шеърида чин шоир умрига тўғри таъриф берилган. Шоирнинг руҳи гоҳо кўқдан ошиб кетса, гоҳо етти қават ерга тенг бўлади. Аксар шоирлар ўз даврида қадрланмай, ўлиmidан сўнг кўкларга кўтарилгани ҳақиқат. Усмон Кўчқор аён ҳақиқатни чиройли тарзда ифодалайди:

¹ Кўчқоров Усмон. Ҳаяжонга кўмилган дунё. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наш., 1982. – Б. 46. (кейинга мисоллар шу китобдан)

*Ҳурмат билан тилга олишар
Утган замон феълида сени.
Учратиб боз ҳайрон қолишар
Келажакнинг йўлида сени.*

Усмон Қўчқор шеъриятида оч қофия ёки қофиясиз сатрлар деярли учрамайди. Баъзи шоирларда қофияга эътибор суст. Аммо Усмон Қўчқор қофияга, айниқса, тўқ қофия бўлишига алоҳида эътибор беради. Аслида тўқ қофияларнинг ўзи ҳақиқий илҳом тўлқинида қизил олмадек уйноқлаб, оқиб келади.

XX асрнинг 2-ярмида Муса Жалилга, унинг “Маобит дафтари”га эътибор қаратмаган шоир кам. Зотан, Муса Жалил ҳақиқий шоир эди ва қисматидаги азобларни шоирга хос жасорат билан енга олди. Усмон Қўчқор “Маобитдаги Муса мактуби” шеъри билан ҳам ўз услуби, ўз олами, ўз овози борлигини айта олди. Шеърда маслак инсон учун муҳим эканлиги, ботир ўзи ярадор бўлса ҳам маслагини ярадор қилмаслиги лозимлиги, тириклик тирикчилик эмаслиги алоҳида таъкидланган. Шоир фикрича, зафар фақат тириклик билан белгиланмайди. Богирларнинг ўлими ҳам зафаркелтириши мумкин. Усмон Қўчқор Муса Жалил ҳаёти мазмунини қуйидаги сатрлар орқали ифодалайди, аслида бу чин инсон умри моҳиятига дахлдор хулосадир. Самандар – оловда ёнмайдиган хилқат. Шоир умри – оловда ёнмас қўшиқ, “бор йўллар тошланган бўлса ҳамки” кураш учун қолган имкон Муса Жалилдир. Бу шеър Муса Жалилга бағишланган шеърлар орасида ўзига хос фалсафаси билан фарқли:

*Мен – ўша имконман, самандар қўшиқ,
Ўлим мазмунидан топдим янгилик.*

*Кесилган умримда заво­л билмас ишқ,
Кесилган умримда муҳри яхшилик...*

Иккинчи жаҳон уруши инсониятга ёвузликнинг мислсиз хужуми ва вақтинча қўли баландлигидир. Бу ҳақда шеър битмаган шоир йўқ. Негаки шоир эзгуликнинг қўриқчиси, демакки, ёвузлик унинг қалбини ларзага солиши, нафрати сатрлар бўлиб тўкилиши тайин. Бу нафратни ҳар ким ўз тафаккури, қалби, руҳияти имкони ёрдамида ифода­лайди. Усмон Қўчқорда ўзига хос, так­рорланмас ифода бор. У Султон Жўра қисмати орқали жангчи қисмати ҳақида фикр­лайди. Жангчи “Ғанимларга бураркан отин, Қайтмайман деб кирмаган жангта”. Усмон Қўчқор жангчи шоир султон жўралар ҳақидаги хулосасини ўз номидан эмас, Ватан номидан келтиради:

*Қўз ёшларим тинди, қақшадим,
Болам, оҳим кўкка ўралар.
Кипригимдан томчи ёш каби
Оқиб тушган
Султон Жўралар.*

Шоир инсон оқибат тупроқ бўлиши ҳақидаги ҳақиқатни сатрларга жо қилади. Умар Хайёмлар айтган фикрни ўзига хос шаклда ифода этар экан, улардан фарқли тарзда инсон бир кун Ватанга пай­васт бўлишини таъкидлаш орқали юрт туйғуси нелигини англа­тади:

*Тирик­лигим ўзинг-ку, зотан,
Ўлимим ҳам сенга аталган.
Мен бетимсол муҳаббат билан
Айлана­ман бир кун Ватанга.*

Шоир асрлардирки айтиб келинаётган ҳақиқатдан кутилмаган хулоса чиқаради. Дарҳақиқат, тупроқни кўзимизга суртар эканмиз, бу тупроққа айланган кимдир эканини ҳаёлимизга келтирмаймиз:

Фурсат қувар, етолмас, дилгир,

Етолмайди Хайём сўзига:

Оқибатда мени ҳам кимдир

Ўпиб-ўпиб суртар кўзига.

Тупроққа эврилган шоир "одамлардан жонсарақ севинч, кўкдан ёмғир кутиб ётади". Бугун бу сатрлар ҳақиқатга айланди.

"Ҳаяжонга кўмилган дунё" тўғламида ёш шоир ижодига баҳо берилар экан, жумладан шундай дейилади: "Усмон табиат ва инсон муносабатларидаги уйғунликни нозик илғай олади; умуман ёш шоирнинг шеърларини ўқир эканмиз, кўз олдимизда табиат ва ҷамият оғушидаги бутунги мураккаб табиатли, курашчан инсон — замондошимиз образи намоён бўлади". Дарҳақиқат, Усмон Кўчқор шеърларида табиат тасвири билан бошланган сатрлардан юрак ва табиат манзаралари уйғунлашиб кетган сатрларга ўтилади. "Сездирмай яшиллик кирар юракка", "Юракка хиромон ҳислар киради" — бу сатрлардаги тасвир табиий. Шоир табиий ҳолатдан ҳаёлот томон ўтади: "Дарахтлар юракка кирар шовуллаб", "Адирлар жимгина киради гуллаб", "Дарёлар аслида денгизни эмас, Бизнинг қалбимизни излаб юради". Шоир табиат ва руҳиятни ўзаро мутаносиб келтираркан, умр ҳақидаги фалсафий хулосасини шеърхон билан ўртоқлашади. Дастлаб баҳорнинг сулув манзараларини кўз ўнгига гавдалантирган шеърхон кутилмаганда умр моҳияти ҳақида ўйлаб қолади. Бунга шоир мажбур қилади:

Ногаҳон баҳорлар солади фарёд,
Дарахтлар бошида шовуллаб турар.
Юлдузлар жимгина тилайди имдод,
Дарёлар юракка ўзини урар.
Охирги нафасда англайди одам,
Энг сунгги ҳикмат ҳам бўй берур охир –
Сезмай юриб севган дунёдан
Сезиб туриб ажрамоқ оғир.

23 ёшида умр моҳиятини шу тахлит англаган шоир ҳозиргача, илк тўпламида айтилганидек, табиат ва инсон бирлигидан ҳаётий хулоса чиқаради. Бу хусусият унинг ижодида етакчилик қилади, китобдан китобга, шеърдан шеърга кўчиб келади. Юқорида биз таҳлилга тортган шеърлари тўплам ҳолида чоп бўлганида шоир ҳали ўттиз ёшга тўлмаган эди.

Шоирнинг иккинчи китоби “Аксиз садолар” 1986 йилда чоп этилган. Тўрт йил давомида шеърларини талабчанлик билан саралаганининг ўзи бутун ёш ижодкорларга сабоқдир. Китобнинг илк шеърида юртимиз табиатининг бетакрор тасвири бор: “Қишдан чиққан қуёш жилмайди, Олам етди ям-яшил бахтга”, “Симга қўнган қалдирғочлардан Симёғоч шод – илдиз отгудай”. Бундай ҳолатни фақат бизнинг юртда кўриш мумкин:

Наврўз дея бугун бонг урган
Ушал удум, қадим забондир.
Баҳор эмас бошингда турган –
Қишдан чиққан Ўзбекистондир.¹

¹ Усмон Қўчқоров. Аксиз садолар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986.
– Б. 3. (Қолган мисоллар шу китобдан).

Усмон Қўчқор шеъриятига хос яна бир жиҳат шуки, шоир ҳар қандай қайғули ҳолатдан ёруғлик излайди, ёмонлик бағридан яхшилик тиллоларини топиб шеърхонига тутади:

*Қуршиган лабида дардлари қотар,
Қум бўлиб кўзига қадалар уйқу.
Арузий мисралар карвондек қатор,
Сарбон матлаъларда шоҳона туйғу.
Одам тимсолида юрган ҳар итдан
Йигитлик ёшида ҳормоқда шоир.
Қочиб кетмаяпти Абусаиддан,
Дунёдан шеър сўраб бормоқда шоир.*

Шоирнинг маҳорати шундаки, Алишер Навоийга хос мутафаккирликни ифодалай олган. Ҳазрат ихрождан нолиётгани йўқ. У карвон сафида йўл юрар экан, арузий мисралар қаторини тизиб кетмоқда. Карвонга матлаълар сарбон. Сарбон шоҳона туйғуга ўранган. Аруз вазнининг туя карвонлари билан боғлиқлиги мисралардаги маъноларни сержило қила олган. Шеър якуни китобхонга улуг бобомиз умрларида улугвор Самарқанд тутган мавқеъни таъкидлаб кўрсата олган:

*Самарқанд! Эй, Шарқда бегуноҳ қондан,
Шеърят, фикратдан тикланган маъво.
Пешвоз чиқ ўзлингга саҳро томондан,
Ҳиротда шоирга етмади ҳаво.*

“Акссиз садолар” китобида шоир ижодига тавсиф берилар экан, шундай дейилади: “Усмон ўз шеърларида тарихдан тимсоллар ахтаради”. Шоир ижодига хос жиҳатлардан яна бири айнан шу: тарихга мурожаат қилиш

орқали халқ дардларини ифода эта олиш, бу дардлардан маърифий сабоқ чиқара билиш. Унинг “Бухоро триптихи”, “Амударё”, “Бухоронинг акссиз садолари”, “Тарих” каби шеърлари фикримизни далиллайди.

1987 йилда чоп этилган “Уйқудаги минора” тўпламига ниҳоят адабиётшуносларимиздан Н.Жумаев тақриз ёзди. Тақриз “Уйқудаги ботирдир – минор” номи билан 1988 йилда “Шарқ юлдузи” журналининг 6-сонига чоп этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адабиётшунослигимиз ижоди эътирофга ҳар жиҳатдан арзигулик бўлган қатор шоирлар, жумладан, истеъдодли шоир Усмон Қўчқор шеърляти ҳақида ҳам ёзишга қарздордир. Бугун устоз бўлиб улгурган шоирлар ижодига етарли эътибор беролмаётган адабиётшунослик шу тахлит ўтирса, келажак шеърят олдида гуноҳкор бўлиб қолади, наздимизда.

Усмон Қўчқорнинг шеърий тўплamlаридан салмоқлиси “Оғир қарвон” дир.

Китобда бармоқ, эркин ва аруз вазнида битилган шеърлар берилганки, бу ҳол шоир уч вазнда ҳам ижод қила олишини, унинг кайфияти, илҳом шиддати қайси вазнни кўтарса ўша вазндаги шеър дунёга келганини кўрсатади:

*Нетай, дунёга келдим мен, бу таширфдан нетар дунё,
Севинчимга, ўкинчимга, не ҳам қилсин, чидар дунё.
Бу дунёнинг фигонига охир бир кун етолмасман,
Менинг оҳу фигонимга охир бир кун етар дунё.¹*

Тўғри, ғазал ўзбек арузида энг кўп қўлланадиган вазн – ҳазажи мусаммани солимда битилган. Аммо вазнда сакталиқ йўқ. Оҳанг тўқ, айна дамда, қисқа чўзиқ ҳижола мутаносиблигида бирор бир ноўхпашлик учрамайди. Шоир арузда шеър битар экан, ғазал, мухаммас жанридан

¹ Усмон Қўчқор. Оғир қарвон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 9.

фойдаланади. У аруз ва эркин вазндан ўринли фойдаланса-да, ижодида бармоқ вазни етакчилик қилади. “Оғир карвон” номли китобида “Ўлмиш”, “Дунё” радиофиғзали, Рауф Парфи ғазалига мухаммаси бор. Китобда “Қувғин” достони ҳам берилган бўлиб, бу достон инсон ватан билан қадрлидир деган аён ҳақиқатнинг иккинчи томонини китобхонга ёрқин намоён қилди: ватан инсон сабаб қадрлидир. Достонни ўқиган юрак сел бўлиши, урушни лаънатлаши, иккинчи жаҳон урушида маскан излаб келган жабрдийдаларга Ватан бўлган она Ўзбекистони билан фахрланиши, истиқлолимизга шукрона айтиши тайин:

*Ўзбекистон, жафокаш юртим,
Рангинг бунча сўлгин, саригдир.
Уруш-да бу, нима ҳам дердим,
Лекин мангу юзинг ёруздир.*

Ҳа, уруш йилларида ўзбекнинг имони бутлигини дунё билди. Шоир ана шундай ҳақиқатни китобхонига ўқтира олди. У инсоният дарди ўзбекнинг ҳам дарди эканлигини дилидан отилиб, қоврилиб чиққан сатрлари билан исботлади. Достон “Дунёдаги Ватанидан қувилган, қувилаётган ва қувиладиган барча жабрдийдаларга бағишлангани” билан аҳамиятлидир. У бежизга Чўлпон номидаги мукофотга лойиқ деб топилган эмас. Шоирнинг ўзга бир халққа дардкашлиги унинг эрксевар қалбидан далолат эди. Айнан шундай табиати, озар халқига меҳри кейинчалик шу халқ асарларини ўзбекчага ўгиришга сабаб бўлди. Усмон Қўчқор озарнинг машҳур адиби Юсуф Самадўглининг “Қатл куни” романини маҳорат билан таржима қилар экан, икки жиҳатдан самарага эришди. Аввало, ўзбек китобхонини дунё романчилигининг гузал

намунаси билан, қолаверса, ўзбек романнависларини қардош халқ романчилиги ютуқлари билан таништирди. Усмон Қўчқор юрак қўрини қўшиб, озарнинг мумтоз шоири Насимий шеърларини таржима қилди. Озар шеърятининг бугунки вакили Ҳидоят Усмон Қўчқор сабаб ўзбекча шеърлар айтди. Моҳир таржимон таржималарнинг аслияти қадрига қадр қўшдики, асло сусайтормади. Бу унинг шоирлик иқтидори билан бир қаторда кенг ва чуқур билимидан дарак беради. У таржимон, журналист сифатида ҳам самарали ижод қилди. Шарқ ва Ғарб адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига ағдариб, таржимачилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшди. Шоир “Ўзбекистон”, “Чулпон”, “Маънавият” нашриётларида чоп этилган китоблар нашри камчиликсиз бўлиши учун жонини фидо қилиб ишлади. Қатор йиллар “Ёшлик” журнали сифати учун жонбозлик кўрсатган бўлса, “Жаҳон адабиёти” нашрида ҳам масъулиятни ҳис қилиб иштирок этди.

“Чамангул”, “Широқ” каби шеърый китоблари нашр этилди. “Имом Бухорий” шеърый драмаси якунига етди.. Ҳусайн Жовиднинг “Амир Темур” ва “Шайх Санъон” драмаларини, Анорнинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романларини, Андерсен эртақларини ўзбек тилига таржима қилган етук шоир, моҳир таржимон, ардоқли журналист ва ношир Усмон Қўчқор ҳатто халққа ҳам сездирмай 60га кирди. Устознинг ўта камтарлиги, сокинлиги, шуҳратдан қочиши бунга сабаб эди. Шоирни мукофотлар, шон-шуҳрат қизиқтирмади. Икки ўғлини тупроққа топширган шоир ғами билан ҳеч кимни ошно қилмади. Шахсий дардларини ҳатто севимли қаламига ҳам айтмади. Жуда иродали, ўта андешали, шукронани билгувчи, имонли шоир эди. Бу ҳақда кейинги йилларда ёзган шеърда шундай ёзди:

*Биз шунчаки сайрга келдик,
Майлимизни тортди
Замин бекати.
Бир дуойи хайрга келдик,
Савоби ҳаммага тегади.*

Унинг камтарона кулбаси Бухорои шарифдан борган ҳар бир инсонга қўналға, ўзи дард айтиб борганга дардкаш эди. Қўнглидага дардини ҳеч кимга билдирмай, меҳмонга жонини нисор этарди. Турли тоифалар сероб пойтахтда хокисор яшаб ўтган шоир 60 ёшни қаршилар экан, шундай жавоб айтди:

*Тўзғиб кетган бўлса, айб этманг
Фақирнинг жўн бошмоқларини.
Фақат сўзлаб – бизни чалғитманг –
Ернинг ёлгон-яшмоқларини.
Тиланмаймиз ниёз аттордан,
Сўрмаймиз ҳаловат буржини.
Чўчимай мизриёзатлардан,
Елкада – маломат хуржуни.
Кел, бу айшни қўрайлик баҳам,
Дея қўйманг бизга қил тузоқ.
Ҳали бошқа дунёларга ҳам
Боришимиз керак...
Йўл узоқ...*

Афсуски, шоирга бошқа дунёларнинг манзили кўп узоқлик қилмади. Шунча ирода, шунча руҳий бепоён олам билан шоир шу йилнинг 21 сентябрида тўсатдан вафот этди. 64 ёшли шоирни дўсти, устози Рауф Парфи билан ёнма-ён қўйишди. Чўлпон номидаги мукофот соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,

Бухорода туғилган ва ўзбекнинг севимли шоирига айланган Усмон Қўчқор ижоди гуллаб-яшнаган паллада бизни тарк этди. Унинг қалами яна ҳам шижоатли, яна ҳам сеҳрли бўлиб, шоирни, таржимонни ижодга чорлаётган эди. Орзулари осмон шоир эди Усмон ака...

Унинг фарзандларини, шогирдларини, дўстларини, мухлисларини бир ўй юпатади: етук шоир, моҳир таржимон, ардоқли журналист, имонли инсондан бой адабий мерос, ибратли ҳаёт йўли мерос қолди. Унинг яратиклари – асарлари ёшларни тарбиялашда ҳамиша камарбастадир.

Лайло ШАРИПОВА,

**БухДУ доценти,
филология фанлари номзоди**

МУНДАРИЖА

Абдуқобил Тўлаганов. Муқаддас хотира	3
Самад Азимов. Соҳилсиз уммон фазли	6
Шодмон Сулаймонов. Фиграт даҳосининг ўлмас навоси	19
Лайло Шарипова. Файзли ижод соҳиби	24
Башорат Жамилова. Болаликни куйлаган шоир	38
Олима Мирзаева. Тил илми ва таълимининг фидойиси	54
Шоира Ахмедова. Ҳалолликка топинган устоз	63
Лайло Шарипова. Шоир, олим, журналист ва жамоат арбоби	76
Шодмон Сулаймонов. Аҳад Ҳасан сабоқлари	85
Дармоной Ўраева. Мавлоно Хиромийни кашф этган олим	90
Шоира Ахмедова. Ҳажвнавис устоз	97
Башорат Жамилова, Ҳамида Нусратова. Сафар Барноев мактаби	100
Дармоной Ўраева. Фольклоршунос олим ибрати	118
Дармоной Ўраева. Юксак маънавиятли ва фидойи инсон	141
Башорат Жамилова. Тарих ва тақдирни талқин этган адиб	148
Дармоной Ўраева. Навоий қалби-ла яшаган инсон	157
Самад Азимов. Оташнафас шоир	164
Самад Азимов. Содиқликнинг ўчмас наволари	174
Бехбуд Жумаев. Оҳанглар оғушида қолган умр	187
Лайло Шарипова. Ибратли умр, ардоқли ижод соҳиби ...	199

СИЗ ДОИМО ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

2-китоб

**Лойиҳа раҳбари ва ғоя муаллифи
Юсуф Қурбонов**

Муҳаррир:

Ш.Сулаймонов

Техник муҳаррир:

З.Қурбонова

Мусахҳих:

А.Қаландаров

Саҳифаловчи:

М.Ортиқова

Нашриёт лицензияси АИ № 178. 08.12.2010. Оригинал

– макетдан босишга рухсат этилди: 20.04.2018.

Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. «Palatino Linotype»

гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет босма

қоғози. Босма тобоғи 13,2. Адади 1000. Буюртма №77.

Бухоро вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси

“Durdona” нашриёти: Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“Sadriiddin Salim Buxoriy” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси 11-уй. Тел.: 0(365) 221-26-45

Азиз китобхон!

“Сиз доимо қалбимиздасиз” рукни остидаги илк китоб билан танишиб чиқдингиз. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатни давом эттириб, ушбу сериядаги китобларни тайёрлаш истагидамиз. Сиз унда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронтида жасорат кўрсатган ватандошларимиз ҳақидаги лавҳалар билан танишасиз. Мазкур китобда яна кимлар ҳақидаги хотираларни ўқишни истар эдингиз? ўзингиз билган, таниган, Ватанга муносиб хизмат қилган инсонлар ҳақидаги маълумотларни қуйидаги манзилга билдиришингизни сўраймиз:

Манзилимиз: Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 168-уй.

Бухоро “Хотира” маркази.



ISBN 978-9943-5183-2-2



9 789943 518322